

Ҳ. Дўсматов

# Аққоғ

**МАТНИ**

**ЛИНГВОСТИЛИСТИКАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРФОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ҳикматулло ДҮСМАТОВ**

# АСКИЯ МАТНИ ЛИНГВОСТИЛИСТИКАСИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
ТОШКЕНТ–2015

УЎК 82.085(575.1)

КБК 83.7(Ў)

Д99

Ушбу монография ўзбек халқи тафаккури, дунёқараши, ижтимоий муносабатларини ўзида ифодалаган маънавий хазинаси – бутунжаҳон номоддий маданий мероси ҳисобланган аския сўз санъатини ўрганишга, уни илмий таҳлил этишга қаратилган ўзбек тилшунослигидаги илк асар ҳисобланади. Унда аския матни лингвостилистикаси, ўзбекона сўз ўйинларининг усул ва воситалари ёритилади, ўзбек сўз санъатининг лингвистик табиати ҳамда аскиячилар нутқининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилади. Бу жиҳатдан монография ўзбек тилшунослиги, матншунослиги, услубшунослик, прагмалингвистика, нутқ маданияти ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижоди фанларининг маълум бир бўшлиқларини тўлдиришга хизмат қилади.

Ундан тил ва адабиёт илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, олий ўқув юрти талабалари, она тили ва адабиёти ҳамда санъатшунослик фани ўқитувчилари, умуман, аскиячи, қизиқчи, санъаткор ва шу соҳага қизиқувчи кишилар фойдаланишлари мумкин.

The monograph is the first attempt to research and do the scientific analysis of the recognized as an intangible cultural heritage of humanity askiya art – aesthetic treasure, which expresses mentality, world view and social relations of Uzbek people. The work investigates the linguo-stylistics of the askiya text, methods and techniques of Uzbek witty plays on words, the linguistic characteristics of Uzbek verbal art and peculiarities of askiya masters' style of speech. In this regard the monograph will contribute to the fields of Uzbek linguistics, textology, stylistics, pragma-linguistics, culture of speech and Uzbek verbal folk art.

The work can be used by the Uzbek language and literature researchers, students of higher educational institutions, teachers of the Uzbek language and literature and teachers of art, as well as by askiya performers, jokers and all those who are interested in the sphere.

Ма с ъ ул му ҳ а р р и р:

филология фанлари доктори, профессор **А.Мамажонов**

Та қ р и з ч и л а р:

филология фанлари доктори, профессор **М.Ҳакимов**

филология фанлари доктори, профессор **Д.Набиева**

филология фанлари доктори, профессор **Ш.Искандарова**

ISBN 978-9943-19-357-4

© Ҳикматулло Дўсматов, 2015 й.  
© ЎзР ФА “Фан” нашриёти, 2015 й.

## КИРИШ

Мустақиллик, умуман, халқ қадриятларига, хусусан, халқ оғзаки ижодига бўлган муносабатда кескин ижобий ўзгариш ясади. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асаридаги “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб аталган бўлимида: “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади”, – дейилган. “Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик” – деб белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган тўрт негизнинг ҳар бири ё бевосита, ё бавосита халқ оғзаки ижоди, аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий бойлигини эъзозлаш, миллатимиз ғурурини ҳимоя қилишдек олий туйғулар билан боғланади. Ҳақиқатан ҳам, умуминсоний қадриятларга содиқлик, аввало, миллий қадриятларга садоқат мезони билан ўлчанади. Зеро, ўз қадрини билмаган фарзанд ўзганинг қадрига етмайди. Халқимиз оғзаки ижодидаги асарларда эса айнан ана шу ғоя ўз ифодасини топган бўлади.

Бугунги кунга қадар ўзбек тилшунослигида жуда кўплаб масалалар атрофлича, чуқур таҳлил қилинган ва ҳозир ҳам уларни ўрганиш давом этмоқда. Хусусан, кейинги йилларда стилистика масалалари<sup>2</sup>, бадиий ва сўзлашув нутқи

<sup>1</sup> И с л о м К а р и м о в. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

<sup>2</sup> Ш о м а к с у д о в А. Ўзбек тили стилистикаси. I–II қисмлар. Тошкент, 1974; Қўнгуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. Самарқанд. 1975; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари.

стилистикаси<sup>3</sup>, нутқ маданияти<sup>4</sup> ҳамда прагмалингвистика масалаларига алоқадор бир қанча илмий ишлар<sup>5</sup> юзага келди. Шунингдек, услубий воситаларни махсус тадқиқ этишга бағишланган айрим тадқиқотлар<sup>6</sup> қаторида сатира ва юмор масалаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги<sup>7</sup> диққатга сазовор. Бироқ рус

Тошкент: Фан, 1977; Шомаксудов А., Расулов И., Қўнгуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983; Халилова М. Ўзбек тили стилистикаси асослари. Фарғона, Фарғона наприёти, 2011.

<sup>3</sup> Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. Тошкент: Фан, 1975; Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Тошкент: Фан, 1982; Дониёров Х., Йўлдошева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. Ташкент: Фан, 1979; Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. Самарканд, 1982; Умрқулов Б. Лексические особенности современной поэтической речи: Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1983; Шамсиддинов Х. Термины в художественной речи: Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1984; Бакиева Г. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дис... д-ра филол. наук. Ташкент, 1993; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. док. дисс... автореф. Тошкент, 1993.

<sup>4</sup> Ибрагимов С. Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент: 1973; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. Тошкент: Фан, 1984; Қўнгуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубий асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Мусоев А. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап булаклари тартиби. Филол. фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 2000.

<sup>5</sup> Ҳакимов М. Ўзбек миллий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс... Тошкент, 1994; Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз. дисс... Тошкент, 1994; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. Самарканд, 1994; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент, 2008; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент: Академнашр, 2013.

<sup>6</sup> Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. Фарғона: Фарғона, 1996; Қўнгуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент, 1977; Миртожиёв М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент: Фан, 1975; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. Тошкент: Фан, 1983.

<sup>7</sup> Раззоков Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). Тошкент: Фан, 1965; Муҳаммадиев Р. (тўловчи) Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Кўп жилдлик: Аския. Тошкент, 1970; Миртожиёв М., Тоиров З. Ирония ва унга ёндош ҳодисалар. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. Тошкент, 1975; Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нутқида кулгу кўзгатувчи лисоний воситалар. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент 1997; Ибраги-

тилшунослигида етарлича ўрганилган сўз ўйинлари (ыгра словь, каламбур)<sup>8</sup> ўзбек тилшунослигида ҳали-ҳамон ўрганилмаганлиги, айниқса, ўзбек миллий жанри, сўз санъати гултожи ҳисобланган аскияни ўрганишга доир айрим ишлар мавжуд бўлишига қарамай, аския матнларини лингвостилистика ва лингвистик прагматиканинг тадқиқот объекти сифатида ўрганиш эътибордан четда қолиб бораётганлигини таъкидлаш зарур.

Буюк немис тилшуноси В.Гумбольдт ҳар бир тилда тил эгаларининг дунёқараши акс этиши, халқ руҳи ва тили ўртасидаги муносабат ўзаро зич боғланганлиги, уларни айро тасаввур қилиб бўлмаслигини, тил халқнинг руҳи,

м о в а Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалаш усул ва воситалари. Филол. фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 2001.

\* Б о л д а р е в а Е. Ф. Языковая игра как форма выражения эмоций. Автореф. дисс... канд. филол. наук. Волгоград: гос. пед. ун-т, 2002 г.; Г р и н д и н а Т. Я. Языковая игра: стереотипы и творчества. Екатеринбург: Из-во Уральского ГПИ, 1996 г. 215 с.; К о н о в а л о в а О. Ю. Лингвостилистические особенности игры слов в современном ангийском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. М.: Изд-во МГУ, 2001 г. 22 с.; Р о з а н о в а Н. И. Языковая игра // Русская разговорная речь: Фонетика, морфология, лексика, жест / Отв. ред. Е. А. Земская. М.: Наука, 1983 г. С. 172–207.; С а н н и к о в В. З. Русский каламбур: 1200 каламбуров, старых и современных: Антология. Tenaflu (NV): Hermitage, 1995 г. 201 с.; С а н н и к о в В. З. Русский язык в зеркале языковой игры. М.: Языки славян, культуры, 2002 г. 547 с.; С а н н и к о в В. З. Каламбур как семантический фономен // Вопросы языкознания. 1995. №3. С. 36–69.; С о л г а н и к Г. Я. Стилистика текста. М.: Флинта: Наука, 2003 г. 253 с.; Т е р е щ е н к о в а А. А. Лингвосомиотическая природа каламбур // Стилистический анализ художественного текста: Межвуз. Сб. Науч. Тр. / Редкое.: Л.И.Никольская и др. Смоленск: Изд-во СГПИ, 1988 г. С. 87–97.; Т р и п о л ь с к а я Т. А. Эмотивно-оценочный дискурс: когнитивные и прагматические аспекты. Новосибирск: Изд-во НГПУ, 1999 г. 165 с.; Ш а ш у р и н а Е. Ю. Особенности функционирования игры слов в разных видах текстов // сб. науч. Трудов МПИИЯ им. М.Гореза. Вып.29. “Коммуникативные единицы и система языка”. М.: Изд-во МПИИЯ, 1986. С. 133–144.; Ш е й г а л С. И. Семантика политического дискурса. М.: Гнозис, 2000 г. 324 с.; Я к и л и н к о Н. В. Каламбур как лингвостилистический приём в английском языке и пути воссоздания в переводе – Автореф. дисс... канд. филол. наук. Киев, 1984 г. 26 с.; Игра слов в политическом дискурсе. Лохова, Светлана Константиновна. Авт. канд. наук. Москва, 2007; В о р о н и ч е в О. Е. Каламбур как фономен русской экспрессивной речи. Авт. док. филол. наук. Москва, 2014.; Б а р а н о в К. С. Языковая игра в немецкоязычных рекламных текстах Авт. канд. филол. наук. Москва, 2011. С.26.

халқнинг руҳи эса унинг тили эканини, тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг хилма-хиллиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижаси эканини таъкидлайди<sup>9</sup>.

Шу маънода халқимиз орасида ўзаро алоқа аралашувда, кундалик ҳаётда, ўтиришларда, тўй-томошаларда, турли сайл ва байрамларда асрлар давомида ижро этиб келинаётган, ўзбек халқининг миллий ментал хусусиятларини ҳамда тилининг ўзига хослигини ўзида ҳар томонлама намоён этувчи миллий сўз санъати – аския матнининг лингвостилистик тадқиқини кенг кўламда олиб бориш, сўз ўйинларини ўзбек тили материаллари асосида махсус ўрганиш тилшунослик, адабиётшунослик ва бошқа бир қатор фанлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, букаби ўзбекмиллий сўз санъатини оммалаштириш ҳамда уни атрофлича ўрганиш ишлари мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида ҳам алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Шу асосда юртимиздаги тарихий обидалар, номоддий маданий меросни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, илм-фан ва санъатни ривожлантириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Дастлаб “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли қарори билан тасдиқланган 2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури ҳамда 2011 йил 23 февралдаги “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари соҳа

<sup>9</sup> Қаранг: Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. М., 1984. С. 50–54.

истикболида янги уфқларни очиб берди. Юқоридаги дастурда “Номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш” асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб қуйилганлиги мутахассислар олдига аскияни илмий жиҳатдан ўрганиш, унинг ўзига хослигини ёритиш ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ матнининг ифода имкониятларини ҳар томонлама очиб бериш вазифасини қўйди. Шу тариқа мамлакатимизда “халқ оғзаки ижоди”, “осори-атиқалар”, “маънавий мерос”, “маданий бойликлар”, “номоддий маданий мерос” маънавиятнинг асосий мезонига айлантирилди<sup>10</sup>.

Бугунги кунда Марғилонда Мамасидиқ Шераев раҳбарлигида, Қўқонда Ақромжон Анваров бошчилигида, Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида Муҳиддин Султонов, Наманган вилоятининг Норин туманида Ғофуржон Мирзаев раҳбарлигида аскиячилик мактаблари фаолият юритмоқда. Шулардан Неъматжон Тошматов “Шухрат” медали, Абдулхай Махсум Қозоқов, Ғулломжон Рўзибоев, Хотамжон Ҳакимжоновлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳасанбой Султонов, Рустам Ҳамроқулов, Жўраҳон Пўлатов, Мамасидиқ Шераевлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланганлар.

Аскиянинг халқаро умумэътироф этилганлиги, яъни 2014 йил 27 ноябрь куни ЮНЕСКО бош қароргоҳида ўтказилган Номоддий маданий мерос қўмитасининг 9-сессиясида аския инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилганлиги<sup>11</sup> ҳам мазкур сўз санъатининг нафақат Ўзбекистонда ўрганилишига туртки бўлди, балки ушбу воқеа бутун дунё интернет сайтлари<sup>12</sup> орқали хорижий

<sup>10</sup> Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent: Ma'naviyat, 2008.

<sup>11</sup> [HTTP://WWW.UNESCO.ORG/](http://www.unesco.org/)

<sup>12</sup> <https://twitter.com/>; [www.youtube.com](http://www.youtube.com/); <http://www.facebook.com/>; [www.thefreelibrary.com/](http://www.thefreelibrary.com/); [www.eng.24.kg/](http://www.eng.24.kg/); [www.doovi.com/](http://www.doovi.com/); <https://preservation-journey.wordpress.com/>; [www.pronaruto.ru/](http://www.pronaruto.ru/); [www.tchcap.org/](http://www.tchcap.org/); [www.interna-](http://www.interna-)



мамлакатлар мутахассисларининг аскияга нисбатан қизиқишини оширди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон илмий жамоатчилиги олдида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан бири – “маънавий меросни қайта тиклаш, маданий меросимизга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш...”<sup>13</sup>, “маънавий меросимизни мустақамлаш ва ривожлантириш”<sup>14</sup>, “номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш”<sup>15</sup>дан иборат бўлиб қолди.

---

[tionalhand.org/](http://tionalhand.org/); [www.interfax.ru/world/409951](http://www.interfax.ru/world/409951); [www.cyark.org/Ancient-Merv](http://www.cyark.org/Ancient-Merv); [www.news.tj](http://www.news.tj); [www.youtube.com/](http://www.youtube.com/); [www.thefreelibrary.com/](http://www.thefreelibrary.com/); [www.unesco.kz/new/ru/unesco/news/2912](http://www.unesco.kz/new/ru/unesco/news/2912);

<sup>13</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 20-бет.

<sup>14</sup> Каримов И. А. Курсатилган асар, 65-бет.

<sup>15</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарорига 1-ИЛОВА. 2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури. 2-боб. 4–13-бандлар.

# Аския. Унинг тарихий такомили ҳамда ўрганилиши

1.1. Аския ва  
унинг ўзига хос  
хусусиятлари

1.2. Аскиянинг  
тарихий такомили ва  
ўрганилиши

1-БОБ

# 1-БОБ. АСКИЯ. УНИНГ ТАРИХИЙ ТАКОМИЛИ ХАМДА ЎРГАНИЛИШИ

## 1.1. Аския ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Асрлар давомида халқимиз заковатини ўзида намоён этиб келаётган ўзбек миллий сўз санъати – аския ўзбекларнинг “дунёда борлигини кўрсатадиган оинаи жаҳони” ҳисобланади.

“Зеро, “Эллик тўрт қиротли “Терешкова” бриллиантидай ҳар қиррасида етти ранг офтоб товланиб турган халқимиз ижоди энига, бўйига, юксаклигига, чўнқирлигига, ўнгига, чапига унча-мунча кишининг зеҳни етмайдиган даражада бойдир”<sup>16</sup>.

Кулги қўзғатувчи сўз ва қочиришлар, ҳозиржавоблик ва закийликни намоён этувчи диалогик ёки полилогик баҳс, сўз ўйинлари ва ҳазил-мутойибага асосланган ҳамда юз йиллар мобайнида ҳаётий тажрибалар негизида яратилган аския ва пайровлар кенг халқ оммасининг ҳаёти, меҳнат ва кураши, ўзаро муносабатлари, этик ва эстетик ҳамда фалсафий қарашларини акс эттирувчи энг оммавий жанр ҳисобланади. Сатира-юмор асосига қурилган аския инсон тафаккурининг ҳозиржавоблиги, зеҳни ўткирлиги, ақл-идрок ва донолигини билдиради, унинг негизида сўз ўйинлари, қочириқлар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади. Аския фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъати ҳамдир<sup>17</sup>. Шу жиҳатдан аския фақат халқимизгагина

<sup>16</sup> Ғ у л о м. Танланган асарлар. Тошкент, 2012.

<sup>17</sup> Ўзбек халқ ижоди. Куп жилдлик. Аския (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Р. Муҳаммадиев). Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 5-бет.

хослиги билан ажралиб туради. У тўй-йиғинларда, чойхоналарда, сайлларда икки томоннинг сўзамоллик беллашуви сифатида шаклланиб келган.

“Аския” аслида арабча сўз бўлиб, Муҳаммад Гиёсиддин ибн Жалолиддин тузган луғатда (Навал Кушур нашри, Лақаҳнав, 1889 й., 24-б.) “азкиё” деб ёзилган ва пок зеҳнли, тиниқ зеҳнга эга деган таъриф берилган.)

“Аския” сўзи, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да белгиланганидек, “зийрак, ақлли, зеҳнли, қобилиятли” маъноларини ифодаловчи закий сўзининг кўплик шакли (азкиё)дир. Азкиё сўзи эса даврлар ўтиши билан фонетик жиҳатдан ўзгариб, аския кўринишига келган. Ўз асл маъносини (зийраклар, закийлар) мумтоз адабиётимизда сақлаган ҳолда, ҳозирги ўзбек тилида миллий оғзаки ижод жанри номи сифатида қўлланмоқда: Аския – ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, қочириқларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. Аския, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади<sup>18</sup>.

**Закий, закийтабъ, зукко, зако, заковат** каби сўзлар ақлли, зеҳнли, зийрак, фаросатли, нур сочувчи, ақли дониш, нозик табиат, қобилият, истеъдод, салоҳият, лаёқат, талант маъноларни ифодалайди<sup>19</sup>.

Аския ва пайров бадиий ижоднинг қайси тур ва жанрига мансуб эканлиги мунозарали. Аскияни ўрганган олим Р.Муҳаммадиев ҳам буни дадил кўрсатиб бермайди. Ҳақиқатдан ҳам, аския қадим ўзбек томоша санъатининг алоҳида бир шакли, ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос характер, хусусиятларига эга бўлган сатира, юморга оид жанрдир. У ўз табиати билан бошқа тур ва жанрлардан фарқ қилади.

Аския-пайровлар лирик-драматик тур элементларини ўзида мужассамлаштирган, адабий ижоднинг ҳамма тур ва жанрларига баробар иштирок эта оладиган жанр бўлиб,

<sup>18</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 106-бет.

<sup>19</sup> “Гиёс ул-луғат”, 334–373-бетлар.

халқ оғзаки ижодининг эпик турига хос сатира, юморга юқин туради<sup>20</sup>.

﴿Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон водийсида суҳанпардозларнинг тортишувлари “аксия” деб ҳам юритилади.﴾ Аския дегани – бу тескари гапириб ёки “рақиб”ининг ақлий “хужуми”ни ҳозиржавоблик билан қайтариб, ўзи “хужум”га ўтиш демакдир. “Аскиями”, “аксиями” – иккала ҳолда ҳам икки ёки ундан зиёд киши ёки гуруҳнинг халқ йиғинлари (сайл, тўй), меҳмонхона ва чойхоналарда маълум мавзу бўйича бадиий сўз ўйини кўринишидаги тортишуви ҳисобланади<sup>21</sup>.﴾

Ҳар бир халқда ҳам ҳазил-мутойиба, айтишув, аския бор. Лекин ўзбек аскияси бошқа халқларнинг оддий ҳазил-мутойибасидан тубдан фарқ қилади: аския санъат даражасига кўтарила олган ва тан олинган.

Аския жаҳондаги биронта халқ оғзаки ижодида учрамайдиган, сўздан сўз ҳосил қилиш, сўз жилосидан тўлиқ фойдаланиш, сўз ўйинига асосланган жанрдир. Бошқа халқларда бу жанрнинг учрамаслигини эса, асосан, ўзбек тилининг ифода имкониятлари бойлиги ҳамда халқимизнинг мутойибага мойил менталитети билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, мақол, топишмоқ, эртак, қўшиқ, дoston жанрлари жаҳон халқлари ижодида айнан ёки бир оз ўзгарган ҳолда учрайди, аммо олимлар шу кунгача аскиянинг бошқа халқларда мавжудлигини аниқламаганлар. Тўғри, баъзан латифаларда аскияга ўхшаш вазиятлар учраши мумкин (*пешка ходит е 2-е 4; он ходит едва, едва – шахмат ўйинидаги энг кичик сипоҳ е 2 хонасидан е 4 га юради, биз назарда тутган одам эса зўрға-зўрға юради*). Аммо муайян хусусиятларга эга алоҳида жанр сифатида учрамайди<sup>22</sup>. Шу сабаб тилимиз бой. Ҳеч бир бошқа тилда бўлмаган шаклдош сўзлар санъати туюқ

<sup>20</sup> Р а з з о қ о в Х. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). Тошкент: Фан, 1965. 116–117-бетлар.

<sup>21</sup> Қ о д и р о в М. Ўзбек халқ томоша санъати. Тошкент: Ўқитувчи, 1981. 105-бет.

<sup>22</sup> Ўзбек халқ оғзаки ижоди. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar>

ўзбек тилида бор. Ҳеч бир халқда йўқ аския, сўз ўйини бизда мавжуд<sup>23</sup>.

В.Г.Белинский тўғри таъкидлаганидек: “Халқнинг фикрлаш ва ҳис этиш тарзида ҳам миллий хусусият намоён бўлиши керак”. Шу боис, айтиш мумкинки, аския ўзбек тилининг бетакрорлиги, жозибадорлиги ва ифода имкониятларини намоён этувчи, тилимизнинг ва халқимизнинг табиатан сўз ўйинига мойил менталитетини акс эттирувчи нутқ кўриниши ёки миллий тил механизмидир.

Аскиячиликда ҳажвнинг бадиҳагўйлик асосида кўпчилик иштирокида ва мусобақа кўринишида жонли ташкил этилиши ҳам миллий ўзига хослик касб этади. У жуда катта ҳаётий тажриба, билим ва ижодкорликни, фаросат, алқ-идрок, зийраклик билан фаҳмлаш, саволларга ўринли, муносиб жавоб беришни талаб қиладиган Сўзамоллик беллашувидир<sup>24</sup>.

«Сўзамоллик ва қочириқларга мойиллик ўзбек халқига хослиги ҳақида Л.Бать “Унутилмас учрашувлар” китобида шундай ёзади: “Ўзбек поэзияси ҳикматли маъноларга бойлиги, яширин фикр сеҳри билан ажралиб туради. Сўзамоллик ўзбекларга хос хусусиятлардан биридир”.

Турли халқ вакиллари ўзбек аскиябозларининг санъатига, бу жанрнинг бетакрор ифода шакли, экспромт, ижрочилик хусусияти ва бошқа антиқа жиҳатларига дол қолганликлари ҳақида маълумотлар кам эмас. «Буюк рус олими – этнографи, Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг тадқиқотчиси “Туркистонда ярим умр” (“Пол жизни в Туркистане”) китобининг муаллифи Н.С.Ликошин санъатимизнинг бу турига алоҳида эътибор бериб: “Ўзбек халқ санъати ва ўйинлари ичида аския энг фикрга бой, кишилар ҳиссиётига ва онгига таъсир этувчи энг таъсирчан восита, кишини ҳайратда қолдирадиган оригинал баҳс (диспут)” деб баҳолаган эди.

<sup>23</sup> Эркин Воҳидов. Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин. <http://www.gglit.uz>

<sup>24</sup> Аския. Хужжатли фильм. [HTTP://WWW.UNESCO.ORG/](http://www.unesco.org/)

Ўзбек санъати тадқиқотчиларидан бири, йирик олим А.Л.Троицкая аския бўлаётган вақтда тингловчиларнинг йиқилгунга қадар кулишганларини кузатиб, бу санъатнинг таъсирчанлик кучига лол қолганлиги ҳақида ёзади.

Аския тил ва адабиётни бирлаштирувчи сўз санъати. “Она тилимизда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва айтилиш оҳанги бор. Худди шундай, сўз санъатидаги ҳар бир жанрнинг ҳам ўз оҳанги, ўзига хос фойзи-таровати, сифат-хусусиятлари бор. Сўз санъатимизнинг энг мўъжаз нуқралари – мақол, шохбайт, латифа ва аския, одатда, кулиб айтилувчи ва кулги уйғотувчи, тил билан адабиётни ўзига хос тарзда бирлаштирувчи мухтасар бадиий сўздир. Унда чинакам заргарона зарофат, нозик лутф-латофат, теран тагмаъно бўлади”<sup>25</sup>. Шу сабабдан “Бадиий адабиётларда персонажларнинг миллий ментал хусусиятларини очиб беришда ёзувчиларимиз аския элементларидан унумли фойдаланадилар”<sup>26</sup> – деб таъкидлайди Л.Раупова. Масалан, Ҳ.Ғулом “Сенга интиламан” романида қизларнинг қувноқ руҳи, ўткир зеҳнини аския воситасида очиб берган бўлса, К.Яшин “Тор-мор” драмасидаги Нурматнинг ўз бурчига садоқатини аския орқали ёритади. П.Қодировнинг “Қора кўзлар” романида Давлатбеков ва Ғиёсиддиновларнинг диалогик дискурсида қахрамонларнинг кинояни тез илғаб ўз муносабатини билдириши ҳамда персонажларнинг ички дунёси, уларнинг характеридаги ўзига хосликнинг киноя-қочириқ орқали ёрқин ифода этилганлигини қуйидаги парчадан ҳам яққол сезишимиз мумкин:

*“Кенгаш яхши ўтган эди, чамаси, Ғиёсиддиновнинг вақти чоғ эди. Мансуров билан Давлатбековнинг орасида асабий бир гап бўлганини юзларидан сезиб, ҳазиллашди:*

*– Ҳе, бу мўйловда оқ кўпайиб кетипти-ку! – деди Давлатбековга – Янги директор зиёли одам-да, қилни қирқ ёраман деб, сизни шошириб қўяётгани йўқми?*

<sup>25</sup> О т а у л и . Заргарона зарофат, теран тагмаъно. <http://ziyouz.uz/ilm-fan/til-adabivot/2014-05-26-13-26-06> Чоп этилган сана: 26.05.2014. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2010 йил 10-сон.

<sup>26</sup> Раупова Л. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. Тошкент: Фан, 2011. 38–39-бетлар.

Давлатбеков унинг сезгирлигидан қойил бўлди ва дарров “қил”га пайров қидириб:

– Қилни қирқ ёрсалар майли эди, Қобилжон ака, нуқул ўтакамни ёриб қилқўприкдан ўтказадилар! – деди.

Қаҳқақа товуши шоферларнинг ҳам эътиборини тортди. Улар кулимсираб аскияга қулоқ солишди.

– Қилқўприкдан ўтказаетган бўлса, дуруст, – деди Абдуманноп Воҳидов. Чунки нарёғи жаннат. Аммо ташаворса, тўғри жаҳаннамга қулайсиз-да.

Эндиги қаҳқақа кўк “Волга”нинг шоферига ҳаммадан ортиқ завқ берди. Шоферларнинг ҳар бири ўз бошлиғи билан фахрланишни истарди.

– Ташаворгим келганда ҳам ташолмайман, – деди Мансуров.

– Нега? – кула-кула сўради Ғиёсиддинов.

– Бу киши қурбонликка қўйни қўп сўйган эканлар, бирини қўйиб, бирига миниб, қилқўприкдан баҳузур ўтиб кетяптилар!”

Пайров йўли билан қаҳрамонлар нутқий характеристикасини колоритли қилиб бериш, уларнинг туйғулари драматизмини, персонажларнинг бир-бири билан сокин бўлиб кўринган муносабатлари остидаги кучли оқимни беришнинг ёрқин мисолини Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестидаги Саида билан Қаландаров мунозарасида ҳам кўришимиз мумкин. Кўринадики, аския сўз санъати, “рақиб”<sup>27</sup>ларнинг бир-бири билан сўз ўйини қилишга асосланган тортишуви ҳисобланади. Аския асосида пурмаъно диалог билан хилма-хил мазмунни ифода этувчи кулги ётади. Шунингдек, “аскияда шахслар билан моддий оламдаги буюмларнинг муносабатлари, ўхшашликлари кутилмаган маҳорат билан баён қилинади”<sup>28</sup>.

Тарафлар баъзан одамлар орасида, баъзан қарама-қарши ўтирган, турган ёки юрган ҳолда, тез жавоб бериш

<sup>27</sup> Рақиб – аския жараёнида қарама-қарши туриб сўз ўйини қиладиган шахс ёки бир неча киши (аскиячи).

<sup>28</sup> Ғ. Ғ у л о м. Юсуфжон кизик. “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1958. 27-сентябрь.




ва жавобларини сермаъно, латиф, таъсирли, жозибадор ва кулгили чиқариш учун ҳаракат қиладилар. Қайси тараф жавоб топишда сусткашлик қилса, мавзу доирасидан чиқиб кетса ёки мантиқни бузса, ўша тараф енгилган ҳисобланади. Адресатлар ўз кулгиси, қийқиришлари билан тарафлар ҳамда уларнинг жавобларига баҳо бериб боради, таъсирчан ва серқочирим аскиялардан завқланади, саёз ва кўполларидан ранжийди. Шунинг учун ҳар қандай аскиячи бадий сўз бойлигини пухта эгаллаган, сўз ўйинлари, қочирим, ўхшатиш, муболаға, масхара каби воситаларни фаол, ўз ўрнида ишлата биладиган бўлиши лозим. Чунки **аския жанрининг бош мақсад ва моҳияти сўз ўйини** воситасида беллашиш, кулги кўзғатиш ва бир-бирини мот қилишдан иборатдир. Нутқнинг мазмунли, кулгили чиқишида мусобақа иштирокчиларининг ҳаётни яхши билиши, тил ва нутқ таъсирчанлигини оширувчи усул ва воситаларни пухта эгаллаган, уларни усталик билан қўллай оладиган, тез фаҳмлайдиган ва фикрлайдиган бўлиши, ҳазил-мутойибани, “рақиб”нинг характери ва камчиликларини, лақаб ва нуқсонларини очиб бера олиши, энг муҳими, сўз қўллаш билан “рақиб”ни мот қилиш тажрибасига эга бўлиши лозим. Аския беллашув “рақиб”ларига шу каби талабларни қўяди. Ким сўзга чечан ва ҳозиржавоб бўлса, лингвистик маҳоратини ишга солиб, “рақиб”ини мот қила олса, у ғолиб ҳисобланади.

Шунга кўра, **аскияни шахматга ўхшатиш ўринли**. Маълумки, шахмат ўйини ақлий мусобақа бўлиб, унда доскадаги катаклар ва доналар сони саноқли бўлади. Шахмат ўйини комбинациялар чексизлиги ва ранг-баранглиги билан характерланади. Буни тилдаги ассиметрик дуализм (мазмуннинг чексизлиги ва уни ифодаловчи лисоний воситаларнинг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик) билан асослаш мумкин. Тилимиздаги сўзлар миқдори саноқли бўлса-да, бу сўзлар билан нутқий жараёнда чексиз ва бетакрор комбинациялар ҳосил қилиш, кутилмаган ва позицион хужумлар уюштириш имконияти

мавжуд. Аскияда ҳам, шахматда ҳам ўйинчилар учун бирдек имконият яратилган бўлса-да, “рақиб”лар бу имкониятдан ўзига хос тарзда фойдаланади: хилма-хил юришлар, турли услубий-позицион курашлар, кутилган ва кутилмаган хужумлар, мот қилиш ва мот бўлиш... Натижа эса сулҳ ёки ғалаба бўлади. Демак, ўзбек халқининг интеллектуал тафаккурини қадим замонлардан бери ўзида намоён этиб келаётган **аския – миллий жанри** ҳам ана шундай стратегик мақсад ва вазифалардаги ўхшашликка асосланади. Унинг бу жиҳати бетакрорлик ва миллий ўзига хослик касб этади. Агар шахмат ўйинида “сицилианча”, “испанча” ва шу каби юришлар қилинса, аскияда эса фақат **ўзбекона юриш, ўзбекона ҳимоя ва ўзбекона ҳужум** қилинади. Лекин ҳар ким ҳам ўйин иштирокчиси ёки “рақиб” бўла олмайди. Улар катта давраларда тортиша оладиган (аскиячи ёки аскиябоз) ва эркаклардан иборат бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтсак, “аския – эркаклар ҳаммоми, унга аёлларнинг кириши таъқиқланади” (А.Қаҳҳор). Лекин манбалар аёлларнинг аския билан шуғулланганлигини инкор этмайди.

Дунёда миллат номи билан алоқадор халқаро умумэтироф этилган маданий бойликка эга халқлар санокли. Ўзбек халқи, масалан, спорт соҳасида ўзбек кураши, шаҳарсозлик ва археология соҳасида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари, санъат ва этнография соҳасида Шашмақом, Катта ашула, Бойсун ва Наврўз қаторида эндиликда ҳазил ва мутойиба санъатимиз – аскиянинг ҳам умумэтироф этилганлиги билан фахрланса арзийди. Гарчи дунёнинг бошқа халқларида ҳам сўз ўйинлари мавжуд бўлса-да, лекин ўзбек аскиячилигида сўз ўйинлари мусобақага асосланганлиги билан жаҳон халқлари орасида миллий ўзига хослик касб этади. Токи лингвистика соҳасида ҳам ана шундай халқаро миқёсда фахрланишга арзийдиган сўз бойлигимиз – **ўзбекона сўз ўйинимиз, ўзбекона сўз санъатимиз** мавжуд экан, уни тадқиқот объекти сифатида номидан ўрганиш, аския матнининг лингвостилистик хусусиятларини



атрофлича ёритиш, ушбу лингвистик сўз ўйинини умумий тилшунослик масалаларидан бири сифатида тадбиқ этиш, унинг халқаро миқёсда кенг оммалашига эришиш ҳамда унинг янада юксак эътироф этилиши учун кенг планда назарий ва амалий тадқиқотларни жиддий тарзда олиб бориш ўта долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз.

## 1.2. Аскиянинг тарихий такомили ва ўрганилиши

Аския ўзининг тарихий тараққиётида, шубҳасиз, бир қанча даврларни босиб ўтган. Ўзбеклар орасида кўп асрлардан бери мавжуд бўлган аскиянинг дастлабки шакли уруғчилик даврида майдонга келган, деб фараз қилиш мумкин<sup>29</sup>. Худди шу фикрни ўз даврида А.В.Луначарский айтиб ўтган эди: “Маданиятнинг энг примитив давридаёқ, – деб ёзган эди у, – уруғни уруққа ёки бир қабилани иккинчи қабилага қиёс қилувчи уюштирилган кулги мавжуд бўлган... Кулгининг бу шакли кўп жойларда шу кунларда ҳам яшамоқда (ўттизинчи йиллар назарда тутилмоқда). Кишилар тўпланиб, бир-бирига қарама-қарши туришади, баъзан ниқоб киядилар ва у ёки бу ритмик шаклда “рақиб”ни мот қилувчи турли ўткир сўзлар тўқиб ота бошлайдилар... Қарши томон жавоб тугагунча кутади ва шу қурол билан ўз навбатида у ҳам курашга ташланади”<sup>30</sup>. А.В.Луначарскийнинг бу фикри бевосита қозоқ оқинлари ва ўзбек аскиячилари санъати таъсирида айтилганлиги эҳтимолдан холи эмас.

↑ Аския алоҳида жанр сифатида, асосан, XV асрдан шаклланган.

↑ Тарихчи олим Б.Аҳмедовнинг айтишича, аския Амир Темур даврида анча ривожланган. Амир Темурнинг ўзи ҳам яхшигина аскиячи бўлган деган асослар бор. “Балиқ ови”дан аския қилишни яхши кўраркан. Боязид ҳам

<sup>29</sup> Қ о д и р о в М. Ўзбек халқ томоша санъати. Тошкент: Ўқитувчи, 1981. 105-бет.

<sup>30</sup> Қаранг: “Литературный критик” журнали. 1935. 4-сон, 6-бет.

чиroyли аския қилган экан: “Дунё бир қур билан бир чўлоққа қолганини қара” деб<sup>31</sup>!

Алишер Навоий яшаган даврда адабиёт ва санъат ниҳоятда ривожланди. Шоир Зайниддин Маҳмуд Восифий ўз мемуарида ёзишича, Ҳиротда бадиий сўз усталари – Ҳофизи Босир, Ҳофизи Мир, Ҳофизи Ҳасан Али, Ҳофизи Султон Маҳмуд биши, Шод Муҳаммад каби ажойиб кишилар яшаган. Ҳиротнинг машҳур аскиячиларидан Мирсарбар Раҳно, Бурҳони гунг, Ҳасан Воиз, Сайид Гиёсиддин Шарфи, Ҳалил Саҳҳоб, Муҳаммад Бадахшилар ўткир сўз санъаткорлари бўлиб танилганлар. Навоий машҳур аскиячи Муҳаммад Бадахшини “аскиянинг пири” деб атаган.

XVIII–XIX асрларда аскиячилик, айниқса, Фарғона водийси (айниқса, Қўқон ва Марғилон) ва Тошкентда ривожланган. Бачқир қишлоғи (Фарғона водийси)да деҳқон юзбоши Шерназаров (1860–1942) ва Зангиота қишлоғи (Тошкент)да Саидахмад аскиячи (1880–1940) каби машҳур аскиячилар ўтган. Уларнинг аъналарини XX асрнинг 40-йилларидан кейин Эрка қори Каримов, Мамаюсуф Тиллабоев, Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов, Расул қори Мамадалиев, Ака Бухор Зокиров ва бошқалар давом эттирдилар. 50-йиллардан аския канцерт дастурларига ҳам киритилди. Лутфихоним Саримсоқова, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Ғанижон Тошматов, Гавҳар Раҳимова, Сойиб Хўжаев каби санъаткорлар аскияни театр сахнасига олиб чиқиб, томошобинларга манзур қилганлар.

Шунингдек, сўз усталари Ҳожи Сиддиқ Исломов, Турсунбува Аминов (Ижрокўмбува), Сулаймон қори, Охунжон Қизиқ, Усмон қори, Жўрахон Султонов, Ғанижон Тошматов, ака-ука Мадаминжон ва Зайнобиддин Юсуповлар, Мамарозиқ Исҳоқов, Раҳматқул ва Абдуллажон Яшаровлар, Абдулҳай Махсум Қозоқов, Мамажон Мадаминов, Ғуломжон Рўзибоев, Абулқосим Тўйчиев, Ҳасанбой Султонов, Жўрахон

<sup>31</sup> Қаранг: Султонов Ҳ. Аския. Тошкент: Чулпон, 1998. 41-бет.

Пўлатов, Неъматжон Тошматов, Мамасидиқ Шераев, Ҳотамжон Тешабоев, Эркинжон Саидахмедов, Абдусамат Юсупов, Мансуржон Охунов, Баҳодиржон Шокиров, Олимжон Усмонов, Қаҳрамон Абдувалиев, Абдурахмон Кулматов, Жумабой Хуралиев, Ғофиржон Мирзаев, Ҳотамжон Ҳакимжонов, Мамасидиқ Алихонов, Қаҳрамон Абдувоҳидов, Тошкентда ака-ука Шожалиловлар аския ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Собиқ иттифоқ ҳукмронлиги пайтида, айниқса, Октябрь тўнтаришининг биринчи йилларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Тўхтасин Жалилов, Ваҳоб Аъзамов, Т.Тожизода ўзлари ташкил этган томошаларида ундан душманга қарши “ўткир” санъат воситаси сифатида фойдаланишди.

✓ Аския санъатини ўрганишга қизиқиш 1960 йилдан эътиборан бошланди. Шунгача Шариф Ризонинг 1940 йилда “Гулистон” журналининг 4-сонида босилган “Халқ санъаткорлари” мақоласи билан А.Л.Троискаянинг “Ўзбекистон халқ театри” қўлёзмасида аскияга бағишланган бир бўлимча ҳамда ўзбек сатираси муаммоларига бағишланган айрим мақолалар<sup>32</sup> бор эди, холос.

1962–1965 йилларда Фарғона водийси анъанавий театрини ўрганиш бўйича уюштирилган экспедициялар даврида олимлар қаторида Ўзбекистонда хизмат қўсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори Муҳсин Қодиров ҳам аскияни ўрганиш ва ёзиб олишга эътибор берди. Бироқ аскияни биринчи бўлиб атрофлича ўрганган олим Расул Муҳаммадиев ҳисобланади. Ўзи ҳам яхшигина аскиячи бўлган, лутф, суҳанпардозликнинг қадрига етадиган олимнинг сайъ-ҳаракати билан Тошкент давлат университети уч бор аския экспедициясини ташкил этади, кўп марта аскиячилар бир жойга уштирилади, янгидан-янги пайровлар ёзиб олинади, суҳбатлар ўтказилади. Экспедиция натижалари Р.Муҳаммадиевнинг 1962 йилда

<sup>32</sup> Абдулла Қаҳҳор. Хозирги сатираимиз устида // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил, 30 август.; Кулгичилик баҳслари ким нимадан завқ олади? // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил, 5 апрель.

босилган “Аския” номли илмий ишида ва 1970 йилда чоп этилган “Аския”<sup>33</sup> тўпламида умумлаштирилади.

Расул Муҳаммадиевнинг бу ишларида аския ўзбек халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган сеvimли турларидан бири эканлиги исбот қилинган. Муаллиф аския турлари, тематикаси, тарихий тараққиёти, аския мавзуларида ифодаланган ғоявий мазмунни ўзи тўплаган бой материаллар асосида илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилади. У ўз иши иловасида узоқ йиллар давомида қимматли материаллардан йигирма беш номдаги аския-пайров нашр эттирди. Аммо асарда бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Асар шошмасошарлик билан ёзилгани учун унда мавзуга оид манбалар етарли кўрсатилмаган, ўзбек халқ оғзаки ижодига оид тарихий материалларнинг кўп бўлишига қарамай, таҳлил қилинмаган ёки улардан фойдаланилмаган<sup>34</sup>.

Асарда аския-пайровнинг вужудга келишидаги энг асосий восита – ўзбек тилининг ўзига хос лексик бойликлари, сўзларнинг кўп маънолилиги ҳақида мутлақо баҳс юритилмаган. Натижада аския, пайров мавзуларининг бадий хусусияти яхши очилмаган, унинг ёзма адабиётга таъсири кўрсатилмаган. Юқоридаги камчиликларга қарамай, Р.Муҳаммадиевнинг “Аския” асари шу мавзудаги биринчи йирик асар бўлиши, фактик материалларнинг кўплиги билан илмий аҳамиятга эгадир<sup>35</sup>.

Фарғона материаллари асосида ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор масаларини ўрганган олим Ҳ.Раззоқов Р.Муҳаммадиевнинг қатор камчиликларини кўрсатиб ўтади ҳамда аскиянинг халқимиз орасида узоқ замонлардан бери мавжудлигини, унинг таъсирида тарихий, бадий асарлар ёзилганлигини, уларни ўрганиб, бу соҳада узоқ йиллар қунт билан илмий тадқиқот ишлари

<sup>33</sup> М у х а м м а д и е в Р. (тўпловчи). Ўзбек халқ ижоди. Кўп жилдлик. Аския. Тошкент: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

<sup>34</sup> Р а з з о қ о в Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). Тошкент: Фан, 1965. 12-бет.

<sup>35</sup> Р а з з о қ о в Ҳ. Кўрсатилган асар. 12-бет.

олиб борилса, халқ оғзаки ижодининг бу муҳим жанрини ҳар томонлама ёритиб берадиган асар майдонга келиши мумкинлигини қайд этади<sup>36</sup>.

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб аскияни ривожлантиришга қарши қатор ҳаракатлар олиб борилган. Бу ҳақда машҳур қизиқчи – санъаткор, Юсуфжон қизиқнинг ўғли Зайнобиддин Юсупов “Совет Ўзбекистони санъати” журнали (1981 йил 4-сон)да қуйидагича қайд қилади: “Аскиянинг ривожланмаётганлигига асосий сабаблардан бири тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари бу соҳани ривожлантиришга эътибор бермаяптилар. Баъзи жойларда раҳбар ходимлар орасида ҳатто аския санъатининг ривожига тўсқинлик қилаётганлар ҳам бор. Халқ тўпланиб, аския кечаси ташкил қилиш мақсадида йиғилиб турган пайтларда уни махсус буйруқ билан тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Шу ҳақда буйруқ берган кимсалар ўзларининг номлари буйруқда кўрсатилмаслигини талаб қилишади. Чунки бундай шахслар, энг аввало, ўз обрўлари тўкилишидан хавотир олишади. Сабаби, бундай кўрсатма берадиган раҳбарлар ўз-ўзидан кўриниб турибдики, прогрессив раҳбарлар сирасидан эмас. Шундай бўлгандан кейин у ўзининг аския объектига тушиб қолишидан, халққа кулги бўлишидан кўрқади. Лекин ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, бундай раҳбарлар ҳам халқ аскияларининг объектидан қочиб қутилишолмайди. Улар хоҳлайдиларми-йўқми, атроф-муҳит ва баъзи шахсларнинг салбий иллатларини аския ўз объектига туширади ва масҳара этади”.

Кўринадики, тарихда миллий санъатимиз ривожини учун ошқора ва яширин кураш олиб борилишига қарамай, мазкур сўз санъатини ривожлантиришга эҳтиёж ҳам ортиб бораверган. Ўша пайтлари дастлаб филология фанлари доктори М.Муродов маданий муассасаларда халқ анъаналари ва фольклоридан фойдаланиш борасида услубий ва назарий қўлланмалар яратишнинг аллақачон

<sup>36</sup> Раззоков Х. Кўрсатилган асар. 122-бет.

вақти етганлигини таъкидласа, У.Қорабоев аскиячилар уюшмаларини, аския студиялари ва клубларини ташкиллаш, клубларнинг назарий машғулотларида аскияни назарий жиҳатдан ўрганиш ва изланишлар олиб бориш, амалий машғулотларида аскиячилик маҳоратларини, ҳажв сирларини, нутқ ва баҳс маданиятини, унинг негизида ётган сўз ўйинларини, қочириқлар ва чандишларни, киноялар ва муболағаларни, лоф ва сафсатани, қофия, ҳариф ва лутфни, рабия ва тутолни қай тарзда ишлатиш йўллариини ўрганиш долзарблиги ҳақида қайғуради. Бунинг учун, аския санъатини ривожлантириш учун, энг аввало, фольклоршунос олимлар, маданий-оқартув ишининг назариётчилари, жойлардаги раҳбар ходимлар ва клуб ходимлари аскиячилар билан биргаликда изланишлар олиб бориши лозимлигини таъкидлайди<sup>37</sup>.

Бугунги кунга қадар аскияни ўрганишга бўлган каттагина қизиқиш натижаси улароқ Р.Муҳаммадиевнинг “Аския” тўплами (1970 й.), М.Қодировнинг “Ўзбек халқ томоша санъати” (1981 й.), “Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар” (1993 й.), “Ўзбек анъанавий театри” (2010 й.) китоблари, “Кулги усталари” ўқув қўлланмаси (2008 й.), Ҳасанбой Султоновнинг “Аския” (1998 й.), Саид Анварнинг “Абдуллақизикнима дейди?” (2006 й.), Убайдулла Абдуллава Искандар Раҳмоннинг “Кулганлар-дармонда, кулмаганлар-армонда” (2007 й.) сингари тўплamlари нашрдан чиқарилди. Бундан ташқари “Аския”, “Мерос” каби хужжатли фильм ва лавҳалар суратга олинди. Республика халқ ижодиёти маркази томонидан [www.nmm.uz](http://www.nmm.uz) деб номланган махсус сайт яратилди. Айни пайтда Фарғона вилоятида “Рухсор” телевиденияси орқали “Устозлар бисотидан”, “Кулги” каби бир неча рукнлар остида аския лавҳалари мунтазам равишда эфирга узатилмоқда. Шунингдек, Республикамиздаги мавжуд олий ўқув юртлари филология йўналиши талабалари учун махсус диалектологик амалиёт

<sup>37</sup> Қ о р а б о е в У. Аскиячилигимиз муаммолари // Совет Ўзбекистони санъати журнали. 1982 йил 2-сон (февраль).



жорий этилиб, аския материалларини жамлаш бўйича турли экспедициялар уюштирилмоқда. Андижон вилояти ҳамда Марғилон истироҳат боғида “Аския сайли”ни ўтказиш анъанавий тарзда йўлга қўйилганлиги жуда катта оммавий тадбир вазифасини ҳам бажармоқда. Ана шундай “Аския сайллари”, турли шаҳар ва қишлоқларда, байрам ва тадбирларда, махсус кўрсатувларда намойиш этиб келинмоқда. Республика қизиқчи ва аскиячилар кўриктанловининг ўтказилиши ҳам мазкур сўз санъатининг ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда.

Шунга қарамай, ушбу сўз санъати гултожига фақатгина “кўнгили очиш воситаси” сифатида энгил-елли қараш, унга порнографик мазмундаги мутойибаларни олиб кириш ҳоллари, таассуфки, учраб турмоқда. Шулардан тўғри хулоса чиқариб, ушбу монографияда таҳлил объекти сифатида порнографик сўзлар, вульгаризм, варваризм, паразит сўзлар ёки дисфемистик ифодалардан холи бўлган, бадий савия жиҳатдан юқори бўлган мисолларга, асосан, Р.Муҳаммадиев ҳамда Ҳ.Султоновнинг тўпламларидаги лисоний далилларига мурожаат қилинди.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигининг ривожланиши натижасида матн тадқиқига доир бир қатор монографик ишлар<sup>38</sup> билан бирга, сатира-юмор асосига қурилган матнлар талқинига бағишланган ишлар<sup>39</sup>

<sup>38</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Тошкент: ТДПИ., 1989; Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили. Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Абдулаттеев М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунлиқлар. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 1998; Ҳакимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик тадқиқи. Филол. фан. док. дисс... автореф., Тошкент, 2001; Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. Тошкент: Фан, 2007; Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2008.

<sup>39</sup> Раззоков Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари Тошкент, 1970; Миртожиев М., Тоиров З. Ирония ва унга ёндош ҳодисалар. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. Тошкент 1975; Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нутқида кулгу кўзгатувчи лисоний воситалар. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 1997; Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалаш усул ва воситалари. Филол. фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 2001.

майдонга келганлиги юқорида айтилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотлардан Ш.Абдурахмонов<sup>40</sup> ҳамда Э.Ибрагимова<sup>41</sup>нинг ишларида аския матнининг айрим хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинади. Лекин юқоридаги ишларда аския матни текширув объекти сифатида таҳлил этилмайди.

---

<sup>40</sup> Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нутқида кулгу кўзгатувчи лисоний воситалар. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент 1997.

<sup>41</sup> Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалашнинг усул ҳамда воситалари. Филол. фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 2001.

# Аскиянинг мавзуий гуруҳлари ва шаклий- ифодавий турлари лингвостилистикаси

- 2.1. Пайровларда сўз  
ўйинлари
- 2.2. Анъанавий  
бошланмали  
аскияларнинг услубий  
хусусиятлари
- 2.3. Қофия ва услубий  
такрор оҳангдорлигига  
асосланган аскиялар
- 2.4. Киши лақабига  
асосланган пайровлар
- 2.5. Асоси битта сўздан  
иборат аскиялар
- 2.6. Аёллар аскияси

2-БОБ

## **2-БОБ. АСКИЯНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ ВА ШАКЛИЙ-ИФОДАВИЙ ТУРЛАРИ ЛИНГВОСТИЛИСТИКАСИ**

### **2.1. Найровларда сўз ўйинлари**

Пайров – изчил фикрлар оқими (кураши) бўлиб, аскиянинг мукаммаллашган ва мураккаб усулидир. Пайровнинг бадиийлиги ва структурасини эътиборга олиб, уни алоҳида бир бадиий асар дейиш ҳам мумкин. Шу боис, пайров, асосан, профессионал аскиячилар орасида ижро этилади. Унинг матни маълум бир мавзунини бошдан-охиригача очиб бериш асосига шакллантирилади. Аскиячилар мавзу доирасидан четга чиқмайдилар. Матнда фикр ривожини ҳар икки томоннинг ҳозиржавоблиги, ақлий ҳужум ва фикрлар мазмунининг аста-секинлик билан бир-биридан устун тарзда ифодаланиши орқали амалга ошади ҳамда ушбу жараён матн охиригача давом этади, фикрлар хулосасини пайров матнига яқин ясайди.

Пайров мазмунини нарса ва ҳодисаларни бутун деталларигача очиб, кўрсатиб берилганидагина ойдинлашади. Тўлақонли адабий асарда, масалан, табиат манзаралари, кишилар образи ва характери, уларнинг ҳаётга муносабатлари, воқеаларнинг ривожланиши ва тугалланиши, ғоя ва ҳаракатни тўлдирувчи деталлар тасвир этилганидек, пайровда ҳам бу талаблар амалга оширилиши шарт, акс ҳолда, у “чала”, “хом” бўлиб қолади. Шу жиҳатдан қараганда, пайров сюжетли бир бадиий нутқ кўриниши ҳисобланади. Унда диалог, монолог ва репликалар асосий ўрин тутаяди.

Пайровларда сўз ўйинини учун ишлатиладиган лингвистик бирликлар бирдан ортиқ маъно билдиришлари талаб

қилинади. Булар аскиячиларнинг фаҳм-фаросати, гапга чечанлиги ва ҳозиржавоблиги билан амалга оширилади. Шунинг учун бадийий тасвир воситалари: киноя, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, мажоз, антитеза, такрор, тадриж, таносиб, муболаға, литота, айрим сўзларга алоҳида урғу бериш, бўлиб-бўлиб, пауза билан талаффуз этиш, атамабозлик ва шу кабилар орқали сўз ўйини юзага чиқарилади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, аския-пайровларда иштирок этувчи адресант ва адресатнинг қиёфаси, характер белгиларига қараб, уларга хос қўйилган лақаблар ҳам бўлади. Бундай лақаблар доимий ёки маълум замонга хос мазмун касб этади. Аскияда ишлатиладиган сўз, бирикма, баъзан гаплар пайров маъноларидан ташқари тажнис, лутф йўли билан ҳариф<sup>42</sup>нинг лақабига тегиб, уни “қитиқлаб” ўтиш вазифасини ҳам бажариши керак. Ўз навбатида “рақиб” ҳам муносиб жавоб қайтариши талаб этилади.

Ҳар бир профессионал аскиячи кутилмаган, қийин пайровларга тушиб кетавериш қобилиятига эга бўлса-да, унинг ўзи ёқтирадиган ва пухта биладиган мавзулари бўлади. Аскиянинг қадимий матнлари бизгача етиб келмаганлиги сабаб уларнинг умумий қолипи сақланиб, ҳар бир даврда янги мазмун билан бойиб бораверган. Шу боис, ижодий матн доим янгидан тўқилгани сабабли, пайровлар бизгача бир хилда, ўзгармай етиб келмаган, албатта. Уларнинг таъсири, ҳар бир аскиячининг ижодий ёндашуви туфайли ҳаммиша ўзгариб, янгиланиб турган. Анънанага айланган пайровларда мева, пилла, узум, паррандачилик, деҳқончилик, чорвачилик, иморат қуриш, турли фасллар, ашула, мақол, китоб, бадийий асарлар каби мавзуларда баҳс юритиш ҳоллари кўп учрайди:

**Маҳмуджон:** Дадажон, отарчилигингиз ҳеч қолмади-да! Харидор топилмаса, “Остонангга ночор ўлдим-да, келдим”, деб ёпишиб оласиз. Ё “Гадолардан бири” мисиз?

<sup>42</sup> *Изоҳ:* арабча “ҳариф” атамаси икки маънони англатади: шерик, бирга ишловчи; ўртоқ, улфат ҳамда бирор кимсага зид ҳаракат қилувчи, ҳарши курашувчи; “рақиб”. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, “ЎЗМЭ” V жилдлик, 5-жилд, 509-бет.) Аскиячиликда ҳариф сўзи бир пайтнинг ўзида ҳар иккала маъносида ҳам ишлатилади.

**Дадажон:** Сизнинг ҳам ўйинчилигингиз ҳеч қолмади-да! “Ноз этма” деса, бўлди – йўрғалаб кетаберасиз. Ҳар нарса эви билан-да, “Кам-кам” бўлсин.

**Маҳмуджон:** Сиздақа бекорчи “Эшвой”лардан ўргилдим, яна отингизни “Абдурахмонбеги” кўйвописиз-а!

**Дадажон:** Сизга биров “Ассалом” деса бўлди, тўйга бориб “Тонг отгунча” ялла қиласиз.

**Маҳмуджон:** Келингэнди, Дадажон, қачонгача “Даромади ушшоқ” қилиб юрасиз. Тегишли ташкилотлар ҳам бизга “Наззора қил”ар.

**Дадажон:** “Кошки” эди. Бизга ҳам ғамхўрлик қиладиганлар “Бормикин”?!

**Маҳмуджон:** Бу оқшом филармонияга келинг, гаплашдим, “Яхши, яхши” дейишди.

**Дадажон:** Ана энди биз ҳам “Обод ўлкам”даги “Меҳнат аҳли”нинг роҳатини кўрар эканмиз-да.

**Маҳмуджон:** Энди бундан кейин “Ойдин кўчалар”да “Қичқир хўрозим”ни айтишни бас қиларсиз?

**Дадажон:** Сиз ҳам бундан кейин “Шарманда бўлдим найлайн” деб юрмассиз.

*“Ашула” пайрови. Аския<sup>43</sup>. 55–56-бет.*

“Ашула” пайровидан келтирилган ушбу матнда ашула номлари ёрдамида лисоний бирликларнинг ахборот ифодалаш кўлами ҳажвий белгилар билан уйғунлаштирилган ҳолда кенгайтирилади. Асосий мақсад эса саёз созандаларни фош этишга қаратилади.

Пайровнинг кириш қисми кулгили чиқмайди. Чунки ҳали кулгига объект аниқ бўлмайди, лекин муҳит яратилади. Бу эса мавзунини белгилашга хизмат қилади. Пайров бошланиши билан тарафкашлар маълум бўла бошлайди ва улар тараф-тараф бўлиб аскияни давом эттирадилар. Тарафкаш аскиячилар, одатда, бир мавзу юзасидан

<sup>43</sup> Қаранг: М у ҳ а м м а д и е в Р. (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи) Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Аския. Тошкент: Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. Кейинги ўринларда лисоний далил сифатида ушбу тўпلامдаги мисолларга мурожаат қилинади ҳамда Аския тарзида бериб борилади.

тортишганда, ундан четга чиқмайдилар. Чунки четга чиқиш уни бузиш ҳисобланади. Парнографик, қўпол сўзлар ишлатилса, ожизлик, кучсизлик белгиси саналади, аския дарҳол тўхтатилади. Сўз усталари асосий эътиборини сўз ўйини ҳосил қилишга қаратадилар. Бунини “Пилла” пайрови мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

**Усмонқори:** Турсунбува, қурт боққан экансиз, кириб қарасак, кафанга тайёр<sup>44</sup> бўлиб қолипти!

**Турсунбува:** Баргга мўл-кўлчиликданми, жуда шовиллатиб ташлашяпти.

Пайров **бошланма**<sup>45</sup>сида Усмонқори “рақиб”ига нисбатан ақлий ҳужум қилади. Ҳужум ўхшатиш мазмунидаги окказионал ибора (кафанга тайёр)ни қўллаш билан бошланади. Асосий мақсад эса “рақиб”нинг камчилигини фош қилиш ва кутилмаган ҳужум билан унга зарба беришдан иборат. “Рақиб” – сўз устаси – Турсунбува ҳам бўш келмай, дастлаб, шаклий тасдиқ, лекин мазмуний инкор кўринишида пилланинг ҳолатини баён этиб, сўнг қўшимча тарзда **“шовиллатиб ташлашяпти”** окказионал ибораси билан жавоб қайтаради. Бундан эса **“ҳаракат белгисининг ортиқлиги”** мазмунини таъкидлашга эришади.

Пайровда сўз усталари, асосан, пиллачилик билан алоқадор касбий атамалар ёрдамида сўз ўйини қилиб, бу йўл билан яширин мазмун ифодалашга ҳаракат қилганлар:

**Ғойиб ака:** Усмон қори, сиз ҳам пиллангизни мақтаб турувдингиз думбара деб, пушти чиқиб қопти-ку!

**Усмон қори:** Билмадим, пушти чиқиб қопти, бели боғлиқмиди<sup>46</sup> дейман.

Диалогик нутқда думбара, пушти каби белги билдирувчи лексемаларни зидлаш орқали уларни ўз лисоний маъноларидан узоқлаштирилиб, контекстуал маъно юзага чиқарилган. Бу лексемалар нутқда пилланинг тури, ҳолати ва даражасини ифодалашга хизмат қилади. Бели

<sup>44</sup> *Изоҳ:* ипак ўрашга тайёр.

<sup>45</sup> А б д у п а т т о е в М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар. Филол. фан. номз. дисс... автореф., Тошкент. 1998.

<sup>46</sup> *Изоҳ:* нотўғри ипак ўраган қурт.

боғлиқ бирикмаси воситасида нотўғри ипак ўраган қурт контекстуал маъно ифода этилган бўлиб, бу билан “фикрнинг сўзлар воситасида ифодаланмаган, лекин назарда тутилган ботиний баён мазмуни”<sup>47</sup> юзага чиқарилган.

**Иброҳимжон:** Пилланинг сифатига қарамапсиз, пунктдан қайтариб юборишди, **қорапўчоқ** аралашипти деб.

**Усмон қори:** Бурчакдаги **сариг** аралашиб кетибди-да!

**Турсунбува:** Ана шунақа қилиб **калавасини чиқариб кўйгансиз**-да!

**Рустам ака:** Униси ҳам майли-я, пунктга борганда, кам келмасин деб, саватнинг ичига тош ҳам ташлаб кўйиптилар.

**Усмон қори:** Кимки шунақа қилса, **қоросон**<sup>48</sup> бўлсин-а!

Юқоридаги матнда **қорапўчоқ, сариг, қоросон** каби пиллачилик соҳасига оид касбий атамалар ўзига хос услубий вазифа бажариб, градуонимик қаторда пилланинг сортини даражалаб кўрсатишга хизмат қилган. Улар орасида **қоросон** пилланинг энг паст даражали сорти бўлиб, бу бирлик контекстда қарғиш ифодалаш учун қўлланган.

**Ғойиб ака:** Пиллангиз ўтмади, пунктда кесиб кўришса, капалаги учиб кетди.

**Иброҳимжон:** Бўлмаса, Усмон қори бувамнинг капалаклари учирма қилган экан-да.

**Усмон қори:** Элак қани, ҳозир **уруғ** тўкадиган бўлиб қолди.

**Рустам ака:** Капалак чиқаргани яхши бўлди, бултурги пиллалари **ипиркон**<sup>49</sup> бўлиб қолган эди.

**Иброҳимжон:** Рустам ака, Қорибуванинг **атрофида парвона бўлиб юрибсиз, ё капалак тутиб юрибсизми?**

Юқоридаги матнда **капалаги учиб кетмоқ** ибораси ўз маъносида пиллага нисбатан, кўчма маънода эса пахта пункти назоратчиларига нисбатан қўлланилган. Аскиячи – Иброҳимжон **парвона бўлмоқ** ибораси қолипи асосида лисон (ижтимоий тасаввур)да мавжуд бўлмаган **капалак тутмоқ** фраземасини окказионал тарзда ҳосил қилади.

<sup>47</sup> А х м а н о в а О. С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969. С. 331.

<sup>48</sup> *Изоҳ:* пилланинг паст сорти.

<sup>49</sup> *Изоҳ:* ипак ипга ўхшаб қолади.



Матнда *парвона бўлиб юрмоқ кўчма маънода, капалак тутиб юрмоқ* бирикмаси эса ўз маъносида ишлатилган. *Капалак* ва *парвона* мазмунан синонимик қаторни ташкил этса-да, уларни нутқда зидлаш орқали синонимик ҳолат контекстуал антонимик ҳолатга айлантирилган. Мазкур ҳолатни сўз ўйинининг нисбатан кам учрайдиган усули сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, ўзбек тилида *бузоқбош* сўзи билан унинг диалектал варианты *бузовбош* сўзлари мавжуд бўлиб, улардан, асосан, вариантлари *бузоқбош* ва *бузоқбоши* шаклларида *тиллақўнғиз қурти* маъносида қўлланади. Қуйидаги матнда *парвона*→*капалак*→*игначи*→*сўзана* каби парадигматик муносабатдаги ҳашаротлар номини англатувчи лексемалар сўз ўйинининг асосий воситаси ва омилига айланади:

**Усмон қори:** Пилла капалагини билмас эканми, дейман, ҳадеб *игначи* тутиб беряпти.

**Ғойиб ака:** Билмайман, бу қанақасидан чиқиб қолди, *сўзана* десам, *бузоқбошини* тутиб келяпти.

**Рустам ака:** Ипакчиликда *сўзана*<sup>50</sup> ҳам чиқади-да!

Матнда *сўзана* (*ҳашарот*) ва *сўзана* (*атлас номи*) лексемалари ёрдамида бир сўз туркуми доирасида омонимия юзага чиқарилган бўлиб, бу билан бирдан ортиқ ахборот ифодалашга эришилган ва шу тариқа пайров энди *атлас* ва унга алоқадор тушунчалар мавзусига кўчади:

**Зайнобиддин:** Турсунбува, мана, пиллани олиб келдим, меники уруғликка ўтадим, ё *райшёлкка* кетадим?

**Турсунбува:** Ҳали эрта, натижасини кейин айтамиз, бугун кечаси билан пиллангиз лабораторияда *синаб* кўрилади.

**Рустам ака:** Мана, пиллани ҳам топширдик. Ғойиб ака, аниқроғини айтинг: қайси сельподан *мол* оламиз?

**Зайнобиддин:** Қайси сельподан деб суриштириб

<sup>50</sup> Атласларнинг номлари.

юрасизми, буларнинг ўзи Қўқондан **бир тўп** бўлиб келишган.

Пайров бошланмасида соҳага алоқадор атамалар билан сўз ўйини ҳосил қилинса-да, матнда салбий муносабат ва ироник мазмун интенсив равишда тадрижий ривожлантирилади:

**Усмонқори:** Янги тўқилиб чиққан **нусхалар** шуми?

**Иброҳимжон:** Эски **нусха** десам, **қўчқоршохи** шу экан.

**Зайнобиддин:** **Хосиятхонга** тегманг, мукофотга ана шу **домлажон нусхани** қўлтиқлаб кетаверинг!

**Рустам ака:** Усмон қори, Иброҳимжонга **саккиз тепкилик** беринг деяпсиз, ўзлари **қичиқ нусха** деяптилар-ку!

**Иброҳимжон:** Умид билан атайлаб меҳнат қилиб курт боққанмиз, бизга **бағрикарам** керак!

**Ғойиб ака:** Таёқдай бўлиб турганига ичида **тахтаси** бормикан дебман.

**Рустам ака:** Ёқмаса уйга бориб **бир кудунглатиб** оласиз!

**Зайнобиддин:** Қўйинг, бу кишини уринтирмайлик, ўзингиз **тангалаб** бера қолинг.

**Рустам ака:** Мен ҳам ҳайронман, **икки юзламаси** ҳам чиқипти.

Юқоридаги матнда эски нусха, янги нусха, қўчқоршохи, хосиятхон, домлажон нусха, саккиз тепкилик, қичиқ нусха, бағри карам, икки юзлама каби атласларнинг номлари ҳам атоқли ва ҳам турдош от сифатида қўлланган бўлиб, нозик сўз ўйинининг намоён бўлишига ва бу йўл билан “рақиб”ларнинг характер-хусусиятини фош қилишга хизмат қилади. Маълумки, бир синонимик қаторга мансуб бўлган юз, бет, ораз, рухсор, афт, турқ, башара, нусха каби бирликлар, бир-биридан ижобий ва салбий мазмун ифодалаш даражасига кўра фарқланади. Матнда нусха лексемаси “рақиб”га нисбатан ироник маънода ишлатилган ва бу билан “менсимаслик”, “мазах”, “ўзини катта олиш”

каби иллокутив ахборот<sup>51</sup> (яширин мазмун) ифодаланган. Салбий муносабат нутқий вазиятда *нусаха*→*янги нусаха*→*эски нусаха*→*домлажон нусаха*→*қичиқ нусаха* – градуонимик қаторини ҳосил қилиш билан кучайтирилган. Натижада субъектив муносабатнинг “ғайрилисоний асос”<sup>52</sup>га кўра даражаланиши юзага келган.

Демак, айтиш ўринлики, лисоний ва нутқий даражаланиш ҳодисасини аския матнлари асосида ўрганиш ўзбек тилшунослигида ўзининг чуқур ва атрофлича тадқиқини кутаётган муаммолардан биридир. Зеро, уларни ўрганиш натижасида мазкур ҳодисанинг лингвистик табиатини яққолроқ очиб бериш, аниқ ва ишонарли назарий хулосаларга келишга эришилади.

Пайровда сўз қўллаш билан боғлиқ ўзига хос та-лаблар бўлади. Булар қуйидагилар: 1. Сўз ўйини воси-тасида беллашиш. 2. Пайров мавзусини ёритишда мавзуга доир лингвистик бирликларни, атамаларни қўллаш. 3. Мавзу доирасидан четга чиқмаслик. 4. Ҳозиржавоблик. 5. Сўз ўйинини поэтик талаблар асосида бадиий ва сирли тарзда олиб бориш. 6. Фикрлар изчиллиги, мантиқий баёнга амал қилиш. 7. Тил бирликлари ёрдамида бирдан ортиқ ахборот ифодалаш. 8. Лисоний бирликларнинг нутқдаги имкониятларини кўрсата билиш. 9. Сўз қўллаш талаби: а) пайров талаби; б) синтактик талаб. Бунда пайров мавзусига доир атамаларни қўллаш *бирламчи талаб (пайров талаби)* ҳисобланса, тилнинг грамматик қонун-қоидаларига амал қилиб сўз қўллаш ҳамда қўшимча ахборот ифодалаш *иккиламчи талаб (синтактик, стилопрагматик талаб)* ҳисобланади. Масалан:

**Ҳасанхон:** Ошхонада ичкилик ичишни тақиқлаганингиз яхши бўпти, бемаза нарсадан **маст тавба** қилгани дуруст-да!

**Комилжон:** Овқатларига энди маза кирипти, илгарилари **шўр ва совуқ** бўларди.

<sup>51</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳ а к и м о в М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент: Академнашр, 2013.

<sup>52</sup> С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2009. 106-бет.

**Ҳасанхон:** Мудир ака дейман, ошпазларингизнинг ҳаммаси пазанда бўлса керак, уларнинг орасида **чучварани хом санайдиганлари йўқдир-а?**

**Комилжон:** Афтидан, ҳаммалари хўрандаларга манзур кўринадилар, агар биронтаси хамирнинг тошидан урса-чи **ундан юз ўгир-а!**

*“Таомлар” пайрови. Аския. 69-бет.*

Пайров таомлар ҳақида бўлаётганлиги учун сўз устаси учун таомлар номи (*мастава, шўрва, чучвара, ўгра*)ни ифодалаш бирламчи талаб (пайров талаби) сифатида қўйилса, синтактик алоқани бузмаган ҳолда сўз ўйини қилиш (*“мастнинг тавба қилиши”, ““рақиб” овқатининг илгарилари шўр ва совуқ бўлиши”, тил бирликларини кўчма маънода ибора сифатида қўллаш ҳамда “юз ўгирмоқ” каби маъноларни ҳам ифодалаш*) учун тил бирликлари ёрдамида турли грамматик комбинациялар яратиш иккиламчи талаб (синтактик ва стилопрагматик талаб) ҳисобланади.

## **2.2. Анъанавий бошланмали аскияларнинг услубий хусусиятлари**

Анъанавий бошланмали аскияларга “Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?”, “Бўласизми?”, “Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?”, “Ўхшатдим”, “Афсона” (оғзаки нутқда *“афсона”*), “Билганлар ва билмаганлар” каби аскиянинг турлари мансуб бўлиб, уларда нутқ анъанавий бошланмалар билан бошланади. Матннинг таркибий қисми сифатида микро матнларнинг ҳар бошланишида нутқий этикет такрорланиб туради. Бошланмалар одатий такрорланувчи нутқий этикет сифатида ижтимоий-лисоний хусусият касб этади. Аскиянинг ушбу турлари орасидан “Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?”, “Бўласизми?” ҳамда “Ўхшатдим” кўринишларида ўхшатиш услубий восита сифатида муҳим роль ўйнайди. “Афсона” турида услубий такрор ва қофия асосида фикр ифодалаш етакчилик қилади. “Умрингизда сартарошхонага

кирганмисиз?” кўринишидаги аския эса мазмунан сартарошхона ҳақидаги пайровга ўхшаб кетади. Аскиянинг “Билганлар ва билмаганлар” кўринишида тавсифий характердаги нутқдан иборат матнлар тузилади.

Анъанавий бошланмали аскиялар матни ихчам, савол-жавобасосига қурилган бўлиши, бир неча микро матнлардан таркиб топиши ҳамда улар кўпроқ сўроқ гаплардан иборат бўлиши билан характерланади. Ҳар икки томон навбатма-навбат савол-жавоб қилишади ва мақсадга эришади. Бу усулларнинг характерли томони шундаки, бунда икки томоннинг ҳар бир савол-жавобидан кейин мавзу очила боради, иккинчи бор савол-жавоб билан исталган бошқа мавзуда тортишиш мумкин бўлади. Сўз усталари, асосан, қолипчи сўроқларни такрорлаб, ўзининг асосий фикрини матн охирида баён этади. Матнлар мазмунидан ўхшатиш, қиёслаш, тенглаштириш, нисбат бериш, сифатлаш ва тавсифлаш каби ҳолатлар англашилади.

### ***2.2.1. “Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?” бошланмали аскиялар***

Аскиянинг “Гулмисиз...” тури аслида мавзу жиҳатдан пайров характерида бўлади. Яъни унда аскиячилар бир мавзунини тўлиқ очиб беришга қаратилган сўз ўйинидан фойдаланадилар. Аския матни ўхшатишга асосланган ва умумий изоҳ мазмуниданги бир неча микро матнлардан ташкил топиб, улар бирлашган ҳолатда умумий бир макро матнни шакллантиришга хизмат қилади. Бундай сўз ўйини контекстда савол-жавобга асосланган диалогик нутқ тарзида воқеланади. Шу боис, матнни шакллантирувчи восита сўроқ гаплар ҳисобланади. Сўроқ гаплар орқали баён этилган субъектив муносабат, кўпинча, салбий характер касб этиб, ироник мазмунда бўлади. Нутқда урғу, аксар ҳолларда, жавоб гапнинг кесимига тушади. Урғу олган бўлак бирдан ортиқ ахборот ифодамайди. Аскиячининг мақсад-ниятини “рақиб” характерининг турли қирраларини очиб бериш баҳонасида мавжуд камчилик ва нуқсонларни фош қилишга қаратилган

бўлади. Масалан, қуйидаги матнда “рақиб”ни бригадир ва дарбадарга нисбат бериш билан унинг салбий хусусиятлари ифодавий ўхшаш бўлган бирликлар (*дарбадармисиз-бригадирмисиз*) воситасида очиб берилган:

**Махсум ака:** Ижроқўмбува!

**Турсун бува:** Лаббай, Махсум ака.

**Махсум ака:** Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

**Турсунбува:** Айтганингизман.

**Махсум ака:** Колхозда бригадирмисиз ё кўчама-кўча юрган дарбадармисиз?

*Аския. 93-бет.*

Аскиянингбутурибиртомонлама муносабатгаасосланган шаклда бўлади. Яъни аскиячи “рақиб”ини нимагадир ўхшатиш билан микро матн хотималанади, қарши томон эса давомий муносабат билдирмай, бошлангани яна янгидан бошлайди. Одатий ва анъанавий бошланма “*Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?*” ҳисобланади. Бунга “рақиб” томон, аксарият ҳолларда, “*Айтганингизман*” деб жавоб қайтаради. Матндаги бу каби мурожаат бирликлари ва жавоб шаклидаги нутқий бирлик ўзгариб туриши ҳам мумкин. Яъни аскиячилар баъзан одатийликдан чекиниш мақсадида мурожаат кўриниши таркибий қисмларини (асосан, охиргисини) ўзгартирган ҳолда: “ялпизмисиз”, “юлғунмисиз”, “гулифтобпарастмисиз”, “гултожихўрозмисиз”, “чирмовиқмисиз”, “толгулмисиз”, “тиканакгулмисиз” тарзида қўл-лашлари ҳам мумкин. Натижада мурожаат бирликларининг ранг-баранглиги таъминланади: “Гулмисиз, райҳонмисиз, кашнучмисиз?”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, ялпизмисиз?”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, юлғунмисиз!”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, гулифтобпарастмисиз?”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, гултожихўрозмисиз?”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, чирмовиқмисиз?”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, толгулмисиз?”; “Гулмисиз, райҳонмисиз, тиканак гулмисиз?” ва ҳоказо. Масалан:

**Махсум ака:** Насриддин ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, чирмовиқмисиз? Беш-олти кун боқчада ишлаганингизда,

майда болаларнинг суҳарисини еб қўйиб, ҳаммага кулги бўлганмисиз?

*Аския. 95-бет.*

Мурожаатда “жамбилмисиз” бирлиги ўрнида унга қофиядош сифатида “сумбулмисиз” ёки “думбилмисиз” шакли қўлланилиши ҳам учраб туради. Натижада сўз ўйинининг қофия усулида муносабат ифода этилади ва салбий таъсирчанлик оширилади: “Гулмисиз, **сумбулмисиз** ё райҳонмисиз?” ёки “Гулмисиз, **сумбулмисиз**, **думбилмисиз**?” тарзида. Маълумки, аскиянинг бу турида “рақиб” сўроқ гаплар ёрдамида ижобий бўёқдор маънодаги ўсимликларга ўхшатилади. Шу боис, “рақиб”нинг думбилга ўхшатилиши таъна, мазах мазмунини кўчайтиради. Баъзан салбий мазмун сўз таркибидаги бир фонемани ўзгартириш ва қофиядош бошқа бир сўзни ҳосил қилиш билан ифодаланиши мумкин: “**Гўлмисиз**, райҳонмисиз, толгулмисиз?”. Гул – [ф. گل – чечак] ўсимлик; **гўл** – [ф. گول – содда; нодон, аҳмоқ] ҳар нарсага ишонаверадиган; содда, лақма. (ЎТИЛ, Т, 2006. I жилд, 530-бет)

Сўроқ гап (соф сўроқ, риторик сўроқ) шаклидаги бошланмага “рақиб” томон жавоб бериши ёки бермаслиги ҳам мумкин. Бу билан адресатнинг муносабати нутқда аҳамият касб этмайди, деган хулосага келиш тўғри бўлмайди. Зеро, нозик сўз ўйини, аксарият ҳолларда, қарама-қарши тарафнинг мутойибаларидан юзага чиқади:

**Турсунбува:** Махсум ака! Гулмисиз, райҳонмисиз, ялпизмисиз?

**Махсум ака:** Шўрвага соладигани.

Томонлар бир-бирига гул, сумбул, райҳон, кашнуч, ялпиз, юлғун, гулиофтобпараст, гултожихўроз, чирмовиқ, толгул, тиканак гул ва ҳоказолар билан мурожаат қилишлари ўхшатишга асосланган бўлади. Ўхшатиш асослари контекстда ойдинлашади. Масалан, “рақиб”ини “Гулмисиз, райҳонмисиз, гулиофтобпарастмисиз?” дея гуллар орасидан офтобпараст (кунгабоқар) танланишининг сабаби гулнинг белги хусусиятларини “рақиб”га кўчиришдан иборат бўлади. Яъни **Насриддин ака** “рақиб”ининг “Дала боқчасида ишлаганда,

теримчиларнинг болаларига қарамасдан, бригадирнинг ўғлини кўтариб юрадиган” одатини фoш қилиш учун гуллар орасидан айнан офтобпарастни танлайди. Маълумки, **офтобпараст** тожикча (композицион усул: офтоб+параст) сўз – боши доим қуёшга қарайдиган ўсимлик<sup>53</sup>, яъни **кунгабоқар** бўлиб, унинг бу хусусияти нутққа кўчади ва контекstdа кўчма маънода қуёш қаердан чиқса, ўша томонга қарайдиган – манфаатпараст мазмуни яширин ифодаланади.

Матн бошланмаларида салбий маънони кучайтирувчи воситаларнинг ҳам қўлланилиши таъсирчанликликни янада оширишга хизмат қилади: “Гулмисиз, жамбилмисиз, **нимасиз?**” ёки “Гулмисиз, жамбилмисиз, **қанақасиз ахир?**”.

Маъно кучайтириш ўзига хос йўл билан, яъни лисоний бирликлар воситасида ифода этиладиган мазмунни нутқда **тадрижий ривожлантириш** усулида ифода этилади. Масалан, “рақиб” дастлаб гулга, кейин эса, юлғун, гулиофтобпараст, гултожихўроз, толгул, чирмовиқ, тиканак гулга ўхшатилиб, субъектив муносабатнинг салбий таъсир кучи шу тариқа орттирилади. Натижада лисоний бирликлар нутқда градионимик қаторни ташкил этган ҳолда, бир-бирига нисбатан маънони кучайтирувчи стилистик воситага айланади.

Баъзан: “Соғмисиз ё пиёнистамисиз?”; “Қанақа одамсиз?” шаклида нутқ дисфемистик (қўпол) тарзда ҳам ифода этилади. Агар “рақиб”лар мазкур мурожаат бирликларига “Гулмисиз, сумбулмисиз, **думбулмисиз**” дея ҳаддан ташқари салбий мазмун юкласалар ҳам, қарама-қарши томонлар бу ҳолатни ҳазил-мутойиба тариқасида қабул қиладилар. Бу аскиянинг умумий қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Юқорида атилганидек, аскиянинг бу кўриниши ўхшатиш асосига қурилган бўлади ва соғлом танқид тарзида намоён бўлади. Ўхшатишдан асосий мақсад эса нутқ эгаларининг камчилик ва нуқсонларини фoш қилиш орқали бир-бирини тарбиялашдан иборатдир. Аскиячилар фақат “рақиб”нинг

<sup>53</sup> Фарҳанги забони тожики (Тожик тилининг изоҳли луғати), 2 жилдлик. 1-том. М.: Советская энциклопедия, 1969. 940-бет. Кейинги ўринларда ФЭТ тарзида берилди.



камчилигини фош этмай, балки, асосан, жамиятдаги одамлар, яъни мавжуд нуқсонларни очиб беришга ҳам ҳаракат қиладилар:

**Турсунбува:** Унақа бўлса, пахта терганлар олдига **қоқ қуруқ** борасиз, ё кассирмисиз!

Мазкур нутқда аскиячининг кассирга ўхшатилиши, кассирнинг эса, кўпинча, банкдан қуруқ (пулсиз) келиши ҳолати улар ўртасидаги таққослаш, зидлашга асос бўлади.

Аскиячилар нутқида соғлом танқид, соғлом салбий муносабат таъкидлаб кўрсатиш асосида юзага чиқарилади. Экспрессивликифодалаш бир қатор мазмуний муносабатлар, жумладан, ўхшатиш, қиёслаш, фарқлаш, зидлаш, даражалаш асосида юзага чиқарилади. Масалан, “Соғмисиз ё пиёнистамисиз?” бошланмасида зидлик муносабати тил ва нутқ босқичида ҳам ифодаланса, куйидаги матнда зидлик муносабатининг фақат нутқий доирада ифодаланиши (бригадир-дарбадар, вакил-меҳмон)ни кўриш мумкин:

**Махсум ака:** Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

**Турсунбува:** Айтганингизман.

**Махсум ака:** Колхозда **бригадирмисиз**, ё кўчама-кўча юрган **дарбадармисиз**?

**Махсум ака:** Ижроқўмбува! Гулмисиз, райҳонмисиз, толгулмисиз? Бригадаларга боғланган вакилмисиз, ё ишга чиқмайдиганларга **меҳмонмисиз**?

Шунингдек, юқоридаги аскияда ўхшатишнинг баҳо муносабатига кўра фарқланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни изоҳ мазмунидаги матннинг биринчи содда гапи (Колхозда **бригадирмисиз** // Бригадаларга боғланган вакилмисиз) объектив муносабатга асосланган ўхшатишдан иборат бўлиб, таъкидлаш-тавсифлаш характерида бўлади; иккинчи содда гапи (ё кўчама-кўча юрган **дарбадармисиз**? // ё ишга чиқмайдиганларга **меҳмонмисиз**?)да эса салбий муносабатга асосланган ўхшатиш ифода этилади. Бунда таъкидлаш-кўчайтириш сўзловчининг субъектив мақсадига айланади. Кўшма гапнинг мазмунидан эса қиёслаш ва фарқлаш етакчилик қилиши англашилади.

Кейинги йилларда аскиячиликнинг ривожланиши натижасида аскиянинг ушбу кўхна кўринишида ҳам шаклий ва мазмуний ранг-баранглик кузатилмоқда:

**Тешавой:** Болтавой! Голмисиз, офсайдмисиз?

**Болтавой:** Айтганингизман.

**Тешавой:** Одамни бир хурсанд қилиб, осмонларга олиб чиқасиз-да, яна бошқа куни кайфиятни ерга уриб тушириб кўясиз, **Абрамовмисиз?**<sup>54</sup>

Юқоридаги матнда футболга оид веқеаларга ўзининг муносабатини ҳажвий йўл билан ифодалашга ҳаракат қилган ҳаваскор аскиячи Рустам Сулаймонов, анъанавийликдан чекинган ҳолда, матн бошланмасини “Голмисиз, офсайдмисиз?” тарзида ўзгартирганлигини ва бу билан соҳага оид атамалар ёрдамида сўз ўйини қилганлигини кўриш мумкин. Аскиячи куйидаги сўз ўйинида эса бундай шаклий ранг-барангликни янада ривожлантириб, окказионал антонимлар (*голмисиз-офсайдмисиз*) ва нутқий синонимлар (*тўпмисиз, коптокмисиз*) ёрдамида ўзига хос мурожаат кўринишини ҳосил қилади ҳамда контекстда сўз ўйинининг экспрессив-эстетик кучини орттириб, ўзига хос услуб яратишга ҳаракат қилади:

**Болтавой:** Голмисиз, офсайдмисиз, тўпмисиз, коптокмисиз?

**Тешавой:** Айтганингизман.

**Болтавой:** Ҳамма кўзи билан кўриб турган нарсани “кўрмадим” деб енгмоқчи бўласиз, **ҳакаммисиз?**

Хуллас, сўз ўйинининг ушбу кўринишида аскиячилар “рақиб” сифатида бир-бирига ҳамда атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш билан мавжуд камчилик ва нуқсонларни ўхшатиш, зидлаш, қиёслаш ва фарқлаш мазмунидаги аския матни ёрдамида очиб берадилар. Натижада нутқда сўз ўйинининг рангбаранглиги таъминланади, мутойибанинг эмоционал-эстетик таъсирчанлиги мақсадли кўчайтирилади.

<sup>54</sup> *Изоҳ:* Сулаймонов Р. <http://www.stad.uz/blogs>

### 2.2.2. “Бўласизми?” бошланмали аскиялар

Аскиянинг тарихий шаклларида бири бўлган “Бўласизми?” кўринишида матн савол-жавоб асосидаги диалогик нутқ асосига шакллантирилади. Матннинг биринчи гапи “рақиб”га мурожаат мазмунидаги сўроқ гап – “Бўласизми?” билан, иккинчи гапи саволга-савол тариқасидаги мурожаат гап – “Бўлай, кимдай?” билан, учинчи гапи ўхшатиш мазмунидаги “...дай” қолипга жумлалар билан, тўртинчи гапи – “Нима қилардим?” шаклидаги анъанавий бошланмалар билан бошланиб, улар ўзаро микро матнни ҳосил қилади. Микро матнлар умумлашмаси яхлит матн кўриниши (макро матн)ни ташкил этади.

Матн мазмуни ўхшатишга асосланади. Яъни аскиячилардан бири “рақиб”ини кимгадир ўхшатганда **ҳарифи**<sup>55</sup> вақтинчалик ўша одамнинг ролини бажариб, унинг тимсолида бўлиб туради. Шунинг учун “Бўласизми?” ва “Бўлай, кимдай?” гаплари бўлмоқ феъли асосига ҳосил қилинади. Шу тариқа ўхшатишга шахснинг характери, камчилик ва нуқсонлари “рақиб” тимсолида танқид остига олинади. Томонлар баъзан раис, баъзан кассир ва бошқа шахслар образида диалогик нутқни биргаликда шакллантирадilar:

**Одилхўжа**<sup>56</sup>: Мулла Насриддин, мана энди танқидингиз қор қилиб ишлар анча яхшиланди, мўл ҳосил ҳам қўлга киритилди. Келинг, бир кулишайлик.

**Насриддин**: Хўб, унақа бўлса, бўласизми?

**Одилхўжа**: Бўлай, кимдай?

**Насриддин**: Ваъдабоз раисдай.

**Одилхўжа**: Нима қилардим?

**Насриддин**: Кунлик терим нормасини икки-уч марта ошириб бажарамиз деб осмондан келардингизу, ерда дўппини яримта қилиб юраверардингиз!

<sup>55</sup> **Ҳариф** – “рақиб” аскиячи, қарама-қарши томонда туриб сўз ўйини қилувчи.

<sup>56</sup> **Одилхўжа Саидхўжаев** – фарғоналик уста аскиячилардан, **Насриддин Мирзааҳмедовнинг** “рақиб”и. Лақаби “эшак”.

**Одилхўжа:** Бўласизми?

**Насриддин:** Кимдай?

**Одилхўжа:** Ҳосилот акамдай.

**Насриддин:** Нима қилардим?

**Одилхўжа:** Машина теримига ажратилган карталарни қўлда тердириб юбориб, актга қўл қўёлмай, пушаймон қилиб юрардингиз.

**Насриддин:** Бўласизми?

**Одилхўжа:** Кимдай?

**Насриддин:** Кимдай бўларди, кассиримиздай-да?

**Одилхўжа:** Хайр, қани, нима қилар эдим?

**Насриддин:** Теримчиларга ўзингизни **қуруқ** кўрсатиб юрардингиз.

**Одилхўжа:** Бўласизми?

**Н а с р и д д и н:** Яна ким бўлай?

**Одилхўжа:** Агитаторимиз бўласиз-да!

**Насриддин:** Хўш, нима қилардим?

**Одилхўжа:** Мабодо далада кўриниб қолсангиз ҳам, **бошингиз** сводкадан чиқмас эди.

**Насриддин:** Мулла Эшон, баъзан учрайдиган шунақа камчиликларни танқид қилиб турганингиз яхши, мана, ишлар жўнашиб, план ҳам тўлди.

**Одилхўжа:** Бўласизми?

**Насриддин:** Янами, кимдай?

**Одилхўжа:** Аскиячидай.

**Насриддин:** Нима қилардим?

**Одилхўжа:** Башараси бузуқларни **ўхшатиб** юрардингиз.

Бугунги кунда аскиянинг ушбу кўриниши воситасида сўз усталарининг беллашуви деярли ижро этилмаяпти.

### 2.2.3. “Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?” бошланмали аския

Аскиянинг ушбу тури мазмунан пайровга ўхшайди. Унинг мавзуси – сартарошхона ва соч олдириш. Шу боис, матнда сўз ўйинлари мавзу доирасида амалга оширилади. Пайровдан фарқи шундаки, матнда “Умрингизда сартарошхонага

кирганмисиз?” бошланмаси доимий такрорланиб турувчи нутқий барқарор бирликларга айланган:

**Ғойиб ака:** Махсум ака, умрингизда сиз ҳам ҳеч сартарошхонага кирганмисиз?

**Махсум ака:** Ҳа, соч олдирмай юриб бўладими, гапиринг!

**Ғойиб ака:** Сартарош сочингизни олаётганда, сиз ҳам лунгини нишолда юқи қилиб қўйганмисиз?

Аския томонларнинг беллашуви эканлигига асосланиб, айтиш мумкинки, *сартарошхона* сўзи услубий чегараланган лексика сифатида кўчма маънода аския сайли беллашуви, *сартарош* ва *улфатлар* аскиячилар маъносида қўлланган бўлиши ҳам мумкин.

Матн, асосан, учта гапдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи гап одатий бошланма, учинчи гап эса тавсифий характердаги жавоб талаб қилинмайдиган сўроқ гапдан тузилади:

**Ғойиб ака:** Махсум ака, умрингизда ҳеч сартарошхонага кирганмисиз, соч олдирганмисиз?

**Махсум ака:** Сартарошдан улфатим жуда кўп, гапираверинг!

**Ғойиб ака:** Бўлмаса, ўша сартарош сочингизни олаётганда, сиз дўппингизга жийда солиб еб ўтирганмисиз?

Контекстда лақабга шама қилиш сўз ўйини объектига айланиб, ҳазил-мутойибанинг авж олишига сабаб бўлади:

**Махсум ака:** Ғойиб тоға, энди мен ҳам гапирсам бўладими? Умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?

**Ғойиб ака:** Ётар жойимиз ўша ер бўлиб қолган, гапираверинг!

**Махсум ака:** Менинг сартарош ўртоқларим жуда шўх-да! Сочингизни олаётганида, сизни овунтириш учун, ҳалиги лунгига пича ем солиб қўйганми?

**Ғойиб ака:** Саломат бўлинг, Махсум ака! Сиз ҳам, бир очилай деб, умрингизда сартарошхонага кирганмисиз?

**Махсум ака:** Сўрамасангиз ҳам бўлаверади, бошимиз очик, гапираверинг!

**Ғойиб ака:** Ҳунари мундоғроқ сартарошнинг қўлига тушиб қолиб, шўрлик бошингизни лозазор қилдириб олганмисиз?

**Махсум ака:** Ғойиб ака, умрингизда ҳеч сартарошхонага кирганмисиз?

**Ғойиб ака:** Одам эмасмиман? Бу нима деяпти, гапиринг!

**Махсум ака:** Сартарош сочингизнинг ярмини олмасданоқ бўйнингиздаги эски лунги билан **чўччанглаб** қочиб кетганмисиз?

Абдулҳай Махсум Қозоқов лақаби “кал”, Ғойиб ака Тошматов лақаби “хўкиз” бўлиб, “бир очилай”, “бошимиз очиқ”, “бошингизни лолазор қилдириб олганмисиз?” каби бирликлар билан “кал” лақабига ҳамда “ем солмоқ”, “чўччанглаб” сўзлари билан “хукиз” лақабига ишора қилинган ва бу билан кулги уйғотишга эришилган. Шу тариқа аскиянинг ўзига хос махсус тури, яъни ифода жиҳатдан лақаб аскияси, мазмун жиҳатдан пайров ҳамда структура жиҳатдан анъанавий бошланмали аския яратилган. Шу тариқа лақабга шама қилаётганда лақабга алоқадор атамаларни ишлатган ҳолда сўз ўйини қилинади:

**Махсум ака:** Сартарош сочингизни олаётганда, ҳадеб қимирлаверсангиз, сартарош жим ўтиринг деганда, **думингизни** қисиб ўтирганмисиз?

**Ғойиб ака:** Махсум ака, хўб келишган йигитсиз-да! Умрингизда ҳеч сартарошхонага кирганмисиз?

**Махсум ака:** Фаросатимиз жичча бор, сартарошхонага, мана, биз кириб турамиз-да, гапиринг!

**Ғойиб ака:** Ўша ҳазилкаш улфатингиз, сочингизни яхшилаб олиб бўлиб, **чаккангизга** гул тақиб ҳам қўйганми?

### 2.3. Қофия ва услубий такрор оҳангдорлигига асосланган аскиялар

Лингвопоэтика соҳасида сажъ санъати (қофияли наср) Б.Саримсоқов томонидан монографик тадқиқ этилган<sup>57</sup> бўлиб, И.Мирзаев ҳам ўз тадқиқотида қофияларнинг юзага келишида асосий роль ўйновчи лисоний, услубий ва бадиий

<sup>57</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент: Фан, 1978.

омиллар, воситалар сифатида аллитерация, ассонанс, омоним, синоним ва антонимларнинг ўрнига кенг тўхталади<sup>58</sup>.

Нутқнинг етакчи хусусиятини ўзида қамрай олган шуоҳангликни таъминловчи қофияни аския матни мисолида ҳам махсус ўрганиш унинг ўзига хос янги тури – сўз ўйини қофиясининг лингвистик табиати, уни юзага чиқарувчи омилларни ҳар томонлама тавсифлаш имкониятини яратади. Шунинг учун аскиячилар нутқда оҳангдорлик, қофия тарзидаги лисоний сўз ўйинига закийлик санъатининг моҳиятини очиб берувчи муҳим услубий воситалардан бири сифатида қараш лозим бўлади.

“Қофия” деб аталувчи аскиянинг махсус кўринишида оҳангдорликни юзага чиқарувчи омиллар поэтик нутқдаги қофиядан фарқ қилади. Матнда қофия, аввало, насрий шаклда бўлиб, адабиёт илмидаги сажъ санъатига ўхшаш бўлади. Қолаверса, аския матнида қофия, айтилганидек, сўз ўйинини юзага чиқарувчи услубий восита ҳисобланади. Учинчидан, аскиячиликда қофиябозлик мусобақа-беллашув асосида олиб борилади. Шу боис, қофиябозлик аскиячи олдига муҳим талаблар қўяди: қарама-қарши томондаги беллашувчилар ўзаро жавоб фикр айтишда асосий эътиборни ҳозиржавоблик ва зукколикка қаратишлари талаб этилади; сусткашликка йўл қўйган томон енгилган ҳисобланади. Қофиябоз ҳариф (“рақиб”)ининг ҳар “ҳамла”сига дарҳол қофияли шаклда муносиб жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлиши даркор. Бу эса донолик ва ҳозиржавобликдан ташқари қофия талабаларини яхши билишни, тез, мазмунли қофияли бирликларни қўллашда моҳир бўлишни тақозо этади.

Аския жараёнида қофияли нутқ, биринчидан, мазмуни билан, иккинчидан, ўткир ва ўйноқи қофиясидан юзага келган ўзига хос оҳангдорлиги билан тингловчиларни ўзига жалб этиб келган. Уларни қуйидагича ўрганиш мумкин:

1. Қофиябандликка асосланган аскиялардаги қофия ва оҳангдорлик.

2. Пайровлардаги қофия ва оҳангдорлик.

<sup>58</sup> М и р з а е в И. Проблемы лингвопоэтический интер-  
ворного текста: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Ташк

Қофиянинг биринчи турига мансуб қуйидаги матнда “рақиб”ларнинг қофиядош сўз танлаб жавоб беришлари асосида аскиянинг махсус тури вужудга келганлигини кўришимиз мумкин:

**Иброҳимжон:** Насрулла ака, келинг энди бир қофиябозлик қилишайлик.

**Насрулло:** Бўпти, қани бошланг, ўтирасизми оғзингизга нос солиб: **бай-бай тахир**, деб.

**Иброҳимжон:** Бошингиз гаранг бўлганда айтмовдимми: **мени чақир** деб.

**Насрулло:** Битта шишани бўшатибсиз: **сувми, атир**, деб.

**Иброҳимжон:** Қўлингиздан ушлаб йўлга бошласам, юрмайсиз: йўллар қақир, деб.

**Насрулло:** Ўзингизни жўрттага мастликка соласиз: **бола пақир**, деб.

**Иброҳимжон:** Мени яна аврайсиз: **шахир-махир**, деб.

**Насрулло:** Соч-мўйловни шоп қилиб юрасиз. Ўзим парикмахер, деб.

**Иброҳимжон:** Мана шунақа гапларни айтиб мени доғ қолдирасиз.

**Насрулло:** Мўйловни оласиз-у, қулоғни соғ қолдирасиз.

**Иброҳимжон:** Пулини бермай юраверинг, бир куни боғ қолдирасиз.

**Насрулло:** Ош еганда, гўштини тамомлаб, товоқ тагида бизга ёғ қолдирасиз.

**Иброҳимжон:** Бедана билан каклик еб, бизга зоғ қолдирасиз.

*“Қофиябозлик” аскияси. Аския. 103–104-бетлар.*

Иккинчи турдаги қофия турли нарса-ҳодисага нисбатан ҳосил қилинади. Натижада нутқда турли лингвистик ҳодисалар (геминация, аллитерация, пароним, омоним, атамалар ўхшашлиги ва ҳ.к.) юзага келади. Шу боис, қофиянинг иккинчи тури биринчи турига нисбатан мантиқий эканлиги билан фарқ қилади.

Аскиянинг “Қофия” деган турини гапларнинг мазмунига кўра пайров, сўз ўйини ифодасига кўра “Қофия” деган махсус тур деб баҳолаш мумкин. Матнда, асосан, тил бирликларидан



усталик билан фойдаланиш орқали тилнинг жозибасини нутқда намоён этишга эришилади. Ҳозиржавоблик эса бундай жозибанинг ўзига хос эффеқтини оширишга хизмат қилади:

**Қодиржон ака:** Мулла Комилжон, бозордан қайтпасиз шекилли, қўлтиғингиздаги тарвузми ё **ошқовоқ?**

**Комилжон**<sup>59</sup>: Қодиржон ака, белингизга жаложунгурларни тақиб олибсиз, соқол тароғми ё нос қовоғ?

**Қодиржон ака:** Қўлингиз жуда банд, ҳаммомгами дейман, қўлтиғингиздаги мочалками ё **сув қовоқ?**

**Комилжон:** Томиб-томиб кетяпти, икки қўлингиздаги пақирми ё **ёғ қовоғ?**

**Қодиржон ака:** Кўринганга тутун қайтарасиз, чекмишингиз нашами ё **чилиим қовоғ?**

**Комилжон:** Офтобда туравериб рангингиз ўзгариб кетипти, ё **эски сирка қовоғмисиз?**

**Қодиржон ака:** Ипга боғлаб ток устунига осиб қўйишипти, ё **томоша қовоғмисиз?**

*“Қофиябозлик”. Аския. 103-бет.*

Юқоридаги матнда ошқовоқ лексемасига қофиядош сўз ва бирикмалар нос қовоқ, сув қовоқ, ёғ қовоқ, чилим қовоқ бирликлари окказионал тарзда ҳосил қилинган бўлиб, уларда талаффуздаги товуш алмашиши (қ:ғ) оҳангдорлиги ҳамда қовоқ лексемасининг такрорланиши қофиянинг ўзига хос ифодасини юзага чиқарган. Матннинг олтинчи гапида услуб ўзгаради: “рақиб” томон: ё эски сирка қовоғмисиз? дея мурожаат қилса, унинг ҳарифи ҳам: ё томоша қовоғмисиз? гапи билан услубий такрор асосида қофиябозлик ўйинини давом эттиради.

Шоирлар ўртасида қадимдан бўлиб келган поэтик баҳслар, шеърий ҳазиллари ҳам аскиянинг ушбу турига ўхшашдир. Шеърий асосда олиб борилган бундай мажлисларда шоирлар билимдонлик, ҳозиржавоблик ва доноликда тортишиб келганлар. Шоирлар қофиябозлиги икки шахс, икки гуруҳ ёки навбатма-навбат бир неча киши ўртасида бўлиб, бундай йиғилишлар бадий сўз усталарига

<sup>59</sup> Комилжон Раҳимов – қўқонлик мохир аскиячи.

ҳам, мухлисларга ҳам катта руҳий озуқа берган, баъзан эса мактаб вазифасини ўтаган.

Хушоҳангликни юзага чиқарувчи ҳодисалардан яна бири такрор ҳисобланади. Такрорнинг бу борадаги хизматлари фонемалардан тортиб, гап такрорларигача алоҳида ўрганилиб, тавсифланишга муҳтож<sup>60</sup>.

А.Мамажонов томонидан такрорнинг: 1) анафорик такрор; 2) эпифорик такрор; 3) инфорик такрор; 4) аралаш (доиравий) такрор (анафора, эпифора; инфора-эпифора) типлари тасниф қилинган<sup>61</sup> бўлиб, олимнинг қуйидаги хулосалари диққатга сазовор: “Биз, асосан, вертикал такрор ва унинг кўринишлари ҳақида қисман тўхталиб, шундай умумий хулосага келдик: такрор энг маҳсулдор синтактик-стилистик фигура ҳисобланиб, унинг ҳар бир кўриниши алоҳида чуқурроқ текширишни талаб этади. Бу эса синтактик такрор ҳақида конкрет хулосаларга келиш имкониятини туғдиради”<sup>62</sup>.

Аскиячиликда такрорга синтактик-стилистик фигура сифатида қараш ҳамда услубий такрор атамаси билан номлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Унда “рақиб” ифода услубини такрорлаш ҳолатлари етакчилик қилади. Бу, ўз навбатида, лисоний бирликларнинг қуйидаги турлари доирасида кузатилади:

### 1. Сўз таркибидаги фоностилистик такрор оҳангдорлиги:

**Қодиржон ака:** Ўзлари қора тахтани қўноққа айлантириб оладилар-у, яна бизга тулдаклик қиладилар.

**Турсунбува:** Терганлари паллага келмайди-ю, яна биз билан пашшалашадилар.

*“Пахтачилик” пайриви. Аския. 18-бет.*

### 2. Жуфт ё такрорий сўзшаклларнинг қофиядошлиги:

**Жўрахон:** Кўрмайсизми, экинларни ўт босиб ётипти-ю, у шаҳарда чопти-чопти қилиб юрипти.

<sup>60</sup> Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеърлятида бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш.Раҳмон, А.Ўктам, И.Мирзо шеърляти тили мисолида). НДА, Тошкент, 2008.

<sup>61</sup> Мамажонов А. Такрор ва унинг синтактик-стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 3. Б. 60.

<sup>62</sup> Мамажонов А. Кўрсатилган мақола. 61-бет.

**Ғанижсон:** Шунга ҳам ажриққа ағнаб юрибсизми, Жўрахон ака, балки шаҳардан ёрдам олиб, камчиликларни ёпти-ёпти қилмоқчидир.

*“Термалар”. Аския. 24-бет.*

### 3. Окказионал антонимлар қофиядошлиги:

**Жўрахон:** Сиз ҳам далага чиқиб қозон бошидан келмабсиз. Ҳашарга эмас, ошарга келди дейишди.

*“Теримчилар” пайрови. Аския. 19-бет.*

### 4. Окказионал бирикма қолипидаги услубий такрор оҳангдорлиги:

**Турсунбува:** Мамарозиқ ака! Келинг энди, ана шунақа шодиёна кунларда келар йилги ишларимиз ҳақида пухтароқ гаплашиб олайлик. Яна, бу йилги ғалабаларимиздан ҳовлиқиб кетиб лаққайиб қолмайлик. Сиздан хафа бўлишиб қолмасин у – лаққа, тушган экан, деб.

**Мамарозиқ ака:** Мендан кўнглингизни тўқ қилинг. Бунақа гапларга сиз – лаққа тушасиз.

*“Чавандозлар” пайрови. Аския. 23-бет.*

### 5. Содда гаплар доирасидаги услубий такрор оҳангдорлиги:

**Журажсон ака:** Ҳа, баракалла. Ҳозир ғўзага авжи ишлов берадиган палла. Аммо ҳалиги раиснинг колхоздаги баъзи сояпарларга далага чиқ десангиз, **боққа боғлиқман, дейди.** Турки курсин бундай югурдакларнинг. Ўзи енгил-елпи иш билан кунини ўтказади-ю, яна **хотинимга ардоқлиман, дейди.**

**Ғанижсон:** Тўғри айтасиз, хотинини ишга чиқариб қўйиб, ўзи чорбозор қатновчи бир тузоғ уздига нега бундоғ қиласиз десам, нима қилай, сигир-бузоғлиман, дейди. Раис, ҳеч бўлмаса, сув суғор, деса, сувдан чиққанман, дейди.

*“Термалар”. Аския. 24-бет.*

### 6. Кўшма гаплар доирасидаги услубий такрор оҳангдорлиги:

**Иброҳимжсон:** Тагида офтоб кўринмайди десам, ҳалиям хомтоқ қилдирмаган экансиз-да.

**Сотволди ака:** Токларингиз пала-партиш десам, кузда ходалатмаган экансиз-да.

**Иброҳимжон ака:** Узумга нега шира тушибди десам, баҳорда ярмигача оқлатмаган экансиз-да.

*“Узум” пайрови. Аския. 36-бет.*

Сўзусталаритомонидан қўлланган нутқий оҳангдорликни оширувчи воситалар фақатгина шу вазифани бажармай, ифоданинг эмоционал-эстетик қийматини ҳам оширади:

**Турсунбува:** Мана, Қодиржон ҳам мажбуриятини бажарди, кўрмайсизми тили чиқиб, **бит-билдиқ**, бит-билдиқ деб қолди.

**Қодиржон ака:** Турсунбувам ҳам хурсандлар, звенолари камчиликларини битириб, планини бажарганга ўхшайди. Кўрмайсизми, энди ҳамма ёқ **сип-силлиқ**, **сип-силлиқ** деяптилар.

**Турсунбува:** Ҳосил тўйига тайёргарлик кўряптилар, шекилли, қўлларига битта тахта кўтариб олиб **рандаланг**, **рандаланг**, дейдилар.

**Қодиржон ака:** Яхши ишлаганингиз учун мукофот чиқади дейман, қўлингиз қичияпти. Шунақа бўладиган бўлса, қўлингизни **таталанг-таталанг**.

**Турсунбува:** Ҳосил тўйига алоқадор ҳам келганми, дейман, нафаслари ичларига тушиб, **кўргилик**, **кўргилик** деб ўтирибдилар.

**Қодиржон ака:** Кўргилик эмас, Турсунбува, айб ўзларида, бўлмаса нима учун **кўрчилик**, **кўрчилик** дейдилар.

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 19-бет.*

Матнда **бит-билдиқ**, **бит-билдиқ** – бедоналарнинг сайраш оҳангига тақлид сўзнинг такрори; **сип-силлиқ**, **сип-силлиқ** – ҳаммаси яхши, жойида маъносида, орттирма даражадаги сифатнинг нотўлиқ такрори; **рандаланг**, **рандаланг** – текисламоқ, силлиқламоқ маъносидаги сўз такрори; **таталанг**, **таталанг** – тирнамоқ, тимдаламоқ маъносидаги сўз такрори; **кўргилик**, **кўргилик** – ихтиёридан ташқари ҳолда юз берган кўнгилсиз воқеани билдирувчи сўз такрори; **кўрчилик**, **кўрчилик** – **кўргилик** қолипи асосида ясалган окказионал сўз – антоним такрори қофия ва оҳангдорликнинг бетакрор намунасини юзага чиқаришга хизмат қилган.

Юқорида келтирилган оҳангдорликни юзага чиқарувчи қофиядош бирликлар услубий такрорга асосланганлиги билан характерланади. Бундан ташқари қофия ва оҳангдорлик тағмаънога асосланган сўз ўйинлари ёрдамида амалга оширилиши ва улар пайров матнида турли фонопрагматик кўринишларда (аллитерация, геминация, товуш алмашиши, тушиши ва ортиши, атамалар оҳангдорлиги, паронимлар, омонимлар ва ҳ.к.) намоён этилиши мумкин. (Ушбу масалалар ишнинг бошқа бобларида тўлиқроқ ёритилади).

Хуллас, турли аския ва пайровлар матни мисолида қофия, оҳангдорлик ва хўшоҳангликни юзага чиқарувчи омилларни кенгроқ планда лингвистик таҳлилга тортиш, уларнинг яхлит бир системасини яратиш **сўз ўйинлари қофиясининг** лингвистик табиатини тўлиқроқ очиб беришда, бошқа матн кўринишларидаги **насрий қофия** (сажъ)дан ўзига хос ва фарқли жиҳатларини янада ойдинлаштиришда мумфилологик аҳамият касб этади.

## 2.4. Киши лақабига асосланган пайровлар

Лақаб [а] кўзга ташланиб турувчи бирор бир белги-хусусиятига кўра, кишига ҳазил тариқасида масхаралаб берилган кўшимча ном<sup>63</sup> ҳисобланади.

Филология фанлари номзоди Р.Муҳаммадиев ўзининг “Аския” асарида лақаб ишлатишнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб берган бўлса ҳам, унинг ўзбек халқи орасидаги тарихий тараққиёти, келиб чиқиши, ҳозирги кундаги қўлланиш даражасига етарли тўхталмаган<sup>64</sup>. Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги бу каби бўшлиқни тўлдириш мақсадида тадқиқотчи Ҳ.Раззоқов бир мунча қимматли маълумотларни келтиради: лақаб ишлатиш масаласи Ўрта Осиё халқлари орасида жуда қадимги замонларда ҳам

<sup>63</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилдли, I жилд. М.: Рус тили, 1981. 429-бет. Кейинги ўринларда ЎТИЛ тарзида берилади.

<sup>64</sup> Р а з з о қ о в Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). Тошкент: Фан, 1965. 40–41-бетлар.

мавжуд эканлиги баъзи антик давр муаллифлари (Геродот, Полиен) асарларида эслатиб ўтилган. Қадимги манбаларда кўрсатилишича, ҳозирги ўзбек халқини ташкил этувчи қадимги уруғ, қабилалардан бири сак (ёки шак) деб аталган. “Сак” сўзи қабиланинг ўз номими ёки уларнинг кўчиб, дайдиб юришига нисбатан унинг душманлари томонидан берилган лақабми, буни ҳозирча айтиш қийин<sup>65</sup>.

Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг баъзи вилоятларидаги шаҳар, қишлоқлар қадимги уруғлар, ҳайвонлар номи билан аталиши маълум (Кўнғирот, Бойсун, Еттиқашқа, Дулдул, Юзлар, баъзи қишлоқлардаги Эшак маҳалла, Бўри тўпи, Ит маҳалла қабилар). Шу боис, ҳайвонлар номига нисбат бериб, лақаб қўйиш қадимги чорводор халқларда одат бўлган дейиш мумкин. Ҳаттоки, ҳозирда ҳам баъзилар фарзандларига арслон, шер, қоплон каби йиртқич ҳайвонлар номини кўядилар. Одамларнинг бу одатига истехзо қилиб, XIII аср улуғ мутафаккири Шайх Саъдий ўзининг “Гулистон” асарида: “Донишмандларнинг хулосаси шуки, одамларни йиртиб, нобуд қиладиган арслондан кўра, унинг юкини ташиб берадиган эшшак яхши”, – деган эди.

Навоий замонида ҳам ҳазил-мутойиба, аскияларда лақаб ишлатилган. Бу жиҳатдан шоирнинг ўз замондоши бўлган бир шоирга берган қуйидаги баҳоси характерлидир: “Сайид Гиёсиддин... аҳл ва мулойим кишидур, мазоқ ва мутойиба мажозига ғолибдур... Сайиднинг ҳумоюк башараларида сафрот ғолибдур, Сайидшарға ҳам дерлар, баъзи маймунга ҳам ташбеҳ қилурлар, фақир худ бу навъ густоҳлиқ қилолмасмен. Аммо Мирнинг Маркабин ул итға ўхшатибменким, анга бир маймунни миндирурлар...”<sup>66</sup>

Ёки “Мавлоно Абдулвосеҳ.. зарофо анинг била мутойиба кўп қилурлар, ул ширин изтироблар қилурки, яна мужиби ҳазил бўлур, сафоҳат қилса ҳам элдин қутулмас”<sup>67</sup>.

Юқоридаги мисолларда Навоий зикр этилаётган кишилар

<sup>65</sup> Кўрсатилган асар, 41-бет.

<sup>66</sup> А л и ш е р Н а в о и й. Мажолисун нафоис, илмий-танкидий текст. 152-бет.

<sup>67</sup> Кўрсатилган асар, 155-бет.

лақабига қочирим қилиб, мутойиба қилганлиги, шунингдек, ўз давридаги улфатчилик ўлтиришларидан ҳам хабар бериб, ҳазилкашлик, қизиқчилик, аскиялардан халқ кўнгил очиш носитаси сифатида фойдаланганлиги маълум бўлади.

Лақаб қўйиш маълум даврларда ижобий аҳамиятга эга бўлган бўлса, бизнинг замонамизда мазах, масхаралаш, кулги чиқариш ёки кўпроқ салбий маъно ифодаловчи субъектив муносабат воситасига айланиб қолди.

Аскиячилик мусобақасида лақаб ишлатиш қадимги анъана бўлиб, лақаб аскиячининг шахсига путур етказиш мақсадида ишлатилмайди, балки улардан аския мазмунини очиш, воқеа-ҳодисаларни тавсифлаш, шахслар тимсолини яратиш ҳамда сўз ўйинлари ёрдамида кулги чиқариш мақсадида, бадий тасвир воситаси сифатида фойдаланилади. Лақаб аския мавзусини тўлдиради, чуқурлаштиради<sup>68</sup>.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтганидек: “Аскияда бир илмоқ бўлмаса, кулгу чиқмайди. Илмоқ худди шу лақабдир. Аския ҳозирги вақтда икки вазифага хизмат қилиши керак: бири – халқимизнинг янги ҳаёт йўлидаги мақсадини ва курашини ифода қилиши, иккинчиси – ҳаётимиздаги салбий ҳолатларни танқид қилиб, халқимизни эстетик томондан тарбиялаши зарур. Лақаб – аскиянинг бу вазифасини энгиллаштиради”<sup>69</sup>.

Фарғона вилояти Бағдод туманидан бўлган машҳур устоз аскиячи Олимжон ака Ҳайдаров эса: “Аскиячиликда бир чеккасига лақабдан шабада чиқармасдан кулдириб бўлмайди. Бироқ лақабни хуник муомалада айтиб бўлмайди. Бун билган билиб, билмаган билмайдиган қилиб, усталик билан олиб борилса, аския қилинган киши ўсал бўлмайди. Баъзи аскиячилар лақабни “яланғоч” қилиб айтишади, бу ярамайди, албатта”<sup>70</sup> – деб таъкидлайди.

<sup>68</sup> М у х а м м а д и е в Р. (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи). Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Кўп жилдлик. Аския. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 9–10-бетлар.

<sup>69</sup> Кўрсатилган асар. 9-бет.

<sup>70</sup> Кўрсатилган асар. 9-бет.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг аския-пайров, қолаверса, қизиқчилик, латифа каби турларида лақаб ишлатиш асосий ўринни эгаллар экан, бу соҳада, деярли, барча аскиябозлар ўз лақабига сазовор бўлган. Масалан: Абдулхай Махсум Қазоқов – “кал”; Мамаюнус ака Тиллабоев – “кал”; Деҳқонбой Шерназаров – “кал”; Бухорбек Зокиров – “кал”; Исмоилжон Акбаров – “кал”; Олимжон ака Ҳайдаров – “кал”; Обил ака Норматов – “кал”; Абдуллаҳай Қазоқов – “кал”; Абдуқодир ака Муҳаммадқулов – “кал”; Пўлатжон қизиқ Норматов – “чўтир”; Мамарозиқ ака Исҳоқов – “чўтир”; Эрка қори Каримов – “кўр”; Қодиржон ака Халилов – “лайлак”; Турсунбува Аминов – “ижроқум”, “кампир”; Комил қори Қулижонов – “буқоқ”; Усмон қори Раҳимбеков – “буқоқ”; Расул қори Мамадалиев – “қори”; Абдуллажон ака Яшаров – “ит”; Маҳмуджон Абдуллаев – “ит”; Мамадали Қори Тошматов – “ит”; Раҳматқул ака Яшаров – “туя”; Бузрук Усмонхўжаев – “туя”, Ғойиб ака Тошматов – “хўкиз”; Насриддин Мирзааҳмедов – “чўчқа”; Икромиддин Каримов – “эчки”; Одилхўжа Саидхўжаев – “эшак”; Исмоилжон ака Деҳқонов – “пучуқ” ва ҳоказолар.

Бундай лақаблар баъзан кишининг жисмоний нуқсони (кал, кўр, чўлоқ, кар, чўтир, буқоқ), баъзан характери, феъл-атворига қараб турли предмет, ҳайвонлар, паррандалар (от, туя, эшак, мол, лайлак, эчки, ит, мушук, товуқ) номи билан аталади.

**Лақабга шаъма қилиш сўз ўйинининг** экспрессив-эстетик усули ҳисобланади. Аслида сўз ўйини кенг ҳодиса бўлиб, матнда лақаб ифодалаш усули унинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, лақаб ифодалаш усули сўз ўйини усулида намоён бўлиши ҳам мумкин. Сўз усталари ушбу усулдан унумли фойдаланиб, нутқнинг таъсир этиш (перлокутив) эффектини оширишга ҳаракат қиладилар:

**Шоқосим:** Бу қағлик? (қаерлик)

**Жўраҳон:** Бу қағлигини мен қаердан билай! (қаерлик эканини)

**Шоқосим:** Бу қаққа кетяпти, бўлмаса? (қаерга)



**Жўраҳон:** Бу қақдан келган бўлса, ўша ёққа кетяпгандир. (қаердан)

**Шоқосим:** Гапни бу қоқ ўртасидан кесадиган чиқиб қолди-ку, биласизми? (нақ)

**Жўраҳон:** Ҳа, мулла Иброҳимжон шунақароқ. У куни шиғил пишган бир катта тутнинг тепасига чиқиб жим ўтирипти. Бу қоқмас шекилли дедим. (бўлишсизлик)

**Шоқосим:** У куни катта бир кўлнинг ўртасида ўрдак қолиб, бу қақилляпти денг. (тақлид)

**Жўраҳон:** Қарға сайрагани сайраган, аммо бу қағ демайди. (тақлид)

**Шоқосим:** Жўраҳон ака, пулдор ўртоқларингиз билан юраверсангиз-чи, бу қоқ одам. (қуруқ)

**Жўраҳон:** Бир қоп ёнғоқни болаларга бўлашиб бераётсам, Иброҳимжон ёнимда турган экан, бу қаққа ҳам демади. (ширинлик)

**Шоқосим:** Иброҳимжонда писта, бодом, аштак-паштаклар жудаям сероб, бу қоқингизга қарармиди! (қуритилган)

**Иброҳимжон:** Гап тамом, яшанглар-а, бу қоқ сизлар!

*"Лақаб" аскияси. Аския. 108-109-бет.*

Аския – сўздан сўз ҳосил қилиш санъати. Шунинг учун ушбу матнда буқоқ сўзи асосида қатор сўзлар ҳосил қилинган. Яъни биринчи гапда **буқоқ>буқағлик** (буқаерлик? Маъносида: бу – кўрсатиш олмоши; қағлик – қаерлик? – сўроқ олмошининг диалектал варианты); иккинчи гапда **буқоқ>буқағлигини** (қаерданлигини маъносида: бу кўрсатиш олмоши+лик+и+ни аффикслари); учинчи гапда **буқоқ>буқаққа** кетяпти (қаерга маъносида: бу кишилик олмоши+-га келишиқ кўшимчасининг варианты -қа аффиксини кўшиш натижасида -қ аффикси мақсадли орттирилган); тўртинчи гапда **буқоқ>буқағдан** (қаердан маъносида); бешинчи гапда **буқоқ>буқоқ** (нақ, аниқ, айни маъносида: бу кишилик олмоши+қоқ юклама); олтинчи гапда **буқоқ>буқоқмас** (бу қоқмайдиган маъносида: бу кишилик олмоши+қоқмоқ феъли+мас сифатдош кўшимчаси); еттинчи гапда **буқоқ>буқақилляпти** (овоз чиқаряпти маъносида: бу кишилик

олмоши+қақ тақлид сўз+илла+япти аффикслари); саккизинчи гапда **буқоқ>бу қағ** (овоз маъносида: бу кишилиқ олмоши+қағ тақлид сўз); тўққизинчи гапда **буқоқ>бу қоқ** (қуруқ маъносида: бу кишилиқ олмоши+қоқ лексемаси); ўнинчи гапда **буқоқ>бу қаққа** (қанд маъносида: бу кишилиқ олмоши+қаққа лексемаси); ўн биринчи гапда **буқоқ>бу қоқингизга** (қуриган, қуритилган мева маъносида: бу кўрсатиш олмоши+қоқи лексемаси+нгиз+га аффикслари); ўн иккинчи гапда **буқоқ>бу қоқ сизлар** (полисемантик: сизлар буқоқ маъносида, сизлар қуруқ маъносида, худди сизлар (юклама – таъкид) маъносида) каби нутқ бирликлари доирасида омосўзформалари ҳосил қилинган. Булар орасида тўққизинчи ва ўнинчи гапдаги қоқ (тожикча, қуруқ маъносида) ва қаққа (болалар тилида, қанд маъносида) лексемалари Ўзбек тилининг изоҳли луғатида учрамайди.

Лақабга шаъма қилиш, лақабнинг нутқ матнидаги ифодаси турлича усул ва воситалар билан амалга оширилиши мумкин:

1. **Фоностилистик усул ва воситалар:** *буқоқ>бу қоқ>бу қақ>бу қағ...*

2. **Лексик-семантик усул ва воситалар:** *ғалвир, шувоқ, гувалак...*

3. **Фразеологик усул ва воситалар** (*латифабанд қочирим*): *қиш оладан, ёз моладан...*

4. **Морфологик усул ва воситалар:**

а) **атамалар:** *кал аска (коляска); кал бура тур (карбюратор); ака-мулла туринг (акомулятор);*

б) **стилистик такрор:** *ҳар жой-ҳар жойи тешиқ.*

5. **Синтактик усул ва воситалар:**

а) **сўз бирикмаси:** *нақш солмоқ;*

б) **гап:** *кўрмайсизми; найингизга хашақ тиқилиб қолипти.*

6. **Морфосинтактик ёки морфонологик восита:** *бу қоқ ўртаси; бу қағ демайди; бу қоқ одам...*

Мазкур воситаларнинг стилистик хусусиятларини турли аския матнлари мисолида лисоний таҳлилга тортамыз:

**Мамаюнус ака:** Ўргимчак кана билан курашмабсиз дейман, мулла Пўлатжон: бу амирконнинг баргига **қурт тушиб илма-тешик бўлиб кетибди...**

**Пўлатжон қизиқ:** Ҳа, ўзи, Мамаюнус ака, баҳорда ерга маданий ўғитни кўп солиб шўрлатиб, пахтани пича қуритиб қўйган эдингизда!

**Мамаюнус ака:** Ерни ҳам ёмон **ғўраша хайдатган** экансизда, Пўлатжон!

**Пўлатжон қизиқ:** Гапингиз тўғри, Мамаюнус ака: **“Қиш оладан, ёз моладан”** дегандай, қишда яхоб берганда, сувни бир текисда қўймасдан, **ерни шўр бостириб юборишибди**-да! Ғўзанинг **ола чиққанига** ҳам сабаб шу!

**Мамаюнус ака:** Гапингиз тўғри мулла Пўлатжон: **“ёз моладан”**. Шу ернинг **бетига мола бостирмасдан, чигит сепдириб юборибсиз**-да!..

Мамаюнус ака билан Пўлатжон қизиқ Норматовнинг пахта мавзусидаги бу тортишувида аскиячилар бир-бирининг лақаби (Пўлат “чўтир”, Юнус “кал”) устидан пардали қилиб қулиб, нутқнинг экспрессив таъсирчанлигини оширишга эришган. Яъни **чўтир** маъносини **“қурт тушиб, илма-тешик бўлиб кетибди”**; **кал** маъносини эса **“шўр босиб ола чиққан”** ибораларини қўллаш орқали ифодалашга эришилган.

Лақаб ёрдамида **сўз ўйини ҳосил қилиш усулида** сўз усталари томонидан фикр очик айтилмайди, балки нутқ яширин ифода этилади, бунда прагматик мазмун (тагмаъно, ишора, пресуппозиция) етакчилик қилади. Баъзан **“рақиб”**нинг лақаби ошкора ифодаланиши ҳам мумкин. Лекин бундай вазиятда ҳам нутқ бирдан ортиқ ахборот ифодаланиши ҳамда **“рақиб”га қаратилмаганлиги** билан характерланади:

**Пўлатжон:** “Кўк қарға”нинг шамоли ҳам анча ернинг ғўзасини уриб, **“кал” қилиб кетди**-да!

**Мамаюнус ака:** Ўшанинг учун ернинг **ҳар жой-ҳар жойини тешиб қўйган** экан-да, шамолнинг йўлини тўсиб қўйган ғўзапояларнинг ўрни бўлса керак?!

*“Лақаб” аскияси. Аския. 105–106-бет.*

Матнда ҳар морфемаси макон билдирувчи жой сўзи билан бирикиб, қўшма сўз сифатида такрорланади. Натижада **стилистик такрор воситасида сўз ўйини** юзага чиқарилади. Такрорнинг бу кўриниши, бизнингча, ҳозирги ўзбек адабий тилига оид дарсликларда учрамайди. Бу усулни сўз ўйинининг морфологик усули сифатида баҳолаш мумкин. Сўз устаси контекстда мазкур такрордан лақаб ифодаловчи нутқий ҳосила сифатида фойдаланиб, Пўлатжон қизиқ Норматовнинг лақаби – “чўтир”га қочирим қилган.

**Қори ака:** Ия, Мамаюнус, деворингизнинг аввалги лойи шўр тупроқдан қилинганмиди, шувоқлари гувалакда турмай тўкилиб кетипти!

**Мамаюнус:** Кўрмайсизми, Қори ака, иш билан бўлиб, шувоққача қўлим тегмади”<sup>71</sup>.

Бу мисолда шувоқ лексемасини нутқда қўллаш, шу билан бирга, чегаралаш маъносидаги *-гача (-қача)* морфемасини ушбу лексемага қўшиб, адабий тилда мавжуд бўлмаган *шувоққача* сўзини ҳосил қилиш орқали *шу вақтгача* деган окказионал маънони контекстда ифодалаш йўли билан **сўз ўйинининг дилектал варианты** ҳосил қилинган. *Шувоқ* лексемаси икки хил маъно (*лой сувоқ ва чўлда ўсадиган ўсимлик*) англатишидан ташқари, аскияда ҳариф (тарафкаш)нинг лақаби (“кал”лиги)га ишора этувчи дискурс ҳисобланади. Кўчма маънодаги гувалак лексемаси ҳам шаклий ўхшашлик – метафора асосида контекстда бош маъносини англатган. “Рақиб” ҳам бўш келмай, “кўрмайсизми” дея риторик сўроқдан унумли фойдаланиб, Эрка қори Каримовнинг лақаби – “кўзи ожиз”лигига қочирим қилади. Ушбу нутқда сўз тартиби ва гап урғуси ҳам услубий вазифа бажаришга хизмат қилган. Яъни сўз устаси риторик сўроқ гапга услубий оттенка юклаш мақсадида уни модал сўздан олдин қўллайди. Бу эса таъкидлаб кўрсатиш вазифасини бажаради. Зеро, модал сўз агар гап бошида қўлланилганда эди, матн объектив муносабат ифодалаш вазифасини бажариши мумкин эди, холос.

<sup>71</sup> Р а з з о қ о в Х. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). Тошкент: Фан, 1965. 34-бет.

Сўз усталари бирор-бир касбга оид атамалардан фойдаланган ҳолда, морфологик усул билан ҳам сўз ўйинини юзага чиқарадилар. Натижада талаффуздош сўзлардан нутқда ранг-баранг прагматик маъно юзага чиқади:

**Мамаюнус:** Қори ака, маданийлашиб, “Москвич” сотиб олибсиз-у, баъзи чапани шоферларга ўхшаб дарахтга уриб олиб, **чироғини ўчириб** қўйибсиз-да!

**Эрка қори:** Ука Мамаюнус, сиз ёнимда бўлсангиз, чироқсиз ҳам ҳайдай бераман. Одамзоднинг маданийлашгани яхшида, йўқ эса, қачонгача сизга ўхшаш **кал аска** (коляска – извош)ни минаман!”<sup>72</sup>

**Мамаюнус:** Чироғининг ўчиб-ёниб, ўчиб-ёниб туришидан, моторига бирор гап бўлгандир, **ака-мулла туринг**<sup>73</sup>, тузатамиз.

**Эрка қори:** Тузатиш ўзимнинг қўлимдан келади, менга халақит берманг, бўлмаса жаҳлим чиқиб: **кал буро тур**<sup>74</sup> дейман.

Мамаюнус ака билан Эрка қорининг **Кўқон** гулбоғида автомобил мавзусидаги айтишувларидан олинган юқоридаги матнда *машина чироғининг ўчиши* ишораси “рақиб” – Эрка қори Каримовнинг кўзи ожизлигига қочирим бўлса, унинг жавобидаги “Сиз ёнимда бўлсангиз, чироқсиз ҳам ҳайдай бераман”, “қачонгача сизга ўхшаш каласкани минаман” гаплари “Машина” пайровига жавоб, яъни мавзу доирасида билдирилган фикр бўлиши билан бирга, Мамаюнус аканинг “кал” лигига қочирим ҳамдир (бу гапларда порнография ҳам бор). Мамаюнус ака ҳар ҳолда икки кўзи очик, автомобилни кўрган, унинг айрим қисмларини анча-мунча билади, шу сабабли ўз “рақиб”ининг камчиликларини у билан танқид этиш учун унда “материал” кўп бўлиши мумкин. Аммо, бунга қарамай, Мамаюнус ака бу жойда мот бўлган (карбюратор – кал буратур). Бу эса Эрка қорининг сўзга усталигидан далолат беради.

<sup>72</sup> Ра з з о к о в Х. Кўрсатилган асар. 45-бет.

<sup>73</sup> Ака мулла туринг – аккумуляторга ишора қилинмоқда.

<sup>74</sup> Карбюратор.

**Сўз ўйинининг латифабанд қочирим** тури ҳам мавжуд:  
**Мамаюнус:** Қори ака, минган отингиз осов ёки қоракашми, биронта кўприкдан ҳам туртинмай ўтолмайди-я?

**Эрка қори:** Э ука, Мамаюнус, арғумоқлардек гижинглаб ўтар эди-ю, доим сиз кўприк тагида туриб, шумлик қилиб кўрқитасиз-да!..<sup>75</sup>

Ушбу матнда **латифабанд қочирим** (халқорасида мақолга ишора қилувчи қочиримлар ҳам, кўпинча, латифабанд номи билан юритилади) билан охирги жумлада “калларнинг ҳеч қандай иш билмайдиган соддаси кўприк тагида туриб от хуркитади” деган мақолга ишора қилинмоқда. Шу билан бирга, пайров мавзуси доирасида фикр билдирилган ҳамда лақаб ифодасини ҳам усталик билан юзага чиқарган.

Кўринадики, пайровда айтиладиган ҳар бир сўз ва гап, пайров мавзусининг мазмун-мундарижасини очишга, ечимга олиб келишга хизмат қилиши билан бирга, аскиябозлар лақабининг бирор хусусияти, белгисига ишора бўлиб, уни туртиши, қитиқлаши керак. Шундагина савол-жавоб тагдор, мазмунли, кулдирадиган чуқур қочиримга эга бўлади.

**Қочирим** (қочириқ) эса аския-пайровларда сўз ўйинларининг энг кўп тарқалган турларидан бири ҳисобланади<sup>76</sup>. Қочиримнинг нутқий ифодаланиши турли лисоний воситалар билан амалга оширилади:

**Турсунбува:** Мамарозиқ аканинг аъзоси Қодиржон ака бўлса, шарпаларини билдирмай **шолипояларини суғориб ётибдилар**. Нима бригадир **оғзига сув олганми**, индамайди.

Матнда қочирим ифодалаш воситаси **сўз бирикмаси** (*шолипояни суғормоқ*) ҳисобланади. Нутқий хужум эса Қодиржон ака Ҳилоловга қаратилган ва бу билан “рақиб”нинг “лайлак” лақабига шама қилинган. “Рақиб” ҳам бунга жавобан шундай восита (*бошини боғламоқ*) ёрдамида Олимжон ака Ҳайдаровга унинг “кал” лақабини назарда тутган ҳолда нутқий хужум қилади:

<sup>75</sup> Раззоков Х. Кўрсатилган асар. 46-бет.

<sup>76</sup> Раззоков Х. Кўрсатилган асар. 38-бет.

**Қодиржон ака:** Ҳадемай сувга сероб бўлиб қоласиз, мана, Олимжон ака ўша томондан **бошини боғлаб** келади.

Мамарозиқ ака Исҳоқов ҳам беллашувдан четда қолмай, сўз ўйинининг аллитерация (ундошларни такрорлаш) усули ёрдамида Турсунбува Аминовнинг “кампир” лақабига ишора қилади:

**Мамарозиқ ака:** Турсунбува! Мана булар ишимиздаги камчиликларни **кампирнинг чиғиригидан чиқаргандай чиқаришади**. Биз тузатдик, уларни ҳам бир тузатмаймизми?

“Рақиб”ининг кучли субъектив “зарба”сига учраган Турсунбува Аминов ҳам тилнинг ҳеч қандай грамматик қонун-қоидаларига амал қилмаган ҳолда, лисонда мавжуд бўлмаган сўзшакл (*беткайгача*) билан жавоб қайтаради ва бу билан Мамарозиқ ака Исҳоқовнинг “чўтир” лақабини окказионал тарзда оммага фoш этади:

**Турсунбува:** Тузатгани дори керак. Гапингизга қараганда, сиз ўзгаларни анча чанглатиб опсиз, дори кўпми, дейман, ху анави **беткайгача** етибди.

Бу каби дисфемистик ифода Расул қори (лақаби “қори”) ни “қитиқлайди” ва у эвфемистик усулда ҳам хужумни кучайтириш ва нозик сўз ўйини яратиш мумкинлигини кенг саҳнада исботлашга ҳаракат қилади:

**Расул қори:** Ўшанинг учунми дейман, Мамарозиқ ака **лопиллаб** очилиб кетибдилар-да!

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 16–17-бет.*

Юқоридаги мисолларнинг лисоний таҳлилидан кўринадики, аскиячилар ранг-баранг сўз ўйини ҳосил қилишда, “рақиб” аскиячини сўз беллашувида мот қилишда тил бирликларини сунъий равишда полисемиялаштириш, омонимлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланадилар. Бу эса, шубҳасиз, нутқнинг бадий-эстетик таъсирини оширибгина қолмай, кулги кўзғатишнинг экспрессив усулларида бири сифатида аскиябозларнинг лингвистик маҳоратини белгилаб беради.

Аския матнларида лақаб ифодаси тагмаъно<sup>77</sup>,

<sup>77</sup> Ҳ а к и м о в М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент: Академнашр, 2013. 92–110-бетлар.

презуппозиция<sup>78</sup> ва унинг нутқий кўринишлари воситасида амалга оширилади. Умуман олганда, аския тагмаънога асосланган матн кўриниши ҳисобланади. Тадқиқотчи М.Ҳакимов тагмаънонинг фонопрагматик; стилопрагматик; индивидуал хусусий; метафорик; экспрессив ҳамда монологик турларини ажратади.

Тагмаънонинг аския матнларида турли лисоний воситалар ёрдамида ифодаланишини кўйидаги мисоллар таҳлилидан кўришимиз мумкин:

**Исмоилжон ака** (“пучук”): Елкангиздан ўқ ариқ олганда дўппингизнинг таги қўлланмай ичар эди.

“Пучук” лақабли Исмоилжон (Дехқонов) ака Абдуқодир (Дехқонов) аканинг “кал” лақабини белги, ҳолат ва мазмуний ўхшашлик (метафора) асосида ифодалаб, дўппининг таги (бошни)ни чанқоқ ерга ўхшатади. Бунга жавобан сўз устаси – “рақиб” ҳам худди шу метафорик тагмано усулида “пучук” бурунни дастлаб пачоқ найга, сўнгра унга янада стилистик эффе́кт бериб, хашак тиқилган найга ўхшатган ҳолда, стилопрагматик тагмаънони юзага чиқаради:

**Абдуқодир ака** (“кал”): Ўша қўлланиб ичишлигига сабаб, найни пачоқлаб қўйибсиз.

Исмоилжон ака: Ўша най пачоқ бўлгандан кейин елкангиздан тош қувур қўйдик. Сўнг дўппингиз тагидан сув биқирлаб чиқа бошлади.

**Абдуқодир ака:** Ўша сув тош қувурдан биқирлаб чиқмай қолди, найингизга хашак тиқилиб қолипти.

*“Лақаб” аскияси. Аския. 106-бет.*

Ушбу аския матнида тагмаъно диалогик нутқ кўринишида окказионал тарзда юзага чиқарилган бўлиб, шу боис, тагмаънонинг бу каби янги турини диалогик нутқ типига хос кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Агар лақаблар жисмоний нуқсон билан алоқадор бўлса, ўша инсон аъзосига тегишли лисоний бирликлар нутқда

<sup>78</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. Самарқанд, 1994.



қўлланилади, бу билан лақаб ифодаси пресуппозиция асосида юзага чиқарилади:

**Буқоқ лақабли киши:** Бошингизда ташвиш борми, дейман, хаёл суриб қолдингиз?

**Кал лақабли киши:** Қилғиликни қилипсиз-у, гуноҳи мана бўйнингизга тушиб қолипти!

**Буқоқ лақабли киши:** Майли, ҳақиқат жойини топар, бошингиз ҳам очилиб қолар.

Кал лақабли киши: Ҳақиқат очилгунча, бўғилиб ўларман.

Ушбу матнда “Кал” лақабли аскиячи “рақиб”ига нисбатан ўз нутқида “гуноҳи бўйнингизга тушиб қолибди” гапи ва “бўғилмоқ” лексемасини келтириш орқали унинг лақаби (буқоқ касаллиги)га ишора қилса, буқоқ лақабли киши “бошингизда ташвиш борми”, “бошингиз ҳам очилиб қолар” гапи билан ҳарифининг лақабига қочирим қилади.

Агар лақаб аллегорик кўринишда бўлса, ҳайвон ва паррандаларга оид лисоний ифодалар келтирилиб, сўз ўйини қилинади:

**Мушук лақабли киши:** Намозгарда ахтариб борсак, юқорига чиқиб кетган экансиз?

**Товуқ лақабли киши:** Яхшиям юқорига чиқиб олган эканман, мени буггани борган экансиз-да?

**Мушуклақабли киши:** Уч марта чақирдим, тушмадингиз?

**Товуқ лақабли киши:** Гўштсираб қолганим йўқ.

Лақаб ифодаловчи нутқий бирликлар турли сўз туркумида бўлиши мумкин:

**Раҳматқул ака:** Омон бўлгур Абдуллажон ака, силос тайёрлашга яхшироқ қаранг, сигирлар сизга ўрганиб қолган, сизга қараб “мо” деса, “гўшингни ейман” деб пўписа қилиб юрманг яна.

**Абдуллажон ака:** Омон бўлгур Раҳматқул ука, маккажўхорилар силосбоп бўлиб қолди, иш қистоқ – трактор беринг, одам беринг, бўлмаса кечга қолиб кетиб, ўзингизга<sup>79</sup> йиғиштириб юрмайлик.

<sup>79</sup> Раҳмагқул ака Ярашовнинг лақаби “туя”, ўшанга қочириқ қилинмоқда.

**Раҳматқулака:** Чорвадагиларни ишга солинг, иш билмас экан, деб, кейин яна **терингизни шилиб<sup>80</sup> олмайлик.**

Абдуллажон ака. Барака топинг, бизнинг ҳақни ҳам ёзганмидингиз, мен туёқ шиқиллатиб юрувдингизми депман.

**“Чорвачилик”** пайрови. Аския. 28-бет.

Лақаб биринчи ва учинчи гапда қўшма феъл билан, иккинчи гапда 2-шахс ўзлик олмоши билан, охирги гапда эса, от туркумига оид сўзлар билан ифодаланган.

**Жой номлари билан** ҳам лақаб ифодалаш мумкин. Машхур ҳофиз Мамаюнус (лақаби “кал”) поездда кетишаётганда дўсти Эрка қорини (кўзи ожиз) аскияга тортар экан, қори аканинг кўзи ожизлигига шама қилиб шундай дейди:

**Мамаюнус:** Туринг, қори ака. **Кўр отга** келдингиз!

Эрка қори ёстикдан бошини кўтарар экан, шошиб-пишиб купе деразасидан ташқарига қараган бўлди-да, дарҳол юзини Мамаюнус ака томон буриб деди:

**Эрка қори:** Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! **Шўртепа-ку!**

*Ўзбек халқ оғзаки ижоди.* <http://e-adabiyot.uz>

Маттни таҳлил қилишда тингловчи “кўр от”, “шўртепа” сўзларининг маъносини шу заҳоти закийлик билан кўзи ожиз, кал маъноларида тушуниб етмаса, аскиянинг бутун моҳияти ўз қадрини йўқотади. Натижада, Мамаюнус аканинг маҳоратини ҳам, Эрка қорининг топқирлигини ҳам баҳолмай олмайд.

Аскиячилар лақабларининг контекстуал ифодаланиши турли сўзлар, сўзформа, бирикма ва гаплар ёрдамида амалга оширилади. Бундай воситаларнинг нутқий тадрижини тадқиқ этиш стилистика соҳасида муҳим аҳамият касб этади:

1) **“чўтир”** (Пўлатжон қизиқ *Норматов*, *Мамарозиқ ака Исҳоқов*) **лақабининг окказионал ифодаланиши:**

*ғалвир, юлиб олмоқ, ачитма патир, шувоқ, элак, тирнамоқ, бет, нақш солмоқ; (107–108-бет)<sup>81</sup> беткайгача, лопиллаб очилмоқ (16-бет); чаман бўлиб кўринмоқ (17-бет),*

<sup>80</sup> Абдуллажон ака Ярашовнинг лақаби “ит”. ўшанга шама.

<sup>81</sup> Барча мисоллар “Аския” тўпламидан олинган.

бетини тамомий парранда чуқиб кетипти (40-бет), илма-тешик (105-бет), ғураша, чигит септирмоқ (105-бет), ҳар жой-ҳар жойини тушиб қўйган (106-бет);

2) “буқоқ” (Комил қори Қулижонов, Усмон қори Раҳимбеков) лақабининг окказионал ифодаланиши:

бу қағлик, бу қағлигини, бу қаққа, бу қағдан, бу қоқ (нақ, аниқ, айни маъносида), бу қоқмас, бу қақиллаяпти, бу қағ, бу қоқ (қуруқ маъносида) бу қаққа (қанд маъносида), бу қоқингизга, бу қоқ сизлар (108–109-бет); ола хуржун, тугунча, қовоқ, гувалак, кунгирадор, ҳиқилдоқ, бўйни йўғон, гумбаз (107–108-бет); сифатингизни бузиб қўйишади (17-бет), бўйнингизга тушган гуноҳ, бўғилмоқ (106-бет);

**Мисол:**

**Пўлатжон ака:** Ола хуржунни кўтариб олибсиз, йўл бўлсин, Қори ака?

**Комилқори**<sup>82</sup>: Бозорга, ғалвир керак бўлиб қолди!

**Пўлатжон:** Хафароқ кўринасиз, ё тугунча-пугунча йўқотдингизми?

**Комил қори:** Э, Пўлатжон, шўрим қурсин, тугунчани тушириб қўйибсан деб, келинингиз ҳамма ёғимни юлиб олди.

**Пўлатжон:** Уйда жазлик тамом бўлдими дейман, ёғ қовоқни қозиққа тескари илиб қўйишипти.

**Комил қори:** Ҳа, энди кунимиз ачитма патирга қолди.

**Пўлатжон:** Қори ака, устунларнинг тагига гувалакларни териб қўйибсиз, нима, эски чордевор бузилдими дейман.

**Комил қори:** Шувоққача билмабсиз-да!

**Пўлатжон:** Тўрва қуллуқ бўлсин, жуда кунгирадор-а!<sup>83</sup>

**Комил қори:** Куним сақич-мози сотишга қолди: элак олиб чиқиш ёдимдан кўтарилипти.

**Пўлатжон:** Хели нафси бузуққа ўхшайсиз-а, мана, овқатни чайнамай еган экансиз – суяги ҳиқилдоққа илиниб қолипти.

**Комил қори:** Ҳа, томоғнинг бир-икки жойини тирнагандай ҳам бўлди.

<sup>82</sup> Пўлатжон лақаби “чўтир”, Комилқори лақаби “буқоқ”.

<sup>83</sup> Буқоғига шама.

**Пўлатжон:** Қори ака, зўрға кун кўриб юрибсиз-у, билмаганлар сизни бўйни йўғон дейди.

**Комил қори:** Бетга айтганинг захри йўқ!

**Пўлатжон:** Қори ака, қуллуқ бўлсин, мана, мачитнинг гумбази ҳам тайёр бўпти – сўфи чиқиб азон айтса, бўлаверади?

Комил қори: Шошилмай қолинг, мулла Пўлатжон, битганда ўзим хабар қиламан, ҳали нақш солингани йўқ!

3) “кал” (*Бухорбек Зокиров, Исмоилжон Акбаров*) лақабининг окказионал ифодаланиши:

*шўртепа, бошини боғламоқ (16-бет), бошингиз осмонга етиб қолади (16-бет), гувалак (46-бет), “икки оламда пано бўлган бошим” (48-бет, ашула номи маъносида), шўрер, ола-була ғўза, кўсак (98-бет), Алдар Кўса, нишолда юқи (99-бет), шўрлатиб, “қиш оладан, ёз моладан”, шўр, ола чиққан (105-бет), кал, бош, кўлланмай ичар эди (106-бет), кал аска, кал буро тур (107-бет);*

4) “кўр” (*Эрка қори Каримов*) лақабининг окказионал ифодаланиши:

*чироғини ўчириб қўймоқ (107-бет);*

5) “пучуқ” (*Исмоилжон ака Деҳқонов*) лақабининг окказионал ифодаланиши:

*пачоқ, найингизга хашак тикилиб қолипти (106-бет);*

6) “лайлак” (*Қодиржон ака Халилов*) лақабининг окказионал ифодаланиши:

*шопипояни суғормоқ (16-бет), пар ракка (44-бет), қапа тикмоқ (45-бет), қанотларини ёзиб аэроплан бўлиб келмоқ, илон тутиб келмоқ, қатиқ бозорига ўттилар, тумшукларигача қизил, қизил иштоннинг икки поччаси, учиб келишга қийналган, қичиқ патини юлдирган, бўйнинг узулгур, лайлак (109-бет);*

7) “кампир” (*Турсунбува Аминов*) лақабининг окказионал ифодаланиши:

*кампирнинг чиғириғидан чиқаргандай чиқаришди (16-бет), бетининг ҳамма ёғини тук босиб кетипти (40-бет);*

8) “туя” (*Раҳматқул ака Яшаров, Бузрук Усмонхўжаев*) лақабининг окказионал ифодаланиши:

*ўзингизга йиғиштирмайлик (28-бет);*

9) **“ит”** (*Абдуллажон ака Яшаров, Маҳмуджон Абдуллаев, Мамадали Қори Тошматов*) **лақабининг окказионал ифодаланиши:**

*гўштингни ейман демоқ, терингизни шилиб олмоқ, туёқ шикиллатмоқ (28-бет), ол хўр (40-бет), ола, пар, овчи эрка (Ҳ.Р. – 34-бет), дум (50-бет);*

10) **“хўкиз”** (*Ғойиб ака Тошматов*) **лақабининг окказионал ифодаланиши:**

*бу ишнинг охири йўқ (34-бет), баргларни сидириб емоқ (39-бет), чўччанглаб, терини шилдирмоқ, думингизни қисиб ўтирмоқ (99-бет), ем солиб қўйган (100-бет);*

11) **“эчки”** (*Икромиддин Каримов*) **лақабининг окказионал ифодаланиши: эчки (51-бет);**

12) **“товуқ”** **лақабининг окказионал ифодаланиши:**  
юқорига чиқмоқ, тушмоқ (106–107-бет);

13) **“мушук”** **лақабининг окказионал ифодаланиши:**  
*буғгани бормоқ, гўштсираб қолмоқ (106–107-бет).*

Сўз усталари томонидан бир тушунчани (лақабни) тадрижий ривожлантириш натижасида нутқий градуонимик қатор ҳосил бўлади:

**Комилжон Раҳимов:** Ана қанотларини ёзиб, аэроплан бўлиб келяптилар.

**Темиржон Ҳамидов:** Ана, ризқи-рўзилари билан, кўлдан илон тутиб келяптилар.

**Хусанхон Саидов:** Йўлда тутилиб қолганга ўхшайдилар, биров “бақа” деди, шекилли.

**Камолхон Зокиров:** Ана, қўлларида лапақ, кечикканларидан, қатиқ бозорига ўттиларми дейман.

**Аминжон Муҳаммадий:** Ана, жуда очилиб кептилар, тумшуқларигача қизил суркаб.

**Исмоилжон Ниёзов:** Ана, уйдан ясан-тусанни шошилмай қилиб чиқиптиларми дейман, қизил иштоннинг икки поччаси кўриниб қопти.

**Аъзамжон Ҳакимов:** Қўқон шамоли кўтарилган бўлса, учиб келишга қийналгандир-да.

**Мамадали қори Тошматов:** йўлда битта-яримта ошнаси учраб қолган бўлса, қичиқ патини юлдиргандир-да.

**Турсунбува Аминов:** Одати шунақа, бу бўйнинг узил-гурни.

**Ибодулла Раҳматиллаев:** Иккинчи “лайлакни Худо” деганимиз шу бўлсин.

**Қодиржон ака Халилов:** Менга ҳам гап берасизларми-йўқми, ахир! Тавба, рост экан, бугун тушимда мени ўнтача мушук таловди-я<sup>84</sup>.

*“Талаш” аскияси. Аския. 109-бет.*

Ушбу матнда қанотларини ёзиб, аэроплан бўлиб келмоқ, илон тутиб келмоқ, қатиқ бозорига ўттилар, тумшуқларигача қизил, қизил иштоннинг икки поччаси, учиб келишга қийналган, қичиқ патини юлдирган, бўйнинг узулгур, лайлак каби бирликлар градуонимик қаторни ташкил этиб, улар ўзаро лақаб мазмуний майдони асосида бирлашади.

Демак, лақаб ифодалашнинг усул ва воситалари хилма-хил бўлиб, улар, бир томондан, сўз усталари нутқининг ранг-баранг товланиши ва унинг ифода имкониятлари кенглигини намоён этса, икинчи томондан, окказионал ифода беагаи – сўз ўйини санъатининг эффе́ктив кўриниши ҳисобланади. Бир тушунчани тадрижий ривожлантириб, ифодага стилистик сайқал берилиши услубий ҳар хилликдан далолат беради.

Хуллас, аскиячиликда турли нутқий ифодалар билан “рақиб”ининг лақабига ишора қилиш ва сўз ўйини ҳосил қилиш сермахсул усул сифатида фойдаланиб келинган. Бунинг натижасида аскиянинг “лақаб аскияси” деган тури шаклланиб, такомиллаша борган.

## 2.5. Асоси битта сўздан иборат аскиялар

Маълумки, омоним сўзларнинг шеърда турли маъно англатиб, ўзаро қофияланиши тажнис деб аталади. Тажнис сўзнинг ички ва ташқай шакли билан алоқадор бадий

<sup>84</sup> Кўқонлик мохир аскиячи Қодиржон ака Халилов (лақаби “лайлак”) даврага ярим соат кечикиб кириб келиши сабабли, ҳазилкаш аския шинавандалари у кишини мот килишни келишиб кўйишган эди.

санъат тури бўлиб, у туюқ жанрида кенг тарқалган. Мазкур бадиий санъат тури аскиянинг асосини ташкил этади. Чунки тажнисга сўз ўйини деб ҳам қаралади. Аския эса бу – ўзбекона сўз ўйини санъати. Шунингдек, аскияда кўпроқ ийҳом санъатидаги сўз ўйини ҳам етакчилик қилади. Баъзан бу санъат шу қадар мураккаблашиб кетадики, уни айтилгани заҳоти англаб олиш ҳам қийин бўлади.

Матн асоси битта сўз билан шакллантирилган аскиянинг ушбу кўринишида сўз ўйинининг мураккаб шаклий-мазмуний ифодаси юзага чиқарилади. Нутқда **бир сўзни ранг-баранг тарзда қўллаш**, шунингдек, **сўз тартибини ўзгартириш усули билан сўз ўйини ҳосил қилинади**. Мақсад эса ҳозиржавоблик ва топқирлик билан нутқнинг поэтик жилосини, закийлик санъатининг ўзига хослигини, нутқий ифода имкониятларнинг кенглигини намоён этишдир.

Бунга мисол тариқасида ошқовоқ сўзи асосида шакллантирилган аския матнидаги сўз ўйинларининг нутқий ровожлантирилишини кўришимиз мумкин:

**Қодиржон ака:** Аминбува, ху анави ошпазни кўрдингизми, **қовоқ ошга** керак деяпти.

**Аминбува:** Мулла Қодиржон, аввал мева-чевалардан олсангиз-чи, дарров **ош қовоқсиз** бўлсин демасдан.

**Қодиржон ака:** Бўлмаса, ёз меваларидан сиз ҳам еб-еб олинг, **қовоқошсиз** кетасиз.

**Аминбува:** Ҳо Икромиддин, Икромиддин ука ҳой! Қодиржоннинг гапларини эшитяпсизми? Атайлаб шаҳардан чиқиб **қовоқошсиз** кетмайлик дейдилар, **ошқовоқдан қовоқош** қилиб қўя қолинг.

**Қодиржон ака:** Икромиддин, бу ёққа қаранг, бизга пиширишингиз битта **ош, қовоқ** ҳам соласиз-а!

**Икромиддин:** Қодиржон ака, сизлардақа азиз меҳмонларга атаб ҳар хил овқат қилганмиз: бу шўрва, **ош қовоқда**.

**Амин бува:** Мулла Икром, Қодиржон акадан ташвиш қилманг, бу кишига **ошқовоқдан** олинса бўлди.

**Қодиржон ака:** Амин бува, ажойиб хушфёъл одамсиз-да, индамай олаверасиз: **ошга қовоқ** солинмайди, деб.

**Амин бува:** Сиз индамай тушираверсангиз-а, **қовоқдан ош** яхши, деб.

**Қодиржон ака:** Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, **ошдан қовоқ** яхши, деб.

**Амин бува:** Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, **қовоқ ошми**, ош қовоқми, деб.

**Қодиржон ака:** Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, **ош қовоқдан бўлади** деб.

**Амин бува:** Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, **қовоқдан ош** бўлади деб.

**Қодиржон ака:** Нафси бузуқлик қилиб, Икромиддин пиширган ошни паққос еб ташласангиз-а, ортиб қолса, **ош қовоққа** сиғмайди деб.

**Амин бува:** Тириклигимда еб олай деб, бир қозонни туширсангиз-а, **ош қовоқдан** кетади деб.

**Икромиддин:** ...бир озу ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиринглар, бошқа овқат қиламан: **қовоқ-сиз!**

Контекстда қайта-қайта такрорланган қовоқ сўзи, аввало, палак отиб ўсадиган полиз ўсимлиги. *Иккинчидан*, шу ўсимлик қобиғидан тайёрланган идиш. Унга, одатда, сут, овқат солиб сақланади. *Учинчидан*, одамнинг қоши остидаги *қўз косасини қопловчи тери*. Аския матнида учта маънонинг ҳаммаси ёки бирдан ортиқ ушбу маъноларнинг бир вақтнинг ўзида фаол иштирок этиши контекстнинг полисемантик табиатини намоён этади: *биринчи гапда* – “қовоқнинг ошга кераклиги” имплицит ифода. Нутқнинг эксплицит ахбороти – “қовоқнинг қошга кераклиги”. Ифодалар ўртасидаги **мотивация – сўз ўйини** ҳисобланади. Контекстда англашилган ушбу маънолар муносабати билан сўз ўйини юзага чиқарилган. Шунингдек, фоностилистик ўйин, яъни сўз устаси томонидан ўз нутқида қ товушининг ортирилиши ҳолатига ҳам сўз ўйинининг омили сифатида қараш лозим бўлади. *Иккинчи гапда* “ош (таом) қовоқсиз бўлиши” таъкидланаётган бўлса, *учинчи гапда* ҳам “қовоқ-қош ёки қош-қовоқ олмай кетиш” ҳақида фикр билдирилади. Бунда нутқий бирлик (қовоқошсиз)ни ўзига хос оҳангда,



тўхтамсиз талаффуз қилиш билан унинг таркибидаги қ товушини қаватлантириш (геминация) ёрдамида яришилади. *Тўртинчи гапда* юқоридаги *қош-қовоқ, қовоқ-қош* жуфт сўзлари ифодаси ош ва қовоқ лексемасини хиазматик тарзда ўрнини алмаштириб қўллаш билан юзага чиқарилади. Кейинги гапда (Қодиржон ака нутқи) *ошга қовоқ солиш* ҳақида гапирилади. Аммо меҳмонларга жahl чиққан ҳолда, яъни “*қовоқ солиб овқат қилиш яхши эмаслиги*”, шундан сўнг “*ош қовоқда*” дейилганда, “*ошнинг қовоқ пўстидан ясалган идишга солингани*” айтилмоқда.

Матннинг поёнида сўз усталари томонидан қўлланган қўшма гап компонентларининг биринчиси услубий такрор шаклида ифода этилиб, иккинчиси мазмунан **нутқий тезлик** ҳолатини намоён этадилар. Яъни контекстда сўз ўйини ифода шакли атайлаб зичлаштирилади. Бу нутқий тезлик ош ва қовоқ лексемаси доирасида ифода этилади. Жумланинг қолган компонентлари услубий такрор бирликлари сифатида нутқда сўз ўйини ифода манбаини ихчамлаштириш, фикр ранг-баранглигини қисқа ва лунда шаклда намоён этишга хизмат қилади. Бу билан ҳозиржавоблик ҳамда сўзга чечанликни кўрсатиш, энг муҳими, комик нутқнинг портлаш эффектни оний лаҳзаларда содир этиш суҳандонларнинг асосий мақсадига айланади.

Аскиянинг охириги жумласи алоҳида аҳамиятга эга. Унда қовоқсиз сўзи бир қарашда *овқатга қовоқ солмайман* маъносида ифодаланса-да, аммо аскиячи бу сўзни шундай талаффуз қиладики, оқибатда, аския бошлаган одам бефаҳм, яъни кўчма маънода халқона ифода саналмиш “*қовоқ*” номи билан аталиб қолади<sup>85</sup>. Натижада нутқдаянги маъно, фикрий товланиш акс этади ва бу эса атрофдаги тингловчиларга кулги бағишлайди.

“Дор” пайрови<sup>86</sup> ҳам асоси битта сўздан иборат аскияга ўхшайди. Фақат юқоридаги пайровдан фарқли равишда сўз усталари матнда дор компонентига эга тил бирликларига

<sup>85</sup> Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Аския. <http://e-adabiyot.uz> 11-бет.

<sup>86</sup> Қаранг: С у л т о н о в Х. Аския. Тошкент: Чўлпон, 1998. 105–106-бетлар.

мурожаат қилганлар: *дор, дорбоз, амалдор, димоғдор, нишондор, хусндор, мадор, тақводор, жаҳлдор, айбдор, иқтидор, самарадор, Элдор, Сардор, вафодор, бедор, дўқондор, дори, харидор, наслдор, ҳашамдор. Булар орасида дор, мадор, иқтидор, Элдор, Сардор, бедор, дори* кабилар туб сўз ҳисобланади.

Ҳақиқий қаламкаш ҳам сўзлар уммонида ўзини денгизчидек эркин ҳис этмоғи, қачон қандай сўз ишлатишни билмай иккиланиб қолмаслиги керак. Одатда, асар туғилиши жараёнида керакли сўзларнинг ўзи қуйилиб келади. Бироқ “қуйилиб келган” сўзларнинг дуч келганини ишлатиш тўғри эмас. Чинакам ижодкор ўнта муқобил сўз орасидан битта энг кераклигини танлаб олиши, яъни сўз уммонида сузаётиб, “бўш чиғаноқ”ни эмас, “ичида гавҳари бор” чиғаноқни олиб чиқиши лозим<sup>87</sup>.

Бу билан хулоса сифатида айтиш мумкинки, “бу ўткинчи дунёга ҳикматга бой донишманд-мутафаккир кўзи билан қараш ва ўз қарашларини ...аскиядек сўз санъатининг энг муъжаз нуқраларида санъаткорона ифодалаш бобида ўзбек халқидек закий-зукко халқ, ўзбек тилидек ифода имкониятлари чексиз тил бу жаҳон айвонида камдан-кам!”<sup>88</sup>

## 2.6. Аёллар аскияси

Аския эркакларнинг ижро санъати ҳисобланганлиги боис, ана шу миллий санъатимизнинг ижрочилари, шубҳасиз, эркаклар бўлади. Бу фикр соҳа мутахассилари томонидан ҳам эътироф этилган<sup>89</sup>. Лекин халқимиз урф-одати ва қоидаларининг қаттиқ қаршилигига қарамай, ўзбек аёллари орасида истеъдодли шоиралар, созандалар, раққосалар, ҳикоя, латифа айтувчилар билан бирга аскиячилар ҳам бўлган.

<sup>87</sup> Ў т к и р Ҳ о ш и м о в: “Қаламкаш сўзлар уммонида ўзини денгизчидек эркин ҳис этмоғи керак”. <http://ziyouz.uz/suhbatlar/2013-12-14-06-08-53> Чоп этилган сана: 14.12.2013.

<sup>88</sup> О т а у л и. Заргарона зарофат. теран тағмаёно. <http://ziyouz.uz/ilm-fan/til-adabiyot/2014-05-26-13-26-06> Чоп этилган сана: 26.05.2014. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2010 йил 10-сон.

<sup>89</sup> О б и д А с о м о в. Урф. Одат. Анъана... <http://gruppироват.ru>

Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқованинг ҳикоясига<sup>90</sup> қараганда, айниқса, Фарғона водийсида аёллар тўпланган меҳмондорчиликда ўзига хос аскиялар қилинарди. Дугоналар бир-бирига қочириқлар, киноялар қилишардилар. Пок ва нодир ақлли аёлларимиз эркаклар билан ҳам ўзаро турли мавзуларда аскиялар айтиб, сўз ўйинлари қилганлар.

Аёллар аскияси ўзига хос ифодага эга бўлиб, матнда, асосан, аёллар нутқиغا хос бўлган “жоним қоқиндиқ”, “тасаддуқ” каби лексик бирликлар, “вой”, “айланай” ундов сўзлари, “ўртоқжон”, “дугонажон”, “жонгинам”, “жонидан” каби мурожаат шакллари кўп ишлатилиб, эркаланиш, нозланиш мазмуни теранроқ англашилади:

**Лутфихоним<sup>91</sup>: Чўнтакхон**, жоним қоқиндиқ, келинг бир **Холис** шағал тўкишайлик.

**Чўнтакхон:** Аяжон, дарди йўқнинг дарди бордан хабари йўқ деганларидай, ўзим нима ғамда-ю, устига-устига шағал тўкишайлик дейсиз. Кўрмайсизми, **Холис** жонимга тегувди – **Хайри чамбарак** бўлиб кетди.

**Лутфихоним:** Ўртада **Холис** туриб, сиз уни **Ҳадя** қилувдингизми?! Бу – **Ўғил эркакнинг<sup>92</sup>** иши!

**Чўнтакхон:** Холис туриб айтсам-чи, аяжон, **Ҳадя** дегани яхши, унинг ҳам **Лутфи** бор.

**Лутфихоним:** Вой, эркаламай қолинг, сиз ҳам **Чўнтакбол** бўлипсиз.

**Чўнтакхон:** **Холис** гапга ишонинг!

**Лутфихоним:** Холис одамга тўйлар **Муборак!**

**Чўнтакхон:** Бу ҳам бир **Хосият**-да!

**Лутфихоним:** Гапларингиз бирам **Нозик**.

**Чўнтакхон:** Нимасини айтасиз, **Роҳат!**

**Лутфихоним:** **Қамарой**, кўринмайсиз десам, **Юлдуз** санаб юрибман дейсиз-а!

<sup>90</sup> Қаранг: М у х а м м а д и е в Р. Кўрсатилган асар, 9-бет.

<sup>91</sup> Л у т ф и х о н и м С а р и м с о қ о в а – халқ артисти.

<sup>92</sup> 1910–1930 йилларда Кўконда Ўғилхон деган аёл раҳбарлигида (лакаби “эркак”) хофиз ўйинчилар тўдаси бўлиб, тўй-базмларда хизмат қилишган. Чўнтакхон шу туданинг ўйинчиси бўлиб, гўзал рақслари, ашулалари, лутфлари билан ҳаммани койил қиларди. 1930 йилларда Кўкон театрида ишлаган. Бошқа номлар шу аёлнинг ҳамкасблари.

**Чўнтакхон:** Ҳа, Зухрони ҳам кўшиб санадим.

**Лутфихоним:** Етти оғайнилар орасида Чўлпоной кўринмадими?

**Чўнтакхон:** Олтинқозикларни кўриб, билмадим ё Хулкарингиз учди, ё Кўтингиз.

**Лутфихоним:** Сизни ўзим кўкларга кўтараман – Ойнисам деб.

**Чўнтакхон:** Сизга энди дугоналарим номини сираям айтмайман – дарров ўзингизга Муқаддас қилиб оласиз!

**Лутфихоним:** Айтинг деб сизни қистаганим йўқ, истаган вақтимда ўзи Мухайё бўлиб тураверади.

**Чўнтакхон:** Табиатингиз жудаям Нозик-да, анча-мунча одам сизга ёқавермайди – Майнага тоқатим йўқ дейсиз.

**Лутфихоним:** Анча-мунча гапдан қолмайсиз, сизда ҳам бир Каромат бор.

**Чўнтакхон:** Гапим ҳали кўп, эшитасизми, Марҳамат!

**Лутфихоним:** Кимёдан гапирасизми?

**Чўнтакхон:** Бола-чақалар омон юришиптими, аяжон, Фазилатингизга борман-да!

**Лутфихоним:** Вой, айланай, эгачи, қушчаларингиз қалай Кумри-чи?

**Чўнтакхон:** Умри узоқ бўлсин, тили чиқиб қолай дегандир супрақоқди Тўтингизнинг?

**Лутфихоним:** Энди кела қолинг, Чўнтакхон, жўжалар катта бўлсин – Мухаббат билан боқайлик.

Юқоридаги аския матнида аёл аскиячилар исмини ифодаловчи атоқли отлар нутқда ёки матн таркибида турдош от сифатида ҳам қўлланилиб, сўз ўйинлари ҳосил қилишда ўзига хос услубий вазифа бажарган. Шунингдек, асарлар номи ёки қаҳрамонлари, мақол ва маталлар ҳам сўз усталари нутқида сўз ўйинини юзага чиқариш учун ишлатилади:

**Қумрихон:** Уртоқжон, хўп бахтли замонда яшаяпмиз-да?

**Умрихон:** О, нимасини айтасиз, дугонажон. Паранжи сирларини гумдон қилиб, бахт калитини қўлимизга олганмиз-да!

**Қумрихон:** Сиз ҳам Нурхон опам сингари **адолат** ахтариб юрибсизми?

**Умрихон:** **Қирқ қизларга** ўхшаган мунча чаққонсиз? **Оқ олтиндан** тоғ ясаб **далада байрам** қиласизми дейман. **Ватан ишқи** – ёр ишқи қилиб, байрам куни тўйингизни ҳам ўтказамиз.

**Умрихон:** Тўй бўлмайди! Айтинг, ўша **Орзигулига** уйлана берсин.

**Қумрихон:** Ия, гапираётган ўзингизми, **тасаддуқ**? Кечагина ишқинг билан маст-аластман деб, **ғўза** ичида хиргойи қилаётган ким эди?

**Умрихон:** Мен уни қаердан билай, муҳаббати **Чин муҳаббат** дебман-да.

**Қумрихон:** Бўлмай қолинг, у сизни севмаса, **Тўй** қилайлик дермиди.

**Умрихон:** Унинг **Тили бошқа-ю, дили бошқа** экан. Майли, мен ҳам шу қилганига Алпомиш сифат йигитни топиб куйдирмасам!

**Қумрихон:** Э-ҳа, ўзимнинг ниятим бошқа денг. **Авазбек** акам билан анҳор бўйлаб юрганингизда фаҳмлагандай бўлувдим-а!

**Умрихон:** Ёдгоржон акамни хоҳлайман қўяман-да! У қизларга: **Жон қизлар**, мени Умрихон билан таништириб кўйинглар, деб юрганмиш.

**Қумрихон:** Ошиқ билан ўйнашманг, **Оқсоч қиз** бўлиб қолганингизда бирортанинг этагини ушлай олмайсиз.

**Умрихон:** Нега мунча тергаб қолдингиз! Мен сизга келину, сиз **Қайнонамисиз**?

**Қумрихон:** **Зайнаб ва Омонлардек** бўлинглар дейман-да, **жонгинам**.

**Умрихон:** Жиззакимдан айланай! Ҳазил, **дугонажон**, ҳазил. Бир юракка қандай қилиб икки муҳаббат сиғдира оламан, жонидан, **Гавҳари шамчироғим** бор, бошқаси тошини тера берсин.

**Қумрихон:** Ростми? Қалтис ҳазилингиз бор бўлсин-да!

*“Дугоналар ҳазили”, аскияси. Аския. 92–93-бет.*

Кўринадики, аёллар нутқи ўзига хос бир қатор хусусиятлари билан эркаклар нутқидан фарқланади. Бу фарқловчи белгилар кўпроқ оҳангда, лексик бирликлар ҳамда уларнинг семантик-услубий қўлланилишида намоён бўлади. Шунга кўра, аёллар нутқида субъектив муносабат ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ўзбек аёллари нутқида субъектив муносабатнинг миллий ифода кўринишлари кўпроқ ўз аксини топади. Улар нутқида турли эмоционал, ироник мазмун билан бирга, аксарият ҳолларда, *эркалаш*, *насихат*, *танбеҳ*, *ҳаяжон* каби рангба-ранг ифодалар кўп қўлланилади.

Юқоридаги матнларнинг лисоний таҳлилидан аёл аскиячиларнинг ёш жиҳатдан ҳам фарқланишини илғаб олиш мушкул эмас. Масалан, аёллар нутқида қўлланувчи *“вой ўлай”, “айланай”, “қоқиндиқ”, “тасаддуқ”* каби тасвирий бўёқдор сўзларнинг кўплиги ёши катта аёлларимиз нутқидан дололат беради. Бундай воситалар қаторида қўлланилган *“вой, эркаламай қолинг”, “бўлмай қолинг”, “вой, ўла қолсин”, “қуриб кетсин”* каби иборалар ҳам кўчма маънода ўзининг семантик табиатига кўра салбий бўёққа эга бўлса ҳам, лекин ижобий маънода ишлатилади. Аёллар нутқида бу каби лисоний воситаларнинг ишлатилишини воқеликка муносабатнинг умумий одати сифатида тушуниш тўғрироқ бўлади. Шу билан бирга, бу сўзлар ачиниш, *ҳайрат*, *яқин олиш* каби маъноларни ифодалашга ҳам хизмат қилади. Улар *қарғиш* маъносини эмас, *сўзловчининг суҳбатдоши фикрига нисбатан оз миқдорда қаршилиги, ҳаракатларидан ажабланиши* каби субъектив муносабатини ифодалайди. Бу эса аёл аскиячиларнинг характер қирраларини билиб олишда алоҳида аҳамият касб этади.

# Аския матнида сўз ўйинлари ҳосил қилишнинг усул ҳамда воситалари

3.1. Сўз ўйинларининг  
фонопрагматик усул

ва воситалари

3.2. Лексик усул

ва воситалар

3.3. Морфологик усул

ва воситалар

3.4. Синтактик усул

ва воситалар

3-БОБ

## 3-БОБ. АСКИЯ МАТНИДА СЎЗ ҲАМДА ВОСИТАЛАРИ ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ УСУЛИ ҲАМДА ВОСИТАЛАРИ

### 3.1. Сўз ўйинларининг фонопрагматик усул ва воситалари

#### 3.1.1. Товуш ўзгаришлари

Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб тилнинг ҳиссий таъсирчанлик қиррасини лексик<sup>93</sup>, қисман грамматик<sup>94</sup> жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратилди. Кейинчалик фонетик воситаларнинг услубий<sup>95</sup> ва прагматик хусусиятлари<sup>96</sup>ни ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Шунга қарамай, ҳозирги кунда фоностилистиканинг тадқиқот доираси ниҳоятда кенгайгани боис, бу соҳада жиддий ва чуқур кузатишлар олиб бориш лозим, деб ўйлаймиз. Бу фикрни бир қатор олимлар ҳам қайд этиб ўтадилар<sup>97</sup>. Айниқса, алоҳида бир нутқ кўриниши ҳисобланган аския матнларида

<sup>93</sup> Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. –Ташкент, 1980; Бафоев Б. Лексика произведения Алишера Навои: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1989; Дониёров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1967.

<sup>94</sup> Кунгуров Р. Семантико-стилистические особенности формаобразующих морфем имени существительного в узбекском языке. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Баку, 1982; Садыкова М. Стилистика глагола в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1977.

<sup>95</sup> Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 1997; Ҳайдаров А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари: Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 2008.

<sup>96</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент: Академнашр. 2012. 172-бет.

<sup>97</sup> Ўлдошев Б. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Туркий тилларнинг фонологияси ва морфонологиясининг долзарб масалалари. Нукус, 2005. 45-бет; Ҳайдаров А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фан. ном. дисс... автореферати. Тошкент, 2008.



товуш ўзгаришларининг лингвостилистик хусусиятлари, унинг фонопрагматик талқини, нутқий бирликларнинг товушлар талаффузи билан алоқадор коннотатив маънолари, шунингдек, интонация, пауза (тўхтам) ва урғу каби суперсегмент (устама) элементларнинг сўз усталари нутқида услубий маънода қўлланиши билан боғлиқ контекстуал имкониятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигининг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Фоностилистика фонетика ва стилистика тушунчалари билан ўзаро алоқадордир. Фонетика нутқ органларининг товуш ҳосил қилиш пайтидаги ҳаракати ва ҳолати – артикуляцияни, товуш ўзгариши қонуниятларини, унинг интонацияси каби масалаларни текширади. Стилистика эса тил бирликларининг экспрессив белгиси, уларнинг нутқ услубларига хосланиш даражасини ўрганади. Демак, фоностилистика нутқда товушларнинг таъсирчан услубий восита бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганувчи услубшунослик бўлими ҳисобланади<sup>98</sup>. Унда нутқ товушлари билан боғлиқ тарзда сўзловчи мақсадининг ифодаланиш усул ва воситалари ўрганилади.

Фонема нутқда воқеланар экан, унинг варианты нутқий шароит (ёнма-ён келган товушлар ёки қўшимчалар таъсирига учраши) туфайли турлича намоён бўлади. Натижада товуш сўз моҳиятида бўлмаган хоссаларга эга бўлади. Айрим товуш ёндош товушга мослашади, айримида ўзгариш кучайиб, бошқа товушга алмашиб кетади. Нутқда содир бўладиган бу каби ўзгаришлар товушнинг комбинатор-позицион ўзгариши дейилади<sup>99</sup>. Бундай фонетик ҳодисалар қаторига ассимиляция, диссимиляция, протеза, редукция, элизия, метатеза, апакопа, синкопа ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг кўринишлари,

<sup>98</sup> Ҳ о ж и е в А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002. 124-бет.

<sup>99</sup> S a y f u l l a y e v a R. va boshq. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. 65-бет.

моҳияти, келиб чиқиш сабаблари турличадир. Тилимиздаги фонетик ҳодисаларнинг содир бўлишига нутқда ихчамликка интилиш, бўғинга урғунинг тушиши ёки тушмай қолиши, шошилиб талаффуз қилиш, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни талаффуз қилишдаги қийинчиликлар каби табиий омиллар сабаб бўлса, аскиячилар нутқидаги сўз ўйинларида учрайдиган товуш ўзгаришларига мақсадли нутқий жараён сифатида ёндашиш ҳамда бунга стилистиканинг объекти сифатида қараш лозим бўлади.

Аския матнини таҳлил қилиш жараёнида фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятларига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Сўз ўйини матнида нутқ товушларининг экспрессив-эстетик имкониятлари тез ва қулай идрок этилиши талаб этилади. Чунки диалогик нутқда комик эффект ҳозиржавоблик билан нутқий тезлик шароитида юзага чиқарилади. Шунинг учун нутқда ифода этилаётган ҳар бир маъно нозикликларини тингловчи тез фаҳмлаши лозим бўлади ва шундагина завқ олинади.

Аския жараёнида нутқ товушлари билан боғлиқ тарзда **фоностилистик ўйин** (атама бизники) амалга оширилади. Шу боис, нутқий вазиятда нутқ товушларини мақсадли ўзгартириш экспрессив-эстетик талабга айланади. Натижада бундай воситалар билан таъсирчанликни кучайтириш усуллари ниҳоятда ортади ва бу эса, ўз навбатида, нутқнинг ўзига жалб қилиш ва мулоҳаза юритиш функциясини оширади, сўз ўйинининг ўзига хослигини таъминлайди.

Маълумки, аския нутқий мусобақа бўлиб, унда бир-бирига қарама-қарши томон вакиллари ўзаро тортишиш (беллашиш) билан бирга, нутқда сўз ўйинини ранг-баранг тарзда намоён қилишга, “рақиб”(лар)ини мот қилишга, энг муҳими, атрофдаги томошабинларда кулгу уйғотишга ва шу орқали уларга эстетик завқ беришга ҳаракат қиладилар. Натижада нутқий ранг-барангликни таъминлаш эътиёжи контекстда стилистик талабга айланади. Яъни сўз усталари “рақиб”ига нисбатан ифодаламоқчи бўлган субъектив

муносабатини нутққа кўчиради ва нутқ атайлаб мақсадли тарзда ўзгартирилади: безантирилади, ясантирилади... Ақлий ва нутқий жараёнлар зукколик, ҳозиржавоблик, сўзга чечанлик ва ўзига хос поэтик дид билан амалга оширилиши лозимки, аския сўз санъатининг гултожи эканлигига уни яритган мухлислар ва қизиқувчиларда шубҳа қолмаслиги керак. Сўз усталари ўзлари эътибор қаратишлари муҳим бўлган аскиячиликнинг асосий жиҳатлари шулардан иборат экан, нутқда қўлланадиган фоностилистик воситалар билан алоқадор сўз ўйинларига табиий нутқий жараён сифатида эмас, балки мақсадли нутқий жараён сифатида ёндашиш лозим бўлади. Бу эса аския матнини ўрганувчидан лисоний воситаларни сўзловчининг мақсад-ниятини билан ўзаро алоқадорликда таҳлил этиш, нутқ (матн)даги товуш ўзгаришларини, жумладан, товуш алмашиши, товуш тушиши, товуш ортиши ҳодисаларини **“товуш алмаштириш”, “товуш тушириш”, “товуш орттириш”** атамалари билан номлашни тақозо этади.

Шунингдек, сўз ўйинлари мусобақасида аскиячилар ўз нутқида фоностилистик воситалар ёрдамида бир пайтнинг ўзида бирдан ортиқ ахборот ифодалаш зарурати туфайли фонетик бирликларнинг контекстаги ахборот ташиш вазифасини орттирадилар. Яъни бундай услубий талаб билан нутқнинг коммуникатив вазифа кўлами мураккаблаштирилади ва бу орқали нутқнинг серқирралиги таъминланади, нутқий бирликлар полисемиялаштирилади, уларнинг контекстаги полифункционаллиги таъминланади. Шунинг учун контекста англашилган хилма-хил ахборотнинг ҳар бир маъно қирраси аскиячининг ўзига хос поэтик мақсади ва ниятини белгилайди. Шу тариқа сўз усталари нутқида фоностилистик воситаларнинг ранг-баранг кўринишлари кучли таъсир воситаси сифатида намоён бўлади.

Лисоний далиллар таҳлили аския жараёнида бир пайтнинг ўзида ҳам **товуш орттириш** ва **товуш тушириш**; **товуш алмаштириш+товуш орттириш**; **товуш**

**алмаштириш+товуш тушириш** каби ўзбек тилида маълум бўлмаган ҳодисаларнинг учрашини намоён этди. Нутқнинг серқирралигини таъминловчи бундай усулларни фақат сўз ўйинига асосланган аския санъатида учратиш мумкин. Шу боис, мазкур воситаларга стилистиканинг алоҳида ўрганиш объекти сифатида ёндашиш талаб қилинади. Зеро, нутқ товушларининг контекстаги экспрессив имкониятларини тез ва тўғри идрок этиш **фоностилистик ўйиннинг** “фонопрагматик таъсир” ва “фонопрагматик ҳужум” стратегияси моҳиятини тўлиқроқ очиб беради.

Фоностилистик ўзгаришлар лексема доирасида юз бериши билан бирга, морфема таркибида, шунингдек, синтактик алоқа ҳосиласи натижасида, яъни лексема+морфема, лексема+лексеманинг синтактик алоқасини таъминлаш билан ҳам юзага чиқарилади. Ушбу бўлимда фақат лексема ва сўз таркибида ифодаланган фонетик ўзгаришлар таҳлилга тортилади. Товуш ўзгаришларининг бошқа турлари синтактик-стилистик алоқа натижасида ифодаланиши эътиборга олиниб, морфонологик ёки морфосинтактик восита сифатида **(2.4.5. Сўз ўйинларини шакллантирувчи стилистик алоқа усуллари бўлимида)** тадқиқ этилади.

Хуллас, аскиячилар томонидан нутқда товуш ўзгартириш ҳолатлари тил бирликларининг шакл ва мазмун номувофиқлигига сабаб бўлади. Контекста ифода этиладиган тағмаъно ҳам, пресуппозиция ҳам матннинг семантик тузилишини мураккаблаштиради. Бу эса матнни стилистик ва прагматик йўналишда тадқиқ этиш эҳтиёжини кучайтиради.

### **3.1.2. Товуш алмаштириш**

Аскиячилар ўзлари танлаган мавзунини кенгроқ ёритиш мақсадида баъзи бир сўзларни тегишли соҳа доирасидаги атамаларга мослаштириб талаффуз этадилар ва нутқ товушларини бир-бири ўрнида қўллайдилар:

**Тоҳиржон:** Колхоз дурадгорлари бригадаларга чиқмай, нуқул раисникида пол очишади-я.

**...Ҳасанжон:** Комиссия камчиликларни кўрсатгани яхши, ишга фойдаси тегади. Сиз бўлсангиз комиссия келганда, ўзингизни **понага оласиз**.

*“Дурадгорлик” пайрови. Аския. 70-бет.*

Мазкур мисолнинг биринчи гапида пароним сўзлар (пол ва фол) билан сўз ўйини қилинганига гувоҳ бўламиз. Нутқда парономазия ҳодисаси биринчи гапда п ва ф товушларини, иккинчи гапда эса о ва а товушларини алоқадорликда қўллаш билан юзага чиқарилган ҳамда дурадгорлик соҳасига оид атама (пол ва пона)ни матнда ишлатиш билан пайров талабига ҳам амал қилинган. Пайров талаби билан нутқда қўлланган **пол** ва **пона** лексемалари имплицит ифода воситаси, **фол** ва **пана** сўзлари эса эксплицит ахборот ташувчи бўлиб хизмат қилади. Ҳар иккала гапдаги бирикмаларнинг ички томони(маъноси)га эътибор қаратсак, **пол очмоқ** – уйнинг юрадиган тахтали қисмини очмоқ маъносида, **фол очмоқ** – киши билишга қизиққан номаълум воқеа, ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб беришга уринмоқ ёки олдиндан “билмоқ”, айтиб бермоқ (ЎТИЛ, 2008, IV жилд, 354-бет) маъносида; **панага оласиз** – ҳеч ким кўрмайдиган яширин жойга беркинасиз маъносида, **понага оласиз** бирикмаси **пона** – нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тўғли ёғоч ёки темир (ЎТИЛ, 1981, I жилд, 598-бет)ни назарда тутиб ҳосил қилинган, яъни **панага оласиз** деган лисондаги мавжуд тушунча асосида **понага оласиз** бирикмаси нутқий окказианал ҳосила сифатида ишлатилган. Аскиячиларнинг бундай йўл тутишида, юқорида айтилганидек, лисоний бирликнинг маълум соҳа атамасига монанд талаффуз қилиниши, фонетик ҳодисанинг аниқ бир мақсад асосида юзага чиқарилиши, “рақиб”нинг камчилигига ишора этилиши кабилар асос вазифасини бажармоқда. Бирикмаларнинг эксплицит ифода маъноси тил ҳодисаси сифатида реаллашмайди, балки

фақат нутқда, у ҳам бўлса, аскиячилар нутқида сўз ўйинини юзага чиқарувчи прагматик восита сифатида қўлланади.

Унли ва ундош товушларни бир-бирининг ўрнида қўллаш билан сўз ўйини қилиш мумкин:

**Турсунбува:** Мамарозиқнинг пишишига яна ўн беш кун бор. Ҳозир мана бу Махсум ака билан гаплашгим бор. Махсум акани боққа олиб кириб, қайсинисидан олиб берай: ундан олиб берайми, бундай олиб берайми, қандайдан олиб берай, деб сўрасам, ҳеч қайсисига унамайдилар, ўзум тузук дейдилар.

**Жўраҳон ака:** Ўзим тузук демоқчи-да, Махсум.

*“Боғбончилик” пайрови. Аския. 38-бет.*

Юқоридаги матнда қандак деган ширин бир нав ўрик номига қайдай сўроқ олмоши билан, узум мевасига эса ўзим ўзлик олмоши билан ишора қилинган.

Ундош товушларни ўзгартириб қўллаш билан ҳам комик эффе́ктни янада кучайтириш мумкин:

**Раҳматқул ака:** Режани бажармаганингизга қўймаймиз, саломат бўлинг, албатта, бажарасиз биз боғдан “совлиқ” тилаб турсак.

*“Чорвачилик” аскияси. Аския. 27-бет.*

Чорвачилик мавзуйи гуруҳига хос бу пайровда соғлик – совлиқ тарзида талаффуз қилинган ва бу билан соҳа атамаси бўлган совлиқ – урғочи она қўй сўзи соғлик, сиҳат-саломатлик маъносида қўлланган.

Нутқда имло қоидаларига амал қилмаслик сўз маъносининг ўзгаришига, услубий хатога сабаб бўлса, аскиячилар бундан фарқли равишда ушбу усулдан нутқда махсус бадий тасвир воситаси сифатида фойдаланишлари мумкин:

**Махсум ака:** Хайрият, кимё бизга жуда ўғит бўлиб қолди. кимёхоннинг қўлига тушсак, биз ҳам кўкарадиганга ўхшаймиз.

**Кимёхон:** Кимёга ишингиз тушмапти, қараб тулинг бошингиз осмонга ҳам етади. Озиқ-овқатларни кимёхон кўпайтириб қўйди, деб мақтанаверинг.

*“Кимёхон” пайрови. Аския. 41-бет.*

Боши осмонга етмоқ ибораси хурсанд бўлмоқ маъносини англатади. Сўзловчининг мазкур иборани айнан Абдулхай Махсум Қазоқовга нисбатан қўллаши унинг “кал” лақабиغا ишорасини англатади. Жамиятнинг тайёр мулки ҳисобланган мазкур барқарор бирикма таркибида ҳам лексемасини қўллаш билан ибора стурктурасини ўзгартириш мақсадли жараён ҳисобланади. Чунки аксарият ўзбек тилида сўзлашувчилар нутқида х ва х товушлари бир хил талаффуз этилиши ҳамда уларни, кўпинча, фарқламаслик ҳолатларидан унумли фойдаланган сўз устаси *ҳам – таъкид, кўчайтиришни билдирувчи юклама* (ЎТИЛ, 2008. V жилд, 496-бет) ва *ҳам [ф.] – оғилган, букилган* (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 496-бет) маъносидаги сўзни атайлаб қўллаш билан мазкур сўзлар англатган маънолар ёрдамида сўз ўйини қилишга муваффақ бўлади. Натижада жумла мазмунида *бошингиз осмонга эгик ҳолда етади* деган салбий мазмун англашилади.

### 3.1.3. Товуш орттириш

Ундош товушларни иккилантириш, қаватлаш орқали ҳам кўчма маъно ифодалаш мумкин. Масалан, ёзувчи А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” асарида Қаландаров Саидани колхоздан кетказиш мақсадида унга “Ариза ёзинг” деб айтганда, Саида рози бўлмайди. Шунда Қаландаров гижиниб:

– *Колхоз ёқиб қолган бўлса, эр-пер топиб бера қолай, – деди. Саида эса унинг афтига қараб:*

– *Мен сизни фақат яхши пахтакор, деб билар эдим, бошқа кас(с)бингиз ҳам бор экан, – дейди кесатиб.*

(А.Қаҳҳор).

Бу парчада Саиданинг жавобидаги *касбингиз* сўзи таркибидаги “с” товушининг қаватланиб, такрор ҳолда чўзиб, алоҳида талаффуз қилиниши орқали яширин маъно, *яъни кесатиқ*<sup>100</sup>, *масхаралаш* маъноси юзага чиқарилган ва салбий муносабат янада кучайтирилган.

<sup>100</sup> *Қаранг:* И б р а г и м о в а Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Фарғона, 2001.

Аскияга оид матнларда ҳам нутқ товушларини қаватлантириш орқали субъектив муносабат ифода этилиши мумкин. Масалан, пайровда аскиячилар пайров мавзусидан четга чиқса, енгилган ҳисобланади. Шу боис, сўз усталари ўз нутқида пайров мавзусини ёритиш учун талаффузи ўхшаш сўзлар воситасида сўз ўйини қиладилар ёки контекстда нутқ товушларини мақсадли қаватлантирадилар:

**Абдуллажон ака:** Планни бажармадинг, деб айблашга сиз ҳам устасиз, бултур айтмовдимми, қўл бўлмапти, сепаратор олиб беринглар деб. Шунақа бўлаверса, гапларингизда ҳам **жир** қолмайди.

**Раҳматқул ака:** Гап ёғлашга қолганда айронингиз ачимайди, ферма ишига мудир ҳам аралашади-да, **увиб ўтирасизми оқлик солинган қаттиққа ўхшаб.**

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 27-бет.*

Мазкур пайров чорвачилик соҳасига алоқадорлиги учун аскиячилар нутқида лисоний бирликлар шу соҳага оид бўлиши, шу билан бирга, турли маъноларни ҳам ифодалашга хизмат қилиши талаб этилади. Шунинг учун нутқда **қатиқ** – сутдан томизғи солиб ивитиб тайёрланган парҳез маҳсулот (ЎТИЛ, 2008, V жилд, 260-бет)ни назарда тутган ҳолда т товушини қаватлантириш (геминация) ҳамда уни қаттиқ тарзида талаффуз қилиш билан сўзлашув тилига оид сарф-харажат, умуман, чиқимга тоби йўқ, унга чидамайдиган (ЎТИЛ, 2008, V жилд, 265-бет) маъносида “рақиб” камчилигини ошкор қилиш сўз устасининг асосий мақсадига айланган.

Аския айтишувда нутқ товушини мақсадли орттириш билан сўздан сўз ҳосил қилиш мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган бундай сўз ясаш усули фақатгина аскиябозлар нутқида хос окказионал ҳосила ҳисобланади. Сўз ясалишининг бу каби турларидан бири фонетик ёки **фоностилистик** усул ҳисобланади:

**Мамажон ака:** Иброҳимжон ҳам ювош одам, икки гапнинг бирида саваламайди.

**Раҳматқул ака:** Қарға, қарға дейсиз, **қарғайми?**

*“Кушлар” пайрови. Аския. 32-бет.*



Жуфт сўзларда товуш орттириш билан ҳам нутқда окказионал жуфт сўзшакл – индивидуал ясамалар ҳосил қилиш ҳоллари учраб туради:

**Иброҳимжон:** Боғда “киши-миши” йўқми, яна юмалоқ қилиб ташламай.

*“Узум” пайрови. Аския. 36-бет.*

Агар **кишмиш** – меваси майдороқ бўладиган узум ва шу узумнинг майизи (ЎТИЛ, 2006, V жилдлик, II жилд, 381-бет) ни нутқда қўллаш “Узум” пайровининг бирламчи талаби бўлса, сўз ўйини талаби эса **кишмиш** лексемасига ишора қилиш мақсадида **киши-миши** жуфт сўзини қўллашдан иборатдир. Натижада окказионал ҳосила **и** товушини мақсадли орттириш асносида яратилади. Сўз қўллаш билан боғлиқ бундай маҳоратнинг **ҳозиржавоблик** (аскиянинг асосий талабларидан бири) билан намоён этилиши сўз устасидан нафақат аскиячиликнинг сир-асрорларидан хабардор бўлиши, балки тилшунослик соҳасини ҳам пўхта эгаллаган бўлишини талаб этади.

Шунинг учун жамоавий нутқ – тилни ўрганиш билан бирга, хусусий нутқни ҳам жиддий ўрганиш мутахассисни *тилшуносликдан нутқшунослик* сари ҳамда *стилистикадан инсоншунослик* илми сари етаклайди. Зеро, машҳур тилшунос Шарл Балли томонидан “стилистика бу – инсоннинг ўзи”<sup>101</sup> – дея ҳақли равишда баҳо берилгани бежиз эмас.

### 3.1.4. Товуш тушириш

Аскиячилар томонидан товушни тушириш билан ҳам яширин ишора ифода этилади. Куйидаги мисолда бунга и товушини тушириш билан эришилганлигини кўришимиз мумкин:

**Журахон ака:** Шафтолилар ҳар хил бўларкан, Махсумнинг мақтовини келтиряпсиз. Боғ тўла мева. Ҳадеб **а** **ми**

<sup>101</sup> Балли Ш. Французская стилистика. М.: Иностранная литература, 1994 с.

шафтолидан гапиравермай, Маҳмуджонга имо қилиб: “ол, хўр!” демайсизми?

*“Боғбончилик” пайрови. Аския. 40-бет.*

Аскиячининг Маҳмуджонга имо қилиб: “ол, хўр” дейиши билан сўзловчига олдиндан маълум бўлган ахборот (Маҳмуджон Абдуллаевнинг “ит” лақаби)нинг нутқда ифодаланишига мисол бўла олади. Матн пропозицияси **олхўри** [ф.т.] – *мевали дарахт; шу дарахтнинг ширин меваси* (УТИЛ, 1981. I жилд, 535-бет) ҳисобланади. Сўз ўйини **олхўри** лексемасини уч бутунлик, яъни **ол** (*олмоқ* феъли), **хўр** (*форс-тожикча хўрдан – емоқ* феъли) ҳамда *и* морфемасига бўлиш билан амалга оширилган. Матн пресуппозицияси **олхўри** лексемаси таркибидаги и товушини тушириш ҳамда **олхўри** лексемасини пауза (тўхтам) билан талаффуф этиш асосида юзага чиқарилган. Натижада **олхўри** лексемаси нутқий вазиятда полифункционал ва полисемантик бирликка айланган. Юқоридаги икки маъно (*ит, мева*) унинг полисемантик хусусиятни акс эттирса, **олмоқ** ва **емоқ** феъли ёрдамидан фойдаланиб, **олхўри** лексемасининг икки синтактик вазифада (эга ҳамда кесим+кесим тарзида) келиши унинг полифункционаллигини намоён этади.

Аскиячилар томонидан товуш тушириш ёки товуш орттириш билан ифода этиладиган шоирлар ва уларнинг тахаллуси билан алоқадор пресуппозиция сўз ўйинининг алоҳида бир усули бўлиб хизмат қилади:

**Қодиржон ака:** Мулла Олимжон дўппини кўтариб бизга кўрсатсалар, Ниёзмикан дебман.

**Расул домла:** Мамарозиқ ака кайф қилиб қолиптилар, ё Жом билан ичганмилар?

**Олимжон ака:** Мамарозиқ ака, бағи жойида бўлиб қолган экан-да, ўзларида Ҳикмат пайдо қилиб қолиптилар!

**Мамарозиқ ака:** Ҳа, тақсир, гапингиз Лутф.

*“Шоирлар” пайрови. Аския. 76-бет.*

Юқоридаги пайров матнида Атоқли от таркибидаги морфемани тушириш ва уни турдош от маъносида қўллаш билан сўз ўйини қилинган бўлиб, контекстда ниёз шоир

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга (ёки Хоразм адабий муҳити вакили Ниёз ҳам бўлиши мумкин), жом Абдураҳмон Жомийга, ҳикмат турк шоири Нозим Ҳикмат (ёки Ҳикматий)га, лутф мавлоно Лутфийга ишора қилувчи прагматик бирлик ҳисобланади.

Матнда қўлланган бу каби прагматик ифодалар аскиячиларнинг услубий мақсад ва ниятларини қизиқарли тарзда ифодалашга хизмат қилади.

### 3.1.5. Товуш орттириш+товуш тушириш

Аския сўз ўйинлари ва кўчма маънога асосланган нутқ кўриниши эканлиги сабаб матнда ишора бирдан ортиқ нарса-ҳодисаларга қаратилган бўлиши керак. Контекстдан англашилган мазмун ҳар доим турлича талқин қилиниши билан характерланади. Ана шу турлича талқин қилиш – амфиболиянинг ранг-баранг кўринишлари сўз ўйини бўла олади. Демак, пайров ва сўз ўйини талаби билан сўзловчининг турлича мақсади нутқда намоён этилиши зарур экан, бирдан ортиқ ахборотнинг чекланган тил бирликлари ёрдамида ифодалашга эришиш учун лингвистик бирликлар сўз устасининг мақсад-ниятига мажбуран бўйсиндирилиши лозим бўлади. Натижада лисоний бирликларнинг семантик структурасида стилистик талаб билан турли хил фонетик ўзгаришлар ҳосил қилинади:

**Ғойиб ака:** Билмайман, бу қанақасидан чиқиб қолди, сўзана десам, бузоқбошини тутиб келяпти.

**Рустам ака:** Ипакчиликда сўзана\* ҳам чиқади-да!

*“Пилла” пайрови. Аския. 30-бет.*

Юқоридаги матнда пиллачилик соҳасига оид парвона→капалак→игначи→сўзана каби парадигматик муносабатдаги ҳашаротлар номини англатувчи лексемалар билан сўз ўйини қилинган. Сўзана (ҳашарот) ва сўзана (атлас номи) бир сўз туркуми доирасида контекстуал омонимия сифатида қўлланган

бўлиб, нутқда мазкур лексемаларнинг қуйидаги маънолари билан сўз ўйинининг гўзал бир намунаси яратилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

1. **Сўзанақ** [ф.т.] – *ниначи*. (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 94-бет)

2. **Сўзанақ** [ф.т.] – *отнинг пешноби*. (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 94-бет)

3. **Сўзана** – *сидирға, газламага гул тикиб тайёрланган, деворга осиладиган безак буюми; гулкўрна* (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 94-бет).

4. **Сўзана** – *атласнинг номи*.

Сўз усталари ушбу контекстуал маъноларни юзага чиқаришда товуш орттириш ва товуш тушириш усулидан унумли фойдаланганлар.

Демак, ўзбек тили морфоностилистикасида товуш тушиши-товуш ортиши ҳодисаси ҳам мавжуд бўлиб, бунинг исботини қуйидаги мисолнинг лисоний таҳлилидан ҳам кўриш мумкин:

**Ғанижон:** Бухороликларнинг келгуси йилги ваъдаси **Чиниданмикин?**

*“Теримчилар” аскияси. Аския. 20-бет.*

Юқоридаги мисолда қўлланган **Чиниданмикин** сўзидаги *и* товушини тушириб қолдириш ёки талаффуз қилмаслик билан ростмикин маъносидаги сўроқ оҳанги ва *и* товушини ифодалаш билан **Чини** деган илғор теримчи (1960–1970 йй.) ҳамда ваъданинг *тозасиданмикин* маъноси юзага чиқарилган бўлиб, бунга сўз ўртасидаги товушни орттириш (эпентеза) ва, шу билан бирга, уни қисқа талаффуз қилиш билан эришилган.

Қофия ва оҳангдорлик талаби билан ҳам сўзловчининг мақсади нутқда товуш тушириш ва товуш орттириш усулида ифодаланиши мумкин:

**Аминбува:** Мулла Қодиржон, аввал мева-чевалардан олсангиз-чи, дарров **ош қовоқсиз** бўлсин демасдан.

**Қодиржон ака:** Бўлмаса, ёз меваларидан сиз ҳам еб-еб олинг, **қовоқошсиз** кетасиз.

*“Ошқовоқ” пайрови. Аския. 84-бет.*

Нутқда фоностилистик ўйин, яъни сўз устаси томонидан қ товушининг ортирилиши ва ҳам туширилиши стилистик омил ҳисобланади. *Биринчи гапда “ош (таом) қовоқсиз бўлиши” таъкидланаётган бўлса, иккинчи гапда ҳам “қовоқ-қош ёки қош-қовоқ олмай кетиш”* ҳақида фикр билдирилади. Бунда нутқий бирлик (қовоқошсиз)ни ўзига хос оҳангда, тўхтамсиз талаффуз қилиш билан унинг таркибидаги қ товушини қаватлантириш (геминация) ёрдамида эришилади.

Сўз ўйини бирдан ортиқ ахборот ифодалашни талаб этади. Шу боис, сўз ўйинига асосланган матн ўзига хос услубий талқинни тақозо этади ва бу жиҳати билан бошқа бир нутқ кўринишидан тубдан фарқ қилади. Қуйидаги нутқ парчасида ҳам бирдан ортиқ ахборот ифодалаш билан сўзловчининг мақсад ва нияти *тўти* ва *тўтиё* сўзлари ёрдамида қилинган ўйинда намоён бўлади:

**Мамарозиқ ака:** Иброҳимжон, сиз ҳали ёшсиз, Уста Акбар бувадан ўрганинг, бу кишининг олдида **қийғирлик** қилманг.

**Иброҳимжон:** Ҳа, сизларга ўхшаган устозларни ҳурматлаймиз, **тўти-ё** қилиб кўзимизга суркаймиз.

*“Қушлар” пайрови. Аския. 32-бет.*

Юқоридаги сўз ўйинининг фоностилистик усулини ҳам товуш тушириш ва ҳам товуш орттириш ҳодисаси сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Нутқда бир пайтнинг ўзида бундай фоностилистик жараёнларнинг амалга оширилиши сўзловчи мақсадининг чексизлиги, уни ифодаловчи тил бирликларининг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик билан изоҳлаш мумкин. Аския жараёнида сўз усталари томонидан қўлланган бу каби фоностилистик усул ва воситалар сўзловчи субъектив муносабатини ўзига хос комик эффект билан ифодалайди. Мазкур воситаларни ўз ўрнида, қандайдир услубий мақсад билан қўллаш нутқнинг серқирралиги ва матннинг турлича талқин қилинишини таъминлайди. Бу эса контекстда қўлланган фонетик воситаларнинг семантик имкониятларини янада

оширади, ўзбек тилининг ички имкониятлари чексиз эканлигини намоён этади.

### 3.1.6. *Товуш алмаштириш+товуш орттириш. Товуш алмаштириш+товуш тушириш*

Маълумки, пайровнинг асосий талаби мавзу доирасидан четга чиқмаган ҳолда сўз ўйини қилишдан иборатдир. Шу боис, мавзуга доир атамаларга ишора сифатида талаффузи ўхшаш бошқа бир сўзни нутқда қўллаш ёки атайлаб мослаштириб талаффуз қилиш натижасида сўз ўйини юзага чиқарилади. Ўзгаришга учраган лисоний бирликлар услубий вазифа бажариб, сўзловчининг сермаъно коммуникатив ниятини ифодалашга хизмат қилади. Масалан:

**Ғанижон:** Келинг, ўзимиз бир сувчилик қилиб турайлик. Айтгандай, бу йил сувчининг обрўси ошиб кетди, илгаригидек қўшимча мукофот учун раиснинг кабинети олдида **ҳақ** деб ўтирмаймиз.

**Жўрахон ака:** Раҳмат, Ғанижон. Аммо ғўзаларни най усулида суғоринг, бу – **найёб** усул экан.

*“Термалар” пайрови. Аския. 25-бет.*

Най оғиз билан чоладиган мусиқа асбоби бўлиб, унинг тешикларидан оҳанг чиқади. Шунга кўра, сўз устаси нутқда “рақиб”ига пахтани най усулида суғоришни тавсия қилиб, **ноёб** сўзи ёрдамида **най** сўзига ишора қилади ва **ноёб** сўзини **най-ёб** тарзида талаффуз қилади. Натижада ишора бирликлари (**най ва ноёб**) ёрдамида фоностилистик ўйин (нутқ товушини алмаштириш ва ортириш) амалга оширилади. Бу каби ҳолатни кўйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин:

**Ғойиб ака:** Боғбон ака, гапингиз **жийда** чўпга ўхшайди, қани **ишком** жойга ўтайлик.

**Мамарозиқ ака:** **Иш кам** деб юмалоқ ётиб олсангиз-а?!

*“Мева” пайрови. Аския. 38-бет.*

Фонетик структураси мақсадли ўзгартирилган **жуда** (**равиш: ортиқ, ниҳоят даражада**) сўзи ва **иш кам** (**иш оз**) сўз бирикмасини **жийда** ва **иш ком** тарзида талаффуз қилиш

натижасида мазкур бирликларнинг ифода ва мазмун жиҳатида ўзгариш рўй беради: **ишқом** сўзи – тоқларни қўтариб қўйиш учун поя ва бағазлардан қўрилган арксимон сўри (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 344-бет); **иш кам** (ишнинг оз миқдори) маъноси Мамарозиқ ака нутқи орқали ҳам иш кам тарзида янада ойдинлашади ва, шу билан бирга, унинг контекстдаги лексик-семантик варианты сифатида форстожик тилидаги **ишкам – қорин (заёфат)** маъносига ишора қилиш сўз усталари эътиборидан четда қолмайди.

Нутқ товушини мақсадли алмаштириш, тушириш ёки орттириш баъзан жуфт сўзлар таркибида ҳам амалга оширилиши билан бирдан ортиқ маъно нозиклигига ишора қилинади:

**Тоҳиржон:** Турайлик энди, иш вақти ҳам бўлиб қопти. Анча кулишдик, янги учрашган **ошиқ-маъшуқ**лардай.

*“Дурадгорлик” пайрови. Аския. 71-бет.*

Матнда қўлланган **ошиқ-маъшуқ** жуфт сўзи – бир-бирини севган, бир-бирига муҳаббат боғлаган икки киши – йигит билан қиз (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 555-бет) деган контекстдаги маъносига кўра, пропозиция ҳисобланса, дурадгорлик соҳасидаги **ошиқ-мошиқ** – эшик, дераза каби нарсаларни ўрнатиш ва уларнинг очилиб-ёпилиши учун хизмат қиладиган метал буюм (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 555-бет) маъносидаги жуфт сўзига ишора эса нутқда пресуппозиция вазифасини бажаради.

### 3.1.7. Нутқ товушлари ўрнини алмаштириш

Сўз усталари **масофавий (дистант)** метатеза усули билан атоқли отлар стурктурасида сўз ўйини қиладилар:

**Расул домла:** Найманчага сизлардақа шоирларни кўргани келганмиз. Олимжон ака шоирларнинг **Анийсига** ўхшайдими?

Мазкур пайров контекстида шоир **Анисий**нинг исми сўз ўйини талаби билан **Анийси** шаклида ўзгартирилган. Бу билан олмош туркумига хос “кўрсатиш”, “кишилик”,

“таъкидлаш” пресуппозициялари ўзига хос услубда лингвистик ўйинни юзага чигарган.

**Метатезанинг контакт (масофасиз) усули** ёрдамида ҳам мазмуний лингвистик ўйин қилиниши мумкин:

**Қодиржон ака:** Ҳа, бу киши шунақа **Атойи** одамлар?

Матнда шоир **Атойий** исми **Атойи** шаклида қўлланган бўлиб, Аллоҳ томонидан ато этилган деган маънода сўз ўйини талаблари бажарилган.

### 3.1.8. Урғунинг сўз ўйинлари ҳосил қилишдаги роли

Юқорида таъкидланганидек, фонетик услубий воситаларнинг тадқиқот доираси ниҳоятда кенг бўлиб, бу соҳа атрофлича тадқиқ этилмаган<sup>102</sup>. Шу боис, кўчма маъно ва унинг айрим услубий хусусиятларининг урғу орқали юзага чиқишини ёритиш ҳамда урғунинг семантик-стилистик хусусиятларини аниқлаш учун лусоний далил сифатида аралаш услубнинг сўз ўйинлари, хусусий муносабат ва услубий рангба-ранг ифодаларга бой бир кўриниши ҳисобланган аския матнларига кўпроқ муурожаат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, аския асосан кўчма маънога асосланади. Тил ва нутқ бирликларидан фойдаланувчи шахс – аскиячи кўчма маъно ва сўз ўйинини юзага чиқариш, ақлий ҳужум ва бадий сўздаги тортишувни таъсирчан амалга ошириш учун, шу билан бирга, “рақиб”ини мот қилиш мақсадида урғуга алоҳида эътибор беради. Натижада урғу олувчи бўлак бирдан ортиқ ахборотга эга бўлади ҳамда нутқнинг таъсирчанлигини оширишда услубий вазифа бажаради:

**Иброҳимжон:** Қодиржон ака, мана энди шошилмасдан гаплашаверамиз-да, **дарров ҳақкалаб кетмасдан.**

**Қодиржон ака:** Менинг ҳам **майнавозчиликка** тобим йўқ. Аскиячилар ўз нутқида **ҳақкалаб кетмоқ** ва **майнавозчилик** каби бирликларга урғу бериб талаффуз

<sup>102</sup> Ҳ а й д а р о в А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 2008.



этишлари билан нозик сўз ўйинига ҳамда “рақиб”ининг машғулоти ва характериға ишора қилган: яъни **ҳаккалаб кетмоқ** бирлиги ишға нисбатан бетартиб бажармоқ маъносида, **майнавозчилик** сўзи ҳам майнаға қизиққан одамнинг машғулоти ва бўлар-бўлмас гаплар, қилиқларни ишлатиш каби маъноларда қўлланилган.

Тилшуносликда урғуга бўғин ёки сўзнинг бирор фонетик восита орқали ажратишиб, зарб билан айтилиши ҳодисаси сифатида қаралади<sup>103</sup>. Бу ҳол, одатда, овознинг кўтарилиши, чўзиқликнинг ортиши ва интонацион тактнинг кучайиши каби фонетик воситалар билан ифодаланади.

Қуйидаги мисолда фонографик услубий восита (алоҳида ранг ёки бош ҳарф билан) сифатида ажратиб кўрсатилган **ОМОНИМ** сўзида урғу маъно фарқлашға хизмат қилмоқда. Яъни, сўз урғуси иккинчи бўғинға тушганда, тилшунослик фаниға оид шаклан бир хил, маъноси эса фарқланувчи бирликларға нисбат берилган атамани билдиради ва аскиячининг “*ҳақиқатда закий одамсиз, битта сўзни беш-олти маънода ишлатасиз*” деган фикрини асосли тасдиқлайди. Сўз урғусининг учинчи бўғинға тушиши орқали эса **Омон** деб аталган киши исмиға ишора қилинган ва ушбу лексеманинг ёзувда бош ҳарф билан берилиши фикримизнинг исботи бўла олади:

**Исҳоқжон:** Ҳа, сиз ҳам эҳтиёт бўлиб юринг, хазон резги вақти келса, сизни бир **нуқталаб қўйишим** бор.

**Ғанижон:** Исҳоқжон ака, бир ҳазиллашдик-да. Ҳақиқатда закий одамсиз, битта сўзни беш-олти маънода ишлатасиз. Шунинг учун ҳам мен сизни **Омоним** деб юраман-да.

*“Тил” пайрови. Аския. 66-бет.*

Қуйидаги мисоллар таҳлили ёрдамида ҳам нутқ жараёни занжирини ташкил қилишда урғунинг муҳим фоностилистик вазифа бажараётганлигига гувоҳ бўламиз:

**І. Жўраҳон:** Фахрланишға арзийди-да, Мелиқўзи **умри узоқ** бўлсин.

<sup>103</sup> Шо а б д у р а ҳ м о н о в Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.138-бет.

**Ғанижон:** Ғайратли чол экан. Мамажон отаман деб турибди.

*“Теримчилар” пайрови. Аския. 20-бет.*

II. **Олимжон ака:** Қодиржон ака, ҳаққушлар осмонда парвоз қилиб юрсалар, ака, **бағри қора** деманг яна.

**Қодиржон ака:** Осмондан учиб келиб Олимжон аканинг дўппиларини ташлайми – **илвосин** деб.

*“Қушлар” пайрови. Аския. 31-бет.*

III. **Мамарозиқ ака:** Ғойиб ака, у кунни Риштонга бориб қандай ўрик еб келдингиз?

**Ғойиб ака:** Қандай ўрик ейман ахир, сиз боғ ўртасида туриб: **олма-олма**, дейсизу!

*“Мевалар” пайрови. Аския. 20-бет.*

IV. **Абдуллажон ака:** Омон бўлгур Раҳматкул ука, маккажўхори-лар силосбоб бўлиб қолди, иш қистоқ – трактор беринг, одам беринг, бўлмаса, кечга қолиб кетиб, **ўзингизга** йиғиштириб юрмайлик.

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

V. **Жўрахон ака:** Яхши қайнатаман дейди, бунинг ҳеч доғини кўрмайин-а!

*“Чой” пайрови. Аския. 84-бет.*

Юқоридаги аския матнида қўлланган айрим лексе-маларда қуйидаги ҳолатлар мавжуд:

I. **Отаман** лексемасида икки хил маъно: от (**а**)ман – *Мамажоннинг ота эканлигига иқрорлиги*; (**о**)таман (феъл сўз туркуми) – *отмоқ* ифодаланган.

II. Олимжон аканинг нутқида қўлланилган *илвосин* сўзида урғу жойлашиши ўрнига қараб: *илво**с**ин* – *қўшма феъл (ш**и**б ол**с**ин)*, *илво**с**ин* – *қарчиғайсимон қуш маъносида қўлланилган*.

III. *Олма-олма* такрорий сўзда урғунинг биринчи бўғинга тушиши *ўрик ейишга тўсқинлик қилиш* маъноси (феъл сўз туркуми)ни, иккинчи бўғинга тушиши билан эса *мева маъноси* англашилади.

IV. Ушбу гапда урғу олган бирлик мураккаб кесим олдида жойлашган ва ўзингизга сўзи логик урғу олиб, Раҳматкул аканинг *“туя”* лақабига қочириқ қилинмоқда.

V. Қайнатаман лексемасида сўз урғусини кўчириш орқали икки хил маъно: қайнат(а)ман – *яхши қайин ота эканлигига таъкид*; қ(а)йнатаман – (феъл сўз туркуми) – *чой қайнатмоқ* ифодаланган.

Ўқоридаги мисоллар таҳлилидан кўришиб турибдики, сўз урғуси турли маъно нозикликларини ифодалаш каби услубий вазифа бажарса, фраза урғуси сўз бирикмалари ёки бир неча сўзни бошқалардан ажратиб кўрсатишни назарда тутати ҳамда фикр ифодасига образлилик киритади. Натижада нутқ таъсирчанлиги ўз-ўзидан ортади.

Аскиячилар нутқида халқона фраземаларнинг қўлланилиши аския халқчиллигини таъминлайди. Қуйидаги “Пахтачилик” пайровидан олинган матнда эса *хўл-қуруқ* бирлигини алоҳида урғу билан талаффуз этиш *пахтанинг сифати* ҳамда халқимиздаги *қуруқ қошиқ оғиз йиртади* иборасига ишоранинг борлигини кўришимиз мумкин:

**Махсум ака:** Бизга ишонаверинг. Ҳозирданоқ сизларнинг планларингизга қўшиб юбораверсак бўлади.

**Турсунбува:** Мақтанаверманг, Махсум, пахтангиз лаборатория эшигида турибди. Бундай *хўл-қуруқнинг* фарқини билинг-да!

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 18-бет.*

Кўринадик, урғунинг аския матнларида қўлланиш доираси анча кенг бўлиб, улар матнда маълум бир мақсадларни ифодалаш воситаси сифатида аскиячининг фикрини аниқлаштириш, “коса тагида нимкоса” тарзида иш тутишига ёрдам беради.

Урғунинг маълум бир улубий вазифа бажариши кўп ҳолларда аскиячининг субъектив муносабати орқали намоён бўлиб, улар аскиячи назарда тутган, кулгу ва ҳужум қуроли сифатида ишлатган нутқ бирикларига тушади. Аскиянинг **“Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз”** номли лўнда савол-жавоб шаклларидан иборат бўлган турида урғу, аксар ҳолларда, жавоб гапнинг кесимига тушади:

**Насриддин ака:** Махсум ака, ҳо Махсум ака!

**Махсум ака:** Лаббай ака.

**Насриддин ака:** Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?

**Махсум ака:** Айтганингизман.

Насриддин ака: Дала боғчасида ишлаганингизда, теримчиларнинг болаларига қарамасдан, биригадирнинг ўғлини кўтариб юрганмисиз?

Хуллас, аския жараёнида урғу фикр (гап) мазмунига аниқлик киритиш, гапдаги бўлақларнинг ўз ва кўчма маъносини ойдинлаштириш, нутқнинг эмоционал-экспрессив функциясини ошириш ҳамда сўз ўйинларининг алоҳида воситаси сифатида субъектив муносабатни тўғри англашга ёрдам беради.

### 3.2. Лексик усул ва воситалар

#### 3.2.1. Контекстуал антонимлар – сўз ўйинлари ҳосил қилувчи восита

Ўзбек тилшунослигида антонимлар ва антитеза ҳодисаси етарлича ўрганилган<sup>104</sup> бўлиб, мазкур бадиий тасвир воситаларининг аскиячилар нутқида қўлланилиши билан боғлиқ масалалар лингвистик таҳлилдан четда қолмоқда. Зеро, аскиячилар нутқининг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашдаги қулай воситаларидан бири бу зид маъноли сўзлар ҳисобланади.

Шарқ адабиётида қадим замонлардан бери қулай экспрессив ифода воситаси сифатида тазод усулидан кенг фойдаланиб келинганлиги маълум: “Шоир учун жуда қулай ифода усули – санъат турларида бири тазоддир. Бу санъат *мутобақа, тибоқ, татбиқ, муттазод, иттизод ва такофу* каби атамалар билан ҳам номланади. Бадиъшуносларнинг айтишича, бу санъат турида зид маъноли сўзлардан кўп фойдаланилади”<sup>105</sup>. Европа филологик анъанасида

<sup>104</sup> Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. Тошкент: Фан, 1977. 149-бет; Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза: Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 2000. 26-бет.

<sup>105</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент: Ғ.Фулломномадаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 64-бет.

бу санъат “*антитеза*” (фр. *antithese* – ‘зид қўйиш’) деб юритилади. Бадий асар тилини ўрганишга бағишланган ишларда “*зидлантириш*”, “*қаршилантириш*” атамаларидан фойдаланилади<sup>106</sup>. Умуман олганда, бу санъат ҳақида поэтикага доир асарларда<sup>107</sup> ва шу мавзуга бағишланган махсус илмий мақолаларда қимматли маълумотлар берилади<sup>108</sup>. Ўзбек тилида контекстуал антонимия ўзаро зид маъно ифода этмайдиган лексемаларнинг маълум контекст ичида сўзловчи ёки муаллиф томонидан антонимик муносабатларга киритилиши<sup>109</sup> сифатида қаралади.

Аския жараёнида оппозитив муносабат сўз уйинини характерловчи асосий белги ҳисобланади, “рақиб”ларнинг ўзаро муносабатларида нутқий қарама-қаршилик ҳар доим сезилиб туради:

**Раҳматқул:** Ферма мудури бўлиб, ҳадеб раис билан борди-келди қилишгунча, сут-жун топшириш плани устидан назорат қилсангиз-чи!

**Абдуллажон ака:** Омон бўлгур, борди-келди қилишсам, мен қилишяпман! Сизнинг қишлоқ-пишлоғингиз кетяптими?

**Раҳматқул:** Нега сигирларнинг сути тортилиб қолди десам, уйингиздаги бўрдоқилар билан бўлиб, ферма ҳайвонларининг ризқини қисди-писди қиялпсиз шекилли?

**Абдуллажон ака:** Кам бўлмагур, қисди-писдини ҳисобга оласизу, даромаддан келди-кетдиниям унутиб қўясиз. Ишонмасангиз сут бергандан сўранг.

<sup>106</sup> Ё ў л д а ш е в М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Тошкент, 2008. 57-бет.

<sup>107</sup> А т о у л л о Ҳ у с а й н и й. Бадоеъ-ус-саноеъ. Душанбе: Ирфон, 1974. С. 161–164; Т. Н. Зеҳни. Санъатҳои дар шери тоҷики. Сталинобод: Тоҷикистон, 1960. С. 82–87; Ш а й х з о д а М. Асарлар. 4 жилдлик. Ғазал мулкининг султони. Тошкент: Фан, 1972. 262–бет; Р у с т а м о в А. Навоийнинг бадий маҳорати. Тошкент: Фан, 1979. 64–65-бетлар; Р а ҳ м о н о в В. Шеър санъатлари. Ленинобод, 1972. 75–77-бетлар.

<sup>108</sup> И с ҳ о қ о в Ё. Тазод // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 5-сон. 80–83-бетлар; Ҳ а м и д о в З. “Лисон ут-тайр”да тазод санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. 6-сон. 80–85-бетлар.

<sup>109</sup> J a m o l x o n o v Н. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Oily o‘quv yurtlari uchun darslik. Toshkent: Talqin, 2005. 171-бет.

**Раҳматқул:** Эс-песи борми бу одамнинг ўзи, айна тоққа чиқадиган вақтда даромадни кўпайтириш ўрнига, раис билан олди-берди қилишади-я!

**Абдуллажон:** Раисимиз аввал ферма мудури бўлиб, иссиқ-совуқни бошидан кўп кечирган, бу ишнинг аччиқ-чучугини кўп татиган. Шунинг учун силаб-сийпаб, маслаҳатини олаяпман-да ёки биров билан кирди-чиқди қилишсак ҳам сиздан сўрайликми, кам бўлмагур?

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Ушбу мисолда борди-келди, келди-кетди, иссиқ-совуқ, аччиқ-чучуг, кирди-чиқди каби лисоний зид маъноли сўзлар ҳамда уларга қофиядош сифатида қишлоқ-пишлоқ, қисди-писди, эс-пес, олди-берди, силаб-сийпаб каби нутқий жуфт сўзлар ёрдамида сўз ўйини лингвистик маҳорат билан юзага чиқарилмоқда. Матнда қўлланилган бу каби жуфт лексемаларда, асосан, янги лексик маъно англашилиши тилшунос Ш.Раҳматуллаев томонидан алоҳида таъкидланади<sup>110</sup>.

Зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, тимсоллар зидлантирилади, натижада оппозитив муносабат юзага чиқарилади. Одатда, лисоний ва контекстуал зид маъноли сўзлар фарқланади. Контекстуал антонимия ҳар гал нутқнинг ўзида воқе бўлади, нутқдан (матндан) ташқарида йўққа чиқади:

**Ғўйиб ака:** Усмон қори, сиз ҳам пиллангизни мақтаб турувдингиз думбара деб, пушти чиқиб қопти-ку!

*“Пилла” пайрови. Аския. 29-бет.*

Аскиячилар айрим ҳолларда товушларнинг ўрнини алмаштириш ёки атайлаб бузиб талаффуз қилиш орқали нутқ кўринишининг буёқдорлиги ва унинг жонлилигини оширишга эришадилар. Улар ўзлари танлаган мавзунини кенгроқ ёритиш мақсадида баъзи бир сўзларни мана шу соҳа доирасидаги атамаларга мослаштириб талаффуз этадилар. Бунинг натижасида аския жараёнида турли хил

<sup>110</sup> *Изоҳ:* Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент, 2010. 89-бет.

фонетик ҳодисалар рўй беради ва булар аския матнини шақллантирувчи услубий воситага айланади:

**Турсунбува:** Ҳосил тўйига қолоқлар ҳам келганми дейман, нафаслари ичларига тушиб, “**кўргилик, кўргилик**” деб ўтирибдилар.

**Қодиржон ака:** Кўргилик эмас, Турсунбува, айб ўзларида, бўлмаса нима учун “**кўрчилик, кўрчилик**” дейдилар.

Бу матнда “**кўргилик**” сўзи қолипи асосида ясалган “**кўрчилик**” сўзи окказионал антоним ва, шу билан бирга, окказионал пароним бўлиб ҳам келмоқдаки, натижада бетакрор сўз ўйини ҳосил қилиниб, унинг ёрдамида субъектив муносабат ифодаланмоқда.

Аскиячилар нутқида семантик усул билан ҳосил қилинадиган контекстуал антонимлар кўп қўлланилади. Уларни турли пайровлар таркибида қўлланилишига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. “**Теримчилар**” пайровида қўлланилган нутқий зид маъноли сўзлар:

**Ғанижон:** Жўраҳон ака, ўзларини пахта плани тўлиши муносабати билан табриклайман. Сиз ҳам ўз ҳисобингизни қўшдингизми ёки комиссияга бориб справка олиб ВТЭК ётдингизми?

**Жўраҳон:** Сиз ҳам далага чиқиб қозон бошидан келмабсиз. **Ҳашарга эмас, ошарга** келди дейишди.

*“Теримчилар” пайрови. Аския. 19-бет.*

Ушбу матнда сўз устаси **ҳашар** лексемасига мос равишда қофиядош **ошар** лексемасини зид қўйиб, сўз ўйини қилган ҳамда бу билан “рақиб” ини кучли танқид остига олган. Нутқий ҳосила сўз – **ошарнинг** салбий ахборотини Ғанижон аканинг “қозон бошидан келмаганлиги” янада ойдинлаштиради. Гапнинг тағмаъноси: *қорин ғамида қозон олдидан кетмаган овқат оширувчи* ҳақида бормоқда. “Рақиб” эса ҳимоя мақсадида ўзини пахтакор қаторида кўриб, сўз ўйинини қуйидагича давом эттиради:

**Ғанижон:** Гап пахтакорлар ҳақида бораётир, тушундингизми, Жўраҳон ака! Яна бир “Пахтакор” бор.

Биринчиси – мамлакат омборини “оқ олтин”га тўлдирса, иккинчиси ўз дарбозасини тўпга тўлдиради.

*“Теримчилар” пайрови. Аския. 20-бет.*

2. “Термалар” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:

**Жўрахон ака:** Бор кучидан ўринли фойдаланмай, кузда соч юлишнинг фойдаси йўқ, вақтида юлиб ташланмаган ўтнинг илдизи қолади-да.

**Ғанижон:** Демокчисизки, ҳалол меҳнат қилсанг пахта пахта бўлади, бўлмаса ўт-ўт.

*“Термалар” пайрови. Аския. 24-бет.*

Ушбу контекстда соч ва ўт ҳамда пахта билан ўт лексемаларини ўзаро зидлаш асосида, ўз вақтида бегона ўтлардан тозаламаслик оқибатида пахтанинг сочга ўхшаб қолиши таъкидланади ва шу тариқа “рақиб” образли танқид қилинади.

3. “Пилла” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:

**Ғўйиб ака:** Усмон қори, сиз ҳам пиллангизни мақтаб турувдингиз думбара деб, пушти чиқиб қопти-ку!

**Иброҳимжон:** Эски нусха десам, кўчқоршохи шу экан.

**Зайнобиддин:** Хосиятхонга тегманг, мукофотга ана шу домлажон нусхани қўлтиқлаб кетаверинг!

**Рустам ака:** Усмон қори, Иброҳимжонга саккиз тепкилик беринг деяпсиз, ўзлари қичиқ нусха деяптилар-ку!

**Иброҳимжон:** Умид билан атайлаб меҳнат қилиб қурт боққанмиз, бизга бағрикарам керак!

**Ғўйиб ака:** Таёқдай бўлиб турганига ичида тахтаси бормикан дебман.

**Рустам ака:** Ёқмаса уйга бориб бир кудунглатиб оласиз!

**Зайнобиддин:** Қўйинг, бу кишини уринтирмайлик, ўзингиз тангалаб бера қолинг.

**Рустам ака:** Мен ҳам ҳайронман, икки юзламаси ҳам чиқипти.

*“Пилла” пайрови. Аския. 29-бет.*



Бу пайровда ажратиб кўрсатилган атлас номлари мазмунан бир-бирига зид қўйилиб, сўз ўйини ҳосил қилинган, бунинг натижасида эса нутқда семантик жиҳатдан окказионал антонимлар юзага келган.

#### 4. “Кушлар” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:

**Иброҳимжон:** Махсум ака қумридай ювош одам, икки оғиз гапга ҳақкалаб кетмайдилар.

**Раҳматқул ака:** Бунча икковларинг сен-менга бориб қолдингларинг, ўртага **ғули-ғули** тушдими?

**Махсум ака:** Орамизга **ғули-ғули** тушмайди, биз аҳилмиз. Фақат Иброҳимжонга ҳайрон бўлиб ўтирибман: **туси товуққа ўхшайди** деб.

**Мамажон ака:** Дакани деб оборсам, **минорча** чиқиб қолди.

**Раҳматқул ака:** Бахтингиз экан, адашмабсиз, нақ бўлмаса хашаки чиқиб қоларди.

*“Кушлар” пайрови. Аския. 32–33-бет.*

Юқоридаги пайровнинг мақсади кушлар номини нутқда қўллаш орқали сўз ўйини ҳосил қилишдан иборат бўлиб, матнда кушларга хос белги-хусусиятлар мақсадли равишда зидлантирилган.

#### 5. “Тил” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:

**Исҳоқжон:** Жўрттага луқма солдим-да, қарасам гапнинг эгасини айтасизу, **кесимига** ҳайрон бўлиб турибсиз.

**Ғанижон:** Адаштирмай туринг, яна номингизни олмоштириб, сизга **Эргаш**, бўлаклари бу, деб ўтирмайин.

**Исҳоқжон:** Жуда **содда гап** қиласиз-да!

**Ғанижон:** Бўлмаса, сиз **ёйиқ гапга** кўнасизми?

**Исҳоқжон:** Келинг, бировнинг **кўчирма гапига** можаро қилиб ўтирмайлик, яна сизнинг **феълингиз** бузилиб қолмасин.

**Ғанижон:** Қизиқсиз-а, менинг **феълим** ҳар нарсага бузилаверадими? Нима, менинг **феълим ўтган замон** **феълимиди!**

**Исҳоқжон:** Нега бўлмаса мендан ҳадеб сўзимнинг ўзагини сўрайверасиз! Ҳозирги замон феълингиз шунақами?

*“Тил” пайрови. Аския. 65–66-бет.*

Ушбу мисолда *эга* ва *кесим*, *олмош* ва *эргаш гап*, *содда гап* ва *ёйиқ гап*, *ўтган замон феъли* ва *ҳозирги замон феъли* каби тилшуносликка оид атамалар бажарадиган вазифа ва хусусиятига кўра бир-бирига зид қўйилиб, шу тариқа “рақиб”нинг камчилиги ва характери танқид остига олинади.

**6. “Савдо-сотик” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:**

**Йўлдошев:** Улгуржи савдо ҳам қилиб турамиз, сиздақа чакана қилиб юрамизми?

**Раҳимов:** Сиз ҳам чакана савдо қилмайсиз! Ишқилиб бошингизга **растрат** савдоси тушмасин.

*“Савдо-сотик” пайрови. Аския. 68-бет.*

Ушбу мисолларда савдо-сотик соҳасига оид атамалар *улгуржи савдо* ва *чакана савдо* бир-бирига зид қўйилади. Шу билан бирга, бу атамаларга мос равишда *растрат савдоси* бирикмаси нутқий ҳосила сифатида қўлланади ва окказионал антонимлик ҳолати юзага чиқарилади.

**7. “Шахмат” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:**

**Охунжон:** Эркинбой ака, ҳамма сизга назар соляпти, ҳадеб шоҳона юришлар қилаверасизми, бирор марта **пиёда** юриб қўйсангиз-чи!

*“Шахмат” пайрови. Аския. 72-бет.*

Шахмат мусобақасидаги *шоҳ* ва *пиёда* доналари юрмоқ лексемаси билан бирга ишлатилиб, *шоҳона юриш* ва *пиёда юриш* бирикмалари ҳосил қилинган ва улар ўзаро қарама-қарши қўйилган. Натижада эса нутқий бирликларнинг полисемантик хусусияти сўз ўйинининг асосий омилига айланган.

**8. “Футбол” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:**

**Комилжон:** “Пахтакор” командасига сиздақа уста ўйинчилар керак. Хусанжон, бир илож қилиб командага кириб олмасангиз бўлмайди. Бўлинг, дам “А”, дам “Б” деб юрасизми!

*“Футбол” пайрови. Аския. 74-бет.*

Бу ерда “А” ва “Б” дискурс сифатида “қолоқ жамоа”; “нотаниш жамоа”; “қатъиятсизлик” прецуппозицияларини англатади ва илғор “Пахтакор” жамоасидан бир поғона паст эканлиги таққослаш ва зидлаш усулида юзага чиқарилади.

**10. “Наманган гуллари” пайровида қўлланилган окказионал антонимлар:**

**Солижон:** Сизни олиб келганлар яхшигул деб мақташяпти, яна гулибеор чиқиб қолманг!

**Иброҳимжон:** Бизни унақа гул деманг, парваришталабмиз, ёлчиб қоласиз: гултожихўрозмиз.

**Мирзахон:** Гулбоғимизни эҳтиёт қиламиз-да, гулларнинг сараси яна хашаки чиқиб қолмасин деб.

**Жўраҳон ака:** Намозшомгулмисиз, мен адашибман, бемаҳал очиладиган карнайгулмисиз дебман.

*“Наманган гуллари” пайрови. Аския. 80–81-бет.*

Мазкур мисолларда яхшигул ва гулибеор, гултожихўроз ва хашаки, намозшомгул ва карнайгул ўзаро хусусиятларига кўра контекстда оппозитив муносабатга киритилади ва шу йўл билан асосий мақсад (“рақиб” характерини очиб бериш)га эришилади.

Окказионал антонимлардан фойдаланиш “Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?” номли аскиянинг кўҳна шаклларида, айниқса, яққолроқ кўринади. Чунки бундай аскияларда нарса, воқеа-ҳодисалар бир-бирига кўпроқ таққосланиши баҳонасида ўзаро фарқли хусусиятлар очиб берилади:

**Махсум ака:** Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

**Турсунбува:** Айтганингизман.

**Махсум ака:** Колхозда бригадирмисиз, ё кўчама-кўча юрган дарбадармисиз?

**Насриддин ака:** Махсум, қалайсиз, гулмисиз, райҳонмисиз,

жамбилмисиз. Илгарилари трактор минганингизда, трактор ёғини сира тухумга алиштириб еганмисиз?

**Махсум ака:** Ижроқўмбува! Гулмисиз, райҳонмисиз, толгулмисиз? Бригадаларга боғланган вакилмисиз, ё ишга чиқмайдиганларга меҳмонмисиз?

*“Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?”* Аския. 95-бет.

Аскиянинг бу кўриниши ўхшатиш орқали зидлаш асосига қурилган бўлиб, соғлом танқид тарзида намоён бўлади. Ўхшатиш ва зидлашдан асосий мақсад эса нутқ эгаларининг камчилик ва нуқсонларини фош қилиш орқали бир-бирини тарбиялашдан иборатдир.

Умуман олганда, контекстуал антонимлар нутқда нутқ эгаларининг ранг-баранг мақсад-ниятларини ифодалаш эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Бу билан аскиячилар турли соҳага оид атамаларни сўз ўйини мақсадларига хослаб, “рақиб”ига нисбатан ўз субъектив муносабатларини ифода этади, натижада аския жараёнида сўз ўйининг бетакрор ифода усуллари намоён бўлади.

### ***3.2.2. Контекстуал омонимия ва полисемантик бирликларнинг сўз ўйинлари ҳосил қилишдаги роли***

Омоним атамаси юнонча “*homos*” – “бир хил” ва “опума” – “ном” сўзларидан иборат бўлиб, тилшуносликда омоним бирликлар деганда, бир хил шакл доирасида турли семантик қирраларга эга бўлган, айтилиши ва ёзилиши бир хил, маъноси эса ҳар хил тил бирликлари тушунилади.

Омонимия ҳодисаси тилшуносликда жуда кенг тадқиқ этилган бўлиб, у тил сатҳлари орасида аффиксал, лексик-фразеологик, морфологик ва синтактик омонимия кўринишида мавжуд бўлади. Синтактик бутунликларнинг омонимлик муносабатга киришуви тилшуносликда синтактик омонимия термини билан изоҳланади. Синтактик омонимлар ҳам лексик, фразеологик ва морфологик омонимлар каби нутқда услубий маънонинг юзага чиқиш – бир шакл доирасида турли мазмун қирраларини ифодалаш имконини беради. Тилшунос олимлар эътирофига кўра,

синтактик омонимия ҳодисаси дастлаб Е.И.Шенделсўнинг “Грамматик омонимия ҳақида” мақоласида шарҳланган. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу масалага қизиқиш ва уни ўрганиш борасида қатор ишлар қилинган. А.Сафаев, Ф.Убаева, С.Мамедов, А.Толипов ва А.Бердалиевнинг “Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик сигнификатив парадигматика” номли монографиясида синтактик полифункционаллик, синтактик полисемия ва синтактик омонимия масалалари атрофлича тадқиқ этилган бўлишига қарамай, унда масаланинг кўпроқ қўшма гаплар доирасидаги тури ҳақида фикр юритилган. Кейинги йилларда олиб борилган илмий изланишларда ҳам синтактик омонимияга оид айрим фикр-мулоҳазалар учрайди. Жумладан, Ҳ.Усмоновнинг “Ўзбек тилида гап бўлақларининг позицион тадқиқи” монографиясида ҳамда А.Мамажоновнинг “Синтактик омонимия хусусида” номли мақоласида синтактик синонимия, синтактик полисемия ва синтактик омонимия ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари билан боғлиқ айрим муаммолар ўртага ташланади.

Кўринадик, синтактик бирликларнинг шакл ва мазмун диалектикаси мазмуний бирликларнинг тўлиқ ва нотўлиқ шаклий ифодасини топиши масаласини ўрганиш икки структура ўртасида симметрик ва ассиметрик муносабат мавжудлигини аниқлашдан ташқари, синтактик синонимия, синтактик омонимия ва синтактик полисемия, синтактик полифункционаллик (синтактик синкретизм) масалаларини ҳам қамраб олади<sup>111</sup>.

Шунинг учун ҳам синтактик синонимия, синтактик омонимия ва синтактик полисемия масалаларини синчиклаб ўрганиш, айниқса, мазкур ҳодисаларни аския матни мисолида тадқиқ этиш синтактик бирликларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабатни чуқурроқ ёритишга, бу воситаларнинг лингвистик табиатини тўла ва яққол очиб беришга қулай имконият яратади.

<sup>111</sup> М а м а ж о н о в А. Синтактик омонимия хусусида. Аюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. Тошкент, 2012. 40–42-бетлар.

Тилшунослар томонидан омоним ва омоформалар аския жанрига хос сўз ўйинини (тажнисни) таъминлаши, услубий восита сифатида бадий асарга хусн бағишлаши<sup>112</sup> ҳамда улардан ўринли фойдаланиш аскиячиларнинг маҳорати саналиши алоҳида таъкидланади.<sup>113</sup> Бу фикрлар Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, атоқли тилшунос олим А.Нурмоновлар томонидан ҳам эътироф этилиб, “ўзбек тилининг асосий фазилати – шаклдош, кўпмаъноли сўзларга бойлиги сўз ўйинини, аския санъатининг, шеъриятда туюқ жанрининг ривожланишига имконият яратиши” алоҳида таъкидланади<sup>114</sup>. Аскиячиликнинг айрим қирраларини ўрганган олим Ҳ.Раззоқов ҳам полисемик, омоним сўзлар сўз ўйинларида фаол иштирок этиши, сўзлардаги бу нозик фазилат сўзларни истаганча “ўйнатиш”, бир гапда сўз ва мантиқий урғулар жойини ўзгартириш, инверсиялар ҳосил этиш орқали бир неча хил маънолар чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлайди<sup>115</sup>. Масалан:

Икки киши чойхонага кириб келиб, бири қичқирди:

– Самоварчи, чой!

– Қайнасин, ҳозир, – жавоб берди самоварчи.

– Қайнатаман, – деб тура берар экансиз-да, – деди кирувчилардан бири.

– Сира қайнамас экансизда! – кўшимча қилди иккинчиси.

Халқа орасида машҳур бўлган “Чойхона” пайрovidан келтирилган бу мисол жуда характерлидир. Учинчи диалогдаги **қайнатаман** сўзи икки хил (фeъл, от) маънони ифодалайди. Охирги диалогдаги гапнинг маънолари қуйидагичадир: а) *самоварингиз сира қайнамас экан;* б) *шошилмай иш тутасиз;* в) *қайнатасиз-у, сира қайнана бўлмас экансиз-да.*

<sup>112</sup> Jamolxonov N. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. Toshkent: Talqin, 2005. 180-bet.

<sup>113</sup> Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик. Тошкент: Шарқ, 2002. 88-бет.

<sup>114</sup> Қаранг: Эркин Воҳидов: Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин. <http://www.gglit.uz>: Нурмонов А. Сўз мулкига сайр. Шарқ юлдузи журнали. Тошкент, 2014 йил, 6-сон.

<sup>115</sup> Раззоқов Ҳ. Кўрсатилган асар. 32-бет.

Шунга кўра, жонли нутқ маҳсули бўлган аскияда субъектив муносабат ифодаловчи ва сўз ўйини ҳосил қилувчи омоним ва омоформаларнинг қўлланиш доираси анча кенг бўлиб, алоҳида бир тизимни ташкил этади. Матнда уларнинг қўйидаги турларини учратиш мумкин:

1. **Лексик** (луғавий) омонимлар – сўзлар ўртасидаги омонимлик.

2. **Фразеологик** омонимлар – иборалар, яъни кўчма маъноли, таъсирчанликка эга бўлган бирикмалар ўртасидаги омонимлик.

3. **Грамматик (синтактик)** омонимлар – кўшимча, бирикма ва ҳатто гаплар орасида юз берадиган омонимлик.

Булар орасида лексик омонимлар нутқ жараёнида сўз ўйини учун қулай имконият яратади. Масалан, Абдулҳай махсум “Навбахор” номли пайровида: *“Икковларинг ҳам ўта дангасасизлар. Якшанба куну олма боққа кириб, дарахтларни оқлаймиз, десам, “Бизни иш кам жойга етакланг”, дейсизлар” деганда иш кам – “узум кўтариб тараладиган мослама”, форс-тожик тилидаги “қорин” (заёфат) ҳамда “иш кам” маъноларини билдириш учун қўлланганлигини кўришимиз мумкин.*

Ёки Ғуломжон Рўзибоев **чўтир** сўзининг товуш томонининг бир хиллигидан фойдаланиб, икки сўз ўрнида ишлатади: *“Бир гап эшитиб қолдим. Сайдуллаҳон чойхонада насияга муомала қилиб, идорага пул топширмаган экан, ҳисобчилар ўзини ўтқазиб олиб, “чўтуряпти” деб эшитдим”.* Бу ўринда чўтир бужур ҳамда чўт ур маъноларида ишлатилган.

Бошқа лингвистик ҳодисаларда бўлганидек, омонимияни ҳам тил босқичида ва нутқ босқичида алоҳида-алоҳида баҳолаш керак. Тил босқичида омонимия тил бирликлари орасида (лексемалар, морфемалар, фразеологик бирликлар доирасида) мавжуд бўлади, нутқ босқичида эса нутқ бирликлари орасида (сўзформалар ва бирикмалар орасида) юз беради<sup>116</sup>.

<sup>116</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.6-бет.

Тилимиздаги сўзларнинг полисемантик табиати ва омонимлик хусусиятларидан унумли фойдаланадиган сўз усталари кўпинча сўз шакли ва айтилиш оҳангини ўзгартириб, сунъий равишда полисемиялаштириш, омонимлаштириш ҳодисаларини намоён этадилар. Масалан:

**Қори ака:** Ия, Мамаюнус, деворингизнинг аввалги лойи шўр тупроқдан қилинганмиди, шувоқлари гувалакда турмай тўкилиб кетипти!

**Мамаюнус:** Кўрмайсизми, Қори ака, иш билан бўлиб, шувоққача кўлим тегмади<sup>117</sup>.

Бу мисолда шувоқ сўздан ўйин чиқарилмоқда. Шувоқ сўзи икки хил маъно (лой сувоқ, чўлда ўсадиган ўсимлик) англатишидан ташқари тарафкашнинг лақаби (“кал”)га ишора маъносини ҳам билдирмоқда. Ҳарифи ҳам унга жавобан пайровнинг талаби билан, **шу вақтгача** бирикмасини шувоққача шаклида кўлламоқда.

**Турсунбува:** Ишимизни текширсангиз, дурустроқ текширинг-да, бизнинг аъзоларимиз иш қилмоқда, кўзингизга шахмат ўйнагандай кўрингандир!

**Расулқори:** Ҳо, ўртоқ биригадирлар, гаплашавериб сувсаб қолмадингларми, чанг қайда, дейми?<sup>118</sup>

**Чанг қайда** бирикмаси **чангчайди-да, чанқай-да** пайров жавобидан ташқари чанг қаерда, сувчади, ташна маъноларини ҳам билдириб келган.

**Раҳматқул:** Ака, дейман, овчилар сизни бирга олиб юришга ишқибоз бўлсалар керак-а, ола, пар бизга, деб.

**Абдуллажон:** Ука, кўпдан бери овда ўзларига эргаштириб юриб, сизни овчи эрка қилиб қўйганга ўхшайди<sup>119</sup>.

**Олапар** сўзи кўшиб ўқилса, итнинг бир тури маъносини билдиради, **овчи эрка** бирикмаси ҳам авчарка (ит) сўзига қочирим қилинган.

Аскияда матн омонимияси, омоним гаплар ҳам учрайди. Улар **амфиболиянинг бир кўриниши** сифатида сўз

<sup>117</sup> Раззоков Х. Кўрсатилган асар. 34-бет.

<sup>118</sup> Муҳаммадиев Р. Аския. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. 61-бет.

<sup>119</sup> Раззоков Х. Кўрсатилган асар. 34-бет.



ўйинининг прагматик омилига айланади. Бундай нутқий ясамалар фақат нутқ жараёни (контекст)дагина омонимлик ҳосил қилади, холос.

Амфиболия термини луғатларда (юнонча *amphibolia* – икки томонламалик, икки маънолилик) “икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги” тарзида изоҳланади.

Мазкур ҳодиса ҳақида Аристотель ҳам ўзининг “Риторика” рисоласида махсус тўхталган: “Услуганинг аниқ ва равшанлиги риторикада ўта муҳимдир. Агар нутқ тушунарсиз бўлса, у ўз вазифасини бажармаган бўлади. Лекин шуни ҳам назарда тутиш зарурки, баъзан икки маъноли ифодалар мақсадли тарзда ишлатилиши мумкин. Айниқса, бундай ифодалар софистлар учун қўл келади”<sup>120</sup>.

Немис олими В.Гумбольдт: “Нутқда сўзлашувчилар ўртасида бир вақтнинг ўзида ҳам тушуниш ва ҳам тушунмаслик бор” – деб таъкидлайди. Шакл ва мазмуннинг нисбий мустақиллигини ана шунда ҳам кўриш мумкин, айни бир мазмун турли шаклларга кириши мумкин ва айни бир шакл турли мазмунга эга бўлиши ҳам мумкин.

Шунга қўра, *Ўлим йўқ шафқат* жумласининг мазмунини икки хил талқин қилиш мумкин: биринчиси, *ўлим, шафқат қилинмасин*; иккинчиси, *ўлим йўқ, шафқат қилинсин*. Ёки *Сиз аҳмоқ одам эмассиз* жумласининг мазмунини ҳам турлича талқин қилиш мумкин: биринчиси, *сиз аҳмоқ одамлардан эмассиз*; иккинчиси, *сиз – аҳмоқ, одам эмассиз*. Булар амфиболиянинг содда кўриниши. Бундай ифодалар тилимизда кўп учрайди. Демак, амфиболия (матн омонимияси, матн мазмунининг ҳар хиллиги), бир томондан, нутқнинг камчилиги, коммуникацияга тўсиқ бўлувчи нуқсон сифатида баҳоланса, бошқа томондан, у нотиқнинг маҳоратини кўрсатувчи риторик усул ҳамда сўзловчининг коммуникатив ниятини юзага чиқаришнинг прагматик омили ҳисобланади<sup>121</sup>.

<sup>120</sup> Аристотель. Риторика. Поэтика. М., 2000. 114-бет.

<sup>121</sup> Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. Тошкент: Академнашр, 2013. 87-бет.

Амфиболияни айнан матн омонимияси сифатида тушуниш англиш бўлади. Масалан, “Илм соҳасида Салим Каримдан ўтиб кетибди” гапида сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган ахборот – пресуппозиция ёки гапнинг таъмаъноси “илгари Салимнинг билими Каримнинг билимидан паст бўлган” лиги яққол англашилади. “Илм соҳасида Салим Каримдан анча ўтиб кетибди” гапида эса ушбу пресуппозиция англашилмайди. Яъни Салимнинг билими илгари Каримнинг билимидан паст ёки юқори бўлган бўлиши ҳам мумкин. Тушунча гапнинг икки хил талқин қилиниши билан алоқадорликда ҳосил бўлади. Шунга кўра, “Илм соҳасида Салим Каримдан анча ўтиб кетибди” гапи амфиболиянинг кўриниши сифатида реаллашган, лекин у матн омонимияси бўла олмайди.

Аслида, моҳиятан олиб қаралганда, амфиболия турли хил услубдаги ва жанрдаги матнлар учун хос мунтазам кузатиладиган ҳодиса саналади. У стилистика учун аҳамиятсиз ҳодиса эмас. Амфиболиянинг тил учун аҳамиятсиз ҳодиса эмаслигини лисоний белги учун хос ассиметрик дуализм (мазмуннинг чексизлиги ва уни ифодаловчи лисоний воситаларнинг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик) билан асослаш мумкинлигини тилшунос А.Нурмонов ҳам таъкидлайди<sup>122</sup>.

Аскиячилар нутқида амфиболия унсурлари мунтазам равишда стилистик талаб билан воқеланади. Матнни турлича талқин қилишдан англашилган турли-туман ифода, мазмун, мақсад ва ният сўз усталарининг ўзгача тарзда кўп ахборот ифодалаш хоҳиши ва истагини намоён этади:

**Махсум ака:** Ҳамма кучимизни далага сафарбар қилганмиз. Кўпчиликнинг этаги бор, фақат табелчининг дафтаридан баъзилар баъзилар этаксиз чиқиб қоляпти, холос.

**Ғанижон:** Махсум ака, бунинг сабаби бўлса керак, баъзилар ишониб юргандир-да, **этак сизда** деб.

*“Пахтачилик” пайриви. Аския. 18-бет.*

Ушбу мисолда синтактик омонимиянинг нутқ босқичидаги кўринишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

<sup>122</sup> Нурмонов А., Раҳимов А. Кўрсатилган асар. 87-бет.

Шутқда **этаксиз** – *тўғри маънода матодан пахта териш учун махсус тикилган, бир томони бўйинга осиб, бир томони белга боғлаб олинадиган буюм* (ЎТИЛ, 2008. 5-жилд, 59-бет) *сиз киши, кўчма маънода: тайини йўқ, бетайин; уятсиз, шарманда* (ЎТИЛ, 2008. 5-жилд, 59-бет) ҳамда **этак сизда** бирлиги – юқоридаги маънолар билан бирга -да ўрин-пайт келишигининг шакли ва -да таъкид юкламаси тўсиқсизлик маъносини билдирувчи шаклнинг ишлатилиши билан кўшимчалар доирасида ҳам омонимликни ҳосил қилган.

Ҳар ким ҳам бундай матн кўринишини ярата олмайди ва ҳар қандай сўзга чечан ҳам, ҳар қандай тилшунос ҳам аскиячи бўла олмайди. Зеро, аскиябозларнинг ҳар бир сўзни қўллаши уларнинг ўзига хос лингвистик маҳоратидан далолат беради:

**Ғанижон:** Ёрдам керакми деб мендан сўрагунча, ёрдамга чиққан теримчилардан сўранг. Менга **гап чопасизми!**

**Расулжон:** Яшанг, Ғанижон ака! Аскиямиз бутун бўлди – **улоқ-улоқ** эмас. Энди пахта планини бажаришдаги нуқсонларни **улоқтириб** ташласак. Юринг энди далага. Ана отчопар ҳам келди, бориб соврунингизни олинг – **тўн улоқ – сиз!**

*“Улоқчилар” пайрови. Аския. 21-бет.*

“Улоқчилар” пайровидан олинган ушбу матнда сўз устаси улоқчилик соҳасига услубий жиҳатдан хосланган чопмоқ лексемасини гап лексемаси билан бирга қўллаш асосида окказионал бирикмани ҳосил қилмоқда. “Рақиб” эса бунга жавобан ўз нутқида улоқ лексемасидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда сўзнинг қуйидаги серқирра маъноларини очиб бермоқда: **улоқ-улоқ** – парча-парча (бўлак маъносида); **улоқтириб** ташламоқ – нуқсон ва камчиликлардан холи бўлмоқ; **улоқ – сиз** – биринчи маъноси: соврунга меҳнатсиз эришиш, иккинчи маъноси: “рақиб”ни улоқчилар ҳар томондан талашадиган улоққа тенглаштириш.

Омонимлар материал томондан, яъни қайси сўз туркумларидан бўлишига кўра асосан икки турли бўлади:

1. Бир сўз туркумига тегишли бўлган омонимлар.

2. Бир неча сўз туркумига тегишли бўлган омонимлар<sup>123</sup>.

Аския матнида аскиячилар омонимларни турли сўз туркуми доирасида қўллаб, ранг-баранг сўз ўйинларини юзага чиқарадилар. Қуйидаги аския матнида бир сўз туркуми доирасида юзага чиққан омоним сўз – **сир** ўзгалардан махфий тутилган ёки ўзгаларга номаълум бўлган иш, гап, нарса ҳамда ялтироқ минерал ёки мой буюқ<sup>124</sup> маъноларини ифодаламоқда:

**Жўраҳон ака:** Пол очишдан чўчиб, сизни кўрибоқ тахта бўлиб қолди.

**Ғанижон:** Хели иш кўрган устага ўхшайсиз-а, бино битгану, **сир** бермайсиз.


*“Йўл” пайрови. Аския. 72-бет.*

Кўринадики, ҳар иккала маъноси билан ҳам сир сўзи от сўз туркуми доирасида реаллашади. Қуйидаги мисолда эса бир неча сўз туркумига оид омонимлар матнда турли услубий маъноларни ифодалаш учун ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз:

**Насриддин ака:** Ижрокўмбуванинг қовуни пишганига анча вақт бўлди-ю, ҳали ҳам узилмапти.

**Махсум ака:** Узилмасин, **умрбоқий** бўлсин.

**Ғойиб ака:** Узилмагани дуруст, **пирсилдоқ** бўлса-да, бозор-ўчарга яраб туради-ку!




<sup>123</sup> Нурмонов А., Рахимов А. Курсатилган асар. 87-бет.

<sup>124</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. М.: Рус тили, 1981. 54-бет.

**Охунжон:** Эркинбой ака, ҳамма сизга назар соляпти, ҳадеб шоҳона юришлар қилаверасизми, бирор марта пиёда юриб қўйсангиз-чи!

*“Шахмат” пайрови. Аския. 72–73-бет.*




**Ғанижон:** Оталар чойхонаси шинам, чойи ширин. Маҳмуджон чой олиб келишса, яна қайтариб ўтирманг.

**Маҳмуджон:** Фамил устига кўк чой дамлаб келсангиз айтаман-да: олиб бор Ғанижонга, ўзи **қайтарма** деган деб.

**Орифжон:** Маҳмуджон, чойи дуруст деб ўзингиз шама қилган эдингизу, яна самоварчига дўқ урасиз шамасини тўкиб ташланг деб.

**Жўрахон ака:** Қаёғданам Ғанижон самоварчи бўлиб қолибти-ю, мана бизга чойни аччиқ қилиб беряпти.

*“Чой” пайрови. Аския. 83–84-бет.*



**Аччиқ** сўзи эса таъми, мазаси ўтқир, оғизни ачитадиған, ачиштирадиған (чойга нисбатан) ҳамда қаҳр, ғазаб, жаҳл<sup>127</sup> маъноларини ифодалайди.

Берилган матнларда от ва сифат (умрбоқий, пирсилдоқ), от ва равиш (пиёда), сифат ва феъл (қайтарма) каби сўз туркумлари доирасида ўзаро омонимлик ҳосил қилинган.

<sup>125</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М.: Рус тили, 1981. I том, 584-бет.

<sup>126</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М.: Рус тили, 1981. II том, 541-бет.

<sup>127</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М.: Рус тили, 1981. I том, 65-бет.

Омонимлар маъно миқдорига кўра икки маъноли, баъзилари эса уч-тўрт маъноли бўлади:<sup>128</sup>

**Дадажон:** Ғанижон ака, келинг энди бир кулишайлик! Мана доирани ҳам қизитиб келдим – така-така тум қилиб юбораверайми?

**Ғанижон:** Дурустсиз, Дадажон ука, доирада бўш келмайсиз, шу туришингизда бомбиллаб юраверсангиз, кейин даф бўлиб кетмайсиз ҳам.


Юқоридаги мисолда **даф** сўзи икки маъно ифодаловчи омонимлар гуруҳига киритилади. Яъни, биринчи маъноси – *чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга хом тери қоплаб ясалган мусиқа асбоби, чилдирма, доира бўлса, иккинчи маъноси – қайтмоқ, йўқ бўлмоқ* (ЎТИЛ, I том, 214-б.)дир.

Куйидаги диалогик нутқда омоним сифатида ром сўзи аскиячининг сўз қўллаш ва сўз ўйинлари ҳосил қилишдаги маҳоратини очиб бериш учун хизмат қилади:

**Олимжон ака:** Сиз ҳам фолбинга ўхшаб қаёқдаги гапларни топасиз, иш вақтида бекор турмай деб пол очай дейсиз-а!

**Иброҳимжон:** Сиз ҳам бинокорларнинг ишини текшираман деб, қаёқдаги гаплар билан **ром** кўрганингиз кўрган.

*“Иморат” пайриви. Аския. 46-бет.*



**Ром** сўзининг учинчи маъноси куйидаги аския матнида ойдинлашади:

**Ҳасанжон:** Тоҳиржон, чопиб келганингиздан теша тегмаган гаплар топганга ўхшайсиз. Сизнинг лутфчи эканлигингизни қишлоқдагилар ҳам биладими, дейман, келиб ўтиришибди ўтган сафар **ром** бўлганмиз деб.

*“Дурадгорлик” пайриви. Аския. 70-бет.*

<sup>128</sup> П и н х а с о в Я. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1969. 17-бет.

Ушбу матндаги ром сўзининг учинчи маъноси ўзига қаратмоқ, ўзига мойил қилмоқ, оғдирмоқ (ЎТИЛ, I том, 626-б.) – маъноси билан боғлиқ ютқазмоқ, маҳрум бўлмоқ ҳисобланади.

Омонимлар сўзларининг шаклдаги тасодифий тенг келиб қолиши, яъни аслида ҳар хил шаклдаги сўзларнинг даврлар ўтиши билан шаклан ўхшаш бўлиб қолиши каби тури ҳам учрайди:

**Ғанижон:** Бўлмаса, шаҳар ёритиш бошқармасига бориб бизга ёқмайсизлар, фақат шаҳар бошқармаларига борадиган йўлларга чироқлар ёқиб қўйинглар, деб айтаман.

**Жўраҳон ака:** Уларга ёқса керак.

“Йўл” пайровидан олинган парчада “рақиб”лар нутқида қўлланилган “ёқмоқ” феъли куйидаги маъноларни ифодалайди:



(чироққа нисбатан)

(шахсга нисбатан)<sup>129</sup>

Маълумки, тилшунослар томонидан омонимия ҳодисаси асосан тил босқичида баҳоланади. Шунга кўра, аксарият манбаларда омонимларнинг юзага келиш сабаблари тилда азалдан мавжуд бўлган сўзлар шакллариининг юқоридагидек тасодифан тенг келиб қолиши сифатида баҳоланади<sup>130</sup>.

Аскиячиликда эса омонимларнинг пайдо бўлиш сабаблари юқоридаги ҳолатлардан мутлақо фарқ қилади. Омонимлар тил босқичида эмас, нутқ босқичида пайдо бўлади, тўғрироғи, мақсадли равишда пайдо қилинади. Мақсад – сўз ўйини қилиш. Демак, аския нутқий жараёнга асосланган сўз ўйини бўлганлиги учун матндаги омонимия,

<sup>129</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М.: Рус тили, 1981. I том, 266-бет.

<sup>130</sup> J a m o l x o n o v Н. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. Toshkent: Talqin. 2005. 178–179-betlar.

парономазия ҳодисасини асосан нутқий босқичда баҳолаш лозим бўлади. Яъни аскиябозлар мақсадли тарзда, атайлаб, тил бирликларидан омонимик ҳолатларни ҳосил қиладилар. Сўз усталари лингвистик маҳоратини ишга солиб, окказионал омонимларни нафақат сўзлар доирасида, балки, асосан, сўзформалар, бирикмалар ва ҳатто гаплар доирасида ҳам юзага чиқарадилар. Натижада эса, омонимиянинг ранг-баранг кўриниши нутқ босқичида намоён бўлади:

**Охунжон:** Эркинбой ака, ҳамма сизга назар соляпти, ҳадеб **шоҳона** юришлар қилаверасизми, бирор марта **пиёда** юриб қўйсангиз-чи!

**Озод ака:** Мулла Охунжон, Эркинбойга унақа деманг, у кишининг **феъли** ёмон, **пиёдани** кўрди, бўлди, **сипоҳгарчилик** қилиб нариги чеккага суриб қўядилар.

**Охунжон:** Ҳали Эркинбой ана шунақа шоҳмилар, бўлмаса мен билан ўйнасинлар – **руҳларини ўзим қочираман!**

**Эркинбой:** Шахмат ўйнаган одам **от ўйнашни** ҳам биледи-да! Охунжон **отимни оламан деб, руҳимни кўтариб юрибди.**

**Озод ака:** Охунжон сипогарчилик қилгандир. Лекин сиздақаси бўлмайди. Эркинбой ака ўзларини бўлар-бўлмасга **филдай** қилиб кўрсатадилару, **йўлларини** бирор **пиёдакаш тўсиб қолса,** ғинг деялмай ўтирадилар.

**Охунжон:** Унинг устига Эркинбой акамнинг мақтанишларини айтмайсизми: **отим очмас,** деб.

**Шавкатжон:** У куни Эркинбой ака: “**Шоҳимнинг ҳам кўзи очмас**” девдилар, гапларига ишонмадим – то ўзим бориб пиёда билан фарзинни уриб, **кўзини очиб** қўймагунча!

**Эркинбой ака:** Шахмат деганни бир киши билан бир киши ўйнайди, ҳаммаларинг Охунжонга ўргатавериб, мени **мот** қилмоқчимисизлар? Боринглар: “**кишт-кишт**”га тобим йўқ!

**Озод ака:** Охунжон сизга жўрттага “**кишт**” деяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни бурчакдаги **катакка** тиқмоқчи!

*“Шахмат” пайрoви. Аския. 73-бет.*



Ушбу маттни таҳлил қилсак, Охунжон ака ўз нутқида *шоҳона юриш* билан *пиёда юриш* бирикмасини келтириш асосида шахмат доналарига ишора қилиш билан бирга, уларни бир-бирига зид равишда ишлатиб, “рақиб”и – Эркинбойни *“ҳадеб ман-манлик қилмасдан, бирор марта камтарлик ҳам қилинг”* дея танқид остига олаётганлиги ойдинлашади. Озод ака ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, *“Эркинбойнинг феъли ёмон, пиёдани кўрди, бўлди, сипоҳгарчилик қилиб нариги чеккага суриб қўядилар”* деб, *феъл ва фил, сипоҳ ва сипо* лексемаларини нутқда ишлатиб, паронимлар воситасида сўз ўйинини юзага чиқаради. Шу билан бирга, шахматдаги жараён ва “рақиб” характерини очиб беради. Охунжон ака нутқида *руҳларини ўзим қочираман* ибораси ҳамда Эркинбой ака нутқидаги *руҳимни кўтариб юрибди* ибораси омоним гапларнинг юзага чиқиши учун хизмат қилади. Шунингдек, матнда *шоҳ, сипоҳ, руҳ, фил, йўл, пиёда, тусиб қолмоқ, очмас, кишт, мот, катак* каби шахмат ўйинига оид тил бирликлари нутқ бирликлари сифатида бирдан ортиқ ахборот ифодалаб, кўчма маънода турли пропозицияларга ишора қилади.

Сўз маъносининг тараққиёти билан алоқадор яна бир ҳодиса – энантиосемия ҳам аскиячилар нутқида ифодаланиши мумкинки, бу ҳодиса ҳам омонимияга яқин туради. Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида энантиосемияни монографик тарзда ўрганишга бағишланган тадқиқот иши ва Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати яратилди<sup>131</sup>. Тадқиқотчи Ё.Одилов энантиосемиянинг сўз семантик структурасидаги қандай маънолар асосида юзага келаётганидан келиб чиқиб *номинатив* ва *субъектив-баҳоловчи* энантиосемияни фарқлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидласа<sup>132</sup>, айрим тадқиқотларда *“семантик”, “баҳоловчи”* ҳамда *“семантик-баҳоловчи”*

<sup>131</sup> Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. Тошкент: Академнашр, 2014. 283-бет.

<sup>132</sup> Маҳмудов Н., Одилов Ё. Кўрсатилган асар. 77-бет.

типидаги энантиосемиялар мавжудлиги айтилади<sup>133</sup>. Шунингдек, сўздаги грамматик қуршовга кўра ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Яъни сўзнинг муайян нутқий вазиятда бошқа сўзлар билан мувофиқ синтактик алоқаси натижасида ҳам қарама-қарши маънолар юзага чиқади. Бундай энантиосемиялар алоҳида тур сифатида – *грамматик энантиосемия* термини остида ҳам, нутқий энантиосемия номи билан ҳам ўрганилади.

Куйидаги матнда **кассир** сўзининг денотатив ва коннотатив маънолари орасида энантиосемия юзага чиқишини қиёслаймиз: *Салоҳиддин кассирлик ишига Ёқубжоннинг ёрдами билан киради.* (А.Қаҳҳор, “Сароб”); **Турсунбува:** Унақа бўлса, пахта терганлар олдига **қоқ қуруқ** борасиз, ё **кассирмисиз!** (Аския, 94-бет)

Энантиосемиянинг мазкур турини субъектив-баҳоловчи типидagi энантиосемия сифатида изоҳлаш мумкин. Яъни нутқда аскиячи ирония иштирокида **кассир** сўзига салбий баҳо юкламоқда.

Демак, Аския матни сўз ўйинига асосланиши билан бошқа матн кўринишларидан тубдан фарқ қилади. Бундай матнларни яратишда сўз усталаридан шунчаки сўз ўйини қилиш талаб қилинмайди, балки ҳар бир сўз ўйинини алоҳида субъектив мақсадга йўналтириш ва шу орқали “рақиб” характерининг турли қирраларини, камчилик ва нуқсонларини очиб бериш, энг асосийси, уни гап билан мот қилишга мусобақанинг асосий шарти сифатида қаралади. Лекин инсон сирли олами шу қадар серқирраки, унинг ҳар бир қирраларини тил унсурлари билан меъёрий ҳолатда (атрофроник) ифодалаш мушкул вазифа бўлиб қолади. Натижада нормал ҳолатдан чекинишга эҳтиёж сезилади. Бундай чекинишларга нутқий камчилик ёки нуқсон сифатида эмас, балки нутқни безатадиган чекинишлар, поэтик ҳолатлар сифатида қараш лозим бўлади.

<sup>133</sup> Вороничев О. Е. О лексическом статусе энантиосемантов или когда слова самому себе становится антонимом // <http://www.school2100.ru>

### 3.2.3. Контекстуал паронимларнинг сўз ўйинлари ҳосил қилишдаги ўрни

Маълумки, тилшуносликда сўзларни шакл ва маъно муносабатига кўра турларга ажратиш, кўпинча, тил босқичида баҳоланиб, асосан, лексемага нисбатан тадбиқ этилади. Бироқ, мазкур ҳодисаларнинг нутқий вазиятда ҳам реаллашувини назарда тутган ҳолда, уларни матн доирасида махсус тадқиқ этиш бироз эътибордан четда қолаётганини айтиб ўтмоқчимиз. Шунга қарамай, бу ҳақда айрим фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, профессор Ш.Раҳматуллаев омонимияни тил босқичида ва нутқ босқичида алоҳида-алоҳида баҳолаш кераклигини, тил босқичида омонимия тил бирликлари (*лексемалар, морфемалар, фразеологик бирликлар*) доирасида мавжуд бўлиши, нутқ босқичида эса нутқ бирликлари доирасида (*сўзформалар ва бирикмаларда*) юз беришини таъкидласа<sup>134</sup>, профессор А.Нурмонов омонимиянинг матн кўриниши – амфиболия ҳам мавжудлигини эслатиб ўтади<sup>135</sup>. Шунга қарамай, ўзбек тилида **паронимия** ва **парономазия**нинг мезонлари етарли даражада ишланмаган, шунинг учун бир хил ҳодисага ҳар хил баҳо бериш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Демак, масаланинг муаммоли жиҳатлари ҳали анчагина бор, уларни махсус тадқиқ қилиш тилшуносликнинг навбатдаги вазифаларидан бири бўлмоғи керак<sup>136</sup>.

**Паронимлар** – тилда тасодифан талаффуз жиҳатдан бир-бирига ўхшаб қолган ёки тил тараққиёти давомида маънолари дифференциация қилинган сўзлар<sup>137</sup> бўлса, **паронимия** (юн. *para* – “ёнида” + *опута* – “ном”) – икки ёки

<sup>134</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 6-бет.

<sup>135</sup> Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. Тошкент: Академнашр, 2013. 87-бет.

<sup>136</sup> Jamolxonov N. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Oily o'quv yurtlari uchun darslik. Toshkent: Talqin, 2005. 183-бет.

<sup>137</sup> Турсунов У. ва бошқ. Хозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 142-бет.

ундан ортиқ лексемаларнинг талаффузда ўзаро ўхшаш, охангдош бўлиши<sup>138</sup>ни, **парономазия** – жонли сўзлашувда пароним сўзларни қориштириш ҳодисасидан бадий нутқда услубий мақсадларда фойдаланиш<sup>139</sup>ни англатади.

Паронимлар аскиядек жонли жараёнда сўз ўйини қилиш учун жуда қулай восита вазифасини бажаради. Яъни товуш таркибидаги ўхшашлик, бир-бирига яқинлик баъзан, қисман бўлса-да, шакл нейтрализациясига олиб келади. Бундай ҳолатни пайқаган аскиябозлар ўз нутқида паронимларни услубий фигура сифатида ишлатади ҳамда бу билан турли мақсад ва ниятларини сўз ўйини асосида баён этади. Демак, сўз усталари томонидан ҳар қайси тил бирликлари воситасида ўхшашлик ва охангдорликнинг сунъий юзага чиқарилиши уларнинг поэтик мақсадини ифодалайди.

Аския, деяри ҳолларда, паронимларга (шунингдек, омонимларга, полисемантик бирликларга) асосланиши<sup>140</sup> тилшунослар томонидан алоҳида эътироф этилади. Чунки паронимлар воситасида сўз ўйини ва таг билимга ишора қилинади. Таг билим – бевосита ахборотда шаклланмаган, яширин ҳолда акс этган маъно ҳисобланади. Аскиячиларнинг бир-бирига кўчма маъно орқали таъсир қилиш учун қўллаган ҳар қандай жумла (дискурс)ларида яширин маъно ифодалаш имконияти, аксар ҳолларда, паронимлар орқали реаллашиб, турли маънолардаги пресуппозицияларни намоён қилади.

Мана шу услубий мақсадни белгиловчи нутқ бирликларининг аския матнларида қўлланилишини таҳлил қилганимизда, анаънавий ёндашувдан фарқли равишда, мазкур воситаларнинг *сўзшакллар*, *бирикмалар ва гап кўринишлари орасида* ҳам юзага чиқишининг гувоҳига айландик. Фикримизни исботлаш учун лиосоний далилларга мурожаат қиламиз:

<sup>138</sup> М а ъ р у ф о в А. Ўзбек тилининг паронимлар луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974.

<sup>139</sup> Ж а м о л х о н о в Х. Кўрсатилган асар. 183-бет.

<sup>140</sup> А б д у р а ҳ м о н о в Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. Тошкент: Фан, 1981.

**Иброҳимжон:** Колхозда сабзавот ачиб ётибди! Шаҳарга жўнатгани бригадир раиснинг **амирини** кутиб ўтирипти.

**Турсунбува:** Айб раисдами, бригадирда? Айтинг-чи, қайси бирлари **қовун туширишган?**

*“Қовун” пайрови. Аския. 34-бет.*

Матнда Иброҳимжон нутқида қўлланилган **амири** сўзи **амри** сўзига пароним ҳисобланади. **Амири** – *пўчоғи ва эти қўқиш, хипча, узунчоқ, эртапишар қовун нави* (ЎТИЛ, 2006. I жилд, 79-бет) бўлса, **амр** – *юқори тоифа томонидан бериладиган фармойиш ва буйруқ маъноларини ифодалайди. Аскиячи ўз нутқида амири (қовун нави) сўзини қўллаш орқали амри (раиснинг буйруғи) сўзига маълум маънода ишора қилган ва зукколик билан сўз ўйини ҳосил қилган.*

Пароним бирликлар бир сўз туркумига ҳам, турли сўз туркумларига ҳам оид бўлиши мумкин. Қуйидаги аскияда **пол** ва **фол** бирликлари бир сўз туркуми (*от*) доирасида ўзаро паронимликни ҳосил қилган:

**Иброҳимжон:** Қойилман, саркор, жойи келганда сиз ҳам гапни қуйиб ташлайсиз – **гувалакдай** қилиб!

**Олимжон ака:** Сиз ҳам **фолбинга** ўхшаб, қаёқдаги гапларни топасиз иш вақтида бекор турмай, деб **пол очай** дейсиз-а!

*“Иморат” пайрови. Аския. 46-бет.*

Ушбу матнда қўлланилган **пол** сўзи **фол** лексемасининг пароними ҳисобланиб, *уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган ва ўтириладиган сатҳи* (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 597-бет) маъносини, **фол** – *бирор нарсага қараб кишини билишга қизиққан нарса ёки ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб бериш, “сохта башорат”* (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 304-бет) маъноларини ифодалашга хизмат қилган.

Аскиячилар фонетик жиҳатдан оҳангдош бўлган бундай сўзларни муайян стилистик мақсад билан қўллашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки тўғри танланган ва ўз ўрнида қўлланган паронимлар аскиянинг аниқлиги, ифодалилиги ва образлилиги, шу билан бирга, сўз ўйинининг нозик маъно қирраларини, чиройли оҳангдорлигини ҳам таъминлайди. Аскиячилар ўз нутқида маъноси бир-

биридан йироқ, қарама-қарши паронимларга мурожаат қиладилар. Чунки оҳангдош сўзларнинг маъносидаги алоҳидалик, қарама-қаршилиқ ёрдамида солиштириш кутилмаганлик даражасига олиб чиқилади, натижада улар ўртасидаги контрастлик беҳад кучаяди, ифодалилик ва таъсирчанлик ҳам ўз-ўзидан ортади:

**Тоҳиржон:** Ҳа, майли, бу ёғига хафа бўлманг. Танқид қилсам, дўстингизман-да. Комиссия келиб, элак-элак қилса ҳам, нима қилардингиз. Ишингиз остун-устун бўлади-кетеди.

**Ҳасанжон:** Комиссия камчиликларни кўрсатгани яхши, ишга фойдаси тегади. Сиз бўлсангиз, комиссия келганда, ўзингизни **понага оласиз**.

Бу ўринда қўлланилган **пона** сўзи – нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тиғли ёғоч ёки темир (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 598-бет) маъносини англатса, унинг пароними – **пана** сўзи – бошқаларнинг назаридан яширадиган ёки бирор нарса таъсиридан сақлайдиган, ҳимоя қиладиган жой (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 507-бет) маъноларини англатади. Бу билан дурадгорлик соҳаси атамаларига изоҳ берилган. **Панага оласиз** бирикмаси “**понага оласиз**” шаклида қўлланилган ва фонетик ҳодиса юз берган. Бу фонетик ҳодиса аниқ бир мақсад асосида юзага чиқарилиб, “рақиб”нинг камчилигига ишора қилинади.

Юқоридаги мисолларда товуш алмашиши асосида фонетик ҳодиса рўй берган бўлиб, нутқий фаолиятда п–ф ва о–а товушлари дурадгорлик соҳасига алоқадор яширин ифодани юзага чиқармоқда. Бирикмаларнинг мазмун томонига эътибор қаратсак, *пол очмоқ* – уйнинг юрадиган тахтали қисмини очмоқ, **фол очмоқ** – киши билишга қизиққан номаълум воқеа, ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб беришга уринмоқ ёки олдиндан “билмоқ”, айтиб бермоқ (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 354-бет) маъносида; **панага оласиз** – ҳеч ким кўрмайдиган яширин жойга беркинасиз маъноси *пона* – нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тиғли ёғоч ёки

*темир* (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 598-бет)ни назарда тутган ҳолда юзага чиқарилган. Аскиячиларнинг бундай йўл тутишида нутқий бирликларнинг маълум соҳа атамасига монанд талаффуз қилиниши, фонетик ҳодисанинг аниқ бир мақсад асосида юзага чиқарилиши, “рақиб”нинг характериға ишора қилиниши кабилар асос вазифасини бажаради. Бирикмаларнинг бундай маъноси тил ҳодисаси сифатида реаллашмайди, балки фақат нутқда, у ҳам бўлса, аскиячилар нутқида ифодаланади.

Лексик паронимлар аския матнида кенг қўлланади. Бундай воситалар кўчим асосида ҳам паронимия ҳодисасини юзага чиқариши мумкин:

**Расулжон:** Мулла Ғанижон, келинг бир улоқ чопишайлик. Сиз билан елкалашиб кўрмоқчиман.

**Ғанижон:** Бизнинг отлар улоқ олиб, улоқ ташлаб юрган. Бу гапларингизни думда юрадиганларга айтинг.

*“Улоқчилар” пайрови. Аския. 21-бет.*

Метафора образ (тимсол)нинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг руҳий оламида кечаётган ҳолатларни тингловчи ёки “рақиб”и кутмаган фавқулудда бадий ҳукм асосида тасвирлаш ёки ифодалашга ёрдам беради. Ғанижон ака нутқида **думда юрадиганларга айтинг** гапи, биринчидан, метафорик ифода, яъни жойлашиш нуқтаи назардан думнинг орқада ўринлашувига асосланиб, *“орқада қоладиганларга айтинг”* маъносида, иккинчидан, улоқ ўйини қишлоқ жойларида ўтказилиши, унда, аксарият ҳолларда, қишлоқ чавандозлари беллашишини назарда тутиб, *“домда яшайдиганларга айтинг”* салбий мазмунида ишлатилган. Бундай метафорик ҳолат ва сўз ўйинини паронимлар ёрдамида яратиш аскиячидан кенг дунёқараш, олам ва одам ҳақида чуқур фикр юрита олиш, руҳият ва табиатни яхши билишни талаб этади.

Баъзан аскиячилар **касбий атамалардан** ҳам унумли фойдаланиб, сўз ўйини қиладилар. Натижада нутқда паронимия ҳодисаси экспрессив-эстетик вазифа бажарувчи воситага айланади:

**Озод ака:** Мулла Охунжон, Эркинбойга унақа деманг, у кишининг **феъли** ёмон, **пиёда**ни кўрди, бўлди, **сипоҳ**гарчилик қилиб нариги чеккага суриб кўядилар.

**Охунжон:** Ҳали Эркинбой ана шунақа **шоҳ**милар, бўлмаса мен билан ўйнасинлар – **руҳ**ларини ўзим қочираман.

**“Шахмат” пайрови. Аския. 72–73-бет.**

Аскияда қўлланилган **руҳ** (кишининг ички ҳолатини, психик кечинмаларини, ҳис-туғуларини акс эттирувчи кайфияти) ва **руҳ** (шахмат ўйинида тахтанинг икки четли қатор охиридаги хонага жойлашадиган ва вертикал ҳамда горизонтал йўналишида истаганча юра оладиган сипоҳ, тўра); **сипоҳ** (шахмат донаси) ва **сипо** (характер-хусусият билдирувчи сифат: назарга илmaidиган, гердайган) каби сўзларни омофон (талаффузи бир хил) дейиш мумкин.

Жамиятда, кўпинча, бундай лексемаларни ишлатишда қийинчиликлар, ноўрин қўллашлар воқеъ бўлади ҳамда паронимларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш услубий хатога сабаб бўлади. Аскияда эса бундай хатога йўл қўймаслик лозим. Чунки нутқда паронимлардан аниқ бир мақсадда фойдаланиш сўз ўйинининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Масалан:

**Турсунбува:** Афтидан сиз заводда иш сифатини текшириб юрадиган одамга ўхшайсиз. Келинг, текширишингизни мен ҳам бир кўрай – бу ишда қанчалик **руль** ўйнайсиз экан.

**Қодиржон ака:** Астойидил ишляяпман дейсизу, лекин кам-кустларингиз ҳали кўп. Ўзим текшириб кўраман – **кал тура тур!**

**“Трактор” пайрови. Аския. 43–44-бет.**

Турсунбува нутқда қўлланилган **руль** сўзи бошқариш механизми (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 628-бет) ҳисобланса, унинг пароними **роль** сўзи сахна асарида актёр гавдалантирадиган образ (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 626-бет) ни ифодалайди. Қодиржон ака эса мошинанинг яна бир механизми ҳисобланган **карбюратор**ни ўзбекона талаффузга мослаштириб, “рақиб”ига нисбатан ўзининг салбий муносабатини аналогия усулидаги сўз ўйини



асосида ифодамоқда. “Трактор” аскиясидан келтирилган ушбу мисолдаги **кал бура тур** бирлигининг ҳосила маъноси тракторнинг қурилмаси бўлган карбюратор лексемасига шаклий-ифодавий ўхшашлик асосида юзага чиқарилган. Натижада эса **лексема** билан **пароним гап** (атама бизники) ўртасидаги талаффузий ўхшашлик сўз ўйини яратишга омил бўлиб хизмат қилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, **ўзбек тилида пароним бирикмалар ва пароним гаплар ҳам мавжуд.**

Пароним бирикмалар сўз ўйини қилиш мақсадида нутқий бирикмалар ўхшашлигидан фойдаланган ҳолда асли бутун ҳолатда бўлган бирликни бир неча бирикмага айлантриш ёки бир неча бирликни бир бутун бирикмага ҳолига келтириш усулида ҳосил қилинади. **Биринчи усул** (бўлиш усули)да бир неча сўз ҳосил бўлса, **иккинчи усул** (бирлаштириш усули)да бир неча шаклдан битта сўзшакл ҳосил қилинади. Масалан:

**Ғойиб ака:** Боғбон ака, гапингиз **жийда чўпга** ўхшайди, қани **ишком** жойга ўтайлик.

**Мамарозиқ ака:** **Иш кам** деб юмалоқ бўлиб ётиб олсангиз-а?!

**Ғойиб ака:** Узумзорга кирайлик дедам бўлмайди, дили **каптардай** ўйнайди.

*“Мева” пайрови. Аския. 38-бет.*

Ушбумисолда **жийда – жуда, ишком – ишкам паронимлари ҳамда иш кам (иш оз) ва ишкам – форс-тожикча қорин** маъносини ифодаловчи омоним сўз нутқий ва лисоний ўйиннинг тасвирий ифода воситасига айланади. **Ишком** лексемаси **иш кам** бирикмасига нисбатан бирлаштириш усули ҳосиласи бўлса, **иш кам** бирикмаси **ишком** лексемасига нисбатан бўлиш ёки ажратиш, парчалаш усули билан ҳосил қилинган. **Ишком** (узум қўтариб туриладиган мослама) лексема сифатида пайров талаби (мавзуга доир атамани қўллаш)га амал қилинган ҳолда ишлатилганлиги боис бирламчи талаб ҳисобланади. Айни шу лексемага шаклий ва талаффузий ўхшаш бўлган **иш кам** бирикмаси эса сўз

ўйини талабига мувофиқ ишлатилган иккаламчи ҳосила ҳисобланади.

Нутқий жараёнда **нутқий омофон бирикма** ҳам ҳосил қилинади:

**Мамарозиқ ака:** Ғойиб ака, у куни Риштонга бориб қандай ўрик еб келдингиз?

**Ғойиб ака:** Қандай ўрик ейман ахир, сиз боғнинг ўртасида туриб: **олма-олма** дейсизу!

**Мамарозиқ ака:** Сўраб енг-да, ёқмаса **анжир** қилиб қўяман // Анжирнинг япалоқ шаклига ишора: “пачағингни чиқараман”, “пачақ қилиб қўяман” мазмунида.

*“Мева” пайрови. Аския. 37-бет.*

“Қандай” сўроқ олмоши тил босқичида бирон-бир лексемага пароним бўла олмайди. Талаффуздаги ўхшашлик эса, фақатгина сўзлар занжирини, яъни бирикмани ҳосил қилгач, уни узлуксиз талаффуз этгандагина юзага чиқиши мумкин. Шу боис, қандай ва қантак ўзаро пароним бўлмай, балки қандай ўрик билан қантак ўрик ўзаро **нутқий омофон бирикма** бўла олади.

Нутқнинг диалогик кўринишида шаклланган юқоридаги жумлада қандай? соф сўроқ маъноси (ўрик нави: “қантак”ни ифодалаш)дан ташқари “...Қандай қилиб ўрик еб келдингиз?” (сўроқ) // “...Қантак ўрик ей еб келдингиз” (дарак) тарзида мазмун ифодалашга шаклий ва мазмуний номувофиқликка учраган қандай олмоши ёрдамида эришилган.

Юқоридаги мисолларнинг лисоний таҳлилидан кўринадики, аския жараёнида “рақиб”лар ўзлари танлаган мавзунни кенгроқ ёритиш мақсадида баъзи бир сўзларни соҳага оид сўзларга мослаштириб талаффуз этадилар ва бу орқали нутқни турли буёқларда жонлантирадilar. Натижада турли фонетик ҳодисалар воситасида юзага чиққан сўз ўйини нутқий эмоционал экспрессияни юзага чиқаради. Бу эса нутқий ўйин гўзаллигини таъминлайди ҳамда тингловчининг диққатини тортиб, уларни зийраклик ва сергакликка чорлайди. Шунга кўра, аскиянинг лингвостилистик хусусиятларини ўрганиш муҳимлиги

шундаки, контекстда “ҳар бир сўз бир неча маънода ўткир поэтик куч билан жаранглайди”<sup>141</sup>.

Контекстуал паронимлар аския матнида ўзбекона сўз ўйинлари яратишнинг муҳим бир усули сифатида турлитуман пропозицияларга ишора этиши билан аҳамиятлидир. Коммуникация жараёнида ҳар хил ифодаларни юзага чиқариш аскиябозларнинг лингвистик маҳорати ва сўзга чечанлигинидан далолат беради. Масалан, куйидаги матнда аскиячиларнинг “**кўргилик**” ва “**кўрчилик**” сўзларининг талаффуз жиҳатдан ўхшашлигидан унумли фойдаланган ҳолда, қофия ҳамда услубий такрор усулида сўз ўйинини маҳорат билан яратганларини кўришимиз мумкин:

**Турсунбува:** Ҳосил тўйига алоқадор ҳам келганми дейман, нафаслари ичларига тушиб, “**кўргилик, кўргилик**” деб ўтирибдилар.

**Қодиржон ака:** Кўргилик эмас, Турсунбува, айб ўзларида, бўлмаса нима учун “**кўрчилик, кўрчилик**” дейдилар.

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 19-бет.*

Матнда паронимия ҳодисаси Турсунбува ва Қодиржон акаларнинг нутқи доирасида, алоҳида гаплари орасида мақсадли тарзда юзага чиқарилган бўлиб, сўзловчиларнинг бу каби мақсадли аналогиялари, яъни сўзларнинг шаклий ва ифодавий ўхшашлигидан фойдаланиб, қофиядорлик ва оҳангдорликни юзага чиқарган ҳолда, сўз ўйини қилишлари аскиянинг комик ҳамда прагматик табиатини намоён этади. Шу билан бирга, мазкур нутқий бирликларни ўзаро зидлаш орқали контекстуал антонимия ҳодисаси ҳам юзага чиқарилмоқдаки, натижада нутқ талаби билан улар бир пайтнинг ўзида икки ҳодисани, яъни контекстуал паронимия ва контекстуал антонимияни ифодалаши жиҳатидан нутқий полифункционал бирликларга айлантирилган.

Нутқ бирликларининг бундай полифункционалигини шу тариқа таъминлаш гап бўлақларининг синтактик

<sup>141</sup> Р а з з о қ о в Х. ва бошқ. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент: Ўқитувчи. 1980. 266-бет.

хосланишига ҳам таъсир этади ҳамда аския матнининг бошқа одатий матнлардан кескин фарқланишини кўрсатади:

**Расулжон:** Ҳали қўлингиз улоққа теккани йўғу, бизни қантариб ҳам кўясиз. Бу гапингизни бирорта қирқинчи қолхоз раисига айтинг, у – **лаққа, тушади.**

**Ғанижон:** Яхши отга бир қамчи кифоя. Келинг, отингизни қамчиланг, маррага яқин қолганда **той чоғлик қилиб қолди** деб, узр айтиб ўтирманг яна.

*“Улоқчилар” пайрови. Аския. 21-бет.*

Гарчи паронимия лексик сатҳга тегишли ҳодиса ҳисобланса-да, “Улоқчилар” аскиясидан олинган юқоридаги мисолда унинг синтактик усулда намоён бўлаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни сўзловчиларнинг биринчи вазифаси улоқ (кўпқари) ўйинига алоқадор атамалар билан сўз ўйини қилиш ҳисобланади. Шу боис, аскиябозлар **улоқ** – ҳар бир *отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун қурашишдан иборат миллий спорт ўйини; кўпқари (ЎТИЛ, V жилдлик, IV жилд, 279-бет)* – сўзидаги у товушини пауза билан ажратиб, 3-шахс кишилик олмоши у маъносида ишлатган. Шунингдек, улоқ лексемасининг иккинчи бўғинидаги **о** товушини **а** товушига мақсадли алмаштириш билан ҳамда **-қа** жўналиш келишиги қўшимчаси вариантини қўшиш орқали **лаққа**, яъни *суриштирмасдан, ўйлаб қўрмасдан, осонгина алданадиган одам* маъносини ифодалашга эришган. Бунинг натижасида матнда нутқ бирлиги элементларининг синтактик вазифаси ҳам ўзгаради. Яъни нутқий талаб билан кишилик олмоши ўрнида ишлатилган **у** – эга вазифасида, **лаққа** равиши отлашиб эса ундалма вазифасида келади. Ғанижон ака ҳам ўзининг жавоб нутқида синтактик алоқа усули орқали нутқий паронимлар ҳосил қилиб, бир бутунлик ҳисобланган **тойчоқ** лексемасига ноодатий тарзда **-лик** қўшимчасини қўшиш эвазига морфонологик жараёни юзага чиқарган.

Келтирилган лисоний далилларни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўрган ҳолда тегишли хулосалар чиқариш мумкин:

Лексема	Лексема	Бирикма	Бирикма	Гап
амир	амр			
фол	пол			
пона	пана			
рух	рух			
жийда	жуда			
кўргилик	кўрчилик			
дум	дом			
ишком		иш кам		
тойчоқ		той чоғлик		
		қандай ўрик	кантак ўрик	
карбюратор				кал бура тур
улоқ(қа)				у – лакқа

1. Аския матнида контекстуал паронимлар полифункционал ва полисемантик хусусият касб этади.

2. Матнда паронимлардан сўз ўйинларининг маҳсулдор воситаси сифатида фойдаланилади. У прагматик омил (ишора ва тағмаъно) сифатида бирдан ортиқ ахборот ифодалашга хизмат қилади.

3. Паронимия фақат лексик сатҳга тегишли ҳодиса эмас. У лексемалар доирасидагина юзага чиқмайди. Ўзбек тилига хос лисоний далиллар (аскиячилар нутқи таҳлили) пароним бирикмалар ва пароним гаплар мавжудлигидан далолат беради.

#### **3.2.4. Барқарор бирикмалар воситасида ҳосил қилинган сўз ўйинлари**

Ибораларда манзара тамоман бошқача. Улар тилда яхлит бир маъно англатувчи birlik сифатида яшагани туфайли нутқда ҳам яхлитлигича бир синтактик вазифада

келади. Кўринадики, иборанинг яхлитлик қозониши ҳар гал нутқ жараёнида воқеъ бўлмайди, балки нутқда бир марта яхлитлик қозониб олгач, мазмунан ва шаклан доимий тус олиб, қуймага айланади. Шу тушунчани англатиш зарур бўлиб қолса, энди шу тайёр қуймага мурожаат қилаверамиз, уни ҳар гал тузмаймиз, балки тилда (хотирада) бор бойлик сифатида тайёридан фойдаланаверамиз<sup>142</sup>.

Икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодаладиган тил бирлиги фразеологик бирлик ёки фразеологизм дейилади<sup>143</sup>. Фраземада икки ва ундан ортиқ лексема, ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотган ҳолда, бир умумий маъно марказига бўйсунди, фраземадан яхлитлигича англашиладиган маънони гавдалантириш учун хизмат қилади. Фразеологик бирликнинг ифода плани сифатида камида иккита мустақил сўз (лексема) қатнашади<sup>144</sup>.

Паремалар, асосан, фразеологик бирликлардан ташкил топиб, сўзлашув, оммабоп ҳамда бадиий нутқ услубларида жуда кенг қўлланилади ва ҳазил-мутойиба, аския-пайровлар учун асос бўлиб хизмат қилади, персонажларнинг нутқий тавсифида, умуман олганда, нутқий услубий таъсирчанлигини оширишда муҳим роль ўйнайди<sup>145</sup>.

Дарҳақиқат, нутқимиз кўрки ҳисобланган иборалар<sup>146</sup> аския жараёнида сўз усталари нутқининг ўзгача бир кўрки сифатида услубий вазифа бажаради. Одатда, иборалар кўчма маънода қўлланса, сўз усталари улардан ҳам кўчма маънода ибора вазифасида, ҳам ўз маъносида эркин боғлама вазифасида фойдаланадилар ва шу тариқа сўз ўйини яратадилар:

<sup>142</sup> Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Тошкент: Фан, 1970. 26-бет.

<sup>143</sup> Шоабдураҳмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 137-бет.

<sup>144</sup> Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 74-бет.

<sup>145</sup> Ёлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. док... дисс. автореф. Тошкент, 1993. 22-бет.

<sup>146</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар. 26-бет.

**Охунжон:** Ҳали Эркинбой ана шунақа шоҳмилар, бўлмаса мен билан ўйнасинлар – **руҳларини ўзим қочираман!**

**Эркинбой:** Шахмат ўйнаган одам **от ўйнашни** ҳам билади-да! Охунжон **отимни** оламан деб, **руҳимни кўтариб юрибди.**

*“Шахмат” пайрови. Аския. 73-бет.*

Аския мантларида қўлланилган фраземаларнинг асосий қисмини феъл фраземалар ташкил қилади:

**Қодиржон ака:** Ўзим ҳам хайронман, ваъдасини бажармайдиган қанақа қочоққа учраб қолдим.

**Турсунбува:** Мен билан **дон олишгунча** ўзингизга этак топиб олинг.

Иккинчи аскиячининг нутқида қўлланилган **дон олишмоқ** фраземаси *яқин алоқада бўлмоқ, яқиндан алоқа қилмоқ* (ЎТИФЛ, 1978. 74-бет) маъноларини ифодалаб, феъл фразеологик бирликлар гуруҳига киритилади.

Фраземадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги лексемалардан англашиладиган маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, умумлашма, устама маъно, шу билан бирга, кўчма маъно сифатида гавдаланади.<sup>147</sup>

**Расулжон:** Ғанижон ака, узоқдан сизни “Фарҳод” совхозининг чавандозига ўхшатдим. Улоқни айлантириб келиб ташлаб ҳар сафар соврун олишингиздан **аравани қуруқ олиб қочмайдиганлардан** бўлсангиз керак?

**Аравани қуруқ олиб қочмоқ** фраземаси *уддасидан чиқа олмайдиган иш ёки нарса ҳақида ортиқ даражада мақтанмоқ* (ЎТИФЛ, 1978. 27-бет) маъносини англатади, бу маъно **арава, қуруқ, олиб қочмоқ** лексемалари англатадиган маъноларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки маълум образга асосланадиган умумлашма кўчма маъно ҳисобланади.

Баъзи фраземаларнинг мазмун плани улар таркибида қўлланган лексемалар маъноларидан англашилмайди, балки этимологик жиҳатдан уларнинг семантик генезиси турли ақида ва ривоятларга бориб тақалади. Иборанинг

<sup>147</sup> Турсунбува У. ва б. Кўрсатилган асар. 74-бет.

дастлабки шаклланишини кўйидаги аския матнида кўришимиз мумкин:

**Расулжон:** Ху анови улоқчини кўрдингизми, пастликдаги колхознинг раиси-ку, отининг думи кўринмайди-я?

**Ғанижон:** Ишига ўхшаб думи хуржундадир.

Юқорида келтирилган думи хуржунда фраземаси *ўлда-жўлда, тўмтоқ, чатоқ (ишга нисбатан)* маъноларини ифодалайди ва унинг келиб чиқишига латифа қаҳрамони Афандининг қилиб қўйган **“думи хуржунда иши”** сабаб бўлган.

Демак, иборанинг дастлабки шаклланиши нутқ жараёнида (аниқроғи, индивидуал нутқда) воқеъ бўлади, бунда у ҳали яхлитланиш даврини бошдан кечиради. Кейинчалик умумнутққа айланади ва энди нутққа яхлит, тайёр ҳолда киритилади<sup>148</sup>.

Фразема (турғун боғланма)лар баъзан сўз бирикмаси (эркин боғланма) билан контекстда ўхшаш шаклда учраши мумкин. Эркин бирикмалар нутқ momentiда туғилади. Уларнинг таркибидаги лексемаларни (компонентларни) ихтиёрий равишда алмаштириш, кўпайтириш (кенгайтириш) мумкин. Аммо турғун бирикма (фразема)ларни бундай қилиб бўлмади<sup>149</sup>. Мисол:

**Ғойиб ака:** Пиллангиз ўтмади, пунктда кесиб кўришса, капалаги учиб кетди.

**Иброҳимжон:** Бўлмаса, Усмон қори бувамнинг капалаклари учирма қилган экан-да.

Биринчи аскиячи (Ғойиб ака)нинг нутқида қўлланилган **капалаги учиб кетмоқ** бирлиги пиллага нисбатан эркин боғланма сифатида қўлланилмоқда. Иккинчи маъноси билан эса, турғун боғланма ҳисобланади. Яъни, капалаги **учиб кетмоқ** фраземаси *кайфи учмоқ, кўрқиб кетмоқ* маъноларини ифодалайди ва бу ўринда пиллани кесиб кўрган шахснинг руҳий ҳолатини образли ифодалашга хизмат қилмоқда.

<sup>148</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар. 27-бет.

<sup>149</sup> Турсунов У. ва б. Кўрсатилган асар. 74-бет.



Фразеологик бирликлар ҳам нейтрал ёки услубий хосланган бўлиши мумкин<sup>150</sup>. Улар образлиликка эга бўлгани учун, аскиячилар нутқининг ифодали ва жонлилигини таъминлаб, таъсирчанликни оширади. Шунинг учун аския матнларида сўзлашув нутқи фраземаларининг кўп қўлланилиши кузатилади. Сабаби аския йиғинларда, сайлларда сўз ўйини шаклида оғзаки ижро этилади ҳамда улар барча учун тушунарли бўлиши лозим:

**Иброҳимжон:** Колхозда сабзаёт ачиб ётибди! Шаҳарга жўнатгани бригадир раиснинг амирини кутиб ўтирипти.

**Турсунбува:** Айб раисдами, бригадирда? Айтинг-чи, қайси бирлари қовун туширишган?

**Қовун туширмоқ** эркин боғланма сифатида қовун келтирмоқ маъносини ифодаласа, фразема сифатида *ноўрин иш қилмоқ* маъносида қўлланилган.

Аскиячилар фразеологик бирликларга алоҳида урғу бериб, улар ёрдамида бир-бирининг лақабига ҳам ишора қиладилар. Масалан, қуйидаги матнда *терисини шилиб олмоқ*, *терисига туз тикмоқ* фраземаларида аскиячиларнинг лақабига (*итга*) ишора урғу билан алоқадорликда юзага чиққанлигини кўришимиз мумкин:

**Раҳматқул ака:** Чорвадагиларни ишга солинг, иш билмас экан деб, кейин яна **терингизни шилиб олмайлик**.

**Абдуллажон ака:** Ёрдам бермадингиз деб, мен ҳам жойи келганда, **терингизга туз тикаман**.

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Аския матнларида худди лексемалар каби фраземаларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра қуйидаги турларини учратиш мумкин:

- 1) омоним фраземалар;
- 2) синоним фраземалар;
- 3) антоним фраземалар.

Масалан:

**Раҳматқул ака:** Чорвадагиларни ишга солинг, иш билмас экан деб, кейин яна **терингизни шилиб олмайлик**.

<sup>150</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 146-бет.

**Абдуллажон ака:** Ёрдам бермадингиз деб жойи келганда мен ҳам **терингизга туз тикаман**.

**“Чорвачилик”** аскиясидан олинган матн парчасидаги **терисини шилиб олмоқ** ва **терисига туз тикмоқ** фраземалари шакл ва маъно муносабатига кўра синоним (маънодош) ҳисобланади. Яъни, ҳар иккала фразама ҳам умумий тарзда **қаттиқ жазоламоқ, яхшилаб адабини бермоқ** мазмуни атрофида бирлашади.

**Турсунбува:** Мамарозиқ аканинг аъзоси Қодиржон ака бўлса, шарпаларини билдирмай шолипояларини суғориб ётибдилар. Нима, бригадир **оғзига сув олганми**, индамайди.

Матнда қўлланилган **оғзига сув олмоқ** фраземаси **дами чиқмайди** иборасига синоним сифатида **мутлақо индамаслик, суҳбатда мутлақо қатнашмаслик** маъноларини ифодалайди. Унинг ифода плани 3 та лексемадан таркиб топган. Ўзаро синтактик боғланган бу сўзлар моҳиятига кўра гапга тенг келади. Бу бирлик одам ва ҳайвон аъзолари номи бош компонент бўлиб келган фраземалар гуруҳига киритилади.

**Мақол ва маталларда** тафаккур ифодаси, миллий хусусиятлар ёрқинроқ намоён бўлади. Аскияда мақол ва маталлардан нутқнинг кўрки сифатида фойдаланилади. Чунки, паремаларда фикрни лўнда ва тиниқ ифодалаш имкониятининг мавжудлиги боис, улар аскиячи нутқининг таъсирчанлигини таъминлашда жуда қўл келади. Лекин бошқа нутқ кўринишларидан фарқли равишда аскиячилар қанчалик мақол ва маталдон эканини кўрсатиш мақсадида мусобақа тариқасида беллашадилар.

Бадий асар шеърнинг ижодийлиги, оригиналлиги фақатгина янги маъно, янги шакл яратиш билан баҳоланмайди. Шоирнинг маҳорати мавжуд адабий-лисоний клишеларнинг асар таркибига муваффақиятли сингдирилиши билан ҳам боғлиқ. Фольклор тилида асрлар давомида сайқалланиб, жилоланиб келаётган мақол, матал ва масаллар мана шундай клишеларнинг мумтоз

намунаси бўла олади. Бадий асар тилига мақол, матал, масал ва ҳикматли шеърятимиз услубини безаб, унга ўзига хос жило бағишлаб келган мақол, матал ва ҳикматли иборалардан фойдаланиш санъати – ирсоли масал шеърятимиз ҳозирги босқичида ҳам кенг қўлланишга лойиқдир<sup>151</sup>.

Ирсоли масал санъатида мақол ва иборалар семантик-структурал ўзгаришлар бўйича қуйидаги турларга бўлинади: 1. Мақол ва ибораларни айнан қўллаш. 2. Мақол ва ибораларни алмаштириб қўллаш. 3. Мақол ва иборалар таркибини кенгайтириш. 4. Мақол ва ибораларнинг қисмларини тушириб қолдириш. 5. Мақол ва ибораларнинг бўлиб-бўлиб берилиши.

Қуйида “Мақоллар” пайрови мисолида клише-ларнинг матн таркибига қанчалик маҳорат билан сингдирилганлигини, паремаларнинг нутқдаги маъно нозикликлари яққолроқ ва теранроқ очиб берилганлигини кўришимиз мумкин:

**Аскиячи:** “Муштум” тоға, халқимизнинг оғзаки ижоди жуда бой ва сермазмун. Бугунги аскияни халқ ижоди бўйича “Мақоллар пайрови”да қилсак!

**Муштум:** Жуда соз! Аския – сўз санъати, сўзнинг кўрки – мақол-да, жиян.

**Аскиячи:** Мақолорқали айрим кишиларнинг башарасини ойна каби кўрсатиб берамиз. Шунинг учун “**Кимнинг башараси қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкаламасин**”.

**Муштум:** Мақолларда кишиларнинг исмлари кўрсатилмаса ҳам, шахси умумлашган бўлади. Ҳар ким ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олаверади: “**Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!**”

**Аскиячи:** Тоға, доим идорада ўтиравермай, тез-тез пахта далаларига ҳам чиқиб турсангиз: “**Бетга айтганнинг захри йўқ!**”

**Муштум:** Тўғри, “**Дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб**”. Лекин менинг ярим умрим пахта далаларида

<sup>151</sup> Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. Тошкент: Фан, 1995. 131–134-бетлар.

ўтади. Махсус юришлар қиламан, ғўза парваришини кечиктираётганларга: “Бугунги ишни эртага қўйма!” деб дашномлар бераман.

**Аскиячи:** Бундай беғамларга қаттиқ зарба беринг. Фурсатни ғанимат билиб, “Темирни қизигида бос!” денг.

**Муштум:** Оғизда машина-машина деб, амалда кетмондан кўнгил узолмаётганлар ҳам бор. Ана шунақанги “Тили бошқа-ю, дили бошқа”ларга “Гап билгунча – иш бил!” дейман.

**Аскиячи:** Узунқулоқ гапларга қараганда айрим колхоз, совхоз раҳбарлари ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб, “Яхши от кейин чопади”, “Жўжа кузда саиалади” деб, ўзларини овутиб юрган эмишлар.

**Муштум:** Агар шундай раҳбарларни учратсам, оч биқинига уч-тўрт мушт тушириб. “Кўрпаингга қараб оёқ узат!” дейишим турган гап.

**Аскиячи:** Шу тоифадаги кишилар раҳбарлик қилаётган колхоз, совхозларнинг далаларини диққат билан кузатсангиз, баъзи майдонлардаги ғўзалар биздан “Ранг кўр, ҳол сўр!” деб турибди.

**Муштум:** Албатта, бу аҳволни кўргач, тутоқиб кетаман: “Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим”.

**Аскиячи:** Табиийки, бундай пахтакор кузга бориб аттанг деб юради: “Кейинги пушаймон – ўзига душман”.

**Муштум:** Шундай бўлмаслиги учун уларни “Эсинг борида этагингни ёп!” деб огоҳлантириб қўймоқчиман.

**Аскиячи:** Баъзи ўртоқлар чойхона, магазин, ҳатто кўча-кўйларда ҳам ичкиликбозлик қиладилар. Гапирсангиз “Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич!” эмиш.

**Муштум:** Бундай кишилар “Бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури” мақолини ароқ билан кўшиб ичиб юборишган.

**Аскиячи:** Тоға, шундай кишиларни учратганми-сиз? Улар кўчада ичиб келиб, ўчини оила аъзоларидан олишади: “Кўчада – хандон, уйда – зиндон” бўлиб.

**Муштум:** “Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ” дегандек,

буларнинг баъзилари ҳатто кечаси ҳам уйларига келмай, кўчаларда санғиб юрадилар. “Саёқ юрсанг, таёқ ерсан!”

**Аскиячи:** Тоға, шундай шахслар ҳам борки, ўз жиғилдонларининг гапига кириб, мансабларини суиистеъмол қиладилар – **“Беш панжани огзига тиқиб”**.

**Муштум:** Бундайларга айтадиган гапим: **“Кўза кунда синмайди, бир кунда синади”**.

**Аскиячи:** Тоға, порахўрлар ва пора берувчиларга шафқатсиз бўлинг. Токайгача уларнинг фикри-зикри **“Сендан угина, мендан бугина”** бўлади.

**Муштум:** Биласизми, жиян, порахўрликнинг ўзига хос қилиғи бор экан: **“Куруқ гап қулоққа ёқмас”** эмиш.

**Аскиячи:** Шунинг учун улар: **“Қарс икки қўлдан чиқади”** дер экан-да!

**Муштум:** **“Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак”** деб, узоқдан даромад қилишларини айтмайсизми?

**Аскиячи:** Агар суҳбатдош гапга тушунавермаса, очиқ-ойдин қилиб: **“Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмай-ди”** деб қўйишади.

**Муштум:** Масала ҳал бўлгач... **“Туя кўрдингми – йўқ”** дейишларига нима дейсиз?

**Аскиячи:** Тоға, олий ўқув юртларини битирган ёшлардан баъзилари тайинланган жойга ишга боришмайди. **“Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши”** эмиш!

**Муштум:** Улар ҳатто мутахассисликларидан ҳам воз кечиб, бошқа иш топиб олишади, **“Така бўлса ҳам сути бўлсин”**, деб.

**Аскиячи:** Эссиз уларга давлатнинг сарф этган маблағи! **“Ўқиш бошқа, уқиш бошқа”** экан.

**Муштум:** Гўё улар дипломли бўлиб **“Ишлари битгану, эшаги лойдан ўтган!”**

**Аскиячи:** Тоға, айрим ота-оналар ўз фарзандларини арзанда қилиб тарбиялайдилар, **“Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин!”** деб.

**Муштум:** Улар катта бўлгач, ҳасратлари оламга сиғмай **“Ўзимдан чиққан балога – қайга борай давога?”** деб афсусланиб юришади.

**Аскиячи:** Тоға, баъзи санъат усталари ўзларининг концерт репертуарларини бир неча йиллаб янгилашмайди, “Эски ҳаммом, эски тос!”

**Муштум:** Бу ҳол ўша санъаткорларимизнинг ўз санъатларига ихлос қўймаганликларидан бўлса керак. Ахир “Дилда бўлса, тилга келади-да!”

**Аскиячи:** Айрим композиторларимиз ҳам янги-янги куйлар яратиш ўрнига мавжуд халқ куйларини қайта ишлаганлари-ишлаган: “Алихўжа – Хўжаали” қилиб.

**Муштум:** Ахир, жиян, эшитмаганмисиз? “Бор-борича, нўқ ҳолича” деб, “Қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да!”

**Аскиячи:** Тоға, кўз тегмасин, республикамизнинг Спорт шухрати учун курашаётган “Пахтакор” футбол командаси ўзини сал ўнгариб олди. “Тиришган тоғдан ошар” деб бекорга айтилмаган экан.

**Муштум:** “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади”-да! Ахир футбол ишқибозлари уларни “Йиқилган курашга тўймас” деб дашном беравериб безор қилиб юборишди-ку!

*“Мақоллар” пайрови. Аския. 63–64-бет.*

Ушбу пайров матнида мақол ва маталлардан унумли фойдаланишдан аскиячиларнинг куйидаги мақсадларини илғаб олиш мумкин: *фикрни ихчам ва ўткир мазмунда баён этиш; нутқнинг халқчиллигини таъминлаш; ифоданинг эмоционал-экспрессивлигини ошириш; сўз ўйинини юзага чиқариш; халқ дилининг таржимони сифатида халқимизнинг бой меросидан қанчалик хабардор эканликларини кўрсатиш; жамиятда, одамлар орасидаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни фош этиш орқали уларни тарбиялаш...*

Матнда дастлаб деҳқон ва пахтакорлар, раҳбарлар, кейинчалик ичкиликка берилган, нафсига қул бўлганлар, порахўрлар, қолаверса, талабалару санъаткорлар каби айрим “башараси қийшиқлар” танқид остига олиниб, уларнинг камчилик ва нуқсонлари бирин-кетин фош қилинмоқда. Мақсад эса, бундай камчилик ва нуқсонларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этишдир. Бу жиҳатдан аския кучли

тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, нутқда халқ бойликлари (мақол, матал...)дан унумли ва ўринли фойдаланиш тарбиянинг том маънодаги таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

### 3.3. Морфологик усул ва воситалар

#### 3.3.1. Пайровларда окказионал ҳосилалар

Тилда узуаллик ва окказионаллик ҳодисалари мавжуд. Узуаллик (лотинча сўз бўлиб, *uzus* – “оддий”, “меъёрий” маъноларини англатади) тил сатҳига хос барқарор белги ҳисобланади. У моҳиятан тартиблашган тил сатҳига хос систем-симметрик ва стандартлашганлик ва меъёрийлик ҳолатларини белгилайди. Окказионаллик эса (лотинча сўз бўлиб, *occasius* – “фавқулоддалик”, “тасодифий ҳолат” маъноларини билдиради) нутқ сатҳига хос хусусият саналади. У беқарор ўзгаришларга бой бўлган, хаотик нутқ сатҳига хос асистемлик, асимметрия ва мувозанатсизлик ҳолатларини намоён қилади<sup>152</sup>.

Ўзбек тилида “ясалиш” атамаси билан “ҳосил қилиш” атамасини ўзаро фарқлаш лозим. Айниқса, сўз ясаши соҳасида уларга алоҳида-алоҳида ҳодиса (жараён) сифатида қараш кўплаб чалкашликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Буларни мисол билан қуйидагича фарқлаш мумкин. Масалан, олмошлар (*ҳар ким, ҳеч ким*) ясама эмас, балки ҳосиладир; улар ясалмайди, балки ҳосил қилинади. Буни равишлар мисолида ҳам кўриш мумкин: **ҳар жой, шу вақт, ҳар вақт.**

“Ясаши” атамаси меъёрий сўз яшаш моделлари асосида янги сўзларнинг ясаши каби ҳолатларни қамраб олади. “Ҳосил қилиш” атамаси нормал ва анормал ҳолатларни ҳам ўз ичига олади. Шу боис, “ҳосил қилиш” атамаси кенг тушунча бўлиб, “ясалиш” жараёни унинг таркибига киради. “Ясаши” ҳодисасини сўз ясовчиларга нисбатан

<sup>152</sup> Нурмонов А., Раҳимов А. Кўрсатилган асар. 78-бет.

тадбиқ этсак, “ҳосил қилиш” жараёнини шакл ясовчиларга ҳам тадбиқ этиш мумкин бўлади. Масалан:

**Ҳабибхон:** Орзиқиб кутган **Китобимизни** ҳам топдик. Келинг бўлмаса, бир ҳордиқ чиқарайлик: **Шаҳрисабз** экан-да!

**Иброҳимжон:** Бу шаҳарда **Термизак** олма топилармикан?

**Ҳабибхон:** Мева-чеванинг жойи – **Кони бодом**, қани энди Фарғонага!

*“Сафар” пайрови. Аския. 86-бет.*

Контекстда жой номлари ҳисобланган **Китоб**, **Термиз** сўзларига шакл ясовчи қўшимчалар қўшиш билан нарса ва белги маъносини англатувчи бутунлик ҳосил қилинган. Учинчи гапда эса жой номи ҳисобланган **Конибодом** сўзини бир-бирдан ажратиш билан этимологик жиҳатдан “бодом кўп бўлган жой” маъноли изофий бирикма қайта тикланган. Шунга кўра, айтиш мумкинки, ўзбек тилида изофий бирикма усулида сўз яшаш усули ҳам мавжуд. Бунга матндаги **Шаҳрисабз** сўзи ҳам мисол бўла олади.

Хуллас, ўзбек тилида “ҳосил қилиш” ҳодисаси ўзига хос бир қатор усул ва воситаларни қамраб олган, лисонийлашган ва лисонийлашмаган кўринишларга эга алоҳида бир система сифатида талқин қилиниши лозим. Ушбу фикрларни лисоний далиллар билан янада мустаҳкамлаш учун аския матнларига мурожаат қиламиз.

1. Фоностилистик усулда ясалган окказионал ҳосилалар:

**Ғанижон:** Жўраҳон акани қанақа нон десам, **бўл**, **ука**, дейди.

*“Нонвойчилик” пайрови. Аския. 83-бет.*

Матнда, биринчидан, пайров талаби билан нонвойчилик мавзуси доирасида **бўлка** атамасини ишлатиш лозим ҳисобланади. Иккинчидан, сўз ўйини талаби билан лингвистик комбинацияни амалга ошириш ҳам зарур. Шу боис, ҳар иккала талабни бажариш мақсадида сўз устаси **бўлка** сўзи таркибида **у** товушини қўллайди. Натижада **бўлмоқ** феъли билан **ука** оти бирикувидан “**бўл**, **ука**” шаклида окказионал ҳосила яратилади. Қуйидаги мисолдан ҳам шу каби товуш орттириш натижасида



гапнинг пресуппозицияси юзага чиқарилганлигини кўришимиз мумкин:

**Иброҳимжон:** Йўл-йўлакай янги қурилишларга назар солиб боринг, оппоқ уйдагилар **чин нозлик!**

**“Сафар” пайрови.** Аския. 85-бет.

“Сафар” пайрови матнида Чиноз деган жой номини ифодалаш гапнинг пропозицияси ёки пайров талаби ҳисобланади. Гапнинг пресуппозицияси (**“чиндан ҳам нози бор”**) сўз ўйини талаби асосида **н** товушини қаватлаш (геминация) эвазига юзага чиқарилган. Натижада **чин нозлик** деган янги бир ҳосила нутқда ифода этилган.

2. Аффиксация усулида ясалган окказионал ҳосилалар:

**Раҳматқул ака:** Омон бўлгур, алдайсиз, ҳақиқатми ё ёлғонми билмадим, соғлиққа ажратилган кўйларни ҳам, кўчқорларни ҳам сотиб бўпсиз! Бунақада жун режаси икки юз бўладими, бу қанақа **жунфурушлик!**

**“Чорвачилик” пайрови.** Аския. 27-бет.

Матнда пайров атамаси ҳисобланган **жун** – ҳайвон ёки кимса баданини қоплаган қалин тук, мўй, юнг (ЎТИЛ, 2006. II жилд, 113-бет) сўзига ўзбек тилида лексик маъно англатмайдиган ҳамда аффиксоид сифатида қараладиган форс-тожикча *сотиш, пуллаш* маъносидаги **фуруш** сўзи ҳамда **-лик** морфемасини қўшиш билан янги бир ҳосила – **жунфурушлик** окказионал тарзда ҳосил қилинган.

Ушбу усул ёрдамида окказионал ясалмалар пайров атамаси негизида ҳосил қилинади:

**Ғойиб ака:** Обил ака, ҳали ҳам жўжалигингизча турипсизми дейман, дон олишгингиз келмайди.

**Обил ака:** Тобидаман, келаверинг **қўноқ**лашамиз.

**“Қушлар” пайрови.** Аския. 33-бет.

Матнда қушлар ҳаёти билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи атамаларни қўллаш лозимлиги боис, *қўнғирбошлар оиласига мансуб, дони тариқдан кўра майдароқ, бошоқли бир йиллик ўсимлик; ғалла ва ем-хашак экинини англатувчи* **қўноқ** (ЎТИЛ, 2008. V жилд, 410-бет) сўзига қўшимча қўшиб, баҳслашамиз, беллашамиз маъносини англатувчи окказионал ясама ҳосил қилинган.

Сўз усталари окказионал ҳосилани пайров атамаси негизида шакллантиришлари матнни турлича талқин қилиш учун сабаб бўлади:

**Раҳматқул ака:** Бахтингиз экан, адашмабсиз, нақ бўлмаса хашаки чиқиб қоларди.

**Махсум ака:** Унда даканглатардим!

*“Кушлар” пайрови. Аския. 33-бет.*

3. Жуфт сўзлар ёрдамида ясалган окказионал ҳосилалар:

Қисмларидан бири мустақил ҳолда ишлатилмайдиган жуфт сўз компонентининг ҳар бирига алоҳида мустақил лексик маъно юклаш билан окказионал ясама ҳосил қилинади:

**Абдуллажон ака:** Омон бўлгур, борди-келди қилишсам, мен қилишяпман! Сизнинг **қишлоқ-пишлоғингиз** кетяптими?

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Бошқа нутқ кўринишларда **қишлоқ-пишлоқ** жуфт сўзи *қоғоз-поғоз* жуфт сўзи сингари иккинчи компоненти маъно англатмайдиган қисм сифатида талқин қилинса, ушбу контекстда, ундан фарқли равишда, пайров матни талаби (чорвачилик мавзусида сўз қўллаш) ҳамда сўз ўйини талаби жуфт сўзнинг иккинчи компоненти бўлган **пишлоқ** сўзига лексик маъно (*сутни махсусусулда ачитиб тайёрланадиган, сирга ўхшаш егулик*) юклашни тақозо қилган. Шу сабаб сўз устаси томонидан қўлланган ушбу ҳосила контекстда ҳар иккала қисми лексик маъно англатадиган грамматик шакл сифатида талқин қилиниши лозим бўлади.

4. Окказионал бирикмалар, иборалар ва гаплар:

а) мақол формасидаги окказионал ҳосила:

**Махсум ака:** Кимёхон, яна ҳам барака топаверинг-а! Қаёққа қарасам Кимё, уйга кирсам Кимё, далага борсам Кимё, магазинга борсам Кимё! **Олтин олма, кимё ол, денг!** Кимёхон, сиз шунга нима дейсиз?

*“Кимёхон” пайрови. Аския. 41-бет.*

*“Олтин олма, дуо ол”* мақоли матни *“Олтин олма, кимё ол”* шаклида “Кимёхон” пайрови мавзусига мослаштирилган ва бу билан сўз ўйини талаблари бажарилган.

б) ибора ёки гап формасидаги окказионал ҳосила:

**Олимжон ака:** Уй-жойли бўлганга не етсин. Мана бу Қодиржон ака, Уста Иброҳимлар ўтиришибди, вақт ғанимат, қани олдин бир шағал тўкишайлик.

*“Иморат” пайрови. Аския. 45-бет.*

“Иморат” пайрови мавзусида доир **шағал тўкмоқ** бирикмасининг кўчма маъноси **аския қилмоқ** ҳисобланади. Бошқа бир пайровларда худди шу маънода қўлланган **сайрга келмоқ** ҳамда **қовун сайли қилмоқ** окказионал ҳосилалари ҳам контекста бир-бири билан ўзаро маънодош ҳосилалар бўла олади:

**Турсунбува:** Махсум ака, мана ғўзага ишловни ҳам тамомладик. Энди бир **қовун сайили** ҳам **қилайлик**.

*“Қовун” пайрови. Аския. 34-бет.*

**Сотволди ака:** Турдиали ака, узумзорингиз жуда шинам экан, атайлаб **сайрга келдик**-да.

*“Узум” пайрови. Аския. 36-бет.*

Бундай ҳосилаларда пайров мавзуси доирасида билдирилган фикр ва кўчма маънодаги мазмун сўз ўйинини юзага чиқаришга хизмат қилади.

в) бирикма компонентларидан бири структурасида фонетик ўзгариш қилган ҳолда окказионал ҳосила вужудга келтирилади:

**Турсунбува:** Афтидан сиз заводда иш сифатини текшириб юрадиган одамга ўхшайсиз. Келинг, текширишингизни мен ҳам бир кўрай – бу ишда қанчалик **руль ўйнайсиз** экан.

*“Трактор” пайрови. Аския. 43-бет.*

**Роль ўйнамоқ** ибораси **руль ўйнамоқ** тарзида ўзгартирилган ва бу билан “Трактор” пайрови мавзуси доирасида фикр билдирилган.

5. Қофия усулида ясалган окказионал ҳосилалар:

**Жўрахон:** Сиз ҳам далага чиқиб қозон бошидан келмабсиз. **Ҳашарга** эмас, **ошарга** келди дейишди.

*“Теримчилар” пайрови. Аския. 19-бет.*

Қофия хушоҳангликни таъминловчи восита сифатида аскиячилар нутқининг етакчи хусусияти бўла олиши

билан бирга, ушбу контекстда янги бир окказионал ясалма (**ошар**)нинг вужудга келишига хизмат қилган.

6. Лақаб ифодалаш усулида ҳосил қилинган окказионал ҳосилалар<sup>153</sup>:

**Турсунбува:** Сиз тўғри айтяпсиз, сиз кўчатсиз. Сизни мен асраб, яхши кўрганимдан ҳали бозоргаям кўчирганим йўқ, эҳтиётдан **елкангизга тикан боғлаб қўйганман.**

*“Боғбончилик” пайрови. Аския. 39-бет.*

Гапнинг мазмунидан Абдуллаҳай Қозоқовнинг “кал” лақабига ишора қилинганлиги англашилади.

**Махсум ака:** Турсунбува, бу ишда Ғойиб аканинг айби йўқ, ҳали мен мева бўлиб, қанақа мевалигим номаълум. Сиз боғбон бўлиб, ҳали менга от ҳам қўйганингиз йўқ. Ғойиб ака бўлса новдадаги **барглари сидириб еб юрипти.**

*“Боғбончилик” пайрови. Аския. 39-бет.*

Ушбу матнда Ғойиб ака Тошматовнинг “ҳукиз” лақабига учирма қилинмоқда.

Хуллас, аскияда окказионал ҳосилаларнинг вужудга келишини пайров талаби, сўз ўйини талаби ҳамда сўз усталарининг хилма-хил мақсад ва нияти ифодаси билан изоҳлаш мумкин.

### **3.3.2. Пайровлар матнида жуфт сўзларнинг услубий қўлланилиши**

Аския беллашувида “рақиб”лар бир-бирини сўз ўйини билан мот қилиш учун жуфт ва такрорий шакллардан ҳам унумли фойдаланадилар. Матнда улар сўз усталарининг турли мақсад ва ниятини юзага чиқаришга, нутқнинг экспрессивлиги ҳамда эмоционаллигини оширишга хизмат қилади. Бошқа нутқ кўринишларида мазкур воситалар ҳар доим ҳам стилистик вазифа бажармайди, улардан нутқни шакллантирувчи восита сифатида фойдаланилади, холос. Аскияда эса мазкур воситалар сўзловчининг турли субъектив муносабатини ифодалашнинг тасвирий воситаси сифатида қўлланилади. Қиёсланг: *Кейин-кейин ошлавий борди-келдига ўтдилар, эски гиналар унут бўлди* (Э.Аъзамов).

<sup>153</sup> Бу ҳақда “Лақабга асосланган аскиялар” бўлимида батафсил тўхталамиз.

**Раҳматқул:** Ферма мудирини бўлиб, ҳадеб раис билан **борди-келди** қилишгунча, **сут-жун** топшириш плани устидан назорат қилсангиз-чи!

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Кўринадикки, пайров матнида жуфт сўз (*борди-келди*) алоҳида услубий талаб (салбий муносабатни баён этиш) билан ироник мазмун ифодалаш учун хизмат қилган. Қуйидаги матн таҳлили ҳам стилистик мақсадни янада ойдинлаштиради:

**Абдуллажон ака:** Омон бўлгур, борди-келди қилишсам, мен қилишяпман! Сизнинг **қишлоқ-пишлоқингиз** кетяптими?

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Бошқа нутқ кўринишларда *қишлоқ-пишлоқ* жуфт сўзи *қоғоз-поғоз* жуфт сўзи сингари фонетик ўзгаришга учраган; унинг иккинчи компоненти маъно англатмайдиган қисм сифатида талқин қилинса, аскиячиликда, ундан фарқли равишда, пайров матни талаби (*чорвачилик* мавзусидан четга чиқмаган ҳолда, сўз ўйини қилиш) билан қўлланган, ҳар иккала қисми маъно англатадиган грамматик шакл сифатида талқин қилиниши лозим, деб ўйлаймиз.

Агар пайров матнида жуфт сўзнинг иккинчи компоненти лексик маъно англатмаса ҳам, у шунчаки қўлланмаган бўлади; унда сўз ўйинини “рақиб” усулида давом эттириш ва ривожлантириш мақсади матннинг услубий талабига айланади:

**Раҳматқул:** Нега сигирларнинг сути тортилиб қолди десам, уйингиздаги **бўрдоқилар** билан бўлиб, ферма ҳайвонларининг ризқини **қисди-писди** қияпсиз, шекилли?

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

**Пайров** матнида жуфт сўзнинг фақатгина асосий маъноси эмас, балки унинг кўчма (қўшимча) маъносини ҳосила маъно сифатида алоҳида таъкидлаб ифодалаш лисоний ва нутқий ўйинни юзага чиқаради:

**Абдуллажон:** Раисимиз аввал ферма мудирини бўлиб, **иссиқ-совуқни** бошидан кўп кечирган, бу ишнинг **аччиқ-**

**чучугини** кўп татиган. Шунинг учун **силаб-сийпаб**, маслаҳатини олаяпман-да ёки биров билан кирди-чиқди қилишсак ҳам, сиздан сўрайликми, кам бўлмагур?

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Юқоридаги матнда сўз ўйини талаби билан транспозиция (кўчиш ҳодисаси)га учраган *иссиқ-совуқ, аччиқ-чучук, силаб-сийпаб, кирди-чиқди* каби жуфт сўзлар бир пайтнинг ўзида ҳам денотатив ва коннотатив маънода ишлатилиб, улар орасида *иссиқ-совуқ* жуфт сўзига алоҳида салбий оттенка юклатилган. Яъни матнда сўз устаси ушбу жуфт сўзшаклнинг икки маъноси: *ҳаётнинг оғир-енгил, яхши-ёмон кунлари, икир-чикир ташвишлари, ҳар хил шароитлари* семаси ҳамда *кишини гўё бирор кимсага “иситадиган” ёки ундан “совутадиган” амал, дуо ва шу каби нарсалар* (ЎТИЛ, 1981 й., I жилд, 337-бет) каби этнографик маъноларига асосланган ҳолда, шу нарса, яъни шу амал билан шуғулланувчи шахс сифатида “рақиб”ини камситишга эришган.

Баъзан аскиячилар бу каби салбий мазмунни беҳад кўчайтириб, бир-бирини аямай танқид остига оладилар:

**Абдуллажон ака:** Кам бўлмагур, **қисди-писдини** ҳисобга оласиз-у, даромаддан **келди-кетдиниям** унутиб кўясиз. Ишонмасангиз, сут бергандан сўранг.

**Раҳматқул:** **Эс-песи** борми бу одамнинг ўзи, айни тоққа чиқадиган вақтда даромадни кўпайтириш ўрнига, раис билан **олди-берди** қилишади-я!

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 28-бет.*

Бошқа нутқ услубларида эс-песи жуфт сўзининг иккинчи компоненти лексик маъно англатмаса-да, аскиячи (Раҳматқул) нутқида ушбу компонент мақсадли равишда салбий маъно англатувчи ироник воситага айлантирилган ва унга атайлаб лексик маъно юклатилган. Бунга *пес* лексемасининг тиббиёт соҳасидаги маъноси: *пигмент этишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғ ва шундай касали бўлган киши ҳамда сўқиниш мазмунидаги ярамас, мохов* (ЎТИЛ, 1981 й., I жилд, 582-бет) маънолари асос қилиб олинган.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, “Чорвачилик” пайровида *борди-келди, келди-кетди, олди-берди, аччиқ-чучук, кирди-чиқди* каби лисоний ўзаро зид маъноли сўзлар ҳамда уларга қофиядош сифатида *қишлоқ-пишлоқ, қисди-писди, эс-пес, иссиқ-совуқ, силаб-сийпаб* каби нутқий жуфт сўзлар ёрдамида сўз ўйини лингвистик маҳорат билан юзага чиқарилади. Матнда қўлланилган бу каби жуфт лексемаларда, асосан, янги лексик маъно англашилади<sup>154</sup>.

Маълумки, пайровда аскиячилар пайров мавзусидан четга чиқса, енгилган ҳисобланади. Шу боис, сўз усталари ўз нутқида пайров мавзусини очиб беришда окказионал жуфт сўзларни қўллашга ҳам мажбур бўладилар. Натижада окказионал жуфт сўзшакллар матнда фавқулодда ҳосила сифатида пайдо бўлади:

**Иброҳимжон:** Боғда “**киши-миши**” йўқми, яна юмалоқ қилиб ташламай.

*“Узум” пайрови. Аския. 36-бет.*

Жуфт сўзнинг лисонийлашмаган ушбу тури индивидуал услубга хос бўлиб, сўз ўйини талаблари асосида юзага чиқарилган. Яъни аскиячи **кишмиш** – *меваси майдороқ бўладиган узум ва шу узумнинг майизи* (ЎТИЛ, 2006. II жилд, 381-бет)ни англатувчи лексемани **и** товушини мақсадли орттириш асносида жуфт сўзга айлантирган ва бу билан **киши** – *жонли мавжудот, одам, инсон (кимдир)* маъносини ҳам контекстда ифодалаш учун лингвистик маҳоратини ишга солган. Сўз қўллаш билан боғлиқ бундай маҳоратнинг **ҳозиржавоблик** (аскиянинг асосий талабларидан бири) билан намоён этилиши сўз устасидан нафақат аскиячиликнинг сир-асрорларидан хабардор бўлиши, балки тилшунослик соҳасини ҳам пухта эгаллаган бўлишини талаб этади.

Нарса ва жониворларнинг товушларига тақлид қилиш ҳодисасидан ҳам стилистикада фикрни бўрттириб ифодалаш ва унга экспрессив тус бериш учун кенг

<sup>154</sup> *Изоҳ:* Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент, 2010. 89-бет.

фойдаланилади. Тақлид сўзлардан жуфт сўзлар ҳосил қилиш ва улар ёрдамида қофиядошлик усулида сўз ўйинини ривожлантириш ҳам аскиячиликда эътибордан четда қолмайди:

**Турсунбува:** Мана, Қодиржон ҳам мажбуриятини бажарди, кўрмайсизми, тили чиқиб: **“бит-билдиқ, бит-билдиқ”**<sup>155</sup> деб қолди.

**Қодиржон ака:** Турсунбувам ҳам хурсандлар, звенолари камчиликларини битириб, планини бажарганга ўхшайди. Кўрмайсизми, энди ҳамма ёқ **“сип-силлиқ, сип-силлиқ”** деяптилар.

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 19-бет.*

### 3.3.3. Такрорий сўзшаклларнинг услубий маънода қўлланилиши

Аскиячиликда экспрессивлик ифодалашнинг яна бир усулларида бири бу нутқда такрорий сўзшакллардан фойдаланишдир. Такрорий сўзларнинг ўзбек тилидаги лисоний хусусиятлари, умуман, тилдаги такрор ҳодисаси (редупликация), унинг кўринишлари, сўз такрорининг, яъни такрорий сўзларнинг ўзига хос жиҳатлари монографик тарзда ўрганилган<sup>156</sup> бўлса-да, аммо бадиий тасвир воситаси сифатидаги такрорий сўзларнинг услубий хусусиятлари етарли даражада ёритилган эмас. Шунга қарамай, жуфт ва такрорий сўзларнинг (умуман, такрор ҳодисасининг эмас) айрим адиблар ижодида ҳам қўлланишининг бадиий-услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган ишлар<sup>157</sup> ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, такрорий шакл ҳам маълум бир грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, баланд-баланд (иморат), қатор-қатор (дарахтлар), кула-кула

<sup>155</sup> *Изоҳ:* бу жойда беданаларнинг сайраш оҳанглари ўхшатишмоқда.

<sup>156</sup> У р и н б о е в З. Лингвистическая природа редуPLICATION в современной узбекской языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент. 1982. С. 8.

<sup>157</sup> Б а б а е в а С. Лексико – стилистическое особенности поэзии Хаида Алимджана: Автореф. дис ... канд. филол. наук. Ташкент. 1989.



кабилар кўплик, такрор маъносини ифодалайди. Баъзи манбаларда такрор сўзшаклни равиш сифатида қараш ҳам учрайди. Бунда такрорлаш натижасида янги сўз, луғавий маъно, сўзшакл вужудга келаётганлиги назарда тутилади. Масалан, қатор-қатор сўзшаклида янги луғавий маъно қатор сўзининг кучайган, орттирилган ифодали кўриниши орқали юзага чиққан<sup>158</sup>.

Такрорий шаклларнинг грамматик ва луғавий маъносидан ташқари стилистик маъно англатиши аския матнларида учрайди. Бундай шаклларнинг аскиячилар нутқида қўлланиши нутқий табиатга эга бўлиб, сўз ўйинининг бир усули сифатида аскиячиларнинг ният ва мақсадини ифодалабгина қолмай, улар, юқорида айтганимиздек, нутқда экспрессивлик ифодалашнинг ўзига хос услубий воситасига айланади:

**Раҳматқул ака:** Бунча икковларинг сен-менга бориб қолдиларинг, ўртага **ғули-ғули** тушдимми?

**Махсум ака:** Орамизга **ғули-ғули** тушмайди, биз аҳилмиз. Фақат Иброҳимжонга ҳайронман: туси товуққа ўхшайди деб.

*“Қушлар” пайрови. Аския. 32-бет.*

Матнда қўлланган такрорий сўзнинг контекстдаги имплицит маъноси **ғулу** (а.) – *келишмовчилик, норозилик ва шу кабиларни ифодаловчи овоз, хатти-ҳаракат; ғавғо, тўполоқ, жанжал* (ЎТИЛ, 2008. V жилд, 459-бет), экплицит маъноси қушнинг сайрашига тақлид сўз: **ғули-ғулидан** ясалган қушнинг номига ишора ҳисобланади. Ушбу грамматик шаклга биринчи маъно контекст талаби билан юклатилган бўлса, иккинчи маъно пайров қоидаси талаби билан юклатилган. Яъни паррандачилик соҳасидан четга чиқмаслик талаби натижасида такрорий тақлид сўзнинг отлашувидан фаолият-жараён оти (*жанжал*) ва нарса оти (*қуш*) окказионал тарзда ҳосил қилинган ва нутқий бирлик сўз ўйинининг таъсирчан воситасига айлантирилган.

<sup>158</sup> С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқ. Ҳозирги Ўзбек адабий тили. Тошкент. 2009. 148-бет.

Баъзан, аскиячилар маънони кўчайтириш учун такрорий шаклнинг стилистик вазифасини ошириб, сўз ўйинини турли услубий бўёқларда ифода этадилар:

**Обил ака:** Шамолда қолдингизми, дейман **“виқ-виқ”** деб сайрайсиз.

**Ғойиб ака:** Совуқ уриб кетдими дейман, “устим **яп-яланг, яп-яланг”**, дейсиз.

**Обил ака:** Адашиб, баҳона қиласиз: **“оғзим тир-тиқ, тир-тиқ”** деб.

**Ғойиб ака:** Обил ака, мана бедана пайрови ҳам **“сип-силлиқ”** чиқди. Агар шу касб сизга маъқул бўлса, қиши билан **товламачилигингизни** қилаверинг.

*“Қушлар” пайрови. Аския. 34-бет.*

Биринчи матнда тақлид сўз такрори (*виқ-виқ*) билан **“Қушлар”** пайрови талабига амал қилинган бўлса, унга жавоб нутқида **“рақиб”** ҳам услубий такрор усулидан фойдаланади. Сифатнинг орттирма даражасини ифодаловчи бу каби грамматик сўзшакл (*яп-яланг, сип-силлиқ*)га айрим манбаларда фонетик усул<sup>159</sup>, баъзи бирида морфологик усул<sup>160</sup>, баъзиларида эса нотўлиқ такрор<sup>161</sup> сифатида ёндашилади. Бизнингча, бундай интенсиформани фонетик-морфонологик усул, редупликация жараёнидаги бу каби ўзгаришларни эса **морфонологик ҳодиса** сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Учинчи матнда бир бутунликни пауза ёрдамида бўлиб-бўлиб талаффуз қилиш билан сўз ўйини: *тиртиқ – битган яра, жароҳат ўрнида ҳосил бўлган ямоқ; чандиқ* (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 115-бет) маъноси ва товушга тақлид маъноси ҳосил қилинган бўлса, тўртинчи матн парчасида **сип-силлиқ сўзшакли контекстда – тил, услуб ва нутқнинг**

<sup>159</sup> *Эллатма:* Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2009. 243-бет; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Тошкент, Ўзбекистон, 1992. 284-бет.

<sup>160</sup> *Қаранг:* Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Тошкент, 1975.

<sup>161</sup> *Изоҳ:* Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент, Университет, 2006. 153-бет.

беками-кўст, равон ифодаланиши (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 47-бет) мазмунини юзага чиқарган.

Бундай грамматик шаклларнинг аскиячилар томонидан мақсадли қўлланилиши нутқда қофиядош бирлик сифатида ўзига хос оҳангдорликни ҳам юзага чиқаради:

**Турсунбува:** Ҳосил тўйига тайёргарлик кўряптилар, шекилли, қўлларига бита тахта кўтариб олиб **“рандаланг, рандаланг”** дейдилар.

**Қодиржон ака:** Яхши ишлаганингиз учун мукофот чиқадими дейман, қўлингиз қичияпти. Шунақа бўладиган бўлса, қўлингизни **“таталанг, таталанг”**.

**Турсунбува:** Ҳосил тўйига қолоқлар ҳам келганми дейман, нафаслари ичларига тушиб, **“кўргилик, кўргилик”** деб ўтирибдилар.

**Қодиржон ака:** Кўргилик эмас, Турсунбува, айб ўзларида, бўлмаса нима учун **“кўрчилик, кўрчилик”** дейдилар.

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 19-бет.*

Юқоридаги матндан қуйидаги асосий (пропозитив) ва қўшимча маънолар англашилади: **1) бит-билдиқ, бит-билдиқ** – бедоналарнинг сайраш оҳангига тақлид; **2) сип-силлиқ, сип-силлиқ** – ҳаммаси яхши, жойида маъносиди; орттирма даражадаги сифат; **3) рандаланг, рандаланг** – текисламоқ, силлиқламоқ; **4) таталанг, таталанг** – тирнамоқ, тимдаламоқ; **5) кўргилик, кўргилик** – ихтиёридан ташқари ҳолда юз берган кўнгилсиз воқеа; **6) кўрчилик, кўрчилик** – кўргилик қолипи асосида ясалган окказионал сўз; окказионал антоним.

Кўринадики, сўз усталари томонидан нутқда бу каби рангба-ранг мазмуний муносабатларни сўз ўйини кўринишида воқелантириш нутқнинг бетакрорлигини, жозибадорлигини ҳамда унинг ўзига хос зийнاتини намоён этади. Шунга асосан, айтиш мумкинки, аския санъати, шубҳасиз, “зийнатли нутқ”<sup>162</sup> кўринишидир.

<sup>162</sup> Античные теории языка и стиля. Соц. Экгиз. М.: Л., 1936, с. 183.

### 3.3.4. Қўшма сўзлар – сўз ўйинлари ҳосил қилиш воситаси

Пайровларда қўшма сўзлардан услубий восита сифатида фойдаланиш сўз ўйинининг алоҳида бир усули ҳисобланади. Морфологик сатҳга оид бу каби лингвистик бирликлардан сўз ўйини учун фойдаланиш уларни полифункционал ва полисемантик бирликка айлантириб, лингвостилистика ва прагмалингвистиканинг ўрганиш объектига тортади. Нутқий вазиятда уларни қўллаш билан боғлиқ шакл ва мазмун номутаносиблиги юзага чиқади. Натижада жумланинг шаклий ва мазмуний тузилиши тавсифида прагматик таҳлилга эҳтиёж кўчади. Фикрларимизни “Қовун” пайрови мисолида кўриб чиқамиз:

**Турсунбува:** Колхозда қовунлар ғирқ пишгану, нега бу ерда гурскетди.

*“Қовун” пайрови. Аския. 34-бет.*

Ушбу қўшма сўз тақлид сўз+феъл қолипида ҳосил қилинган. Сўз устаси гурс тақлид сўзи семантик табиатида хос бирданига, тез содир бўлиш семасига асосланиб, **гурскетди 1:** бирданига, тез йўқ бўлди деган контекстуал маънони юзага чиқармоқда. Шу билан бирга, **гурскетди 2:** – пичоқ тегиши билан гурсиллаб ёриладиган бир нав қовун номи (ЎТИЛ, 2006. I жилд, 528-бет)ни ифодалаш асосига сўз ўйини қилмоқда. Мазкур қўшма сўзнинг биринчи маъноси луғатларда учрамайди.

“Рақиб”ининг сўз ўйинига жавобан аскиячи шу усулда жавоб беради:

**Сотволди ака:** Шуни ҳам билмайсизми, Турсунбува, бу ердагилар ғўзагулини пойлаб ўтиришибди.

*“Қовун” пайрови. Аския. 35-бет.*

Матнда *от+от* қолипида мослашув усулида бириктирилган қўшма сўз – **ғўзагули:** ғўза(чаноқ)нинг гули маъносида ҳамда бир нав қовуннинг номини ҳам ифодалаб келмоқда.

Битишув усулида сифат+от қолипида қўшма сўз билан ҳам ўз ва кўчма маъно ифодалаш мумкин:

**Сотволди ака:** Турсунбува, ҳо Турсунбува, бўлмаса, раисга айтиб қўйин, ўшанақа **саригпўчоқ**ларни шумғия билан бирга юлиб ташласин.

**“Қовун” пайрови. Аския. 35-бет.**

Пайров матнида **саригпўчоқ** кўшма сўзи билан бир нав қовуннинг номи ифодаланган ва пайров талаби – мавзудан четга чиқмасликка амал қилинган.

Кўшма сўзлар ёрдамида фақатгина сўз ўйини қилинмасдан, салбий муносабат билдирилиши ҳам мумкин:

**Турсунбува:** Айб раисдами, бригадирда? Айтинг-чи қайси бирлари **қовун туширишган?**

**Иброҳимжон:** Ўзини мақтаб бозорга солган **кал** ҳасандан сўранг.

**“Қовун” пайрови. Аския. 35-бет.**

Аскиячи *сифат+от* қолипидаги **калҳасан** кўшма сўзи билан контекстда қовуннинг бир турини назарда тутган ҳолда “рақиб”ига **кал** (изоҳловчи) **Ҳасан** (атоқли от) дея муносабат билдиради.

**Феъл+феъл** қолипидаги кўшма феъл билан ҳам бирдан ортиқ ахборот ифодалаш мумкин:

**Махсум ака:** Насриддин ака! Ижрокўмбува қовун пойлашни билмас экан, пайкалга ҳеч ким киргани йўғу, акт тузиб юрипти: **босиб олди** деб.

Матнда **босиб олди** – бирон бир шахс ёки ҳайвон томонидан пайкалдаги қовунларга “хужум қилиш”и маъносини ифодаласа, **босволди** – шакли *тухумсимон, сирти сал тилим-тилим, олапўчоқ, тўрсиз, эти юмшоқ, ширин ўртапишар қовун нави* (ЎТИЛ, 2006, I жилд, 319-бет)ни англатади. Мазкур ҳолатда биринчи аъзо ёпиқ бўғин билан тугаб, кейинги бўғин очиқ бўғин билан бошланганлиги учун ҳам узвлар яхлитлигини таъминлаш учун морфонологик ҳодиса<sup>163</sup> (товуш тушиши) юзага чиқарилганлигини кўришимиз мумкин.

*От+от* қолипидаги кўшма сўзлар ёрдамида ҳам сўз ўйини қилиш мумкин:

<sup>163</sup> С а й ф у л л а е в а Р. ва бошк. Кўрсатилган асар. 66-бет.

**Махсум ака:** Ҳалиги босиболдининг ёнида Ғойиб ака ҳам турган экан, Ижроқўмбувамга айтдим: **жўрақанди** чиқиб қолди деб.

*“Қовун” пайрови. Аския. 35-бет.*

От+сифат қолипдаги **умрбоқий** қўшма сўзи билан **умрбоқий** – қовуннинг пўчоғи қалин, сарғиш-кўкиш бўлиб, қишга сақланадиган кечпишар хили (ЎТИЛ, 2008, IV жилд, 285-бет)ни ифодалаш билан бирга, форсча (умр) ва арабча (боқий) компонентлар ёрдамида англлатган абадий, узоқ умр маъносига қилинган ишорани қўидаги мисолда кўришимиз мумкин:

**Насриддин ака:** Ижроқўмбуванинг қовуни пишганига анча вақт бўлди-ю, ҳали ҳам **узилмабти**.

**Ғойиб ака:** Узилмасин, **умрбоқий** бўлсин.

*“Қовун” пайрови. Аския. 35-бет.*

Шунингдек, юқоридаги матнда қовун навини ифодаловчи лексемага талаффуз жиҳатдан ўхшаш бўлган **умри боқий** – йўқ бўлмайдиган, доимий ҳаёт (ЎТИЛ, 2008, IV жилд, 285-бет)ни ифодаловчи сўз бирикмасини қўллаш параномазиянинг юзага чиқишига хизмат қилади.

Хуллас, аския матнларида ҳар хил қолипдаги қўшма сўзлар сўз ўйинининг мазмунини ёртиши билан бирга, сўзловчининг ниятини ўзида мужассам этган услубий восита сифатида контекстда бирдан ортиқ ахборотга эга полифункционал ва полисемантик бирликка айланади ҳамда сўз ўйинидан англашилган мазмуннинг, нарса ва унинг номи ўртасидаги ҳаётий ва мантиқий боғлиқликнинг лисоний кўрсаткичи сифатида воқеланади.

### 3.4. Синтактик усул ва воситалар

#### 3.4.1. Аския матнларида полифункционал ва полисемантик гап бўлаклари

Ўзбек тилининг ўзига хос табиатини намоён этувчи матннинг махсус кўриниши – сўз ўйини матни, таассуфки, ўзбек матн тилшунослигида тилга олинмайди. Ваҳоланки,

ушбу матн кўриниши ўзининг махсус синтактик шакллар тизимига, матни шакллантирувчи воситаларига эга бўлиши билан бирга, *“тилнинг ширасини қуюқлаштирувчи”, “таъсир қувватини оширувчи”, “эстетик вазифа ижроси имкониятларига замин бўлувчи”* ҳамда *“тил ривожини қаракатлантирувчи кучи”* (**аллофрония**)га эга, *“икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги”* (**амфиболия**) негизида яратилган *“икки маъноли ифода”* (Аристотель)ларга бой. Шунга кўра, айтиш мумкинки, кенг қамроқли ҳодиса ҳисобланган сўз ўйинлари на унинг ўзбек тилшунослигидаги лингвистик талқини ўз тадқиқотчисини кутаётган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Сўз ўйини матни қуйидаги жиҳатлари билан бошқа матн кўринишларидан тубдан фарқ қилади:

1. Матн сўз ўйинлари асосига қурилади.
2. Матнда тил бирликлари коммуникатив вазифа бажариши билан бирга, кўпроқ экспрессив-эстетик вазифа бажаради.
3. Матнда сўз ўйинини шакллантирувчи асосий лингвистик факторлар полисемантик ва полифункционал табиатга эга бўлади.
4. Матнда гап бўлаклари ўзига хос тарзда, кўпинча, кўп вазилавийлик мақомига эга бўлади.
5. Сўз ўйинларини шакллантирувчи тил ва нутқ бирликларида хилма-хиллик, мураккаблик, кўпталқинлилик каби маъновий силжишлар, меъёрдан чекинишлар, анормал жараёнлар, лисоний аномалиялар воқеланади. Матн аллофроник унсурлар асосига шакллантирилади.
6. Аслида, моҳиятан олиб қараганда, турли услубдаги на жанрдаги матнлар учун хос мунтазам кузатиладиган ҳодиса<sup>164</sup> – амфиболия (матн омонимияси, матн мазмунининг ҳар хиллиги) сўз ўйинининг асосий лингвистик кўрсаткичи ҳисобланади. У сўз ўйинлари структурасида сўзловчининг коммуникатив ниятини юзага чиқаришнинг прагматик омили сифатида намоён бўлади.

<sup>164</sup> Нурмонов А., Рахимов А. Кўрсатилган асар. 87-бет.

Шу ўринда ўзбек тилшунослигида эндиликда тилга олинаётган **аллофрония, атрофрония, амфиболия** атамаларига бироз изоҳ бериш ўринли.

Бошқирд тилшуноси Б.Т.Ганеев мантиқий термин сифатида қараладиган “зиддият” терминига лингвистик коррелятўлароқ “аллофрония” (юнонча “бошқача” + “ўйламоқ, сезмоқ”) терминини киритади. Бу терминнинг зиди ўлароқ зиддиятсиз, тўғридан-тўғри мазмунида “атрофрония” (юнонча “тўғри” + “ўйламоқ, сезмоқ”) терминини таклиф этади. Аллофрония ва атрофрония, у ҳақли равишда таъкидлаганидек, тилнинг икки ажралмас аспектини ташкил этади<sup>165</sup>. “Аллофрония” термини зиддият, қарама-қаршилик билан бир қаторда лисоний бирлик ва унинг маъноси ўртасидаги ўзгаришларни, тўғрироғи, ўзгачаликларни, яъни “бошқача ўйлаш” маҳсули бўлган ҳодисаларни ҳам ифодалаши, умумлаштира олганлиги учун бу терминни маъқуллаш мумкин<sup>166</sup>.

Тилда ҳам атрофроник унсурлар, ҳам аллофроник унсурлар ҳамкорликда яшайди. Тил агар фақат ва фақат атрофроник унсурлардан иборат бўлса, бундай тил беҳад қашшоқ ва ривожланиш нималигини билмайдиган бўлиб қолади. Агар тил фақат аллофроник унсурларнинг ўзидангина таркиб топса, у бутунлик ва барқарорликдан тамоман айрилади, бундай тилни на тушуниш, на тушунтириш мумкин. Меъёрий унсурлар, яъни атрофроник бирликлар тил барқарорлигининг асосини ташкил этади, мантиқий аномалиялар – номеъёрий унсурлар, яъни аллофроник бирликлар эса тил ривожини таъминлайди. Шунинг учун тадқиқотчилар “ҳар қандай атрофронияда аллофрон унсурлар бўлиши”ни таъкидлайдилар<sup>167</sup>.

Ёзувчи бевосита тилни ривожлантириш мақсади билан аллофроник воситаларга мурожаат қилмайди,

<sup>165</sup> Ганеев Б. Т. Противоречия в языке и речи. Автореф. дисс... докт. филол. наук. Уфа, 2004 // <http://www.dissertat.com/content/protivorechiya-v-ya-zyke-i-rechi>

<sup>166</sup> Маҳмудов Н. Одилов Ё. Курсатилган асар. 13-бет.

<sup>167</sup> Хатмуллина Р. С. Аллофрония как лингвистическая категория противоречия // Вестник ВЭГУ. №3 (65). Уфа, 2013. С. 132.



балки аниқ бадий ниятини тугал ва гўзал ифодалаш учун бундай воситаларни маҳорат билан яратади ёки уларни ғайриодатий, фавқулудда ўзига хос мазмун ва шамойилларда фаол ҳаракатга келтиради. Охир-оқибатда сўз санъаткорининг бу борадаги беназир инкишофлари тилнинг тадрижий рангинлашуви, бойиши, демакки, тараққиёти учун хизмат қилади. Машҳур француз шоири ва адабиётшуноси Поль Валерининг ёзувчи тилидаги ўзига хос, ғайриодатий қўллашлар, кўпталқинлиликлар, маъновий-мантиқий қарама-қаршиликлар, мантиқий зиддиятлар, бир сўз билан айтганда, қатъий тил меъёрларидан чекинишларни “тилни бойитадиган чекинишлар”<sup>168</sup> деб ҳам аташи бежиз эмас. Аллофрония, албатта, табиий тилга хос бўлган қандайдир камчилик – ноқислик маҳсули эмас, балки тилдаги динамиклик натижаси сифатида синхронияда намоён бўлувчи зарурий ҳодисадир, у кўпроқ айнан бадий асарлар тилида воқеланади ва тил воситалари захирасининг кенгайиши учун асос бўлади<sup>169</sup>.

Ўзбек тилидаги сўз ўйинлари, аксарият ҳолларда, амфиболия (юнонча *amphibolia* – икки томонламалик, икки маънолилик; “икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги”)га асосланади. Амфиболия матн омонимияси сифатида матн мазмунининг ҳар хиллигини таъминлайди. Шу боис, контекстда сўз ўйинини юзага чиқарувчи унсурлар турли хил мазмунда талқин қилинади.

Юқоридагилар: атрофрония, аллофрония, амфиболия кабилар ўзбек тилидаги сўз ўйинларида тўлиқ намоён бўлиб, айниқса, аскиячилар нутқида аския санъатининг ўзига хос ўйин эканлигини кўрсатиб беради.

Бу каби ифоданинг турлича талқин қилинишига асосланган матнларда тил бирликлари, жумладан, гап

<sup>168</sup> Ба ҳақда қаранг: Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкеберг Ж. М. и др. *Общая риторика*. М.: Прогресс, 1986. С. 49.

<sup>169</sup> Яна қаранг: М а с с а л ь с к а я Ю. В. Аллофрония в языке и речи (на материале немецкой литературы): Автореф. дисс. канд. филол. наук. Уфа, 2012 // <http://www/referun.com/n/allofroniya-v-yazyke-i-rechi>

бўлаклари ҳам ўз семантик имкониятларини кенгайтиради, контекстдаги функциясини ўзгартиради.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида гап бўлаклари ва уларнинг таснифи масаласига доир кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган ҳамда бу соҳадаги изланишлар ҳали-ҳамон давом этмоқда. Шу кунга қадар гап бўлаклари асосан бадий матнлар мисолида текширилган ва шу асосда уларнинг назарий жиҳатлари умумлаштирилган. Бадий матнлардан фарқли равишда гап бўлақларини сўз ўйинлари матни асосида ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сўз ўйинлари матнида гап бўлақларининг воқеланиши ўзига хос бўлиб, контекст талаби билан гап бўлаклари кўпинча полифункционал ва полисемантик хусусият касб этади. Бу эса синтактик бирликларни сўз ўйинлари матни мисолида ўрганишда уларга серқирра ҳодиса сифатида қарашни, бу борада олиб бориладиган тадқиқотларга прагмалингвистик ва лингвостилистик жиҳатдан ёндашишни тақозо этади.

Чунки сўз ўйинига асосланган матнда, айниқса, аския матнида, аскиячи ва сўз усталари нутқида аллофрония ва амфиболиянинг гўзал ва бетакрор намуналари мунтазам равишда воқеланиб туради. Буни гап бўлақларининг контекстдаги синтактик мақомига таъсир этиши мисолида кўриб чиқамиз:

**Муҳаммадтоҳир:** Мана баҳор бошланиши билан олий лигамизга ҳам Навбаҳор кириб келди. Бир футбол соҳасида беллашайликми? Нима дейсиз?

**Алижон ака:** Беллашсак, беллашаверамиз. Сизнинг пешонангизга ачинаман – шўр, тан оласизми?

**Муҳаммадтоҳир:** Шўр танни нима қиламан. Ундан кўра, шўрпешонаси яхши-да. Шўр танли ўйинчилар бир қарасангиз ўз жамоасида ўйнайди, бир қарасангиз **на саф**да кўринади.

**Алижон ака:** **На саф**да кўринса ҳам **бунёдкор** меҳнат отрядида меҳнат қилаётгандир-да, сувоғига кум тополмай, анча сарсон бўлиб, охири **қизил кумга** бораман деб.

**Муҳаммадтоҳир:** Нима ҳам деймиз, ахир, жамоасида тартиб қаттиқ бўлса, кўлида металл, ургиси келади-да.

**Алижон ака:** Жамоани метал билан бошқариш самара беради. Пахта кор қилармиди. Қаттиққўллик ҳам яхши фойда беради баъзан. Агар мураббий қаттиққўл бўлмаса, ҳар қандай одам – анди жон деб бошқариши ҳам мумкин.

**Муҳаммадтоҳир:** Яхши мураббий ҳамма жойда талаш. Янги мавсумда атрофдан ким нимадир олиб келмоқда. Жамоалар: машғал, олма лиқ олиб келмоқдалар.

**Алижон ака:** Семент-чи, нефт-чи, улар ҳам Кўқондан олиб келиниши керак. Акс ҳолда, ҳолимиз танг бўлади. Водий жамоалари, омадимиз келиб, пойгада бир бошига ўтиб оламиз, бир охирида қолиб кетамиз. Ҳа, ундан кўра, ўйинчиларимиз тракторда юрса, яхши эмасми?!

**Муҳаммадтоҳир:** Ахир айтадилар-ку: ё эшшакни юкнинг олдига олиб келиш керак, ё юкни эшшакнинг олдига.

**Алижон ака:** Эшшак – сиз, тракторни олиб келаверинг энди. Эшшакдан кўра, тезроқ юради.

**Муҳаммадтоҳир:** Эшшак билан қаерга боришни ҳам билмай қолдик. Харазмга борайми, Ғиждувонгами, Шердоргами, Оқтепагами, Қосонсойгами, Оролгами хайронман.

**Алижон ака:** Қаерга борсангиз ҳам, Обод бўлинг, умрингизга Зомин бўлманг, Ёзёвон лочинлари каби баланд парвоз қилиб юраверинг.

*“Футбол жамоалари” пайрови.*

“Футбол жамоалари” пайровининг бирламчи талаби матни Ўзбекистон Профессионал футболи олий лигаси ҳамда биринчи лига жамоалари номи асосида шакллантиришдан иборат бўлиб, пайровда жами йигирма учта клуб, яъни жамоа номи келтирилган. Футбол жамоалари номини англлатувчи атамларни контекстда бошқа синтактик бирликлар билан боғлаб, турли сўз ўйини комбинацияларини амалга ошириш иккиламчи, яъни сўз ўйини талаби ҳисобланади. Бунинг натижасида

матнда аллофроник унсурлар бир вақтнинг ўзида турли хил мазмунни англатиши билан бирга, бирдан ортиқ гап бўлаги вазифасини ҳам бажариб келган. Яъни: биринчи гапда моносемантик бирлик (“Навбахор” жамоаси номи) полисемантик бирликка айлантирилиб, *уйғониш фасли бўлган баҳорнинг кириб келганлиги* ҳақида хабар берилмоқда. Иккинчи гапда “Шўртан” жамоаси номи иккита компонентга ажратилиб, **“пешонангиз шўр”**, яъни *шўрпешона* – бахтсиз, бебахт (ЎТИЛ, 2007. III жилд, 253-бет) одамсиз; *тан оласизми* – эътироф қиласизми (ЎТИФЛ, 1978. 221-бет) дея “рақиб” танқид остига олинган. Натижада *шўр* – от-кесим, *тан оласизми* ибораси феъл-кесим вазифасида воқеланган. Учинчи гапда **“Шўртан”ни** (жамоа номи маъносида) бўлаги тўлдирувчи бўлиб келган ҳамда *шўр танни* (танаси шўр босган ўйинчиларни англатган ҳолда) сўзлар бирикуви бирикма ҳолида тўлдирувчи вазифасида қўлланган. Учинчи матнда **“Насаф”да кўринади гапи “Насаф” жамоасида кўринади** маъносида тасдиқни, *на сафда кўринади* гапи инкор юкламаси сифатида қаторда кўринмайди мазмунида инкорни ифодалашга хизмат қилган. Тўртинчи гапда **“Бунёдкор”** атамаси футбол жамоаси ҳамда меҳнат отряди номи маъноларида қўлланган. Бешинчи гапда *қизил қумга* бирикмаси пауза билан талаффуз этилса, аниқловчи+тўлдирувчи, тўхтамасиз талаффуз қилинса, ўрин ҳоли (қизилқумга) ва “Қизилқум” жамоаси маъносида тўлдирувчи вазифасида қўлланганлиги маълум бўлади. Олтинчи гапда “Металлург” жамоаси номини англатувчи атама иккига ажратилиб, гапда *метал* от-кесим, *ургиси келади* феъл-кесим вазифасида қўлланган. Кейинги гапда “Пахтакор” сўзидан **“пахта кор қилармиди”** гапи шакллантирилган. *Пахта қўйиш*, яъни мулозамат қилиш, *кўнгилчанлик биланиш олиб бориш кор қилармиди* – таъсир қилармиди (ЎТИЛ, 2006. II жилд, 407-бет) маъносида эга ва кесим вазифасида қўлланган. Шунингдек, ушбу гапда “Андижон” жамоаси номидан ўзига хос окказионал бирикма

ҳосил қилинган. Яъни контекстда **анди** – бошқа жойдан келиб ўрнашиб қолган; келгинди ёки таги, зоти наст (ЎТИЛ, 2006. I жилд, 84-бет) одам жамоани жон деб бошқариши ҳақида ахборот ҳам ифодаланган. Ушбу бирлик тўхтамсиз талаффуз этилганда, тўлдирувчи, пауза билан талаффуз қилинганда, эга+ҳол+кесим вазифасини бажарган бўлади. Саккизинчи гапда “жамоалар: “Машъал” ҳамда “Олмалиқ” (ниманидир) олиб келаётганлиги” (эга+эга+кесим) ҳамда “жамоалар машъални, олмани лиқ тўла олиб келаётганлиги” (эга+эга+тўлдирувчи+ҳол+кесим) пресуппозициялари юзага чиқарилган. Тўққизинчи гапда “Сементчи”, “Нефтчи” каби жамоалар номидан **-чи** компоненти ажратилган ва у сўроқ-таажжуб билдирувчи морфема – юклама сифатида қўлланган. “Қўқон” сўзи ҳам контекстда жой номини англлатган ҳолда ўрин холи ва жамоа номини англлатган ҳолда воситали тўлдирувчи бўлиб келмоқда. Ўн биринчи гапда сўз устаси Алижон ака матнда сўз ўйинининг гўзал бир кўринишини яратишга муваффақ бўлади. Гапда **эшаксиз** сўзи **безшак** маъносида ва **сиз эшшаксиз** маъносида қўлланганлиги, салбий муносабатнинг “рақиб”га нисбатан геминация, эмфатик урғу (ш ундошини қаватлаш) воситасида юзага чиқарилганлиги устанинг сўз қўллаш маҳорати юксак эканлигидан далолат беради. Шунингдек, ушбу гапда **тарактор** сўзи жамоанинг ҳамда техниканинг номини англлатишга хизмат қилмоқда. Худди шу каби кейинги гапларда ҳам **Харазм, Ғиждувон, Шердор, Оқтепа, Қосонсой, Орол** сўзлари футбол жамоалари номини ва жой номларини ифодалаб келган. Шунингдек, **Обод, Зомин, Ёзёвон лочинлари** ҳам матнда бирдан ортиқ ахборот ифодалаш учун сўз ўйини талаблари билан синтактик алоқага олиб кирилган.

Хуллас, аския санъати биргина мана шу жиҳатлари билан тилнинг “ўз қоидаларига эга бўлган ўйин” (Л.Витгенштейн) каби белгиларини ҳар томонлама намоён эта олади.

### 3.4.2. Сўз ўйинларини шакллантирувчи стилистик алоқа усуллари

Аския сўз ўйинига асосланган оғзаки жанр эканлиги учун, маълум бир стилистик мақсад талаблари асосида, асосан, талаффуз билан алоқадор сўз ўйинлари юзага чиқарилади. Натижада контекстда талаффуз билан алоқадор тарзда баҳо муносабати ифодаланиб, у сўз устасининг турли услубий мақсад ва ниятларини ифодаловчи нутқнинг экспрессив воситасига айланади. Шунга кўра, тил бирликларининг синтактик алоқаси натижасида юзага чиқувчи талаффуз билан алоқадор сўз ўйинининг турли кўринишларини таҳлил қилиш билан **сўз ўйини стилистикасининг** назарий ва амалий жиҳатлари юзасидан зарурий хулосалар қилиш мумкин. Масалан:

**Қодиржон ака:** Олимжон акани кўриб хурсанд бўлиб кетдим: **кал хат** олиб келди деб.

**Олимжон ака:** Тавба, бу – **ғоз** учмайди девдим, **бу** – **зоғ** ҳам учаркану!

**Иброҳимжон:** Уста Акбарбува икки гилограмм турпни олдиларига қўйвоптилар – **тўрғай** ман деб.

**Уста Акбар:** Турп **тўғраган улару**, менга дўқ урасиз, **кўр шапалоғим** деб.

*“Қушлар” пайрови. Аския. 31-бет.*

Юқорида келтирилган аския матнида қўлланган калхат, **ғоз**, **тўрғай**, **кўршапалак** каби бирликлар алоҳида олинганда, кушларнинг номини билдирувчи лексемалар ҳисобланади. Аскиячилар нутқида ушбу лексемалар бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда, одатдагидан бошқачароқ интонация – пауза билан талаффуз этилиб, бир неча маънони ифодалайди. Яъни **Қ о д и р ж о н а к а** нутқида **кал хат** пауза билан талаффуз этилса, **кал** – биринчидан, **бошнинг сочи тўкилган ери, иккинчидан, соч остида фасодли қасмоқ пайдо бўладиган ва сочни тўкиб юборадиган юқумли тери касалига йўлиққан киши** (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 359-бет), **хат** – **мактуб, нома** маъноларини билдиради. **Калхат** бир бутунлик сифатида

узлуксиз талаффуз этилса, *қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, катта йиртқич қўш; сор* (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 363-бет) маъноси англашилмоқда. **О л и м ж о н а к а** нутқида **бу – ғоз** ва **бу – зоғ** бирлиги кўрсатиш олмоши (бу) ва от сўз туркуми (ғоз, зоғ)нинг бирикувидан ҳосил бўлган иккита бутунлик сифатида пауза билан талаффуз этилса, “рақиб”ни **ғоз – ёвойи ёки хонакилаштирилган, бўйни узун, сувда сузувчи йирик қўш** (ЎТИЛ, 2008. 5-жилд, 452-бет) ҳамда **зоғ – қарға** (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 310-бет)га нисбат бериш мақсадида ишлатилган лисоний воситага айланиб, ироник мазмун ифодалашга хизмат қилади. Бундан ташқари, бу лексемалар орқали **бўғоз** (сўзлашув тилида ҳомиладор одамга нисбатан ишлатилади) ва **бузоқ** (сигирнинг боласи) ҳам назарда тутилади. **И б р о ҳ и м ж о н** нутқида **тўрғай ман** бирлиги *тўрғай* деган қўш – *чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласига мансуб кичкина сайроқи қўшларнинг умумий номи* (ЎТИЛ, 2008. 4-жилд, 246-бет)га ишора қилиш билан бирга, нутқий фаолиятда товуш ўзгариши – метатезага учраган *тўғрамоқ (кесиб, синдириб майдаламоқ, ушатмоқ)* маъносида ҳам ишлатилган. **У с т а А к б а р** нутқида эса, **кўр шапалоғим** бирлиги *кўрмоқ феъли ва шапалоқ (қўлнинг беш панжа ва кафтдан иборат қисми) сўзининг –им эгалик қўшимчаси (I шахс, бирлик) билан биргаликда беш панжа билан бетга уриладиган зарба, тарсаки* (ЎТИЛ, 2008. 4-жилд, 544-бет) маъносида танбеҳ бериш ҳамда *кўршапалак (ф-т кўршабпаррак – олдинги оёқлари қанотга айланган тунги сутэмизувчи ҳайвон* (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 421-бет) деган жонворни назарда тутган ҳолда, эркалаш маъносида қўлланилган.

Кўринадики, аскиячиларнинг мақсад-ниятини очиб беришда, уларнинг “рақиб”ига бўлган субъектив муносабатини юзага чиқаришда талаффузнинг аҳамияти катта бўлиб, уларнинг бундай чексиз имкониятлари сўз ўйинларидан иборат бўлувчи фақатгина аскияда намоён бўлади. Бу эса мазкур воситани аския матни доирасида маҳсус тадқиқ этиш эҳтиёжини туғдиради.

Аскияда фикр таъсирли бўлиши учун сўзловчи нутқнинг фонетик-интонацион воситаларининг семантик имкониятларини пухта эгалламоғи лозим. Яширин маъно ифодалашда интонация – овознинг баланд-пастлик, оҳангдорлик, тўхтам, урғу кабилар билан боғлиқ равишда юзага чиқаётган маъноларни тез илғаб, шунга муносиб жавоб қайтара олиши талаб этилади. Акс ҳолда, у сўзни турли мақсад ва кўринишларда қўллаш маҳорати борасида “рақиб”идан енгилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, аскиянинг давомийлиги ва таъсирчанлиги сўзловчининг тил имкониятларидан, унинг қонун-қоидаларидан қай даражада хабардорлиги билан боғлиқдир.

Сўзловчи ўз фикрини баён этишда, қўйилган мақсадни тўғри ёритишда оҳангдан унумли фойдаланади. Биргина сўзни турли оҳангда айтиш билан турлича маъно нозикликларини ифода этиш мумкин. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, анъанавий лингвистик таҳлилда 5 фонема, 2 бўғин, 1 морфема, 1 сўздан иборат бўлган **Аҳмад** сўзини жонли нутқда турлича талаффуз қилиш билан 16 хил маъно ифодалаш мумкин (*жавоб, савол, ундалма, ҳайратланиш, огоҳлантириш, қаҳр, таъна, жирканиш, юмшоқ сўкиш, ялиниш, ғурур, кўрқинч ва бошқалар*)<sup>170</sup>.

**Жўражон:** Ҳадеганда хирмондан келмайсиз, пахта ағдарасиз – ҳўл деб. Минг марта айтдим “**ҳой, қуруқ!**” деб.

*“Теримчилар” пайрови. Аския. 20-бет.*

Ушбу мисолда **қуруқ** лексемаси матн таркибида ўз маъноси (*қуруқ пахта*)дан ташқари кўчма (салбий) маънода *бирор фойдали иш-амали йўқ, бирор маъно чиқмайдиган* (ЎТИЛ, 2008. 5-жилд, 386-бет) кишига нисбатан ишлатилган. Мурожаат маъносида ишлатилган **ҳой** ундов сўзи эса ироник муносабатни янада кучайтириб, кесатиқ маъносини бўрттиришга хизмат қилган.

Аския жанри халқимизнинг закий эртаклари, лати-фалари, барқарор бирикмалари (мақол, матал ва иб-

<sup>170</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. Андижон, 1980. 5-бет.



ралари) таъсири остида ривож топди, қолипга тушди, бир сўз билан айтганда, халқ тилининг бой хазинаси унга куч бағишлаб турди.

Жумладан, ўзбек халқи орасида Насриддин Афанди латифалари кенг тарқалган. Бу латифаларда шундай муболағалар, ўхшатишлар, кўчма маъноли сўзлар, сўз ўйинлари, чандишлар борки, булар бевосита аския кўринишларидан иборатдир. Масалан:

“Афанди бир куни гаплашиб ўтириб аъламни: “Сиз аҳмоқ одамсиз”, деб қўйди. Аълам уни подшонинг олдига судради. Подшо Афандига бир қанча пўписа-сиёсатлар қилганидан кейин:

– Дарров узр айт. Сиз аҳмоқ одам эмассиз, кечирасиз, дегин, йўқса ҳозир жаллодни чақираман! – деди.

Афанди Аъламга қараб деди:

– Сиз аҳмоқ – одам эмассиз! Кечирасиз!..”

Демак, интонация элементларидан яна бири пауза бўлиб, у фикрга аниқлик киритишда муҳим роль ўйнайди. Пауза жумла охирида ёки жумла қисмлари орасида бўлади. Пауза ўрнининг ўзгариши жумла мазмунининг ҳам ўзгаришига олиб келади:

– Врач ўғлингиз шунақа каттами?!

– Врач? Ўғлингиз шунақа каттами?

– Врач, ўғлингиз шунақа каттами?

Мисоллардан кўринадики, биринчи жумлада интонация гапнинг охирида тугалланади. Иккинчи мисолда эса “врач” сўзидан кейин пауза (тўхтам) бор: жумла иккита гапга ажралган. Учинчи мисолда эса яна янги бир ҳолат. Натижада учала жумланинг мазмунан тенг эмаслиги яққол кўзга ташланади: биринчи нутқ парчасида, асосан, риторик сўроқ мазмуни; иккинчи нутқ парчасида унга қўшимча равишда ҳайратланиш маъноси ҳам қўшилган ҳолда ифодаланган; учинчи мисолда эса паузанинг ўзгариши гапдаги сўзларнинг синтактик алоқасини ўзгартириб юборган. “Врач” сўзи гапда ундалма вазифасида келган. Демак, паузанинг ўзгариши нутқ бирлиги элементларининг

синтактик функциясига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Пауза оғзаки нутқда бир оз тўхташ орқали, ёзма нутқда эса тиниш белгилари ёрдамида ифода этилади. Пауза орқали ҳам тагмаъно ифодалаш мумкин. Пауза, айниқса, аскияда тагмаъно ифодаланишида, унга ишора қилинишида катта ёрдам беради:

**Олимжон ака:** Қодиржон ака **ҳаққушлар**, осмонда парвоз қилиб юрсалар, ана **бағриқора** деманг яна.

*“Қушлар” пайрови. Аския. 31-бет.*

Ушбу нутқнинг ёзма матнида тиниш белгисини турли жойда қўллаш билан субъектив муносабатнинг турлича кўринишда ифодаланганлигини кўришимиз мумкин:

1. Агар вергул **Қодиржон ака** сўзидан сўнг қўйилса, **Қодиржон ака** ундалма вазифасида келиб, осмонда ҳаққушлар парвоз қилиб юргани ҳақида хабар берилган бўлади.

2. Агар вергул **ҳақ** сўзидан сўнг қўйилса, Қодиржон аканинг ҳақлиги, тўғрилиги таъкидланган бўлиб, осмонда қандайдир қушлар парвоз қилиб юрганлиги англашилади.

3. Агар вергул аския матнидаги каби ҳаққушлар сўзидан сўнг ишлатилса, Қодиржон аканинг **ҳаққуш** – узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига кирувчи парранда (ЎТИЛ, 2008. 5-жилд, 523-бет)га ўхшатилганлиги маълум бўлади ва осмонда Қодиржон аканинг парвоз қилиб юргандаги ҳолатига ишора қилинади.

Бундай мисолларни аскиячилар нутқидан жуда кўп келтириш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда, субъектив баҳо ифодалашга хизмат қилаётган лисоний бирликлар айнан аскиячилар нутқида қўлланганда, ўзида бир қанча лингвистик ҳодисаларни қамраб олади. Чунки аския тил бойлигини намоён қилувчи жуда кўп ички имкониятларни ўзида мужассамлаштира оладиган бадий сўз ўйини ҳисобланади. Бундай лингвистик ҳодисалар қаторига оҳанг, пауза, урғу ҳамда омоним, омофон, омограф, кўчим, кўп маъноли сўзларни

киритиш мумкин. Мазкур ҳодисаларнинг бир нечаси аскиячи нутқида бир пайтнинг ўзида ифодаланиши ҳам мумкинки, бу ҳолат лингвистик ҳодисаларнинг изоҳи масаласида бир мунча қийинчиликлар туғдириши табиий. Масалан:

**Маҳмуджо:** Меҳмонлар келишидан икки кун илгари узиб қўйган экансиз, эзилиб қолибти. Ижроқўмбува, мана бунинг ҳам шираси чиқиб қолибти.

*“Боғбончилик” пайрови. Аския. 40-бет.*

Матнда такрорланган сўзларни бириктириш эвазига яширин ахборот ифодаланган бўлиб, агар “Боғбончилик” пайрови матни талаби бўйича қўлланган **шира** сўзи олдидан **ҳам** сўзи қўлланмаса, шунчаки ахборот ташувчи лисоний бирлик сифатида нутқни шакллантиришга хизмат қилар эди, холос. Бундай вазиятда мазкур бирлик сўз ўйини воситаси ҳисобланмас эди, нутқда сўз ўйини ҳам ифодаланмас эди. Шу боис, иллокутив акт (яширин ифода) гарчи устсегмент бирликлар ёрдамида юзага чиқаётган бўлса-да, умумий мазмуннинг синтактик алоқа ёрдами билан ифодаланаётганлиги ушбу усул ва воситаларга фоностилистик ёки фонопрагматик восита сифатида эмас, балки синтактик ҳодиса сифатида қарашга асос бўлади. Шунга кўра, фонетиканинг интонацияга бағишланган қисми синтактик фонетика деб ҳам юритилади. Чунки нутқни шакллантирадиган, бир бутун қиладиган интонацион воситалар – мелодика, урғу ва паузалар, асосан, синтактик вазифани бажаради. Яъни синтактик ҳолатларни ифодалайди: гапдаги тугалликни билдириш, гапнинг ичидаги логик-грамматик бўлинишларни, қисмларнинг ўзаро муносабатини кўрсатиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Аскиячиликда **сўз ўйинлари амфиболия ҳодисасига асосланади**. Амфиболия (юнонча *amphibolia* – *икки томонламалик*, *икки маънолилик*, “икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги”) матнда мақсадли тарзда юзага чиқарилади. Сўз ўйинининг

фоностилистик алоқа усули эса матн таркибида турлича талқин қилинадиган амфиболиянинг мақсадли бир кўриниши ҳисобланади. Унда нотикнинг коммуникатив нияти атайлаб сўз ўйинини юзага чиқаришдан иборат бўлади. Бунинг учун фоностилистик восита орқали синтактик алоқа таъминланади. Бундай алоқа прагматик омил сифатида намоён бўлиши билан одатдаги синтактик алоқадан фарқ қилади. Бунинг натижасида матнда сўз ўйини шаклий ва мазмуний ранг-баранглик касб этади. Алоқанинг шартли равишда олинган бу тури аскиячилар нутқида икки хил усулда намоён бўлади: бир бутунликни бўлиш ёки бунинг акси сифатида: икки бутунликни қўшиш орқали. Яъни сўз усталари сўз ўйини қилиш учун аслида бир бутунлик ҳисобланган сўзни пауза билан талаффуз қилиб, сунъий равишда қисмларга ажратиб, иккига бўладилар ёки уларни қўшиш орқали синтактик алоқани таъминлашга уринадилар. Баъзи ҳолларда аскиячилар бир мавзунини атрофлича ёритиш мақсадида ҳар иккала усулдан бир вақтнинг ўзида фойдаланишлари ҳам мумкин. Бу ҳолат нутқ бирлиги элементлари синтактик функциясининг ўзгаришига сабаб бўлиб, контекстда эса баъзида омофон, омоним ёки эмфатик урғуга ўхшаб кетиши мумкин. Лекин бизнингча, субъектив муносабатнинг бу турини сўз ўйинининг фоностилистик алоқа усули деб аташ мақсадга мувофиқдир. Масалан:

**Расул қори:** Ҳо ўртоқ бригадирлар, гаплашавериб сувсаб қолмадингларми?! **Чанг қоқ** дейми Турсунбувага!

*“Чорвачилик” пайриви. Аския. 27-бет.*

Аскиячилар нутқида **чанг қоқ** бирлиги **чанқоқ** – *сувга ташна, сувталаб, сувсаган; сувсираган* (ЎТИЛ, 2008. 4-жилд, 457-бет) киши ҳамда **чанг қоқ** сўзининг асл маъноси *майда зарра, кукун ҳолидаги тупроқ ёки бошқа моддалар; гард, тўзон* (ЎТИЛ, 2008. 4-жилд, 453-бет)ни **қоқмоқ** (ўқотмоқ) бўлса, унинг контекстуал маъноси **адабини бермоқ** – *қилмишига яраша жазоламоқ* (ЎТИФЛ, 1978. 24-бет), *боплаб танқид қилмоқ, астар-пахтасини*

ағдармоқ мазмунидаги нўстагини қоқмоқ (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 609-бет; ЎТИФЛ, 1978. 209-бет) иборасининг аскиячи нутқидаги варианты сифатида ишлатилган. Шу билан бирга, контекстда чанқоқ ва чанг қоқ ўзаро омофон (талаффуздаги тенглик) ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, аскияда тил birlikлари ифода планининг икки томони, яъни талаффуз ва ёзувда акс этиши оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида омонимия, омофон, омографларни ҳам шакллантириши мумкин. Бундай birlikлар сўзловчи талаби билан аниқ мақсад асосида ишлатилиб, фонетик-услубий воситалар (суперсегмент: оҳанг, пауза, урғу) билан бевосита алоқадорликда юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, мазкур мисолларни турли сатҳ нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш лингвистик ҳодисанинг семантик табиатини тўлиқроқ очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги мисол таҳлили ҳам фикримизга янада аниқлик киритишга хизмат қилади:

**Ғойибжон:** Пахтада чарм чопон кийиб, у ёқдан-бу ёққа чопиб юрибсиз **тери** – **шимни** кўр деб.

*“Теримчилар” пайриви. Аския. 20-бет.*

Ўзбекча тер омоифодаси остига иккита сўзформа бирлашади: **тер I** – “тери ости безлари ишлаб чиқарадиган рангсиз суюқлик” от лексемасининг birlik, бош келишиқдаги формаси, **тер II** – “битталаб йиғиб ол” феъл лексемасининг аниқ даража, бўлишли, буйруқ майлининг II шахс бирлигидаги формаси. Демак, **тер I** билан **тер II** ўзаро омосўзформалар<sup>171</sup>. Бунга -и фонемасининг қўшилиши билан **тери** – “матонинг тури”, *шим* лексемаси билан бирикканида **тери шим** – “теридан тикилган шим” ва -им эгалик қўшимчаси *термоқ* феъли билан бирга теримчиларнинг асосий машғулоти бўлган пахта териш ифодасини ҳам юзага чиқаради. Бу эса суперсегмент элементларнинг вазифаси билан бевосита боғлиқ ҳолда аниқланадиган семик ифода ҳисобланади.

<sup>171</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 6-бет.

Фоностилистик алоқа усулида бирликларни бирлаштириш орқали бир бутунликка айлантиришдан кўра бутунликни бўлиш кўп учрайди. Шунинг билан бирга товуш ўзгариши асосида уларга қўшимча услубий вазифа (ўйин) юклаш ўткир лисоний мушоҳададан далолат беради. Қуйидаги аския матнлари фикримизга мисол бўла олади:

**Расулжон:** Ҳали қўлингиз улоққа теккани йўғу, бизни қантариб ҳам қўясиз. Бу гапингизни бирорта қирқинчи қолхоз раисига айтинг, у – **лаққа, тушади.**

*“Улоқчилар” пайрови. Аския. 21-бет.*

Ушбу мисолда фоностилистик алоқа усулининг бўлиниш тури орқали сўз ўйини + прагматик маъно + пресуппозиция + субъектив муносабат эвфоник усулда ифодаланган. Яъни **улоқ** – ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат миллий спорт ўйини; кўпқари (ЎТИЛ, 2008. 4-жилд, 279-бет) – сўзидаги у товушининг пауза билан ажратилиши, иккинчи бўғиндаги о товушининг а товуши билан алмашиши, -қа жўналиш келишиги қўшимчасининг қўшилиши натижасида лаққа сўзига айланиб, сўнг шужойда паузанинг ишлатилиши билан суриштирмасдан, ўйлаб кўрмасдан, осонгина алданадиган одам маъносини англаш мумкин. Бундан ташқари, бундай лисоний тежамкорлик асосидаги сўз ўйинида нутқ бирлиги элементларининг синтактик вазифаси ҳам ўзгаради. Мазкур мисолда аскиячи нутқидаги улоқ сўзининг синтактик вазифаси ҳам ўзгарган: яъни у – кишилик олмошига айланиб, эга вазифасида, лаққа – отлашган равишга айланиб, ундалма ёки тушади сўзи билан бирга кесим вазифасида келмоқда.

Қуйидаги аскияда эса фоностилистик алоқа усулининг бўлиш ва бирлаштириш ҳамда ҳар иккала ҳолатнинг юзага чиқишини кўришимиз мумкин:

**Мамарозиқ ака:** Энди мева-чевалар мўл-кўл бўлиб қолди, еяверинг, илгари **анор хонга** бериларди.

**Ғойиб ака:** Бизга анорни кўрсатиб, **ол мурид** деманг.

**Мамарозиқ ака:** Боққа зап келиб қолибсиз, нима хоҳласангиз ўшандан олаверинг, бағи деҳқончилик – **ол, Ҳиротдан** келгани йўқ.

**Ғойиб ака:** Меҳмон Ҳиротдан келган деб, жонига қўймай қистайверсангиз-а: **ол ич-а, ол ич-а**, деб.

**Ғойиб ака:** Боғбон ака, гапингиз **жийда чўпга** ўхшайди, қани **ишком** жойга ўтайлик.

**Мамарозиқ ака:** **Иш кам** деб юмалоқ бўлиб ётиб олсангиз-а?!

*“Мева” аскияси. Аския. 38-бет.*

**Анор хонга** бирикмаси ҳамда **ол мурид** бирлигида, улар гарчи ажратиб ёзилган бўлса ҳам, фоностилистик алоқа усулининг бўлиш ва бирлаштириш ҳолати ўз ифодасини топаётганлиги прагматик контекстда ойдинлашади. Яъни нутқий вазиятда шакл ва мазмун жиҳатдан мева-чевалар **Анорхонга** ҳам берилиши, **анор** эса **хонга** берилиши ҳам бирдек назарда тутилганлигининг ифодаси аён бўлмоқда. Демак, бу усулларни аниқлашда гапнинг мазмуний ва шаклий ифодасини эътиборга олиш лозим бўлади.

**Ол ича-а, ол ич-а** сўзларида эса бирлаштириш биринчи планга чиққан. Бунини аниқлаш (олича→ол ича=от→феълми ёки **ол ича**→олича=феъл→отми) бир оз мушкул бўлса-да, прагматик контекстнинг шаклий мазмуни ҳаракатни ифодалаётганлиги, ҳаракат семаси биринчи планга чиқаётганлигини эътиборга олиб, бирлаштириш усулига алоқадор деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Бундай вазиятни, яъни фоностилистик алоқанинг турини (бўлиш ёки бирлаштириш) аниқлашда энг мақбул йўл пайров талаби (мавзу доирасида сўз қўллаш)ни бирламчи мақсад сифатида белгилаб, қолган ифодаларга иккаламчи – сўз ўйини талаби сифатида ёндашсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Анорхон** – аёл кишининг исми, унга қўшилган хон ҳурмат маъносида.

**Анор хон** – **анордошларга мансуб, кичикроқ дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимликнинг**

ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 87-бет) ҳамда **хон** – туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 410-бет).

**Ол мурид** – нарсани ўшлаб ёки бирор нарса билан қўлга киритмоқ маъносидаги **олмоқ** феъли (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 533-бет) ҳамда **мурид** – арабча диний атама, руҳоний, устоз, эшон, пирнинг шогирди, мухлиси (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 481-бет) маъносида.

**Олмурут** – диалектал сўз – нок (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 534-бет).

**Ол ича-а** – нарсани ўшлаб ёки бирор нарса билан қўлга киритмоқ маъносидаги **олмоқ** феъли (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 533-бет) ҳамда суюқликни хўлаб ёки шимириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 343-бет).

**Олча** – атиргуллар оиласига мансуб мевали дарахтнинг данакли, юмалоқ нордон мевасини ифодаловчи **форс-тожикча** сўз (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 535-бет).

Бундан ташқари **ол мурид** – **олмурут** сўзида товуш алмашиши, ол **ича-олча** сўзида эса товуш ортиши ҳодисасини учратиш мумкин.

Ғоиб ака нутқида **жийда чўп** – барги узун, гули хушбўй мевали **дарахт** (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 278-бет) шохининг бўлагини ифодалаш билан бирга, контекстда аслида **жуда** – равиш сўз туркумига мансуб **ортиқ**, **ниҳоят даражада**, **ҳаддан ташқари ғоят**; **ниҳоятда**, **бениҳоя** (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 290-бет) сўзларига синоним сифатида ишлатилиб, **чўп** сўзи билан бирга сўзлашув нутқида **жуда ёлғон**, **чўпчак** (тўқима афсона) пресуппозицияларига ишора этилаёганлиги ойдинлашмоқда. Бирикманинг бу маъноси эса, бизнингча, луғатларда берилмаган. **Ишком** сўзи эса **тоқларни қўтариб қўйиш учун поя ва бағазлардан қўрилган арксимон сўри** (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 344-бет) ҳамда товуш ўзгаришига учраган **иш кам** – **ишнинг оз миқдори** маъносида ишлатилган. Сўзнинг бу маъноси эса Мамарозиқ ака нутқида айнан **иш кам** тарзида янада



очиб берилади ва, шу билан бирга, унинг контекстдаги ахборот ифодалаш вазифаси ҳам ортади. Яъни ушбу сўзни индивидуал-стилистик неологизм сифатида форс-тожик тилидаги **ишкам** – *қорин* (заёфат) маъносида ҳам тушуниш мумкин. Лекин бундай контекстуал маъно Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида учрамайди.

Хуллас, *имкониятлар хазинаси* ҳисобланган аскиянинг сермахсул ва қизиқарли усуллари билан бири сифатида талаффуз билан алоқадор сўз ўйинлари нутқнинг зийнати намоён этиши билан бирга, сўзга чечанларнинг сўз қўллаш билан боғлиқ нозик лингвистик маҳоратини белгилаб беради.

### 3.4.3. *Ўхшатиш ва метафора*

Ўзбек тилшунослигида кўчимлар орасида лексик маъно тараққиёти йўллари билан бири бўлган ўхшатиш<sup>172</sup> ва метафора<sup>173</sup> махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлиб, улар сўзнинг узуал ёки окказионал маъно доирасида ҳосил қилиниши таъкидланади. Кўчимлар бадий матн доирасида талқин қилинганда кўпроқ уларнинг моҳиятига (объективликдан чекинмаган ҳолда) субъективлик нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Чунки ёзувчи (субъект)нинг объектга шахсий муносабати, дунёқараши, баҳолашдан кутилган бадий нияти ва мақсади кўчимларда ўз инъикосини топади.

**Ўхшатиш** деб “икки нарса ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброқ ифодалаш”<sup>174</sup>га айтилади. Ўхшатишлар энг қадимий тасвирий воситалардан бири сифатида нутқимизни, айниқса, бадий адабиёт тилини

<sup>172</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Тошкент: Фан, 1976. 88-бет.

<sup>173</sup> Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фанлари ном. дисс...автореф. Ташкент, 2000. 2-бет.

<sup>174</sup> Йўлдашев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Тошкент, 2008. 85-бет.

безашда, тасвирнинг аниқлиги ва образлилигини таъминлашда фойдаланиб келинади. Бадий матндаги ўхшатишли қурилмалар текширилганда, уларни анъанавий ва хусусий-муаллиф ўхшатишлари сифатида таснифлаш керак бўлади<sup>175</sup>. Анъанавий ўхшатишлар оғзаки нутқда кўп ишлатиладиган, шу сабабдан таъсирчанлигини йўқотган ўхшатишлардир. Масалан, тулкидай айёр, тошдай қаттиқ, юзлари ойдек... Аслида кўп такрорланиши туфайли “сийқаси чиққан” деб баҳоланадиган бундай қурилмаларни тасвирийлик, образлилик мақсадига хизмат қилдириш нутқ муаллифининг маҳоратига боғлиқ. Хусусий-муаллиф ўхшатишлари муаллифнинг ўз нигоҳи, кузатувчанлиги, бадий тахайюли, аналогия қуввати асосида халқ тилидан фойдаланган ҳолда яратган ўхшатишларидир. Бундай ўхшатишларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамisha ёрқин ифодаланган бўлади. Масалан, аскиячиларнинг ўхшатишга қанчалик аҳамият беришларини Комил Қори Қулижонов билан Ака Бухор Зокиров ижросидаги “Олма-анор”, “Парранда” пайровларидан олинган қуйидаги мисолда аниқ кўриш мумкин:

**Комил қори:** *Нарига қочма, беҳи кел, Бухоржон.*

**Ака Бухор:** Бор-ей. Ариққа тушиб кетдим, керак бўлсам, ўзинг келиб йиғиштириб ол мани.

**Комил қори:** Тезроқ кела қолгин, сен ўзинг қип-қизил аноримсан...

**Ака Бухор:** Кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи, нодон, мунча бой ўғлидай кеккаясан.

**Комил қори:** Айбимни топиб гапирдинг лак-лак, раҳмат сенга...

Мазкур мисолдан кўринадики, аския матнида бир сўз, бир ибора, кўпинча, бир неча маънода келади. Масалан, аскиячи ҳарифи (“рақиб”)ни “бой ўғли”га ўхшатиш билан икки томонлама танқид остига олади: биринчидан, унинг характерида бўлган кеккайишини кўрсатиш учун бойнинг

<sup>175</sup> Йўлдашев М. Кўрсатилган асар. 85-бет.

ўғлига, иккинчидан, унинг ёқимсизлиги ва бефайзлигини кушга – бой ўғлига ўхшатади.

Аскиячиликда ўхшатиш мазмуни “*Ўхшатдим*” аскиясида яққолроқ англашилади. Унда икки аскиячи бир-бирини бирон буюм ёки жониворга ўхшатади. Шунингдек, “рақиб”нинг характери, кирди-корлари, қилган ишлари ҳамда камчиликлари ҳажв остига олиниб, ўхшатиш воситасида юзага чиқарилади:

**Насриддин:** Эшон, ҳо Эшон, сизни ўхшатдим.

**Одилхўжа:** Кимга?

**Насриддин:** Мусобақа комиссияларига кўринмай чап бериб юрган бригадирга.

**Одилхўжа:** Нима қилардим?

**Насриддин:** Ғўза парвариши айни қизгин чоғларда шаҳарда қовун тушириб юардингиз.

**Одилхўжа:** Насриддин ука, мен ҳам сизни ўхшатдим.

**Насриддин:** Кимга?

**Одилхўжа:** Мажлизда кўлини кўкрагига уриб, оғзини кўпиртирган звено бошлиғимизга.

**Насриддин:** Нима қилардим?

**Одилхўжа:** Ваъдам қоп-қопу, мени соя-салқиндан топ деб юардингиз.

**Насриддин:** Сизни бир кишига ўхшатайми?

**Одилхўжа:** Кимга?

**Насриддин:** Вақти-бемаҳал хуррак отадиган миробимизга.

**Одилхўжа:** Нима қилардим?

**Насриддин:** Ғўзани сувга бостириб юбориб, кечаси суғориш мана бунақа бўлади деб, тут тагида хуштак чалиб уйкуга зеб берардингиз.

**Одилхўжа:** Чидасангиз, мен ҳам ўхшатаман.

**Насриддин:** Кимга?

**Одилхўжа:** Маҳсулот берадиган омборчимизга.

**Насриддин:** Хайр, нима учун?

**Одилхўжа:** Тақсимот ведомости бу ёқда қолиб, раисдан бир парча хат кутиб ўтираверардингиз.

**Насриддин:** Ўхшатайми?

**Одилхўжа:** Яна кимга?

**Насриддин:** Универсалчимизга.

**Одилхўжа:** Нима қилардим?

**Насриддин:** Пахта йиғим-терими яқинлашиб қолса ҳам, машинангизни ремонт қилмай, **дўппингизни яримта** қилиб юраверардингиз.

Аския матнларининг бошқа бир бадий матнлардан фарқли хусусияти шундаки, унда аскиячилар турли воситалар ёрдамида сўз ўйинлари қилишга асосий эътиборини қаратадилар. Бу эса, тил бирликларининг матнда турли маъноларда ифодаланишини намоён этади.

Ўхшатиш асосида сўз ўйинлари ҳосил қилишда нафақат семантик жиҳатдан, балки лексеманинг шаклий ўхшашлигига асосланиб, сўз ўйинининг ўзига хос ифодасини яратиш аскиячиларнинг асосий диққат марказида бўлади:

**Қодиржон ака:** Астойдил ишляпман дейсизу, лекин кам-кустларингиз ҳали кўп, ўзим текшириб кўраман – **кал бура тур!**

**Турсунбува:** Менинг ишимни нуқул қоронғуда текширасиз-а! Яхшироқ кўринг деб, ё **свичка** қўйиб берайми?!

*“Трактор” пайрови. Аския. 44-бет.*

Ушбу мисолдаги **кал бура тур** бирлигининг ҳосила маъноси тракторнинг қурилмаси бўлган карбюратор лексемасига шаклий-ифодавий ўхшашлик асосида юзага чиқарилган.

Базан турли жонзотлар ва уларнинг овозига тақлид қилиб ўхшатиш юзага чиқарилади:

**Турсунбува:** Пахта терими нормангизни нега бажармайсиз десам, эски **“вавағ”** экансиз-да.

**Қодиржон ака:** Ўзлари қора тахтани кўноққа айлантириб оладилар-у, яна бизга **тул**даклик қиладилар.

*“Пахтачилик” пайрови. Аския. 18-бет.*

Пайров матнида ишлатилаётган **вавағ, туллак** сўзлари кўчма маънода қўлланган бўлиб, иш ўрнига гап сотадиган

дангасаларнинг сафсатаси бедана сайрашига ўхшашлигини ҳамда ўта муғамбир, айёр кимсалар туллак бедана каби эканлигини таъкидлаш учун хизмат қилмоқда.

Маълумки, ҳосила маъно бир неча йўл билан вужудга келади: метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик каби. Ҳосила маъно тўғри, бош маънолар асосида пайдо бўлади.

Метафоралар кўчим турлари орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, улар ўз хусусиятига кўра доимий ва индивидуал метафораларга бўлинади. Аскиячилар индивидуал метафоралар яратишда от, сифат, феъл туркумига оид лексемалардан унумли фойдаланадилар. Жумладан, от-метафоралардан ўз идеолектида реаллашган хусусий яширин маъноларни имплицит тарзда ифодалашда, таъсирчан, образли ифодалар яратишда; сифат-метафораларнинг коннотатив маъноларидан аскиячиларнинг характер-хусусияти, сийрат ва суратини тасвирлашда, асар композициясида воқеалар ривожиди ечилувчи мавҳум конситуацияга ишора қилувчи тугун ҳосил қилишда ва бадий-ғоявийликка эришишда; феъл-метафоралардан воқеа-ҳодисанинг интенсивлигини оширишда, “рақиб” аскиячининг характер-хусусиятига имплицит ишора қилишда таъсирчан омил сифатида қўллаб, ўз нутқининг тасвирийлигини, экспрессивлигини, бадий-эстетик қувватини оширишга мувафّفқ бўладилар.

Метафоралар энг кўп ижодийликни талаб этиши билан бошқа бадий тасвир воситаларидан фарқ қилади. Метафора яратиш аскиячидан кенг дунёқараш, олам ва одам ҳақида чуқур фикр юрита олиш, руҳият ва табиатни яхши билишни талаб этади. Метафора образнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг руҳий оламида кечаётган ҳолатларни тингловчи ёки “рақиб”и кутмаган фавқулодда бадий ҳукм асосида тасвирлаш ёки ифодалашга йўл очади:

**Мамарозиқ ака:** Ғойиб ака, у кунни Риштонга бориб қандай ўрик еб келдингиз?

**Ғойиб ака:** Қандай ўрик ейман ахир, сиз боғнинг ўртасида туриб: **олма-олма** дейсизу!

**Мамарозиқ ака:** Сўраб енг-да, ёқмаса **анжир** қилиб қўяман // Анжирнинг япалоқ шаклига ишора: “пачағингни чиқараман”, “пачақ қилиб қўяман” мазмунида.

*“Мева” пайрови. Аския. 37-бет.*

Берилган жумладаги **анжир** лексемаси метафорик маънода қўлланган бўлиб, унинг семема структураси қуйидагича:

**анжир** – а) истеъмом қилинадиган мева); б) япалоқҳолатда; в) сариқ рангли; г) мазали, ёқимли; д) физиологик ҳолат ва ҳ.к. Бунда а сема **анжир** лексемасининг генетик семаси ҳисобланади. Метафорик ҳосила маънонинг юзага чиқишида б, в, д семалар асос бўлиб хизмат қилган ҳамда бадий мазмун ифодаланишида поэтик актуаллашган. Аскиячи инсон феноменининг ташқи қиёфасини тасвирлашда ўзига хос йўл тутлади. Яъни “рақиб”ига нисбатан субъектив муносабатини образли тасвирлашда анжир лексемасини салбий прагматик мақсадда қўллаб, “рақиб”нинг салбий кўринишга эга бўлиши ҳолатини мева номи (“Мева” пайрови эканлиги учун) билан ифодалаганки, беихтиёр тингловчида Ғойиб аканинг қиёфасига нисбатан комик вазиятлар пайдо бўлади, беғараз кулишга мажбур бўлади.

**Мамарозиқ ака:** Боққа келганингиздан кейин кайфиятингиз чоғ бўлиб кетсин-да, **қуруқ ёнғоқ**ни нима қиласиз!

**Ғойиб ака:** Одам деган меҳмоннинг олдида ҳадеб гапираверадими, **оғзи очик пистага** ўхшаб!

**Мамарозиқ ака:** Иззат қилиб меҳмон **ер ёнғоқ** девдим-да.

**Ғойиб ака:** Боғбон ака, гапингиз **жийда чўпга** ўхшайди, қани **ишқом** жойга ўтайлик.

**Мамарозиқ ака:** **Иш кам** деб юмалоқ бўлиб ётиб олсангиз-а?!

**Ғойиб ака:** Узумзорга кирайлик дедам бўлмайди, дили **каптар**дай ўйнайди.

*“Мева” пайрови. Аския. 38-бет.*

Ушбу мисолдаги *қуруқ ёнғоқ, оғзи очиқ писта, ер ёнғоқ, каптардай* каби кўчма маънода қўлланилган сўзлар ўхшатиш, метафорага мисол бўла олади. Аскиячилар тасвир объектига тингловчини яқинлаштириш, воқеликнинг англанишини осонлаштириш ва қуруқ-рангсиз ифодадан қочиш учун ҳам мазкур усулларга мурожаат қилганлар. Шунингдек, *ишком* ва *ишкам* сўзларидан паронимазия, ***иш кам*** ва ***ишкам*** сўзларидан омонимия (*иш оз* маъноси ҳамда форс-тожикча сўз бўлган *ишкам* – *қорин* маъноси) ҳодисаси юзага чиқарилган.

## Атамаларга асосланган сўз ўйинлари

4.1. Атамаларга  
асосланган сўз  
ўйинлари

4.2. Шахс номлари  
иштирокидаги  
сўз ўйинлари

4.3. Жой номларига  
асосланган  
сўз ўйинлари



4-БОБ



## 4-БОБ. АТАМАЛАРГА АСОСЛАНГАН СЎЗ ЎЙИНЛАРИ

### 4.1. Атамаларга асосланган сўз ўйинлари

Пайровлар матни атамалар билан атамабозлик ўйинларига асосланиб шакллантиралади. Яъни матнда атамалар ёрдамида рангба-ранг сўз ўйини ҳосил қилинади ва шу тариқа турли коммуникатив ният баён этилади. Бунинг учун дастлаб пайров мавзуси танлаб олинади ва сўнгра мавзу доирасида атамалар қўллашга, улар ёрдамида меърий чекинишлар қилишга асосий эътибор қаратилади.

Аскиячилик соҳасида яратилган пайровлар мисолида атамаларни қуйидаги мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Спорт соҳасига доир атамалар.
2. Санъатга оид атамалар.
3. Тиббиётга доир атамалар.
4. Фан-техникага оид атамалар.
5. Шахс номлари.
6. Жой номлари.
7. Бадий асарлар номи.
8. Гуллар номи.
9. Мевалар номи.
10. Таомлар номи.
11. Матолар номи.
12. Полиз маҳсулотлари номи.
13. Парранда ва ҳашаротлар номи ва бошқалар.

Атамалар фан-техника ёки илмий соҳага оид терминлар ҳамда бирор-бир касб ёки соҳага оид атамалардан иборат бўлади. Биринчи турини терминлар деб, иккинчи турини атамалар деб шартли номлаш тўғрироқ бўлар эди. Фан техника ёки илмий соҳага оид атамалар чегараланган лексика сифатида баъзан тушунарсиз ҳам бўлади. Атамалар эса барча учун тушунарли бўлади, чунки улар доим ҳаётий истеъмолда бўлади. Масалан:

**Исҳоқжон:** Жўртгага луқма солдим-да, қарасам, гапнинг эгасини айтасизу, кесимига ҳайрон бўлиб турибсиз.

*“Тил” пайрови. Аския. 65-бет.*

“Тил” пайровидан олинган матнда қўлланган тилшуносликка доир терминлар (*эга, кесим*) фақат шу соҳа вакиллари учунгина тушунарли бўлиши мумкин. Лекин “Футбол” пайровидан олинган куйидаги матндаги **оширмоқ** ва **тепмоқ** атамалари барча учун бирдек тушунарли бўлади:

**Ҳусанхон:** Комилжон ака, минг қилса ҳам иккимиз **тепишиб** катта бўлганмиз, сизнинг футболчилигингизга қойил эмасман, ҳозиргача ақалли **оширишни** ҳам билмайсиз.

*“Футбол” пайрови. Аския. 73-бет.*

Терминлар илмий коммуникациядан жонли сўзлашувга ўтганда, халқ учун тушунарли сўзларга айлана боради. Атамалар эса майиший ҳаётда қўп қўлланиши боис барча учун тушунарли бўлади. Аскиячилар томонидан терминлар (атамалар ҳам) тушунарли тарзда ишлатилмаса, тингловчилар унинг мазмунини тушунмайди, сўз ўйинининг моҳиятини англаб етмайди, аскиядан завқ олмайди.

Аскиябозлар моносемантик бирлик ҳисобланган терминларни нутқда полисемантик бирликка айлантириб, уларни бадий тасвир воситаси сифатида қўллайдилар. Шу тариқа сўз ўйини вужудга келади ҳамда нутқий коммуникация жараёнида атамабозлик ўзига хос тарзда тобора авж нуқтага олиб чиқилади. Бу эса ким узарга асосланган мусобақага сабаб бўлади.

Атамалар нутқда сўз ўйини воситаси бўлиши учун бирдан ортиқ ахборот ифодалаши, турли мақсад ва ниятни ҳамда бир неча лингвистик ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган, турлича талқин қилинадиган аллофроник ва амфиболик унсурлардан иборат бўлиши лозим. Фикримизнинг исботи сифатида “Дурадгорлик” пайрови матнини келтиришнинг ўзи кифоя қилади:

**Ҳасанжон:** Тоҳиржон, чопиб келганингиздан **теша тегмаган** гаплар топганга ўхшайсиз. Сизнинг лутфчи эканлигингизни қишлоқдагилар ҳам биладими, дейман, келиб ўтиришибди, ўтган сафар **ром** бўлганмиз деб.

**Тоҳиржон:** Тўғридиру, сизнинг ҳам **рандаланган** гапларингиз иштиёқида келишгандир.

**Ҳасанжон:** Буларнинг келишидан хурсандман. Аммо тунов куни сиздан енгилиб кетган давангирдан хавотирдаман, оёғингизга **болта** урадимидеб.

**Тоҳиржон:** Колхоз дурадгорлари бригадаларга чиқмай, нуқул раисникида **пол** очишади-я.

**Ҳасанжон:** Ўзингиз шунақасиз, **эшиқдан** кирмай, тешиқдан танқид қиласиз. Пармали гаплар сизда ҳам **купми** дейман-а?

**Тоҳиржон:** Ҳа, майли, бу ёғига хафа бўлманг. Танқид қилсам, дўстингизман-да. Комиссия келиб элак-элак қилса ҳам нима қилардингиз. Ишингиз остин-устун бўлади-кетади.

**Ҳасанжон:** Комиссия камчиликларни кўрсатгани яхши, ишга фойдаси тегади. Сиз бўлсангиз комиссия келганда ўзингизни понага оласиз.

**Тоҳиржон:** Турайлик энди, иш вақти ҳам бўлиб қопти. Анча кулишдик, янги учрашган **ошиқ-маъшуқлардай**.

*“Дурадгорлик” пайрови. Аския. 70–71-бет.*

Матнда фонопрагматик восита (а), пароним сўз (б), окказионал ҳосила (в), лисоний табдил (г), омоним сўз (д), ибора (е), полисемантик ва полифункционал сўз (е), метафора (ё), пресуппозиция (ж), амфиболия (з), ироник восита (и) кабилардан фойдаланилган ҳамда уларга алоқадор қуйидаги лингвистик ҳолатлар дурадгорлик соҳасига оид атамалар ёрдамида юзага чиқарилган: а) фонопрагматик ўйин дурадгорлик соҳасига оид атамалар ҳисобланган **пол** ва **пона** сўзлари ҳамда тилда мавжуд бўлган **фол** ва **пана** сўзлари маъносини муқобил равишда контекстда баравар юзага чиқариш асосида ҳосил қилинган; б) **пол-фол**, **пона-пана** сўзлари ўртасидаги талаффузий ўхшашлик ёки парономазия сўз ўйинини юзага чиқариш учун асос бўлган; в) дурадгор томонидан ясаладиган, *ун элаш учун ишлатиладиган, тўр қопланган ёғоч гардишдан иборат уй-рўзгор асбоби – элак* (ЎТИЛ,

2008. V жилд, 29-бет) сўзини такрорлаш билан *синчиклаб текширмоқ маъносидаги элак-элак* (ЎТИЛ, 2008. V жилд, 29-бет) такрорий сўзи ҳисил қилинган; г) *бир-бирини севган, бир-бирига муҳаббат боғлаган икки киши – йигит билан қиз маъносидаги ошиқ-маъшуқ* жуфт сўзи (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 555-бет) билан дурадгорлик соҳаси атамаси *ошиқ-мошиқ – эшик, дераза каби нарсаларни ўрнатиш ва уларнинг очилиб-ёпилиши учун хизмат қиладиган метал буюм* (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 555-бет) жуфт сўзига ишора қилинган; д) матнда *ром бўлмоқ* ибораси таркибидаги *ром* сўзи ҳамда *остин-устун* жуфт сўзи таркибидаги *устун* дурадгорлик соҳаси атамаси шаклдош сўз сифатида услубий вазифа бажарган; е) матнда *теша тегмаган, ром бўлмоқ, оёғига болта урмоқ* каби иборалар таркибида дурадгорлик соҳасига хосланган *теша, ром, болта* сўзлари мавжудлиги учун қўлланган; ё) *рандаланган гап, пармали гап* бирикмаси кўчма маънода белги ўхшашлиги асосида метафорани ифодалашга хизмат қилмоқда; ж) матндаги атамалар гапнинг пропозицияси ва презуппозициясини таъминлашга хизмат қилган; з) контекстда атамалар ишора бирликлари сифатида бирдан ортиқ ахборот ифодалаганлиги учун уларни тарлича талқин қилиш (амфиболия) мумкин; и) ироник мазмун матн ва унинг компоненти ҳисобланган гапларнинг умумий мазмуни ҳамда *пол очмоқ (фол очмоқ), панага олмоқ (панага олмоқ)* иборалари англаган мазмундан юзага чиқмоқда.

Лисоний далиллар матнда сўз усталари қўллайдиган атамалар асосида тил бирликларининг қўйидаги турлари ҳосил бўлишини исботлайди:

**1) сўз; 2) сўз бирикмаси; 3) ибора; 4) гап.**

Буларнинг ҳар бирига мисол келтирамиз:

1. Биринчи турда бир неча хил ҳолат кузатилади:

а) пайров атамаси таркибида мавжуд ишоравий сўз билан сўз ўйини қилинади:

**Мамаюнус:** Қори ака, маданийлашиб, “Москвич” сотиб олибсиз-у, баъзи чапани шоферларга ўхшаб дарахтга уриб олиб, чироғини ўчириб қўйибсиз-да!

**Эркақори:** Ука Мамаюнус, сиз ёнимда бўлсангиз, чироқсиз ҳам ҳайдай бераман. Одамзоднинг маданийлашгани яхшида, йўқ эса, қачонгача сизга ўхшаш **каласкани** (коляска – извош) минаман!

*“Машина” пайрови.*

Пайров атамаси сифатида танланган **каляска** сўзи таркибида **кал** сўзи ишоравий бирлик ҳисобланади. Матнда машина ва унинг эҳтиёт қисмларини номловчи атамаларни қўллаш шарт. Чунки бу пайров талаби ҳисобланади. Шу билан бирга, сўз ўйини талабини ҳам бажариш лозим эди. Сўз ўйини талаби биринчи гапда *машина чироғини ўчириб қўйибсиз* гапи воситасида Эркақори Каримовнинг лақаби (“кўзи ожиз”)га қочирим қилиш билан бажарилган бўлса, жавоб сифатида *қачонгача сизга ўхшаш каляска минаман* гапи билан Мамаюнус ака лақаби (“кал”)га чоқирим қилиш билан бажарилган.

б) пайров атамаси асосида бошқа бир сўз шакллантирилади:

**Қодиржон ака:** Сизга ҳам **лойдан** керак экан-да, айтдим-а, **шувоққача** қарашмадингиз деб.

*“Иморат” пайрови. Аския. 46-бет.*

Матнда пайров сўз **шувоқ** ҳисобланиб, унга -гача морфемасини қўшиш билан адабий тилдаги **шу вақтгача** сўзининг мазмуни диалектал вариантда (**шувоққача**) юзага чиқарилган.

в) пайров атамасига бошқа бир сўзни қўшиб, янги тушунчани англатувчи сўз ҳосил қилинади:

**Махсум ака:** Сабзавот-полизчилик ишларига ҳам аралашиб юрибсиз, бу – яхши. Лекин қовун, тарвузлар кучоққа сиғмайдиган бўлиб кетяпти. Бунга ҳам **шира** бўла олмайсизми?

**Кимёхон:** Фойдани кўзлаб, ўғит устига ўғит солиб, қовун-тарвузларни бемаза қилиб юбораётган оғайниларингизга айтиб қўйинг: кимё ноёб нарса, буни ҳам **шираси** бор, деб кимёга ёпишиб олишмасин. Халқимиз айтгандай: “Шакарнинг ози ширин”.

*“Кимёхон” пайрови. Аския. 43-бет.*

Матнда пайров атамаси ҳисобланган **шира** – *хўл мева ва полиз экинлари ҳосили пишиб етилиши билан улар таркибида ҳосил бўладиган ширин суюқлик; шарбат* (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 577-бет) сўзига **ҳам** юкламасини қўшиб, **ҳамшира** – *она ёки сингил ҳамда шифохонада ишловчи, ўрта тиббиёт маълумотига эга бўлган ходим; тиббий ҳамшира* (ЎТИЛ, 2008. V жилд, 503-бет) маъносидаги сўзлар ҳосил қилинган.

г) пайров атамасининг бошқа бир лексемага шаклдошлигидан фойдаланган ҳолда сўз ўйини қилинади:

**Иброҳимжон:** Хунарим кўпу, Олимжон ака, аммо бу киши ҳали қурилиш материалларини тайёрламаптилар, уста, энди **устун** келади, дейдилар.

**“Иморат” пайрови.** Аския. 45–46-бет.

Матнда пайров атамаси – **устун** сўзи англатган *томни кўтариб турувчи тик таянч ёғоч* (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 302-бет) маъноси **устун** – *бирор жиҳатдан юқори, баланд, кучли* (ЎТИЛ, 2008. IV жилд, 303-бет) сўзига шаклдош сифатида қўлланган.

д) пайров атамаси бошқа бир лексема англатган маънога зид қўйилади:

**Мамарозиқ ака:** Сиз меваларга шундай баҳо бериб туринг-да. Жўраҳон ака ҳали мени отёғи шафтоли еган, данаги бу ерда қолипти дедилар.

**Турсунбува:** Ҳа, шунақа дедилар.

**Мамарозиқ ака:** Лекин, отёғи шафтолининг данаги ажрамайди, билмаганларига хафа бўлдим. Ундан кўра, луччаклик вақтимни махтасинлар.

**“Боғбончилик” пайрови.** Аския. 40-бет.

Матнда Мамарозиқ ака чўтирлик қочириғига жавоб тариқасида кип-қизил, чиройли луччак шафтолини қарши қўймоқда.

е) пайров атамаси бошқа бир талаффузи ўхшаш лексемага муқобил равишда қўлланилади:

**Насриддин:** Бу йил қовун бўлмапти-да! Айб Ижрокумбувада. Мана қуруқ **капангга** кириб ўтирибмиз.

**“Қовун” пайрови.** Аския. 36-бет.

Сўз ўйини қовун ва унга алоқадор нарсалар хусусида олиб борилиши лозимлиги сабабли сўз устаси томонидан матнда **капа** сўзига **-га** жўналиш келишиги кўшимчасини кўшиб, **-г** товушини орттирган ҳолда, **капангга** сўзи **кафанга** сўзига мос равишда талаффуз этилган ва гўзал бир сўз ўйини яратилган.

ё) пайров атамаси компонентлари бир-биридан ажратилиб, уларнинг ҳар бири матнда алоҳида бир сўз сифатида тадбиқ этилади, окказионал бирикма ҳосил қилинади:

**Ҳасанхон:** Ошхонада ичкилик ичишни тақиқлаганингиз яхши бўпти, бемаза нарсадан **маст тавба** қилгани дуруст-да!

**Комилжон:** Овқатларига энди маза кирипти, илгарилари **шўр ва совуқ** бўларди.

*“Таомлар” пайрови. Аския. 69-бет.*

Пайров атамалари: **мастава**, **шўрва** сўзларининг компонентлари алоҳида сўз сифатида қўлланган ҳамда *“мастнинг тавба қилиши”, “рақиб” овқатининг илгарилари шўрва совуқ бўлиши* маъноларини ҳам ифодалаган ҳолда сўз ўйини қилинган. Сўз ўйинининг ушбу турида окказионал ҳосила пайдо бўлади. У икки хил тарзда ҳосил қилинади. Биринчиси, лексема+лексема=окказионал ҳосила (**маст тавба**). Ушбу окказионал ҳосила композиция усулини намоён этади. Иккинчиси, лексема+морфема= окказионал ҳосила (**шўр ва**). Ушбу окказионал ҳосила аффиксация усулида ҳосил қилинади.

2. Иккинчи турда қуйидаги ҳолат рўй беради:

а) пайров атамаси асосида сўз бирикмаси ҳосил қилинади:

**Иброҳимжон:** Ҳа шунақа денг. Бўлмаса мана ромлар ҳам битди, ишимни кўраман десангиз: **бир кўз ойнак** олинг.

**Қодиржон ака:** Қанақа устасиз, ҳали шувоғи битгани йўғу, **бир кўз ойнак** олиб иморатни кўздан кечиринг дейсиз. Иморат битаверсин – **икки кўз ойнак** олиб томоша қиламан.

*“Иморат” пайрови. Аския. 46-бет.*

Пайров мавзусига доир атама ҳисобланган ойнак сўзи асосида **бир кўз ойнак** ва **икки кўз ойнак** каби сўз бирикмаси ҳосил қилинган.

б) бирикма ҳолидаги атама билан талаффузи ўхшаш бошқа бир бирикма ўртасида сўз ўйини қилинади:

**Турсунбува:** Ўртоқлар, боғ колхозники, ўзим боғбон, менга меҳнат куни беришади. Боққа келган меҳмонларга ҳайронман – зиёфат, шўрва, қовурма, паловларни еб, шунча овқатнинг устига булар яна қандай ўрик ер эканлар-а!?

**“Боғбончилик” пайрови. Аския. 41-бет.**

Матнда талаффузи ўхшаш бўлган **қантак ўрик** билан **қандай ўрик** бирикмаси сўз ўйинини юзага чиқармоқда. **Кантак ўрик** бирикмасида **кантак** сўзи нарсанинг белгисини англатса, **қандай ўрик** бирикмасидан сўроқ мазмуни англашилади.

1. Учинчи турда таркибида пайров мавзусига доир сўз мавжуд бўлган ибораларни нутқда қўллаш билан сўз ўйини қилинади:

**Абдуллажон ака:** Раҳматқул ака, инсоф билан гапиринг! Ўзингиз ҳам, раис ҳам чорвадан хабар олмай қўйдинглар. Бир томонда силос, бир томонда қишга ҳозиргарлик, ахир зардоб қилиб юбордиларинг-ку!

**Раҳматқул ака:** Омон бўлгур Абдуллажон ака, силос тайёрлашга яхшироқ қаранг, сигирлар сизга ўрганиб қолган, сизга қараб “мо” деса, “гўшингни ейман” деб пўписа қилиб юрманг яна.

**Абдуллажон ака:** Омон бўлгур Раҳматқул ука, маккажўхорилар силосбоп бўлиб қолди, иш қисток – трактор беринг, одам беринг, бўлмаса кечга қолиб кетиб, ўзингизга йиғиштириб юрмайлик.

**Раҳматқул ака:** Чорвадагиларни ишга солинг, иш билмас экан, деб, кейин яна терингизни шилиб олмайлик.

**Абдуллажон ака:** Ёрдам бермадингиз деб, жойи келганда мен ҳам терингизга туз тикаман.

**Раҳматқул ака:** Танқид ана шунақа бўлади. Келинг энди меҳнат кунларингиз ҳақини олинг.

**Абдуллажон ака:** Барака топинг, бизнинг ҳақни ҳам



ёзганмидингиз, мен туёқ шиқиллатиб юрувдингизми депман.

*“Чорвачилик” пайрови. Аския. 27–28-бет.*

Матнда зардоб қилмоқ, гўштини емоқ, терисини шилиб олмоқ, терисига туз тиқмоқ, туёғини шиқиллатмоқ иборалари мақсадли танлаб олинган ва қўлланган. Чунки ушбу иборалар таркибида зардоб, гўшт, тери, туёқ сингари чорвачилик соҳасига оид атамалар мавжуддир.

Сўз усталари халқнинг тайёр мулки (ибора)дан фойдаланишда улардан асосан салбий муносабат ифодалаш воситаси сифатида фойдаланадилар:

**Қодиржон ака:** Шағал тўкиш ҳам чиппакка чиқадиганга ўхшайди, саркор, кўшнимиз билан орамизда ер жанжали чиқиб қолди; жанжал бир ёқли бўлгунча сиз **тошингизни** териб тураверинг.

*“Иморат” пайрови. Аския. 45-бет.*

**Иброҳимжон:** Оббо сиз-ей, эшикка чиқариб юборди дейсиз-а. Менга унақа туҳмат қилманг, **биқинингиздан** дарча очиб кўяман.

*“Иморат” пайрови. Аския. 46-бет.*

2. Пайров атамалари асосида гапларнинг қуйидаги турлари шакллантирилади: а) содда гап; б) кўшма гап; в) гапнинг ифода мақсадига кўра турлари: дарак, сўроқ, ундов. Масалан:

**Ғойиб ака:** Икки кўлим билан гул тутсам, **индамадингиз.**

**Орифхон:** Уста, мен гул тутсам, **малол эмасму?**

**Турсунбува:** Битта қоғоз ёзиб сизга олиб бориб берайми, **ё сиз боринг, ё мен борай** деб.

*“Ашулалар” пайрови. Аския. 48-бет.*

Матнда қўлланган содда гап: **индамадингиз**, сўроқ гап: **малол эмасму**, кўшма гап: **ё сиз боринг, ё мен борай** атама сифатида ашулалар номини ифодалайди.

3. Пайров атамаси негизида гап шакллантирилади:

**Қодиржон ака:** Астойдил ишляяпман дейсизу, лекин кам-кўстларингиз ҳали кўп, ўзим текшириб кўраман – **кал бура тур!**

*“Трактор” пайрови. Аския. 44-бет.*

“Трактор” пайрови атамаси ҳисобланган **карбюратор** сўзининг шаклий-ифодавий ўхшашлиги асосида **кал бура тур** гапи шакллантирилган.

Хуллас, сўз усталари ғаввос сингари денгиздан қимматбаҳо тошларни териб чиқадилар. Денгиз тилнинг бой хазинаси бўлса, қимматбаҳо тошлар тил бирликларидир. Аскиячилар ана шу дуру гавҳарларни қайта ишлаган ҳолда тингловчиларга, яъни ўз харидорларига тақдим этадилар. Атамаларни дурга ўхшатиш мумкин. Денгиз тубида (тилда) барча учун бирдек имконият сифатида турган дуру гавҳарларнинг харидоргир бўлиши, уларнинг нутқда товланиши, эътиборни тортиши сўз усталарининг лингвистик маҳоратига, топқирлигига, зукколигига, сўзга чечан ва ҳозиржавоблигига бевосита боғлиқдир. Бундай дуру гавҳарларнинг қийматини тингловчилар суҳандонларнинг нозик сўз ўйиларига қараб белгилайдилар. Шу боис, сўз усталари харидорларини, яъни тингловчиларини кўпайтириш мақсадида бир-бири билан рақобат қиладилар. Уларнинг рақобатлари мусобақа тарзида кечади. Рақобат бор жойда сўз усталари олдига ўз-ўзидан кўплаб талаблар қўйилиши табиий. Шундай экан, нотик ўз нутқини безашга, бетакрор ва оригинал сўз ўйини яратишга, унинг гўзаллигини ва таъсир кучини оширишга ҳаракат қилади. Кўпинча, туғма истеъдод ҳам бу борада қўл келади. Истеъдод ва машаққатлар натижаси улароқ яратилган биргина нозик сўз ўйинларини (комбинацияни) амалга ошириш кимлардандир ойлаб ижодий машаққатни талаб этиши мумкин. Шу боис, айтиш мумкинки, ақл чиғириғидан ҳар томонлама пўхта ўйлаб ўтказилган сўз ўйинлари ва унинг ҳосиласи бўлмиш аския матнлари ўзига хос бир бадиий асардир.

## 4.2. Шахс номлари иштирокидаги сўз ўйинлари

Аския жараёнида атоқли отларнинг турли кўринишларини матн таркибига сингдириш сўз ўйини

ҳосил қилишнинг бир усули ҳисобланади. Яъни пайров матнларида *шахс номлари* (антропонимлар), *жой номлари* (топонимлар), *мевалар номи* (фитонимлар), *ҳайвон номлари* (зоонимлар), *бадий асар номлари*, *қўшиқ ва ашулалар номи*, *гуллар номи*, *мевалар номи*, *қовун номи*, *мато номи*, *қушлар номи*, *шунингдек*, *мақоллар ва атамалар* ёрдамида сўз ўйини қилиш асосида яхлит бир ижод маҳсули, яъни бадий асар ҳисобланган пайров яратилади ва унинг мазмуни очиб берилади. Шу боис, аскиячиликда фақат атоқли отлардан фойдаланиш асосига шакллантирилган махсус пайровлар (“Теримчилар”, “Чавандозлар”, “Пилла”, “Қушлар”, “Қовун”, “Кимёхон”, “Асарлар”, “Шоирлар”, “Қўқон қишлоқлари”, “Наманган гуллари”, “Сафар”, “Ҳолис” пайровлари) ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири аскиянинг алоҳида бир мавзуй гуруҳини ташкил этади.

Аскиянинг стилистик талабларидан эътиборлиси шундаки, сўз ўйини моҳияти ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, аскиячилар тил бирликларини бир пайтнинг ўзида ҳам атоқли от сифатида ва ҳам турдош от маъносида ёки бошқа сўз туркуми вазифасида қўллайдилар ва бу билан сўз ўйинининг коммуникатив кўламини кенгайтирадилар. Зеро, аскиячилик ҳар бир сўз устасидан сўзга чечанлик ва ҳозиржавобликни талаб этади. Ҳозиржавоблик *“оғзига келган гапни гапиравериш эмас, балки фикр, зеҳн, идрок ҳозиржавоблигидир; фикрнинг мантиқий, изчил ривожидир; мавзу устида фикрлаш, зеҳн ишлатиш, идрок, фараз ва тасаввур этиш тезлигидир”*<sup>176</sup>. Демак, фикрни тўсатдан, тайёргарликсиз тўғри ифодалаш маҳорати аския жанрининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шахс номлари пайровлар таркибида икки хил ҳолатда қўлланилади:

1. Антропонимларга асосланган махсус пайровлар (“Шоирлар”, “Кимёхон”, “Ҳолис” пайровлари) таркибида.
2. Бошқа бир мавзуда яратилган пайровлар таркибида; зарурат асосида.

<sup>176</sup> Муҳаммадиев Р. Кўрсатилган асар. 5–6-бет.

Сўз усталари антропонимлардан, асосан, сўз ўйини қилиш мақсадида фойдаланадилар. Шунингдек, “рақиб” характери ёки унинг тимсолида жамиятдаги айрим кишилар характерини очиб беришга ҳам эътибор қаратадилар:

**Ғанижон:** Исҳоқжон ака, бир ҳазиллашдик-да. Ҳақиқатда закий одамсиз, битта сўзни беш-олти маънода ишлатасиз. Шунинг учун ҳам мен сизни **Омоним** деб юраман-да.

**Исҳоқжон:** Яшанг, **Фахрли** бўлиб **Камолга** етинг-а!

*“Тил” пайрови. Аския. 66-бет.*

“Тил” пайровидан олинган юқоридаги матнда аскиячиларнинг асосий мақсади тилшунослик фанига оид атамалар ёрдамида сўз ўйини қилишдан иборат бўлиб, бунинг учун соҳага оид атамаларни контекстга атайлаб сингдириш ва бу билан турли мазмуний муносабатларни ифодалаш бош мақсад қилиб олинади. Натижада контекстда тил бирликларининг номинатив вазифаси кучсизлантирилиб, унинг экспрессив-эстетик функцияси орттирилади. Буни биргина “омоним” бирлиги ёрдамида ҳосил қилинган қуйидаги контекстуал маънолардан ҳам илғаб олиш мумкин:

1. Тилшуносликка оид атама – омоним воситасида пайров талаби (*мавзудан четга чиқмаслик*)га амал қилинган.

2. **Омоним** атамаси билан пайров мазмуни ёритилаган: тилшуносликдаги *бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиш жиҳатдан бир хил бўлиши ҳодисаси*<sup>177</sup>га ишора қилинган.

3. “Рақиб”нинг характери очиб берилган.

4. Шахс номи: **Омон** (тилшунос) + **им** морфемаси билан окказионал бирлик (**Омоним**) ҳосил қилинган.

5. **-им** морфемаси оморфема сифатида окказионал сўз ҳосил қилувчи ва эгалик қўшимчаси вазифаларида ишлатилган.

6. “Омоним” бирлиги тўлдирувчи (*Омоним деб*) ва ундалма (Омоним, деб) вазифаларида қўлланган.

<sup>177</sup> Ҳо ж и е в А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002. 64-бет.

Натижада бундай нутқий-ифодавий ва маъновий сўз ўйини контекстда тил бирликларининг семантик-синтактик вазифасини ривожлантириб, уларни полисемантик ва полифункционал бирликка айлантган. Бу эса, кўпинча, уларнинг қоришиб кетиши (маъно синкретизми)га сабаб бўлади.

Исҳоқжон ака ҳам ўз жавоб нутқида Фахрий Камол (тилшунос) исмининг семик хусусиятлари (луғавий маънолари)ни назарда тутиб, уни нутққа хослаб, синтактик алоқага киритади. Натижада гапнинг умумий мазмуни Фахрий Камол антропоними асосида: *“Яшанг, Фахрли бўлиб Камолга етинг-а!”* тарзида шакллантирилади ва жумла синтактик жиҳатдан *фахрли (сифат), камол (от)* сўзлари асосида тузилади.

Сўз ўйинларининг бу каби кўринишлари сўз туркумларининг транспозицияси (*кўчиши*) асосида амалга оширилади. Ўзбек тилида сўз туркумлари кўчишининг лисонийлашган ва лисонийлашмаган кўринишлари ажратилади<sup>178</sup>. Мазкур ҳодиса нутқий кўчишга асосланиб, унда нутқий кўчма маъно ўткинчи тарзда ифодаланади. Шунингдек, контекстда шахс номлари ёрдамида турли коммуникатив ниятларни юзага чиқариш **ЛИСОНИЙ ТАБДИЛ УСУЛИ** (табдил – *“алмаштириш, ўзгартириш, ўрин алмаштириш”*)<sup>179</sup> ёрдамида амалга оширилиши мумкин. “Шоирлар” пайрови<sup>180</sup>нинг семик таҳлили орқали ушбу фикрларимизни асослашимиз мумкин. Ушбу пайров матнларида гаплар шаклий ва мазмуний жиҳатдан шоирлар исми ва тахаллуси билан сўз ўйини қилишга асосланади. Нутқий вазият талаби билан сўз ўйини қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. Дастлаб Расул домла (аскиячи) таниқли шоир Завқий исмидан фойдаланиб, **сўз ўйинининг фоностилистик жараёни** – нутқ товушини тушириб, унга 2-шахс

<sup>178</sup> С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқ. Кўрсатилган асар. 173-бет.

<sup>179</sup> Бу ҳақда қаранг: Қурбонова М., Йўлдашев М. Матн тилшунослиги. Тошкент: Университет. 2014. 106-бет.

<sup>180</sup> М у х а м м а д и е в Р. Кўрсатилган асар. 75–76-бет.

кўпликдаги эгалик қўшимчаси (-нғиз)ни қўшиш билан **завқ** [а.] – *эстетик лаззат бағишловчи нарсалардан кишида юзага келадиган кайфият; шавқ* (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 294-бет) маъносини ифодалайди:

**Расул домла:** Мамарозиқ ака, мана Нодира шеърини ҳам эшитдингиз, **Завқинғиз** келдимиз шунга?

2. Жавоб нутқида “рақиб” ҳам фоностилистик ўйинни янада ривожлантириб, **морфонологик ҳолатни** юзага чиқаради. Яъни “рақиб” биргина **-и** товушини туширган бўлса, Мамарозиқ ака таниқли шоир Муқимий исмидаги сифат ясовчи **-ий** қўшимчани қўлламай, **муқим** [а.] лексемасининг доимо бўладиган, доимий (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 487-бет) маъносини баён этади:

**Мамарозиқ ака:** Ҳа, домла, бунақа шеърларни эшитиб, маза қилмоқ учун шунақа суҳбатларимиз **Муқим** бўлиб турса экан.

3. Коммуникатив ният матнга ҳовола киритиш усулида баён этилади:

**Олимжон ака:** “Байти таъсирли, хўб **Нодираи даврон** эканми?” дея шоира Нодирани унинг таҳаллуси билан “*даврларнинг нодир*” дея таърифлайди. Шоирани шундай таърифлашга бошқа бировнинг, шу жумладан, ўша давр кишиларининг берган таърифи матнга ҳавола сифатида киритилади.

4. Прагматик ният ифодаловчи лингвистик бирликларнинг коммуникатив ва денотатив семасига ишора этилади ва изоҳланади:

**Расул домла:** “Олимжон акам ҳам чакана шоир эмаслар, баъзан шунақа **Навоийлик** қиладиларки!” – деб шоир Навоий исмининг аташ маъносига асос бўлган наво семаси яширин ишора билан таъкидланади.

5. Шоирлар таҳаллусига ишора қилинади; матнда атоқли от қўшма феъл вазифасида келади:

**Мамадали қори:** Олимжон ака, мақтовинғизга қараганда унча-мунча шоир эмас экансиз, шунча одамлар шеър айтинг дейишяпти, Фироқ қилмай айта қолсанғиз-чи!

Контекстда “Фироғий” тахаллуси билан ижод қилган, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Самарқанд, Туркистон каби бир қанча мамлакат ва шаҳарларга саёҳат қилган таниқли шоир Махтумқули тахаллусига ишора қилинган ҳамда **фироқ** [а.] лексемасининг *инжиқлик*, *эркалик*; *тантиқлик* (ЎТИЛ, 1981. II жилд, 301-бет) маъноси нутқий вазият талаби билан юзага чиқарилган.

6. Атоқли от денотатив маъносини сақлаган ҳолда турдош от вазифасида қўлланади: **Олимжон ака**: Жўрттага айтмай ўтирибман-да, шуни ҳам **Журъатини** бир кўрай деб.

7. Атоқли от ўз вазифасини сақлаган ҳолда сифат лексемашаклга кўчади: **Расул домла**: Олимжон ака, шоирлар номидан гаплашаверганингиз маъқул. Кулишар эканмиз деб, Тошкентдан **Мунис** одамлар келишган.

8. Айрим ҳолларда сўз ўйини қилиш учун атоқли от таркибидаги сифат ясовчи морфема -ий туширилади: **Мамадали қори**: Кулгилар-ку анчадан бери бўляпти-я, лекин ҳалигача ўртада бир **Чарх** кўринмайди.

Юқоридаги матнларда “мунис одамлар” ва “ўртада чарх кўринмайди” бирикма ва гапларда аёлларга хос мунислик хусусиятига ҳамда аёллар машғулоту (ўртада чарх айлантириш)га ишора қилинган. Матнда сўз ўйини морфеманинг туширилиши билан юзага чиқарилган. Яъни -ий морфемасини тушириш натижасида фонологик – амалий жараён содир этилган. Шунга кўра, ушбу усулни сўз ўйинининг морфонологик усули сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

9. Сўз усталари **масофавий (дистант) метатеза усули** билан атоқли отлар стурктурасида сўз ўйини қиладилар:

**Расул домла**: Найманчага сизлардақа шоирларни кўргани келганмиз. Олимжон ака шоирларнинг **Анийсига** ўхшайдими?

Мазкур пайров контекстида шоир **Анисий**нинг исми сўз ўйини талаби билан **Анийси** шаклида ўзгартирилган. Бу билан олмош туркумига хос “кўрсатиш”, “кишилиқ”, “таъкидлаш” пресуппозициялари бадий услубда лингвистик ўйинни юзага чиқарган.

10. **Метатезанинг контакт (масофасиз) усули** ёрдамида мазмуний ўйин қилинади: **Қодиржон ака:** Ҳа, бу киши шунақа **Атойи** одамлар?

Матнда шоир **Атойи** исми **Атойи** шаклида қўлланган бўлиб, Аллоҳ томонидан ато этилган деган маънода сўз ўйини талаблари бажарилган.

11. Антропонимни фонетик ўзгартиришларсиз бериб, лекин контекстда **мазмуний товуш ўзгариши (Оразий-арази: товуш алмашиши ва тушиши)**ни юзага чиқариш усули ҳам учрайди:

**Мамадали қори:** Бу кишини унақа десангиз ҳам, бўлаверади, бунақа десангиз ҳам, **Оразий** келмайди.

Матнда шоир номи ўз ҳолича берилган бўлса-да, гапнинг мазмунидан **араз** [а.] – *айбситиб, гина-кудурат сақлаб гаплашмаслик, мулоқотда бўлмаслик ҳолати* (ЎТИЛ, 2006. I жилд, 92-бет)нинг контекстуал ифодаси фонопрагматик<sup>181</sup> восита (нутқ товушишини алмаштириб қўллаш: **о-а**) ёрдамида юзага чиқарилганлиги нутқий вазиятдан ойдинлашади. Шу ўринда, айтиш лозимки, лингвистика илмида “товуш алмашиши” ҳодисаси билан “товуш алмаштирилиши” ҳодисасини фарқлаш лозим. Биринчиси мулоқотда табиий жараён сифатида мақсадсиз амалга ошиши мумкин. Иккинчиси эса стилистиканинг объекти сифатида талқин қилиниши даркор. Яъни бу амалий ҳолатни сўз ўйинининг бир усули сифатида, субъектив муносабат баён этиш учун, мақсадли тарзда амалга оширилган жараён дея баҳолаш мақсадга мувофиқ. Бундай **фонопрагматик ўйин** ассиметрик дуализм (*мазмуннинг чексизлиги ва уларни ифода этувчи тил бирликларининг чекланганлиги*) сабабли юзага чиқарилади. Матндаги **Оразий** луғувий бирлиги таркибида **-й** товуши шаклий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, ушбу сўзнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабати натижасида англатаётган контекстуал мазмуни ва ифодаланишидан товушнинг номавжудлиги англашилади. **Лисоний бирликнинг ана шу шаклий мавжудлиги ва**

<sup>181</sup> Қаранг: Ҳ а к и м о в М. Кўрсатилган асар. 26–39-бет.



мазмуний номавжудлиги тил ва нутқ ўртасидаги алоқа – сўз ўйинини ифодаловчи омил ҳисобланади. Шу боис “сўз ўйини” атамасини “тил ўйини” атамаси маъносида ҳам фаҳмлаб, шу термин билан аташ нотўғри бўлмайди.

12. Атоқли отлар воситасида “рақиб”ни аёлларга нисбат бериш усули ҳам учрайди:

**Мамарозиқ ака:** Мана Турсунбува ҳам эшикдан кириб келдилар: Маҳзуналари бўламан, деб.

13. Ясама антропонимнинг ўзак қисми англаган маъно полисемиялаштирилади, сўз ўйинининг эстетик вазифаси кўчайтирилади:

**Мамарозиқ ака:** Қодиржон аканинг **Ками** йўқ, жуда **Низомий**да гапирдилар.

Юқоридаги матнда Низомий Ганжавийнинг исмини нутқий вазиятда айнан келтириш билан асосдан англашилган маъно билан **НИЗОМ** – қонун-қоидалар, тартиблар мажмуи; устав (ЎТИЛ, 1981. I жилд, 502-бет) маъноси нутқий полисемиялаштириш усулида юзага чиқарилган. Шунингдек, шоир Камий исмида -й товушини тушириш билан **ками** – **кам** (оз маъносидаги равиш) + **и** (эгалик қўшимчаси) сўзшакли ҳосил қилинган.

14. Сифат ясовчи **-ий** морфемаси таркибидаги **-й** морфемасини тушириш натижасида қолган **-и** морфемаси эгалик қўшимчасига айлантирилади:

**Қодиржон ака:** Низомдан чиқмаймиз-да, орамизда сиздақа бир **Шўхи** бўлса.

15. Атоқли от шахс оти вазифасида ва маъносида қўлланилади:

**Мамарозиқ ака:** Қодиржон ака талинкани олиб ашула қилиб юборсалар-а **Ҳофизман** деб.

16. Атоқли от таркибидаги морфемани тушириш ва турдош от маъносида қўллаш билан сўз ўйини қилинади:

**Қодиржон ака:** Мулла Олимжон дўппини кўтариб бизга кўрсатсалар, **Ниёзмикан** дебман.

**Расул домла:** Мамарозиқ ака кайф қилиб қолипдилар, **е Жом** билан ичгандилар?

**Олимжон ака:** Мамарозиқ ака, бағи жойида бўлиб қолган экан-да, ўзларида **Ҳикмат** пайдо қилиб қолиптилар!

**Мамарозиқ ака:** Ҳа, тақсир, гапингиз **Лутф**.

Пайров матнда қўлланилган **ниёз** шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга (ёки Хоразм адабий муҳити вакили Ниёз ҳам бўлиши мумкин), **жом** Абдурахмон Жомийга, **ҳикмат** турк шоири Нозим Ҳикмат (ёки Ҳикматий)га, **лутф** мавлоно Лутфийга ишора қилувчи прагматик бирлик ҳисобланади. Бу каби юқоридаги прагматик бирликлар окказионал табиатга эга бўлиб, аскиячиликда сўз усталарининг коммуникатив-услубий ниятини сўз ўйини кўринишида ифодалаш учун хизмат қилади ҳамда уларнинг сўз қўллаш билан боғлиқ лингвистик маҳоратини намоён этади.

### 4.3. Жой номларига асосланган сўз ўйинлари

Пайровларда жой номларини ифодаловчи луғавий бирликларга сўз усталари томонидан бирдан ортиқ ахборот юкланади ва шу тариқа, уларни ўз ва кўчма маънода қўллаган ҳолда, турли коммуникатив ниятни баён этишга ҳамда сўз ўйинларининг гўзал намуналарини яратишга эришилади. Масалан, қуйидаги матнда тингловчи ва сўзловчи “кўр от”, “шўртепа” сўзларининг маъносини шу заҳоти закийлик билан *кўзи ожиз, кал* маъноларида тушуниб етмаса, аскиянинг бутун моҳияти ўз қадрини йўқотади. Натижада, Мамаюнус аканинг маҳоратини ҳам, Эрка қорининг топқирлигини ҳам холисона баҳолай олмайди. Машҳур ҳофиз Мамаюнус (лақаби “кал”) поездда кетишаётганда дўсти Эрка қорини (кўзи ожиз) аскияга тортар экан, қори аканинг кўзи ожизлигига шама қилиб шундай дейди:

**Мамаюнус:** Туринг, қори ака. **Кўр от**га келдингиз!

Эрка қори ёстикдан бошини кўтарар экан, шошиб-пишиб купе деразасидан ташқарига қараган бўлди-да, дарҳол юзини Мамаюнус ака томон буриб деди:

**Эрка қори:** Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! **Шўртепа**-ку!

Ўзбек халқ оғзаки ижоди. <http://e-adabiyot.uz>

Жой номини ифодаловчи атамалар асосига яратилган пайровларда сўз ўйинлари ушбу сўзларни турли маъно ва шаклларда қўллаш асосига юзага чиқарилади. Буни “Сафар” ҳамда “Қўқон қишлоқлари” пайровлари мисолида кўриб чиқамиз:

1. Кўпинча топонимик атама бир неча компонентларга бўлинади ҳамда турли сўзларга табдил этилади:

**Иброҳимжон:** Тирсак қилганимда мудрамасдан кўзингизни очинг, **Занги отангизни** кўрасиз.

**Ҳабибхон:** Эски **Қовунчи**лингизни ташланг, **Янги йўлдан** жўнайверинг.

Натижада ҳосила компонентлари (**занги ота**)нинг ҳар бири нутқда лексема сифатида алоҳида-алоҳида маъно англатишга хизмат қилади.

2. Топонимик атама таркибида товуш ортирилади ва алоҳида-алоҳида лексемалар ҳосил қилинади:

**Иброҳимжон:** Йўл-йўлакай янги қурилишларга назар солиб боринг, оппоқ уйдагилар **Чин-нозлик!**

3. Топонимик атама таркибидаги нутқ товуши алмаштирилади ва бошқа бир лексемага табдил этилади:

**Ҳабибхон:** Бай-бай, шамоли қурсин дер эдингиз, энди зеҳн билан бундай қаранг-а, ҳу анави шаҳарга **Ҳавосингиз** келади!

4. Топонимик атамага турли морфемик шакл қўшиш билан сўз ўйини қилинади:

**Ҳабибхон:** Тошкентда **Самар қандай** шаҳар, деб сўраганингизда **Самар қанддай** шаҳар деб айтмаганмидим. Ивирсиманг, **Самар қанда-ю** деб.

5. Пайров матнига таркибида топонимик атама мавжуд бўлган ҳавола киритилади:

**Иброҳимжон:** Сиз ҳам уйқусираманг: **Темур** дарвозасини очмаётир деб. Ана: “Самарқанд сайқали рўйи замин аст”.

**Ҳабибхон:** Улуғбек яшаган шаҳар шуми? Офарин! Айтдим-а, яқинлашган сари **юлдуз санаяпсиз** деб.

Ушбу матнда машҳур “Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро қуввати исломи дин аст” шеърдан ҳамда ўрта асрларда яшаб Самарқанд шаҳрида расадхона барпо этиб, илми нужум билан машғул бўлган астроном олим Мирзо Улуғбекнинг машғулотидан лавҳа ҳавола қилинган ва лингвопозитика илмидаги тазмин санъати юзага чиқарилган. **Тазмин** (“бир нарсани иккинчи бир нарса орасига қўймоқ”) матнга ўзга бир шоир асаридан бирон мисра, бир ёки бир неча байт киритиш санъатидир<sup>182</sup>.

6. Парономазия, окказионал антонимия ёрдамида сўз ўйини амалга оширилади:

**Ҳабибхон:** Айтганча, **Катта қўрған** кўкаламзорми?

**Иброҳимжон:** Айтишларича, кўкаламга **зор** экан.

**Ҳабибхон:** Бўлмаса юринг, Бухорога кетдик. Каттақўрғонга тушмаганимизга ўзингиз **Зоминсиз!**

Матнда жой номини англатувчи **Каттақўрғон** сўзи **Катта қўрған** тарзида талаффуз этилган ва бу билан парономазия ҳодисаси юзага чиқарилган. Бунда сифат сўз туркумига оид белги билдурувчи **катта** сўзи отлашиб, кўчма маънода амалдор маъносида, **қўрғон** сўзи эса **қўрған** (феъл+сифатдош кўшимча) маъносида талқин этилган. Шунингдек, **кўкаламзор** сўзига кўшимча қўшиб, **кўкаламга зор** тарзида ифода этилган. Натижада тескари, зид маъно юзага чиқарилган.

7. Топонимик атамага сўз ясовчи морфема қўшиш билан кўшимча маъно юзага чиқарилади:

**Иброҳимжон:** Қайтишда тушсак **қаршилик** қилмайсизми?

**Ҳабибхон:** Ҳадеб **Қарши, Қарши** деяверасиз! Комсомол кўли қурилса, водопровод кентайтирилса – кўчага сув сепгандай бўларди. Ўшанда **қаршилик** қилмас эдим.

8. Топонимик атамага шакл ҳосил қилувчи морфема қўшиш билан окказионал ҳосила юзага чиқарилади:

**Ҳабибхан:** Орзиқиб кутган **Китобимизни** ҳам топдик.

<sup>182</sup> Ҳ о ж и а х м е д о в А. Шеърин санъатлар ва мумоз кофия. Тошкент: Шарқ, 1998. 60-бет.

Келинг бўлмаса, бир ҳордиқ чиқарайлик: **Шаҳрисабз** экан-да!

**Иброҳимжон:** Бу шаҳарда **Термизак** олма топилармикан?

9. Изофий бирикма асосида ясалган топонимик атама изофий бирикма вазифасида қўлланилади:

**Ҳабибхон:** Мева-чеванинг жойи – Кони бодом, қани энди Фарғонага!

10. Қофия усулида ифодавийлик оширилади:

**Ҳабибхон:** Хаёлимни бўлмасангиз-чи, **Пахтага** кон **Андижон** деб турувдим.

11. Топонимик атама тақлид сўз сифатида ишлатилиб, унинг ёрдамида бошқа сўз ясалди:

**Ҳабибхон:** Ҳадеб **Попиллаверасизми?** Поп-поп дегунча оқ булутга ўхшаган **Ўзбекистон эчкиларини кўрсангиз-чи!**

12. Топонимик атама жуфт сўзга табдил этилади ва давомий ҳаракат маъно юзага чиқарилади:

**Иброҳимжон:** Хийла шўх йигитсиз-да, кува-кува **Кува** анорига ҳам етдингиз, қойилман!

13. Топоним ёрдамида фитоним ифода этилади:

**Ҳабибхон:** Оғзингизнинг сувини ютиб туринг, ҳадемай боғ-роғлардан **Наманган нашватиси** ҳам кўриниб қолар!

14. **Ирсоли масал** санъати ёрдамида сўз ўйини қилинади:

**Ҳабибхон:** Алжийверманг, ўзингизни **Учқўрғондан** кўриб қоласиз.

Контекстда “ўзингизни **Учқўрғондан** кўриб қоласиз” гапи билан халқ лексиконида мавжуд бўлган “*Гап бўлса қоп-қоп, иш бўлса Учқўрғондан топ*” ёки “Энангни Учқўрғондан кўрсатаман” деган барқарор бирикмаларга ишора қилинган.

15. Нутқий жараёнда тил бирликлари бироз тўхтам билан талаффуз қилинади ва коммуникатив ният ифода этилади:

**Иброҳимжон:** Гапирмасам гапирмадим, нима қилсангиз қилаверинг, атрофингиз **Чор тоқ.**

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Кулги қўзғатувчи сўз ва қочиримлар, ҳозиржавоблик ва закийликни намоён этувчи диалогик ёки полилогик баҳс, сўз ўйинлари ва ҳазил-мутойибага асосланган ҳамда юз йиллар мобайнида ҳаётий тажрибалар негизида яратилган аския ва пайровлар кенг халқ оммасининг ҳаёти, меҳнат ва кураши, ўзаро муносабатлари, этик ва эстетик ҳамда фалсафий қарашларини акс эттирувчи энг оммавий жанр ҳисобланади. Сатира-юмор асосига қурилган аския инсон тафаккурининг ҳозиржавоблиги, зеҳни ўткирлиги, ақл-идрок ва донолигини билдиради, унинг негизида сўз ўйинлари, қочириқлар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади. Аския фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъати ҳамдир. Шу жиҳатдан аския фақат халқимизгагина хослиги билан ажралиб туради. У тўй-йиғинларда, чойхоналарда, сайлларда икки томоннинг сўзамоллик беллашуви сифатида шаклланиб келган.

2. Ўзбек аскияси нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг номоддий маданий мероси ҳисобланади. Унинг ЮНЕСКО томонидан халқаро умумэтироф этилганлиги мазкур сўз санъатини ҳар томонлама ўрганиш долзарблигини кўрсатади.

3. Аския асрлар давомида ўзбек халқ оғзаки жанри сифатида шаклланган, такомиллашиб борган, миллий сўз санъати даражасига кўтарилган ва тан олинган. Ушбу бадиий санъат турини нафақат тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, балки этнография, маданиятшунослик, санъатшунослик фанлари доирасида ҳам махсус тадқиқ этиш ушбу фанлар тараққиёти учун ҳам бой манба бўлиб хизмат қилади.

4. Аския жаҳондаги биронта халқ оғзаки ижодида учрамайдиган, сўздан сўз ҳосил қилиш, сўз жилосидан тўлиқ фойдаланиш, сўз ўйинига асосланган жанрдир. Бошқа халқларда бу жанрнинг учрамаслигини эса, асосан, ўзбек тилининг ифода имкониятлари бойлиги ҳамда халқимизнинг мутойибага мойил ментал хусусиятлари билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, мақол, топишмоқ, эртақ, қўшиқ, дoston жанрлари жаҳон халқлари ижодида айнан ёки бир оз ўзгарган ҳолда учрайди, ammo олимлар шу кунгача аскиянинг бошқа халқларда мавжудлигини аниқламаганлар. Тўғри, баъзан латифаларда аскияга ўхшаш вазиятлар учраши мумкин. Ammo муайян хусусиятларга эга алоҳида жанр сифатида учрамайди.

5. Аския ўзбек тилининг бетакрорлиги, жозибадорлиги ва ифода имкониятларини намоён этувчи, тилимизнинг ва халқимизнинг табиатан сўз ўйинига мойил ментал хусусиятларини акс эттирувчи нутқ кўриниши ёки миллий тил механизmidир.

6. Аския ўзбек миллий сўз санъати сифатида ўзбекона сўз ўйинларининг ўзига хос табиатини тўлиқ мужассамлаштира олганлиги учун уни лингвистик муаммо сифатида ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. У дунё санъатлари орасида ўзига хос жиҳатлари, закийлик ва ҳозиржавоблик асосида олиб борилиши ҳамда мусобақа тарзида ривожлантирилиши билан алоҳида ажралиб туради.

7. Аскиянинг байрамларда, сайлларда ва махсус ташкилланган аския кечаларида ижро этилиши Ўзбекистонда яшовчи миллионлаб кишиларни бирлаштиришга, уларнинг кайфиятини кўтаришга хизмат қилади ҳамда аҳоли бўш вақтининг мазмунли ўтказилишида, уларнинг бадий-эстетик завқ олишида муҳим ижтимоий тадбир вазифасини ўтайди. Сўз санъатининг бу каби оғир вазифани адо этишида, асосан, аския жараёнида ижтимоий муносабатларнинг юмор тарзида ёритилиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

8. Аскиячиликда сўз устасининг тилдан фойдаланиш маҳорати ўта юқори бўлиши, тил ва нутқ бирликларининг нозик маъно қирраларини тез фаҳмлаши, зукколик билан ҳамда мавзу доирасида сўз ўйинини давом эттира олиши, нутқни эвфемистик тарзда экспрессив-эстетик формада қўллай билиши, нутқий таъсирчанликни мусобақа тарзида давом эттира олиши, матн қисмларини мантиқий ва грамматик жиҳатдан боғлаб кетиши, энг муҳими, атрофдагиларни кулдира олиши ва уларга эстетик завқ бера олиши сўз санъатининг асосий талаблари ҳисобланади. Аскиячи учун қўйиладиган бу каби жиҳатлар сўз устасининг ноёб қобилият эгаси эканлигини кўрсатиши билан бирга, жаҳон қизиқчилиги ва сўз санъати орасида ўзбек сўз санъатининг ўзига хос томонларини намоён этади.

9. Ўзбек халқининг миллий жанри – нутқий беллашувнинг алоҳида бир ифода усули ҳисобланган аския матнини кенг ўрганиш адабий тил тараққиётига ўзининг самарали таъсирини ўтказади. Чунки чинакам бадий асар халқ тили имкониятларини ўзида тўла мужассам этган бўлади. Аския кўпчилик томонидан биргаликда яратилган махсус бадий асар ҳисобланиб, унда халқ тилига хос ифода ва усуллар кулги уйғотишнинг асосий механизми сифатида қаралади.

10. Аскияда сўзловчининг ижобий муносабатидан кўра, аксарият ҳолларда, салбий муносабати ироник мазмунда ифода этилади. Ушбу субъектив муносабат аскиячилар нутқида бошқа нутқ кўринишларидан фарқли равишда даражаланиш хусусияти билан яққол намоён бўлади. Нутқда субъектив муносабат ифодаловчи градуонимия беллашув тарзида шакллантирилиши билан ўзига хосдир. Чунки матнда ҳар бир аскиячининг нутқи бир-биридан таъсирчан чиқиши лозим, бир-биридан қизиқарли ва кулгига бой бўлиши шарт. Чунки аския – ақлий мусобақага асосланган лисоний сўз ўйини. Шу билан бирга, аския субъектив муносабат мусобақаси ҳамдир. Бундай мусобақа



миллий ўзига хослик касб этиб, унда ўзбекона ифода қарама-қарши томондаги аскиячилар нутқида намоён бўлади.

11. Аскияда сўз ўйинларининг, асосан, шаклдош ва полисемантикбирликларвоситасида амалга оширилишини тилдаги ассиметрик дуализм (мазмуннинг чексизлиги ва уни ифодаловчи лисоний воситаларнинг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик) билан асослаш мумкин.

12. Пайровда сўз қўллаш билан боғлиқ ўзига хос талаблар бўлади: 1. Сўз ўйинига амал қилган ҳолда беллашиш. 2. Сўз ўйинини поэтик талаблар асосида бадиий ва сирли тарзда олиб бориш. 3. Пайров мавзусини ёритишда мавзуга доир лингвистик бирликларни, атамаларни қўллаш. 4. Мавзу доирасидан четга чиқмаслик. 5. Ҳозиржавоблик. 6. Фикрлар изчиллиги, мантиқий баёнга амал қилиш. 7. Тил бирликлари ёрдамида бирдан ортиқ ахборот ифодалаш. 8. Лисоний бирликларнинг нутқдаги имкониятларини кўрсата билиш. 9. Сўз қўллаш талаби: а) пайров талаби; б) синтактик талаб. Бунда пайров мавзусига доир атамаларни қўллаш бирламчи талаб (пайров талаби) ҳисобланса, тилнинг грамматик қонун-қоидаларига амал қилиб сўз қўллаш ҳамда қўшимча ахборот ифодалаш иккиламчи талаб (синтактик, стилопрагматик талаб) ҳисобланади.

13. Аскияни шахмат мусобақасига ўхшатиш ўринли. Ақлий мусобақа ҳисобланган шахмат ўйинида доскадаги катаклар ва доналар сони санокли бўлади. Шахмат ва аския ўйини комбинациялар чексизлиги ва ранг-баранглиги билан характерланади. Тилимиздаги сўзлар миқдори санокли бўлса-да, бу сўзлар билан нутқий жараёнда чексиз ва бетакрор комбинациялар ҳосил қилиш, кутилмаган ва позицион ҳужумлар уюштириш мумкин. Аскияда ҳам, шахматда ҳам ўйинчилар учун бирдек имконият яратилган бўлса-да, “рақиб”лар бу имкониятдан ўзига хос тарзда фойдаланади: хилма-хил юришлар, турли услубий-позицион курашлар, кутилган ва кутилмаган

хужумлар, мот қилиш ва мот бўлиш... Натижа эса – сулҳ ёки ғалаба бўлади. Демак, ўзбек халқининг интеллектуал тафаккурини қадим замонлардан бери ўзида намоён этиб келаётган аския миллий жанри ҳам ана шундай стратегик мақсад ва вазифалардаги ўхшашликка асосланади. Унинг бу жиҳати бетакрорлик ва миллий ўзига хослик касб этади. Агар шахмат ўйинида “сицилианча”, “испанча” ва шу каби юришлар қилинса, аскияда эса фақат ўзбекона юриш, ўзбекона ҳимоя ва ўзбекона хужум қилинади.

14. Аския матнида сўз ўйини талаби билан тил бирликлари бирдан ортиқ ахборотга эга тарзда турли коммуникатив ниятни ифодалаши шарт.

15. Сўз ўйинига асосланган матн (нутқ)да амфиболия (турлича талқин қилиш ҳоллари) мунтазам кузатиладиган ҳодиса саналади.

16. Ўзбек амалий прагмалингвистикаси тараққиётининг авж нуқтасини ўзбек аскиячилиги мактабининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан изоҳлаш лозим.

17. Ўзбек қизиқчилиги мактаби, ўзбек аскиячилиги мактаби дунё қизиқчилиги мактаблари орасида ўзига хос ўрин ва нуфузга эга.

18. Ўзбек аскиячи сўз усталари нутқининг услубий-прагматик тадқиқи ўзбек қизиқчилик мактаби учун назарий ва амалий жиҳатдан фундаментал тадқиқот бўла олади.

19. Аския матнини прагматик йўналишда ўрганиш ўзбек прагмалингвистикаси, айниқса, лингвостилистика фани ривожини учун катта имконият яратади. Шунингдек, аския нутқ маданияти, этнолингвистика, социоллингвистика ҳамда психоллингвистика соҳалари билан узвий дахлдор бўлиб, ушбу сўз санъати юқоридаги соҳаларнинг махсус ўрганиш объекти бўла олади.

## ГЛОССАРИЙ

**Аллофрония** – (юнонча “бошқача”+“ўйламоқ, сезмоқ”) лисоний бирлик ва унинг маъноси ўртасидаги ўзгаришларни, тўғрироғи, ўзгачаликларни, яъни “бошқача ўйлаш” маъсули бўлган бир неча ҳодисаларни ифодалайдиган, умумлаштира оладиган тилнинг бир аспекти. Хилма-хиллик, мураккаблик, кўпталқинлилик каби маъновий силжишлар, меъёрдан чекинишлар, анормал жараёнлар, лисоний аномалиялар.

**Амфиболия** (юнонча amphibolia – икки томонламалик, икки маънолилик) икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги.

**Аския** – ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри, миллий санъат тури. Икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафларнинг сўз ўйини мусобақаси.

**Аскиячи, аскиябоз** – бирданига, тўсатдан ижод қила олишлик қобилиятига эга, катта давраларда сўз ўйини мусобақасида “рақиб”лари билан тортиша оладиган, ҳожиржавоб, ҳазилкаш, лутфчи инсон.

**Атрофрония** – (юнонча “тўғри”+“ўйламоқ, сезмоқ”) аллофрониянинг зиди. Меъёрий унсурлар, тил барқарорлигининг асоси.

**Бадиҳагўйлик** – бирданига, тўсатдан ижод қила олишлик.

**Имплицит ифода** – мазмунан яширин, очик бўлмаган ифода.

**Кесатиқ** – қочирим билан, пардалаб масхаралаш, кулиш ёки камситиш; истеҳзо, пичинг.

**Киноя** – масхаралаш, кулиш учун айтилган пардали гап.

**Лақаб** – бирор хусусиятига кўра, аскиячига ҳазил қилиб ёки масхаралаб берилган қўшимча ном.

**Лутф** – сўз ёки гапни бир неча маънода ишлатишга асосланган сўз ўйини; қочирим.

**Мутойба** – бир-бирига қизиқ, кулгили, қочирим гаплар қилиш, ҳазилкашлик.

**Окказионал маъно** – (лотинча *occasius* – “фавкулоддалик”, “тасодифий ҳолат”) сўзнинг семантик структурасида шаклланиб етмаган, маълум индивидуал қўллашда реаллашадиган маъно; узурал маъно.

**Пайров** – аскиянинг энг оммавий шакли; маълум мавзу доирасида олиб бориладиган сўз ўйини.

**Пресуппозиция** – гапда иштирок этаётган бўлаклар орқали ифодаланган маъно эмас, балки зоҳирий маъно остидаги қўшимча ботиний маъно.

**Пропозиция** – синтактик бирликлар воситасида баён қилинган асосий ахборот.

**Рақиб** – қарама-қарши томон, аскиячи.

**Стилистик алоқа усули** – тил бирликлари комбинацияси билан ҳосил қилинадиган махсус синтактик-стилистик алоқа; сўз ўйинининг бир усули.

**Сўзамол** – сўзга уста, гапга чечан; гапдон.

**Сўз ўйини** – кенг қамровли лингвистик ҳодиса. Синтактик шакллар воситасида юзага чиқариладиган турлича тушуниш, изоҳлаш ва талқин қилишга асосланган шаклий ва маъновий ўйин.

**Тагмаъно** – вербал шакл воситасида баён қилинган яширин коммуникатив ният; яширин ахборот.

**Товуш ўзгартириш** – аскияда нутқ товушлари билан сўз ўйини қилиш жараёни: товуш алмаштириш, товуш орттириш, товуш тушириш, товушлар ўрнини алмаштириш ва ҳоказо.

**Услубий такрор** – “рақиб” услубида фикр ифодалаш; фикрга тақлид.

**Учуриқ** – “рақиб”га шама юзасидан айтилган гап, сўз, ибора; қочирим.

**Фоностилистик ўйин** – фонетик воситалар ёрдамида амалга ошириладиган сўз ўйини.

**Шама** – пардали қилиб айтилган танқидий мулоҳаза, пичинг, киноя.

**Эксплицит ифода** – шаклан ва мазмунан ошкора (аниқ, очиқ) ифода.

**Қофия** – хушоҳангликни таъминловчи восита; сўз ўйинининг бир усули.

**Қочирим** – бирор кимса, нарса, воқеа ва шу кабиларга ишора қилиб айтилган рамзли гап, шама; қочириқ, истехзо, киноя, пичинг, кесатиқ.

**Ҳариф** – қарши томон (аския қилувчи), “рақиб”; аскиячи, ҳарф, тарафкаш.

**Ҳозиржавоблик** – аскиянинг муҳим шарти, нутқ моментида топқирлик билан фикр юритиш. “Рақиб” ҳужумига ўринли тарзда ва тезда муносиб жавоб қайтариш.

**Hikmatulla Dusmatov**

## **LINGUO-STYLISTICS OF THE ASKIYA TEXT**

### **(Summary)**

Askiya is the distinct genre of Uzbek verbal folk art, the text of Askiya is formed on the basis of witticism, eloquence, word games and witty joking debate around a particular theme. Askiya is made up of plays on words and puns, they are performed by askiya masters in the form of contest based on particular requirements of the genre, and the listener is expected to be sensible and attentive. In the genre of Askiya the linguistic basis of making jokes and amusement appears through the linguistic phenomena such as denotation, figurative or hidden meaning, polysemy, synonymy, homographs, and homophony, antonyms, semantic conversion, and simile. The text of Askiya is formed on the basis of amphiboly (text homonymy) and allophemy (polysemy) elements.

The monograph covers the Linguo-stylistic and Linguo-pragmatic peculiarities of the Askiya text, which is the distinctive genre of Uzbek verbal folk art.

In the first chapter historical development of the askiya art, its enhancement and perspectives, study and distinctive features have been discussed. Special attention is given to the facts that Askiya has been recognized as an intangible cultural heritage of humanity and to the carried out measures to develop this art of witty word as well.

The second chapter investigates the linguo-stylistic peculiarities of the Askiya text according to its theme, structure and expression. Stylistic peculiarities of payrov (puns), askiya with a traditional beginning rhyme, askiya based on rhythm and rhyme, payrov (puns) based on a personal nickname, askiya made of related words (paronyms) and feminine askiya have been investigated from the linguistic point of view.

In the third chapter the linguistic analysis of the methods and techniques used in creating plays on words in the text of Askiya: phonopragmatic, lexical, morphological, syntactic methods and techniques, has been done.

The fourth chapter investigates the linguistic factors of plays on words in based on names askiya and its verbal evolution basis has been illustrated with sample askiya texts containing personal and place names.

The monograph highlights the topicality of the askiya art, which is characterized by mental features and its further study and that this humoristic genre of Uzbek art, watching everyday life and attracting attention to important issues, plays an invaluable role in providing linguo-cultural information on questions related to social tendencies and events; Askiya is an aesthetic treasure, which expresses mentality, world view and social relations of Uzbek people.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И с л о м К а р и м о в. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
2. И с л о м К а р и м о в. Фан Ватан равнақиға хизмат қилсин. 6 жилдлик асар. II том, Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
3. И с л о м К а р и м о в. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
4. K a r i m o v I. A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent: Ma'naviyat, 2008.
5. А б д у л л а е в А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. Тошкент: Фан. 1983.
6. А б д у л л а е в А. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. Тошкент: Фан, 1979.
7. А б д у л л а е в А. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1980.
8. А б д у п а т т о е в М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутуналиқлар. Филол.фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 1998.
9. А б д у п а т т о е в М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутуналиқлар. Филол.фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 1998.
10. А б д у р а х м о н о в Х., М а х м у д о в Н. Сўз эстетикаси. Тошкент: Фан, 1981.
11. А б д у р а х м о н о в Ш. Ўзбек адабий нутқида кулгу қўзғатувчи лисоний воситалар. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 1997.
12. А з а р о в а Л. В. Прием преуменьшения как средство создания комического эффекта. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Л., 1980.
13. Аристотель. Риторика. Поэтика. М., 2000.
1. Аския. Хужжатли фильм. [HTTP://WWW.UNESCO.ORG/](http://www.unesco.org/)
2. А то ул ло Х у с а й н и й. Бадоеъ-ус-саноеъ. Душанбе: Ирфон, 1974.
3. А х м а н о в а О. С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969.
4. Б а б а е в а С. Лексико – стилистическое особенности поэзии Хаида Алимджана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Т., 1989.
5. Б а г д о с а р я н М. А. Языковые средства выражения иронии в современном французском языке. Автореф. канд. фил. наук. 1969.
6. Б а л л и Ш. Французкая стилистика. М.: Иностранная литература, 1961.
7. Б а к и е в а Г. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1993.

8. Бафоев Б. Лексика произведения Алишера Навои: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1989.
9. Болдырева А. М. Стилистические потенции фразеологических единиц в области юмора, иронии и сатиры // Вопросы лексикологии германских языков. М., 1979.
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарорига 1-ИЛОВА. 2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури. 2-боб. 4–13-бандлар.
11. Вороничев О. Е. О лексическом статусе энантиосемантов или когда слова самому себе становится антонимом // <http://www.school2100.ru>
12. Гак В. Г. Высказывание и ситуация. М., 1973.
13. Ганеев Б. Т. Противоречия в языке и речи. Автореф. дисс... докт. филол. наук. Уфа, 2004 // <http://www.dissercat.com/content/protivorechiya-v-yazyke-i-rechi>
14. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. М., 1984.
15. Дониёров А. Стилистические функция синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1967.
16. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. Тошкент: Фан, 1998.
17. Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкеберг Ж. М. и др. Общая риторика. М.: Прогресс, 1986.
18. Ибрагимов С. Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент, 1973.
19. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. Филол.фан.номз. дисс... автореф., Тошкент, 2001.
20. Исҳоқов Ё. Тазод // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. №5. 80–83-б;
21. Йўлдашев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Тошкент, 2008.
22. Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. Самарқанд, 1982.
23. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар // Туркий тилларнинг фонологияси ва морфонологиясининг долзарб масалалари. Нукус, 2005.
24. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирикларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. д-ри ... дисс... автореф. Тошкент, 1993.
25. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. Тошкент: Фан, 2007.
26. Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2008.
27. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фанлари д-ри дисс... автореф. Тошкент, 1993.
28. Келдиёрова Г. Ўзбек бадий нутқида антитеза: Филол.фан. ном. дисс. автореф. Тошкент, 2000.



14. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
15. Лук А. Н. О чувстве юмора и остроумии. М.: Искусства, 1968.
16. Мамажонов А. Такрор ва унинг синтактик-стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 3. Б.60.
17. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Тошкент, ТДПИ., 1989.
18. Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. Фарғона: “Фарғона”, 1996.
29. Массальская Ю. В. Аллофрония в языке и речи (на материале немецкой литературы): Автореф. дисс... канд. филол. наук. Уфа, 2012 // <http://www.referun.com/n/allofroniya-v-yazyke-i-rechi>
30. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. Тошкент: Академнашр, 2014.
31. Маъруфов А. Ўзбек тилининг паронимлар луғати. Т.: Ўқитувчи, 1974.
32. Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтический интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1992.
33. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент: Фан, 1975.
19. Миртожиев М., Тоиров З. Ирония ва унга ёндош ҳодисалар // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. Тошкент, 1975.
20. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Тошкент: Фан, 1976.
21. Мусоев А. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлаклари тартиби. Филол. фан. номз. дисс... автореф., Тошкент, 2000.
22. Муҳаммадиев Р. Ўзбек халқ ижоди. Кўп жилдлик. Аския. Тошкент: Гафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
23. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. Андижон, 1980.
24. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. Тошкент: Академнашр, 2013.
25. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик. Тошкент: Шарқ, 2002.
34. Обидасомов Урф. Одат. Анъана... <http://gruppirovat.ru>
35. Отаули. Зарғарона зарофат, теран тағмаёно. <http://ziyouz.uz/ilm-fan/til-adabiyot/2014-05-26-13-26-06> Чоп этилган сана: 26.05.2014.
36. Пинхасов Я. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1969.
37. Раззоқов Ҳ. ва бошқ. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
38. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). Тошкент: Фан, 1965.
39. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. Самарқанд, 1994.

26. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Тошкент: Фан, 1970.
27. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
28. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
29. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
30. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент, 2010.
31. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент, 2010.
32. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Ленинобод, 1972.
33. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
34. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент: Фан, 1979.
35. Рўзибоев Т. Ўзбек тилидан қўлланма. Фарғона, 2005.
36. Садыкова М. Стилистика глагола в современном узбекском языке: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. Тошкент, 1977.
37. Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2009.
38. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент: Фан, 1978.
40. Сулаймонов Р. <http://www.stad.uz/blogs>
41. Султонов Ҳ. Аския. Тошкент: Чўлпон, 1998.
42. Турсунов У ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
39. Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеърлятида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент, 2008.
40. Умрқулов Б. Лексические особенности современной поэтической речи: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. Ташкент, 1983.
41. Уринбоев З. Лингвистическая природа редуPLICATION в современной узбекской языке: Автореф. дис ... канд. филол. наук. Ташкент, 1982.
42. Фарҳанги забони тожики. (Тожиқ тилининг изоҳли луғати) II жилдлик. I, II жилд. М.: Советская энциклопедия, 1969.
43. Халилова М. Ўзбек тили стилистикаси асослари. Фарғона: Фарғона, 2011.
44. Хатмуллина Р. С. Аллофрония как лингвистическая категория противоречи // Вестник ВЭГУ. №3 (65). Уфа, 2013.
45. Шайхзода М. Асарлар. 4 жилдлик. Ғазал мулкининг султони. Тошкент: Фан, 1972.
46. Шамсиддинов Х. Термини в художественной речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Ташкент, 1984.
47. Шобадураҳмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
48. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. I-II қисмлар. Тошкент, 1974.

49. Ш о м а к с у д о в А., Р а с у л о в И., Қ ў н г у р о в Р., Р у с т а м о в Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
50. Ш у к у р о в Р. Ўзбек тилида антонимлар. Тошкент: Фан, 1977.
43. Э р к и н В о ҳ и д о в: Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин. <http://www.gglit.uz>
44. Я х ш и е в а Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фан. ном. дисс... автореф. Тошкент, 1997.
51. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – II том. М.: Рус тили, 1981.
52. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-нашр, II жилдди. I, II жилд. М.: “Рус тили”, 1981.
53. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-нашр, V жилдди. I, II, III, IV, V жилд. Тошкент: УМЭ, 2006–2008.
45. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar>
46. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Кўп жилдлик. Аския. (Тупловчи ва нашрга тайёрловчи Р.Муҳаммадиев) Тошкент: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
54. Ў р и н б о е в Б., Қ ў н г у р о в Р., Л а п а с о в Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. Т.: Ўқитувчи, 1990.
55. Ў т к и р Ҳ о ш и м о в: “Қаламқаш сўзлар уммонида ўзини денгизчидек эркин ҳис этмоғи керак”.
56. Қ и л и ч е в Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Тошкент: Фан, 1982.
57. Қ о б у л ж о н о в а Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол.фанлари номзоди дисс. автореф. Тошкент, 2000.
58. Қ о д и р о в М. Ўзбек халқ томоша санъати. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
59. К о р ж е в а П. Б. Язык юмора и сатиры (из истории развития речевых средств в создании комического эффекта в русской литературе). Алма-Ата: Мектеп, 1979.
60. К у н г у р о в Р. Семантико-стилитические особенности формаобразующих морфем имени существительного в узбекском языке. Автореф. дисс... д-ра филол. наук. Баку, 1982.
61. Қ у р б о н о в а М., Й ў л д а ш е в М. Матн тилшунослиги. Тошкент: Университет. 2014.
62. Қ ў н г у р о в Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. Самарқанд. 1975.
63. Қ ў н г у р о в Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент, 1977.
64. Қ ў н г у р о в Р., Б е г м а т о в Э., Т о ж и е в Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
65. Қ ў ч қ о р т о е в И. Бадиий нутқ стилистикаси. Тошкент: Фан, 1975.
66. Ғ у л о м. Юсуфжон қизик. “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1958. 27-сентябрь.
67. Ҳ а й д а р о в А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол.фан.ном.дисс... автореферати. Тошкент, 2008.

68. Ҳ а й д а р о в А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Ф.ф.ном.дисс. автореферати. Тошкент, 2008.
69. Ҳ а к и м о в М. Ўзбек илмий матнининг синтагмати ва прагматик тадқиқи. Филол. фанлари д-ри. дисс... автореф. Тошкент, 2001.
70. Ҳ а к и м о в М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент: Академнашр. 2012.
71. Ҳ а м и д о в З. “Лисон ут-тайр”да тазод санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. №6. Б. 80–85.
72. Ҳ о ж и е в А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. Тошкент, 2002.
73. “Литературный критик” журнали. 1935. 4-сон. 6-б.
74. Ј а м о л х о н о в Н. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Oily o‘quv yurtlari uchun darslik. Тошкент: Talqin, 2005.
75. S a y f u l l a y e v a R. va boshq. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Тошкент: Fan va texnologiya, 2009.

### Интернет манбалари:

<http://www.unesco.org/>  
<https://twitter.com>  
[www.youtube.com](http://www.youtube.com)  
<https://www.facebook.com>  
[123. www.thefreelibrary.com](http://123.www.thefreelibrary.com)  
[www.eng.24.kg](http://www.eng.24.kg)  
[www.doovi.com](http://www.doovi.com)  
<https://preservationjourney.wordpress.com>  
[www.pronaruto.ru](http://www.pronaruto.ru)  
[www.ichcap.org](http://www.ichcap.org)  
[www.internationalhand.org](http://www.internationalhand.org)  
[www.interfax.ru/world/409951](http://www.interfax.ru/world/409951)  
[www.cyark.org/Ancient-Merv](http://www.cyark.org/Ancient-Merv)  
[www.news.tj](http://www.news.tj)  
[www.thefreelibrary.com](http://www.thefreelibrary.com)  
[www.unesco.kz/new/ru/unesco/news/2912](http://www.unesco.kz/new/ru/unesco/news/2912)  
<http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar>  
<http://www.gglit.uz>  
[www.stad.uz/blogs](http://www.stad.uz/blogs)  
<http://ziyouz.uz/ilm-fan/til-adabiyot/2014-05-26-13-26-06>  
<http://gruppirovat.ru>  
<http://www.referun.com/n/allofroniya-v-yazyke-i-rechi>  
<http://www.school2100.ru>

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>1-БОБ. АСКИЯ. УНИНГ ТАРИХИЙ ТАКОМИЛИ ҲАМДА ЎРГАНИЛИШИ</b> .....	<b>10</b>
1.1. Аския ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	10
1.2. Аскиянинг тарихий такомили ва ўрганилиши .....	18
<b>2-БОБ. АСКИЯНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ ВА ШАКЛИЙ- ИФОДАВИЙ ТУРЛАРИ ЛИНГВОСТИЛИСТИКАСИ</b> .....	<b>28</b>
2.1. Пайровларда сўз ўйинлари .....	28
2.2. Анъанавий бошланмали аскияларнинг услубий хусусиятлари .....	36
2.3. Қофия ва услубий такрор оҳангдорлигига асосланган аскиялар .....	46
2.4. Киши лақабига асосланган пайровлар .....	53
2.5. Асоси битта сўздан иборат аскиялар .....	70
2.6. Аёллар аскияси .....	74
<b>3-БОБ. АСКИЯ МАТНИДА СЎЗ ЎЙИНЛАРИ ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ УСУЛ ҲАМДА ВОСИТАЛАРИ</b> .....	<b>80</b>
3.1. Сўз ўйинларининг фонопрагматик усул ва воситалари ....	80
3.2. Лексик усул ва воситалар .....	100
3.3. Морфологик усул ва воситалар .....	143
3.4. Синтактик усул ва воситалар .....	158
<b>4-БОБ. АТАМАЛАРГА АСОСЛАНГАН СЎЗ ЎЙИНЛАРИ</b> ....	<b>186</b>
4.1. Атамаларга асосланган сўз ўйинлари .....	186
4.2. Шахс номлари иштирокидаги сўз ўйинлари .....	195
4.3. Жой номларига асосланган сўз ўйинлари .....	203
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	<b>207</b>
Глоссарий .....	212
Summary .....	215
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	<b>216</b>

## CONTENTS

INTRODUCTION .....	3
<b>CHAPTER 1 THE ART OF ASKIYA (WITTY JOKING), ITS HISTORICAL DEVELOPMENT AND STUDY .....</b>	<b>10</b>
1.1. Askiya and its characteristic features .....	10
1.2. Historical development and study of Askiya .....	18
<b>CHAPTER 2 LINGUO- STYLISTICS OF ASKIYA CLASSIFIED BY ITS THEME, FORM AND EXPRESSION .....</b>	<b>28</b>
2.1. Payrov (puns) .....	28
2.2. Askiya with a traditional beginning rhyme .....	36
2.3. Askiya based on rhythm and rhyme .....	46
2.4. Payrov (puns) based on personal nicknames .....	53
2.5. Askiya made of related words (paronyms) .....	70
2.6. Feminine Askiya .....	74
<b>CHAPTER 3 METHODS AND TECHNIQUES USED IN CREATING PLAYS ON WORDS IN THE TEXT OF ASKIYA .....</b>	<b>80</b>
3.1. Phonopragmatic methods and techniques .....	80
3.2. Lexical methods and techniques .....	100
3.3. Morphological methods and techniques .....	143
3.4. Syntactic methods and techniques .....	158
<b>CHAPTER 4 PLAYS ON WORDS BASED ON NAMES .....</b>	<b>186</b>
4.1. Plays on words based on names .....	186
4.2. Plays on words with personal names .....	195
4.3. Plays on words based on geographical/place names .....	203
<b>CONCLUSION .....</b>	<b>207</b>
Glossary .....	212
Summary .....	215
<b>LIST USED LITERATURE .....</b>	<b>216</b>

83.7(5Ў)

Д 99

Дўсматов Х.

Аския матни лингвостилистикаси [Матн]: монография /  
Х. Дўсматов; масъул муҳаррир: А. Мамажонов; ЎзР ОЎМТВ, Фарғона  
давлат ун-ти. – Тошкент: Фан, 2015. – 224 б.

УЎК 82.085(575.1)

КБК 83.7(5Ў)

ISBN 978-9943-19-357-4

*Фарғона давлат университети Илмий кенгаши тамонидан  
нашрга тавсия этилган.*

ЎзР ФА “Фан” нашриёти.

100047, Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

Тел.: (+99893) 500-61-22, 500-61-21.

E-mail: fannashr@yandex.com

Муҳаррир: Б.Абдулхайров

Мусахҳих: М.Мамаражабова

Тех. муҳаррир, саҳифаловчи: Д.Абдуллаев

**Нашриёт лицензияси АІ №261, 31.12.2014.**

Нашриёт рақами: з-45. Саҳифалашга берилди 23.10.2015.

Нашрга рухсат этилди 02.12.2015. Қоғоз бичими 60x84 1/16.

Офсет босма. Офсет қоғози. Cambria гарнитураси.

Ҳисоб-нашриёт т. 12,5. Босма-шартли т. 13,02. Тиражи 500 нусха.

Келишилган нархда

ЎзР ФА “Фан” нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 49-буюртма.

100047, Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

“Toshkent tezkor bosmaxonasi” МЧЖда муқоваланди.

100200, Тошкент, Адҳам Раҳмат тор кўчаси, 10-уй.



ISBN 978-9943-19-357-4



9 789943 193574